O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

BUXORO
DAVLAT
1930 UNIVERSITETI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНТЕКСТИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

## РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

# МАТЕРИАЛЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ

# “ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНТЕКСТИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР”

**Республика илмий-амалий анжуман**

## МАТЕРИАЛЛАРИ

**2021 йил 28 май**

**БУХОРО**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-фармойиши асосида 2021 йил 28 май куни Бухоро давлат университетида **“Ижтимоий соҳани модернизациялаш контекстида педагогик таълим тараққиёти: муаммо ва истиқболлар”** мавзусида ўтказилмокда.

**Анжуманнинг мақсади -** мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим сифатини ошириш, педагогик таълим соҳасида илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Республикада ушбу соҳада эришилган илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш ҳисобланади.


**Тақризчилар:**

**М.Ҳ.Махмудов,** педагогика фанлари доктори, профессор

**М.Қуронов,** педагогика фанлари доктори, профессор

**Таҳрир ҳайъати:**

Ш.Ш.Олимов, Б.Р.Адизов, Г.Я.Гревцева, И.Е.Емельянова

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Педагогика кафедраси доценти

**Қ.Ф.Абдуллаев**

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**О.Х.Хамидов**
**БухДУ ректори, и.ф.д., профессор**

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди.

Ўзбекистон янгича муносабатлар йўлига кирди. У бугун янгиланмоқда, янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Мамлакат миқёсидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Энг муҳими, халқимиз бу ўзгаришларга гувоҳ бўлиб қўллаб-қувватламоқда, ислоҳотларда иштирок этаяпти.

Ушбу ислоҳотлар натижаси сифатида Президентимиз олий таълим тизимини буткул қайта кўриб чиқиш, хусусан, соҳада белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу масалалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган. Давлатимиз раҳбарининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 февралдаги ПҚ -4623-сонли қарорига мувофиқ Бухоро давлат университетининг педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Бухоро давлат университетининг Педагогика институти ташкил этилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 апрелдаги 188-сонли “Бухоро давлат университетининг Педагогика институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

Мазкур ёндашувларнинг моҳияти сўнгги йилларда умумий тарзда “модернизациялаш” тушунчаси ёрдамида ифодаланиб келинмоқда.

Ижтимоий модернизация жамиятнинг ижтимоий тизимдан очиқ фуқаролик жамиятига айланишини англатади. Ушбу турдаги модернизация негизида жамиятнинг ижтимоий қатламларида умумий ёки хусусий характердаги янгиланишлар содир бўлади. Жумладан, таълим соҳадаги янгиланишлар ҳам шулар жумласидандир.

Таълим тизимининг модернизацияси – жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши билан боғлиқ бўлади.

Мазкур модернизация шахсни ўқитиш ва тарбиялашга оид энг яхши анъаналарни сақлаб қолган ва бойитган ҳолда мажмуавий характер касб этиб, таълим тизимининг барча соҳаларини тўла қамраб олади ва жамиятда қарор топган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Таълим тизимининг модернизациялашда қуйидаги устувор вазифалар ҳал қилинади:

- ҳар бир шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан тенг ҳуқуқлилиги ва таълим олишнинг очиқлигини таъминлаш;
- узлуксиз таълим тизимида янги сифат кўрсаткичларига эришиш;
- янги таълим ресурсларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий- иқтисодий механизмларни шакллантириш;
- давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлаши негизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий мақоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш;

- таълим тизимининг давлат ва жамоатчилик бошқарувига асосланганлик тамойилига мувофиқ таълим жараёни иштирокчилари – талабалар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш.

Шу нуқтаи назардан бугун университетимизда ташкил этилаётган **“Ижтимоий соҳани модернизациялаш контекстида педагогик таълим тараққиёти: муаммо ва истиқболлар”** мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуманида ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим сифатини ошириш, педагогик таълим соҳасида илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Республикада ушбу соҳада эришилган илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш масалалари кенг муҳокама қилинаётганлиги диққатга сазовордир.

Барча илмий-амалий анжуман қатнашчиларини кутлаган ҳолда, конференция иштирокчилари ҳамда ташкилотчиларига омад тилайман!

# 1-ШЎЪБА. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА АНТРОПОЛОГИК АСОСЛАРИ

## ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

**Б.Р.Адизов**
**БухДУ педагогика кафедраси профессори, п.ф.д.**

Креативлик «турли вазиятларда таълим ва тарбияга оид масалалар юзасидан қарорларини қабул қилишда яққол намоён бўлади у педагогнинг ижодий фаоллигини тавсифлайди[1]» моҳиятига кўра ОТМ талабаларида креатив фикрлашга йўналтирилган сифатларни ривожлантириш улар томонидан педагогик, психологик ҳамда мутахассислик фанлари асосларидан тўла хабардор бўлиш, улар томонидан ўзлаштирилган билимларни амалиётда фаол қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобига кечади.

Бугунги кунда креатив мутахассисларни шакллантириш замонавий жамият таълим тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Қўйилган вазифага фақатгина креатив таълимни мақсадли ҳолда олиб бориш билан эришиш мумкин, бунда педагогик жараённинг ҳар бир иштирокчисига янги билимларни тушунтириш, яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга имкон беради.

Жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнларида мутахассисларнинг креатив фикрлашга тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, АҚШнинг Гарвард университетида ташкил этилган Career Services маркази томонидан иш берувчилар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра иштирокчиларнинг 74,8% қисми малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида креативлик ва ностандарт тафаккур тарзи билан боғлиқ сифатларни белгилаган. Сингапурдаги Нанъян технология университети Бизнес мактабида ҳам айнан шунга ўхшаш сўровнома натижасида 62,5% иш берувчилар битирувчининг креативлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритишган.

Таълим соҳасидаги нуфузли Халқаро экспертлар томонидан таълим тарбия жараёнига икки хил компетенцияларни уйғун жорий этиш таклиф этилмоқда. Булар: “Hard skills - (инглиз. “қаттиқ” малака) касбий компетенциялар ҳамда “Soft skills” - *(инглиз. “юмшоқ”, “мослашувчан” малака)* универсал (умумий) компетенциялар.

“Hard skills” - малака даражасини аниқлаш ва ўлчаш мумкин бўлган билимлар мажмуи сифатида *(матнни компьютерда териш малакаси, автомобилни бошқариш кўникмаси, инглиз тилида гапириш, математик билим, компьютер дастурларидан фойдаланиш кўникмаси),* “soft skills” аниқ ва умумий ўлчов бирлигига эга бўлмаган мослашувчан, эгилувчан малакалар *(креативлик, жамоада ишлаш кўникмаси, ҳиссий барқарорлик, масъулият, ташаббускорлик ва ҳок)* сифатида қайд этилмоқда.

“Hard skills” - “қаттиқ” малакага эга бўлиш учун муайян касб бўйича аниқ билим зарур бўлади ва бу кўникмаларнинг мавжудлиги имтиҳон ўтказиш орқали аниқланади.

“Soft skills” - “юмшоқ” компетенциялар *(ижодкорлик, мулоқотга киришиши лаёқати, жамоада ишлаш қобилияти, қатъиятлилик, танқидий фикрлаш ва ҳок.)* эса кўп ҳолларда инсон характери ва ҳаётий тажрибасига бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли шахсий фазилат, хислат, қобилият сифатида ҳам талқин этилади.

XXI асрга қадар таълим тизимида ёшларга асосан “hard skills” – “қаттиқ” малака даражасини беришга эътибор қаратиб келинди. Яъни, муайян касбни пухта эгаллаш, унинг сир-асрорларини тўлиқ ўзлаштириш – шахснинг етук мутахассис эканлигини белгиловчи асосий фактор сифатида қайд этилган.

XXI аср педагогикаси эса замонавий дунёда бу хислатларнинг етарли эмаслиги, эндиликда тафаккурни ривожлантириш, креатив макон, муҳит, креатив шахс, креатив маҳсулот яратишга бўлган эҳтиёж асосида иш тутиш лозимлигини уқтирмоқда.

Барча шахсларда бўлгани каби талабаларда ҳам креатив фикрлашга йўналтирилган сифатлар ўз-ўзидан ривожланмайди. Шунга кўра тадқиқотларда шахс (жумладан, талабалар)да креатив фикрлашга йўналтирилган сифатларни муваффақиятли ривожлантиришнинг бир қатор йўллари ёритилади. Патти Дрепеау томонидан ҳам шахс (жумладан, талабалар)да креативлик сифатларини муваффақиятли ривожлантиришнинг тўртта йўли кўрсатилган.

1-йўл: креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш.
2-йўл: креатив амалий креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.
3-йўл: креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш.
4-йўл: креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш[2].

“Креативлик юқумлилик хусусиятига эгадир; креатив бўлиш учун киши кўпроқ креатив инсонлар билан мулоқот қилиши ва ҳамиша изланишда бўлиши лозим. Ҳар қандай кўникмани шакллантириш мумкин бўлганидай, креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, таълимнинг асосий мақсади шахс ривожланишининг оптимал шартларидан иборат. Бунда талаба нафақат билим олиш балки берилган билимларни ўзлаштириб олиши учун ҳам ҳаракат қилиши керак. Шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ва инновацияларни яратишга йўналтириш, муаммо ва фаолият турларини таҳлил қилиш, муаммоларни мустақил тушуниш, имкониятларини ўз-ўзини ривожлантиришга сарфлаш кабиларни мақсад қилиб олингани айнан креатив фикрлашга бўлган эҳтиёжни талаб қилади.

Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида талабани креатив фирклашга йўналтирилган сифатларни шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Булар жумласига кейс стади, лойиҳавий таълим, виттаген, дизайн фикрлаш, синергетик таълим, скампер кабиларни киритиш мумкин. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талабаларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади. Шунинг учун креатив фикрлашни ривожлантириш учун машғулотларни интерфаол турларидан, креатив фикрлашни ривожлантириш методларидан ва ижодий таълим муҳитини яратиш учун сканпердан фойдаланиш лозим. Бундай муҳит қулай вазият, ҳар қандай ижодий маҳсулотни қабул қилиш, рағбатлантириш билан характерланади.

SCAMPER инглиз тилидан олинган бўлиб, «тез югуриш ёки «югуриб ўтиш» деган маънони билдиради. Аслида бу метод муаммонинг ечимига саволлар ёрдамида “югуриб ўтиш» ни талаб қилади. Ушбу креатив метод Роберт Эберл томонидан 1997 йил таълимга киритилган. Унинг асосий мақсади муаммога аниқ савол қўйиш, ҳар бир савол турига қараб жавоб топиш, яъни муаммони ижодкорона таҳлил қилиш, билимларни ўзлаштириш ва излаш, муаммонинг ечимига янгича ёндашишдан иборат.

**«SCAMPER»**– бу:
**S**— Substitute (алмаштириш).
**C**— Combine (бирлаштириш).
**A**— Adapt (мослаштириш).
**M**— Modify/Magnify (модификациялаш, катталаштириш).
**P**— Put to Other Uses (бошқача қўллаш тавсияси ёки бошқа соҳаларда қўллаш).
**E**— Eliminate (бартараф қилиш ёки минимумгача ўзгартириш, қисқартириш).
**R**— Rearrange/Reverse (тартибини ўзгартириш).

SCAMPER методи қўлланилишини қуйидаги намунада кўриб чиқамиз. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади ва уларга «Глобаллашув даврида видео маърузалардан фойдаланиш имкониятлари» мавзусидаги кейс тақдим этилади.

«Ҳозирги глобаллашув даврида интернет таромоғи орқали реал вақт тизимида ўқитиш тезлик билан ривожланиб бораётган таълим олиш турларидан бири ҳисобланмоқда. Масофавий таълим тизими ихтиёрий масофадан ҳеч бир тўсиқларсиз таълим бериш ва таълим олиш имкониятини яратади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, анъанавий таълим тизимига нисбатан реал вақт тизимидаги масофавий таълим тизимида ўқитиш самарадорлиги юқорироқдир[3] (Меанс, Тояма, Мерфи, Бакия ва Жонс, 2013).

Тюторлар осонлик билан ўқув материалларини, яъни визуал презентациялар (тақдимотлар) ва видео маърузаларни ўқувчига тармоқ орқали керакли форматда жўнатишлари мумкин. Бундан ташқари интернет тармоғи орқали реал вақт тизимида таълим олаётган талабага сайтга рўйхатга олингандан сўнг турли электрон кутубхоналар ва видео маърузаларга кириш имконияти берилади.

Кифуентес ва Лентс (2009) видео маърузаларнинг афзалликларини қуйидагича таърифлайди: «Анъанавий маърузаларга ўхшамаган ҳолда, талаба видео маърузани кўриб тинглаётганда, уни ҳоҳлаган жойида тўхтатиб, яна қайта эшитиб, тушунмаган материаллари бўйича бошқа материаллардан фойдаланган ҳолда яна маърузани давом эттириши мумкин[4]».

Бундан келиб чиққан ҳолда, видео маърузалар бир неча маротаба кўришга мўлжалланган. Анъанавий маърузаларда эса видео маърузалар маърузачининг рухсати билан кўрилади ва вақти албатта чегараланган.

Реал вақт тизимидаги масофавий ўқитиш тизимида видео маърузалардан фойдаланиш энг самарали ўқитиш усулидир. Мисол келтирадиган бўлсак, Ванг (2008) Тайванд давлатида 10 йил медицина соҳасида ўқиб, онлайнда ўқитилаётган тиббиёт бўйича видео маърузалар ёрдамида аҳоли орасида тиббий хизматни яхшиланганлигини айтади. Яна бир мисол, Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида жойлашган Чунг- Анг университетида ҳар бир фан бўйича онлайн электрон синфи (е- class) мавжуд. Фанга қатнашишга рўйхадан ўтган талаба «e-class» га ҳам кириш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу «e-class» да нафақат Microsoft Power Point дастурида қилинган презентациялар балки, видео маърузалар, уй вазифаси топшириқлари ҳам мавжуд. Дарсга маълум сабаб билан қанаша олмаган ёки дарсни яхши ўзлаштира олмаган талаба «e-class»га кириб видео маърузалардан фойдаланиши мумкин[5]». Юқорида тақдим этилган кейсни “SCAMPER» креатив усули ёрдамида ечадилар.

| **SCAMPER креатив таълим усули** | |
|---|---|
| **S**UBSTITUTE (АЛМАШТИРИШ) | анъанавий таълим билан алмаштиришимиз мумкин |
| **COMBINE (БИРЛАШТИРИШ)** | анъанавий ва электрон таълим бирлашуви |
| **A**DAPT(МОСЛАШТИРИШ) | анъанавий таълим тизимига нисбатан реал вақт тизимидаги масофавий таълим тизимида ўқитиш самарадорлиги юқорироқдир |
| **M**ODIFY/MAGNIFY (МОДИФИКАЦИЯ БОШҚА ТУРИ (ҲОЛАТИ)) | аралаш таълим (blended learning) дан фойдаланиб таълим жараёнини давом эттириш |
| **P**UT TO OTHER USES (БОШҚА СОҲАЛАРДА ҚЎЛЛАШ) | Ванг таъкидлашича медицина соҳасини видео маърузалардан фойдаланиб ўқитилаётгани аҳоли орасида тиббий хизматни яхшиланганлигини айтади |
| **E**LEMINATE (ҚИСҚАРТИРИШ) | талаба масофавий таълимда берилаётган видео маърузалардан фойдаланиб дарс машғулотларини ортиқча сарф ҳаражатсиз ўзлаштириши мумкин |
| **R**EARRANGE/REVERSE (ТАРТИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ) | агар талаба видео маърузалардан фойдаланиб ўқиш имконияти бўлмаса албатта анъанавий таълимда ўқиши мумкин |

Ушбу креатив усулни қўллаш натижасида талабалар берилган муаммонинг ечимини ижодий ёндашувлар асосида топишга ҳаракат киладилар, жумладан, муаммога йўналтирилган саволларни тўғри қўллай билиш, янги ғоялар яратиш, муаммонинг ечимини ижодкорона таҳлил қилиш ва асл ечимни топиш каби мақсадларга эришадилар.

«SCAMPER» методи етарлича оддий, лекин биринчи қарашда бошқача туюлиши мумкин. Шу нарсани тушуниб олиш керак-ки, бу метод шаблонни парчалашни, муаммолар ечимини топишнинг янги усулларини излаш ва мавжуд ечимлар ҳамда ғояларга асосланган янги фикрлар генерациясини шакллантиришни белгилайди. Аммо бу методни тўғри ва самарали ишлатиш учун тажриба керак, бўлмаса ундан маълум бир самара олиш мураккаб.

**Адабиётлар рўйхати**


1. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. –Т.:Низомий номидаги ТДПУ, 2008.-15-б
2. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 9
3. Means, B., Toyama, Y., Murphy, R., Bakia, M., & Jones, K. (2013). Evaluation of evidence-based practices in online learning: A meta-analysis and review of online learning studies. Washington, DC: Office of Planning, Evaluation, and Policy Development, U.S. Department of Education. Retrieved January 3, 2013 from http://www2.ed.gov/rschstat/eval/tech/evidence-based-practices/finalreport.pdf
4. Cifuentes, O. E., & Lents, N. H. (2009). Web-based learning enhancements: Video lectures through voice-over PowerPoint in a majors-level biology course. Journal of College Science Teaching, p.39, 38.
5. Позилова Ш.Х. Глобаллашув даврида видео маърузалар ёрдамида талабаларни таълим олиш имкониятлари, афзалликлари ва унинг таҳлили // Таълим технологиялари (ISBN 2181-0141). – Тошкент. 2015. – №6 (56). Б. 13– 16.

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ЎҚИТУВЧИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Ш.Ш.Олимов**
**БухДУ педагогика кафедраси мудири, п.ф.д., проф.**

Бугунги кескин рақобатчилик ва иқтисодий глобаллашув шароитида олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг тайёргарлик сифати, уларнинг салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш каби масалалар ўткир муаммога айланмоқда. Бунинг устига, мамлакатимиз таълим тизимида, хусусан олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг эришилган даражаси халқаро майдонда эътироф этилди, деган фикр-мулоҳазалар билан чегараланиб қолмасдан, унинг сифат жиҳатларини янада ошириш йўлида тўхтаб қолмаслигимиз, бу борадаги ишларимизни янада янги босқичга кўтаришимиз лозимдир.

Республикамизда таълим соҳасини айниқса, педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришга бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Президентимизнинг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 февралдаги ПҚ -4623-сонли қарорига мувофиқ олий педагогик таълим соҳасидагиислоҳотларнинг ривожланётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 апрелдаги 188-сонли “Бухоро давлат университетининг Педагогика институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида муҳим амалий иш бўлганлигини эътироф этиш зарур.

Мазкур масалалар бугунги кунда олий маълумотли кадрларга нисбатан меҳнат бозорида юзага келган вазият, халқаро глобаллашув жараёнлари кучайиши натижасида инновацион иқтисодиётни барпо этиш йўлида бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар натижасида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларини шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур” [1,45] – деб айтган фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бу узлуксиз таълим тизимида ва бутун ҳаёт давомида ҳар бир шахснинг ижодий ва танқидий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация ва масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтирди. Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, креатив усулларни қўллаш орқали таълим бериш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларини халқаро талаблар асосида янгилаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди [2,67].

Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида ахборот-коммуникация ва масофавий ўқитиш технологияларини ҳамда ўқитишнинг интерфаол методларини қўллашга шароитлар яратилди. Умуман олганда бугунги кунда узлуксиз таълим тизимини бошқариш, янги инновацион технологияларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Чунки, шу кунга қадар давом этиб келаётган Ян Амос Коменский томонидан таклиф этилган синф-дарс шаклининг аҳамият пасайиб бораётганлиги сезилмоқда. Синф-дарс шакли индивидуаллаштириш, креатив усуллар ва ижодий потенциални кучайтириш, шахсий қизиқишларни инобатга олишда ожизлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда анъанавий таълим шакллари билан биргаликда масофавий ўқитиш технологиялари кенг жорий этилаётганлиги аҳамиятлидир.

Олий таълим тизимини бошқариш жараёнида «Келажакнинг рақамли саноатини яратиш» - инсон капиталини ривожлантириш даражасини ошириш орқали мамлакатни рақамли трансформациясини ишга туширишни, таълимда тезкор суръатларда рақамли ўзгартиришни талаб қилади. Дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш долзарб

масала ҳисобланади. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва креатив қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин.

Олий таълим тизимида бошқарув тизимининг ривожланиб бориши, корпоратив бошқарув методларидан кенг фойдаланиш, моддий-техника базасини модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, масофавий таълимни жорий этиш, таълим муассасаларининг минтақавий ва халқаро миқёсда интеграциялашуви, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожлантирилиши, молиялаштириш манбаларининг кўпайиб бориши ҳамда таълим сифатини бошқаришга халқаро стандартлар талабларини жорий этиш тизимни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади [3,86].

Педагогик технологияга асосланган таълим жараёнида ўқитувчи ва талаба фаолияти доираси аниқ белгиланади, таълимни ташкил этишнинг аниқ технологияси кўрсатилади. Ушбу ишларнинг барчаси педагогик фаолиятда бажарилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасини таъминлашда эса олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик йўналишдаги фанларнинг зиммасига тушади. Шу маънода ўқитувчининг инновацион фаолиятга йўналтиришда илғор педагогик технологияларни амалда жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таълимда технологик ёндашув педагогик жараёнга фаол таъсир этувчи ва унинг самарадорлигини, бир бутунлигини ва муваффақиятини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. - Тошкент 2017. – 104 б.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
3. Олимов Ш.Ш., Ҳасанова З.Д. Педагогик технологияларни ўқув – тарбия жараёнига қўллаш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014. - 184 бет.


## УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ


**Н.У.Махкамова**

**ТДТУ доценти, педагогика фанлари номзоди**



**Анотация**: Ушбу мақолада узлуксиз маънавий тарбия жараёнида ўқитувчи махоратининг асосий йўналишлари, ижтимоий муносабатлари, унинг асосий вазифаларини ўқувчи ёшлар камолотидаги аҳамияти илмий педагогик жиҳатдан асосланган.

**Анотация**: В статье научно и педагогически обоснованы направления мастерства учителя в процессе напрерывного духовного воспитания, социальных отношений, важность его основных задач в развитии учащихся.

**Abstract**: In this article , the main directions of the teachers skill in the process of continuous spiritual education, social relations, the importance of its main tasks in the development of students are scientifically and pedagogically based.



**Калит сўзлар**: узлуксиз, маънавий, тарбия, ўқувчи, ўқитувчи, оила, ота-она, муносабат, одамийлик, меҳр-оқибат, аҳлоқ, келажак, хунармандчилик.

**Ключевые слова**: преемственность, духовность, воспитание, ученик, учитель, семья, родители, отношение, человечность, доброта, нравственность, будущее, мастерства.

**Key words:** continuity, spirituality, upbringing, student ,teacher, family, parents, attitude, humanity, kindness, morality, future, craftsmanship.


Ўқитувчи узлуксиз маънавий тарбия концепциясидаги амалга оширишда унинг чуқур ўрганиши, тўлақонли англаши, бевосита умумтаълим мактабларида тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг асосини ташкил этади.

Шу билан бирга узлуксиз маънавий тарбия концепцияси таълим муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш, таълим-тарбия жараёнларининг ташкил этишда замонавий технологиялардан фойдаланиш жиҳатларини англашга хизмат қилади.

Концепия - ижтимоий муносабатлар мазмуни, таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш учун имконият яратиши асосида шахс маънавиятини шакллантириш, унда энг олий инсоний сифатлар , аҳлоқий онг ва маънавий – аҳлоқий маданиятини тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни амалга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутади.

Концепция- шахс томонидан гўзалликнинг ҳис этилиши, унга интилиши, шунингдек, унда эстетик дидни тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга ҳизмат қилади. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ўқитувчи фаолияти, унинг педагогик маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Албатта, ушбу вазифаларни амалга оширишда ўқитувчиларнинг фаолияти муҳим ўрин тутади.

Жамиятда миллий тарбия анъаналари, қадриятларини тиклаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оилавий қадриятларга зид бўлган турли маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этишда узлуксиз таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ватан туйғусини шакллантириш, давлат рамзларига ҳурмат ҳиссини тарбиялашга қаратилган тадбирларни ўтказиш орқали мамлакатимизда амалга оширилётганислоҳотларни намунали лавҳалар, роликлар, маълумотлар асосида илмга бўлган интилишни кучайтиради. Бу ўринда узлуксиз таълим муассасаларида **«Ўзбекистон — менинг бахтим, менинг келажагим!»** мавзусидаги тадбирларни ўтказиш, ўқувчи-ёшларда жамиятда виждонан меҳнат қилиш, тадбиркорлик, касбий-маънавий кўникмаларни ўрганиш, инновацион тафаккур, ташаббускорлик, фидойилик фазилатларига эга бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, мустақил ҳаётда муваффақиятга эришиш кўникмаларини шакллантиради. Жамиятда ҳар бир йигит-қизнинг камида учта замонавий касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун етарли шароитлар яратилганлигидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ҳаётга тайёрлашга ўргатиш тадбирларини ташкил этиш, уларда меҳр-оқибат, одамийлик, ота-оналарга ҳурмат ва садоқат каби фазилатларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясига бўлган эътибор ва масъулиятни кучайтиришга қаратилган «**Оилада фарзанд тарбиясига эътибор», «Менинг фарзандим — Ватаним фахри!»** мавзуларида сухбатларда радио эшиттириш туркумини яратиш ўтказиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бунинг учун ўқитувчи ота-оналар билан ишлашда ҳалқ педагогикаси учун мўлжалланган алла, эртаклардан тўплам ҳолида аудио ва халқимизга хос юксак маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар қалбида миллий ахлоқий фазилатларни қарор топтириш мақсадида **«Бир болага етти қўшни — ота-она»** анъаналарини ривожлантириш жамоатчиликнинг тарбиявий масъулиятини оширишга қаратилган ижобий тажрибаларни оммалаштириш мақсадида **«Ёш ота-оналар махорати»,«Миллий тарбия мактаби»** рукнларини ташкил этиш ва бошқаришда ота-оналар, тарбиячиларга бола тарбияси борасидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни оширишга қаратилган илғор педагогик ва ахборот технологияларига асосланган ҳудудий ўқув-тренинглар, семинарлар, форумлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда илмий-педагогик жихатдан амалий ёрдам беришлари муҳим ҳисобланади

Ўқитувчи “Узлуксиз маънавий тарбия” концепцияси асосида болаларни маънавий тарбиялаш, уларда шахсий фазилатлар, жумладан, ўз туйғуларини бошқариш, миллий анъаналарга қизиқтириш, яқинларга ғамхўрлик қилиш каби эҳтиёжларни шакллантиришга қаратилган **«Бахтли бола маънавияти»** комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ташкилий-ҳуқуқий ишлар билан биргаликда ўзбек миллий эртаклари, афсонавий қаҳрамонлар, буюк боболаримиз, қадимий миллий меъморчилик обидалари, мамлакатимиз табиати, Ватан тимсоллари асосида безаш, жиҳозлаш тартибини ва кўргазмали намуналарини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга ошириш натижасида ўқувчиларда ижобий хулқ мотивларини шакллантиришда иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек эртаклари, маталлари, афсоналари, достонлари, мақоллари асосида ўқувчиларда мардлик, шижоат, миллий ғурур, қатъият, тадбиркорлик, орият, ибо, ҳаё, қаноат, меҳнатсеварлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган тадбирни ташкил этиш кабилар уларда ижодий фикрлаш, яратувчанлик қобилиятларини юзага чиқаришда ўз самарасини кўрсатади.

Ушбу жараёнда ўқитувчи дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг миллий тарбия борасидаги илғор ютуқларини ўрганиш, халқаро илмий алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш, халқаро конференцияларда иштирок этиш ўқувчилар учун маънавий ибрат тимсоли бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчи **«Беш муҳим ташаббус»** доирасида умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий тарбиянинг самарали ва таъсирчан машғулот ва тадбирлари билан бойитиши уларни тарбия жараёнига чуқур сингдириши, ўқувчиларга миллий тарбия асосларини тўлақонли тушунтириш, аждодларимизнинг тарбияга оид таълимотларини ёшларга етказишда буюк маърифатпарвар сиймолар меросини тарғиб этишга қаратилган **«Ўн икки ой — ўн икки аллома»**

китобхонлик ойликларини ўтказиш ўқувчиларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялайди.

Ўқитувчи таълим муассасаларидаги **«Камалак»** болалар ташкилоти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг маънавий фаоллиги ва ташаббускорлигини ривожлантиришда мактабдан ташқари таълим муассасалари,**«Баркамол авлод»** марказлари фаолияти мазмуни уларнинг келажакка ишончи, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилишни шахснинг устувор хусусияти сифатида мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган islоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга қаратилган маҳаллалар ва таълим муассасаларида жорий қилиш, узвийлигини таъминлаш орқали ёшларда оилавий бурч, оилада ўзаро ишонч, садоқат, меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш малакаларини шакллантириш, маънавий барқарорликни таъминлаш, ёш ота-оналарда фарзанд тарбияси учун масъуллик, оилани бошқариш, моддий фаровонликка эришиш учун зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб яқиндан ёрдам бериш амалиётда ўзининг самарасини кўрсатди. “Устоз-шогирд” анъаналарига асосланган ҳолда ўқувчи ёшларни миллий ҳунармандчилик, замонавий касб-ҳунар сирларини ўрганиш фаолиятини амалга оширади.

Ўқитувчи аждодларимизнинг бой маънавий меросини, ахлоқий фазилатлар мажмуи бўлган миллий тарбия анъаналари, воситалари, шаклларини ўрганиш мақсадида ўқувчилар билан мамлакатимиз ҳудудларига экспедицияларни ташкил этиши ижтимоий-гуманитар фанлар, маънавий-маърифий тадбирлар асосида ўқувчи-ёшларда маънавий тарбияга оид компетенциялар, билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Амалий машқларни, топшириқларни амалиётга жорий қилиш натижасида ёшларда маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик, давлат рамзларига ҳурмат, замонавий билимларга интилиш, медиа маданиятни ривожлантириш, тарбия борасидаги илғор педагогик тажрибалар самарадорлиги ривожланади.

Ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маданият марказлари, спорт мажмуалари, ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этиладиган тўгараклар фаолиятини **«Беш муҳим ташаббус»** асосида янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда узлуксиз таълим муассасалари мураббийлари, профессор-ўқитувчилари, маҳалла масъуллари, вазирлик ва идоралар, ишлаб чиқариш корхоналаридаги ёшлар узлуксиз маънавий тарбия тизими самарадорлигини ўрганиш, баҳолаш ва такомиллаштиришга оид тажрибалари ёшлар онги ва қалбида илмий, маънавий-ахлоқий, сиёсий, соғлом эътиқодини уйғун шакллантиришда самарадорликка эришишнинг асосий омиллари хисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикасининг 29 йиллиги байрамида Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 2020 йил 1 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” тантанали маросимдаги нутқи.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1059-сон Қарори “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” 2019 йил 31 декабрь.
4. Maxkamov, U. I., & Ismoilova, D. M. (2021). Umumiy oʻʻrta taʻʻlim maktablarida tarbiyaviy ishlarning shakllari va usullari. Academic research in educational sciences, 2(4), 380-386.
5. Ulfat, M., & Dilafruz, I. (2020). Тарбия-юксак маънавият бешиги. Academic research in educational sciences

## O‘QITISH JARAYONI YAXLIT TIZIM SIFATIDA.

**N.E.Azimova**
**BuxDU dotsenti**

Pedagogika fani ta’lim va tarbiya jarayonini ularning yaxlitligi va birligi asosida o’rganadi.

Ikki faoliyatning har birining mohiyatini aniq bayon etish uchun didaktika (ta’lim nazariyasi) va tarbiya nazariyasini ajratib ko’rsatadilar.

Hozirgi davrda didaktika o’qitishning mazmuni, metodlari va tashkiliy shakllarini ilmiy asoslab beruvchi pedagogika sohasi sifatida tushuniladi.

Umumiy didaktikadan tashqari xususiy didaktikalar yoki alohida fanlar bo’yicha ta’lim metodikasi deb ataluvchi didaktikalar ham mavjud.

Ularning mazmuni ta'limning ma'lum bosqichlarida u yoki bu fanlarni o'rganish va ta'lim berishning nazariy asoslarini belgilaydi. Har bir o'qituvchi didaktika asoslarini puxta bilishi va ularga tayangan holda faoliyatni tashkil etishi zarur.

Didaktika predmetini aniqlash bo'yicha turli qarashlar ilgari surilgan. Qarashlarning turlicha bo'lishi didaktikaning metodologik kategoriyalarini aniq ajratilmaganligi bilan bog'liq.

Ko'pchilik olimlar ta'lim obekti deb o'qitish jarayonining maqsadi, mazmuni, qonuniyatlari, metodlari va tamoyillarini ko'rsatadilar.

Didaktika ta'limni ijtimoiy tajriba berish vositasi sifatida e'tirof etadi. Ta'lim yordamida yoshlarni hayotga tayyorlash amalga oshiriladi. Ta'limiy faoliyatni tashkil etishda o'qituvchi — o'quvchi, o'quvchi — o'quv materiali, o'quvchi — boshqa o'quvchilar o'rtasidagi munosabatlar yuzaga keladi.

Pedagogik adabiyotlarda ulardan qaysi biri didaktika uchun asosiy hisoblanishi kerakligi borasida ham turli fikrlar keltiriladi hamda o'quvchining o'quv materialiga bo'lgan munosabati, ya'ni, bilimlarni o'rganish munosabatini asosiy deb e'tirof etuvchi qarashlar soni nisbatan ko'p.

Darhaqiqat, o'qish, o'rganish ta'lim jarayonining ajralmas xususiyatidir. Ta'limga psixologiya nuqtayi nazaridan yondashilsa, ushbu munosabatning ustuvorligiga shubha qolmaydi. Biroq, ta'limga pedagogik, ya'ni, ijtimoiy tajribani berish, o'igatish nuqtayi nazaridan qaralsa faoliyat uchun asosiy sanaluvchi munosabat — ikki shaxs (o'quvchi va o'qituvchi) o'rtasidagi munosabatlar etakchi o'rin egallashi lozim ekanligi anglanadi.

Didaktika predmetining mohiyatini ochishga xizmat qiluvchi yana bir qarash ta'lim-tarbiya jarayonini yaxlit o'rganish zarurligini ilgari suradi. Ta'limning tarbiyaviy vazifalari o'quvchining bilimni o'zlashtirishlarini ta'minlabgina qolmay, shaxs xususiyati, uning rivojlanishi, ma'lum ma'naviy-axloqiy sifatlarni o'zlashtirishi, fe'l-atvori, xulqini tarbiyalash uchun zarur shart-sharoitni yaratishdan iborat.

Didaktikaga ta'limning mazmunli va jarayonli jihatlarini birgalikda o'rganish xosdir. Amaliyotni qayta tashkil etish va takomillashtirish masalalarini nazarda tutgan holda didaktika ta'limni faqatgina o'rganish obvekti sifatidagina emas, balki ilmiy asoslangan loyihalashtirish obekti sifatida qaraydi.

Umumiy didaktikaning predmeti dars o'tish (o'qituvchi faoliyati) va bilim olish (o'quvchining o'rganish faoliyati)ning o'zaro bog'liqligi va aloqadorligi hjsoblanadi.

Didaktikaning vazifalari quyidagilardan iborat:

- ta'lim jarayonlari va ularni amalga oshirish shartlarini ta'riflash va tushuntirish;
- teplim jarayonini yanada mukammal tashkil etish, ya'ni, ta'lim tizimlari va texnologiyalarini ishlab chiqish;
- ta'lim jarayon uchun xos bo'lgan umumiy qonuniyatlarni aniqlash, omillarini tajilil qilish va ta'riflash.

Didaktika nazariy va bir vaqtning o'zida me`yoriy-amaliy fan. bidaktikaning ilmiv-nazariv vazifasi ta'limning mavjud jarayonlarini o'rganish, uning turli jihatlari o'rtasidagi bog'liqliklar, ularning mohiyatini ochib berish, rivojlanish tendensiyalari va kelajagini aniqlashdan iboratdir.

O'zlashtirilgan nazariy bilimlar ta'lim amaliyotini yo'naltirish, ta'limni jamiyat tomonidan qo'yilayotgan ijtimoiy talablarga muvofiq takomillashtirishga imkon beradi. Ta'lim mazmunini anglab olish, ta'lim tamoyillari, ta'lim metod va vositalarini qo'llash me`yorlarini aniqlash asosida didaktika amaliy-me'yoriy hamda tashkiliy-texnologik vazifani bajaradi.

3. Ta'lim jarayonining mohiyati. O'qitish va o'rganish jarayonlari tavsifi, o'quv jarayonida ularning o'zaro bog'liqligi.

Insonning faoliyatida o'qitish har doim juda muhim ahamiyatga ega bo'lgan. Ta'lim tasodifiy, intiutiv xususiyatga ega bo'lganda ham va asosan tasodifan axborotlarni berish hamda taqlid qilishdan iborat bo'lganda ham shunday bo'lgan; keyinchalik ham, ta'lim maqsadga muvofiq muntazam va rejalashtirilgan jarayonga aylanganda, maktab paydo bo'lganida ham shunday bo'lgan. Biroq uzoq vaqt davomida ta'limni nazariy tahlil qilish va o'rganish ishlari olib borilmadi, shuning uchun o'z nazariyasiga ega bo'lmadi. Faqatgina XVII asr bu sohada muhim o'zgarishlar olib keldi: aynan o'sha paytda ta'lim alohida nom oldi va tarixda birinchi didaktik faoliyatning ilmiy asoslangan tizimiga asos solindi.

Didaktika (ta'lim nazariyasi: yunoncha «didaktikos» «o'rgatuvchi», «didasko» esa — «o'rganuvchi» ma'nosini bildiradi) ta'limning nazariy jihatlari (ta'lim jarayonining mohiyati, tamoyillari, qonuniyatlari, o'qituvchi va o'quvchi faoliyati mazmuni, ta'lim maqsadi, shakl, metod, vositalari, natijasi, ta'lim jarayonini takomillashtirish yo'llari va hokazo muammolar)ni o'rganuvchi fan.

Bu tushunchani buyuk chex pedagogi Yan Amos Komenskiy (1592— 1670-yillar) «Buyuk didaktika» (1657-yil) nomli mashhur asarida tilga oladi. Lekin Komenskiy «didaktika bu faqat ta'limgina emas, balki tarbiyalash ham», deb ta'kidlaydi. Mazkur asarda olim ta'lim nazariyasining muhim

masalalari:pta’lim mazmuni, ta’limning ko’rgazmaliligi, ketma-ketligi kabi tamoyillari, sinf-dars tizimi borasida so’z yuritadi.

Didaktik nazariya (konsepsiya)lar va ularning falsafiy asoslari. Ta’lim jarayoni psixologik-pedagogik konsepsiyalar (ular aksariyat hollarda didaktik tizimlar ham deb ataladi) asosida tashkil etiladi.

Didaktik tizim (yunoncha «systema» — yaxlit qismlardan tashkil to’gan, birlashtirish) — ma’lum mezonlari asosida ta’lim jarayonining yaxlit holatini belgilash, ajratib ko’rsatish demakdir. U ta’limning maqsadi, tamoyillari, mazmuni, shakli, metod va vositalarining birligi asosida tashkil etilgan tuzilmalarning ichki yaxlitligini ifodalaydi. Tadqiqotchilar mavjud didaktik konsepsiya (tizim)larni umumlashtirib quyidagi guruhlarga ajratadilar:

1) an’anaviy;
2) progressiv;
3) zamonaviy.

Ta’lim nazariyasida Ya.A.Komenskiy, I.Pestallotsi va I.Gerbartlarning didaktik konsepsiyalari muhim ahamiyatga ega.

An’anaviy didaktik tizimning yaratilishi nemis faylasufi, psixolog va pedagog I.F.Gerbart (1776-1841 yillar) nomi bilan bog’liq. U Ya.A.Komenskiyning sinf-dars an’anaviy tizimini tanqidiy nuqtayi nazardan qayta asoslab, etika va psixologiyaning nazariy yutuqlariga tayangan holda ta’lim tizimini yaratdi.

I.F.Gerbart ta’lim tizimining asosiy belgisi quyidagilardan iborat: o’quvchilarning intellektual rivojlanishini ta’minlash maktabning asosiy vazifasi; bolani tarbiyalash esa oilaning vazifasidir.

Progressiv (pedosentrik) tizim bolaning bilim olishida faoliyatining asosiy rol o’ynashini e’tirof etadi. Mazkur tizim asosini D.Dyui tizimi, G.Kershteynning mehnat maktabi, V.Lay nazariyalari tashkil etadi.

Zamonaviy didaktik tizim. XX asming 50-yillarida psixolog va pedagog B.Skinner qismlarga bo’lingan axborotlarni etkazish, bu jarayonni muntazam nazorat qilish asosida materialni o’zlashtirishda samaradorlikka erishish g’oyasini ilgari suradi. Mazkur g’oya keyinchalik dasturiy ta’lim deb ataladi. Keyinchalik N.Krauder nazorat natijalariga qarab o’quvchiga mustaqil ishlash uchun turli materiallarni taklif etadigan tarmoqlashtirilgan dasturlami yaratdi.

D.Dyuining nazariy g’oyalari muammoli ta’limning asosi bo’lib qoldi. Bugungi kunda muammoli ta’lim deb nomlanuvchi, ushbu g’oya o’qituvchi rahbarligi ostida muammoli vaziyatni yaratish va ularni hal etishda o’quvchilarning faollik va mustaqilliklarini ta’minlashga erishishni nazarda tutadi. Muammoli ta’limning vazifasi fan o’rganish jarayonini rag’batlashtirish, o’quvchilarda fikrlash, tadqiqotchilik ko’nikmalarini shakllantirishdan iboratdir.

L.V.Zankovning (1901-1977 yillar) rivojlantiruvchi ta’lim konseptsiyasi XX asrning 50-yillarida keng tarqaldi. Uning g’oyalarini amalga oshirish ta’lim jarayoniga insonparvarlik g’oyasini singdirish, shaxsni barkamol rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishga imkon beradi.

Psixolog L.S.Vigotskiy (1896-1934 yillar) tomonidan 30-yillarda ilgari surilgan «Yaqin rivojlanish zonasi» g’oyasi ham muhim ahamiyatga ega. Unga ko’ra bola kattalar yordamida bilim olib, o’zi mustaqil bajara olmagan ishlarni bajara boshlaydi.

O’zbekiston Respublikasining «Ta’lim to’g’risida»gi Qonunida ta’lim va tarbiyani insonparvarlik, demokratik g’oyalarga muvofiq tashkil etilishi e’tirof etilgan.

Ta’limni insonparvarlashtirish ta’lim jarayonida o’quvchi shaxsini hurmat qilish, uning sha’ni, obro’si, qadr-qimmatini poymol etmaslik, mavjud iste’dodini rivojlantirishni nazarda tutadi. Demokratlashtirish esa pedagogik jarayonda rasmiyatchilikka yo’l qo’ymaslik, ta’lim dasturlarini tanlashda o’quvchilarning fikrlarini inobatga olishni ifodalaydi.

Respublika uzluksiz ta’lim tizimi ijtimoiy buyurtmani bajarishga xizmat qiladi, barkamol shaxs va etuk mutaxassisni tarbiyalash vazifasini bajaradi.

5. Didaktik jarayonning qonuniyatlari.

Pedagogika fanida didaktika o’qitish va ta’lim nazariyasi demakdir. Didaktika o’qitishning qonuniyatlarini o’rganib, u «nimani o’rgatish» va «qanday o’rgatish» degan savollarga javob beradi.

Barcha ta’lim muassasalarida o’qitish, avvalo, o’quvchilarning aqliy rivojlanishiga ta’sir ko’rsatadi. Shu sababli ham didaktika barkamol shaxsni rivojlantirishning ajralmas qismi bo’lgan aqliy tarbiya mohiyatini ochib beradi.

Didaktika hamma predmetlar uchun harakterli bo’lgan o’quv jarayonining umumiy qonuniyatlarini ochib beradi.

Bilim - insoniyatning umumlashtirilgan tajribasi.

Bilim - borliqdagi narsa va hodisalarni, tabiat va jamiyat qonunlarini anglab etish mahsulidir.

Didaktikaning bahs mavzusi o’qituvchi va o’quvchi faoliyatini, ularning vazifalarini, ular o’rtasidagi munosabatlarni o’quv jarayonining ishtirokchilari sifatida qarab chiqish hisoblanadi.

O’qitish jarayonining mohiyati bilish jarayonining qarama-qarshiligidadir.

O’qitish jarayoni deganda o’quvchilarni bilim, ko’nikma va malakalar bilan qurollantirishga, ularning rivojlanishi va tarbiyasiga qaratilgan umumiy maqsadni amalga oshirish uchun o’qituvchi va o’quvchilarnnng birgalikdagi murakkab mehnati jarayoni tushuniladi.

Didaktika pedagogikaning bir qismi sifatida - umumiy didaktika va metodika, xususiy didaktikaga ajratib o’rganiladi.

Umumiy didaktika murakkab nazariy va amaliy muammolarni hal etadi hamda o’qitish jarayonining qonuniyatlarini ochib beradi, ta’limning mazmunini belgilaydi, samarali o’qitish metodlari va ularni yo’lga qo’yish shakllarini ishlab chiqadi, hozirgi zamon texnika vositalaridan ta’lim jarayonida unumli foydalanish va boshqa masalalarni hal etishni maqsad qilib qo’yadi.

Turli ijtimoiy-iqtisodiy bosqichlarda o’qitishning vazifalari va xarakteriga nisbatan o’ziga xos qarashlar yuzaga kelgan. Bu esa mavjud jamiyatga xos bo’lgan mahlum o’quv jarayonining tiplari yuzaga kelishiga sabab bo’ldi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Azimova N. E. et al. Youth Is Moving Force of Civil Society //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
2. Азимова Н. Э. Технология духовно-нравственного воспитания преподавателя профессионального образования в процессе обучения //Молодой ученый. – 2011. – №. 5-2. – С. 117-118.
3. Азимова Н. Э. Роль профессионального педагога в подготовке гармонично развитой личности //Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2018. – №. 5-1.
4. Азимова Н. Э., Насимова З. И. К. Важные особенности человеческого образования в семье //Academy. – 2020. – №. 5 (56).
5. Азимова Н. Э., Элибоева Л. С. Некоторые аспекты повышения уровня экологической культуры //Наука, техника и образование. – 2019. – №. 1 (54).

# 2-ШЎЪБА. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ

## АКТУАЛЬНОСТЬ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННО-ЦИФРОВОЙ ГРАМОТНОСТИ КАК ФАКТОРА СОЦИАЛИЗАЦИИ СТУДЕНТОВ

**Г.Я. Гревцева,**
профессор кафедры педагогики и психологии Челябинского государственного института культуры, профессор, доктор педагогических наук (Челябинск, Россия), yakupovna@rambker.ru
**Т.Н.Моковая**
заместитель директора Научной библиотеки Челябинского государственного института культуры, Челябинск, Россия

**Аннотация:** В статье раскрывается актуальность проблемы развития информационно-цифровой грамотности как фактору социализации студентов вузов культуры, представлена нормативная база исследуемой проблемы, выделены основные направления исследований ученых, выделены ключевые понятия (цифровая, грамотность, информационная грамотность, социализация, киберпедагогика), методологические подходы (системный, информационный, герменевтический, деятельностный).

**Ключевые слова**: информационно-цифровая грамотность, информационная культура, цифровая среда, фактор, социализация, созидательная деятельность, социальный опыт, ценностные ориентиры

Resume*:* The article reveals the relevance of the problem of the development of information and digital literacy as a factor in the socialization of students of cultural universities, presents the regulatory framework of the problem under study, highlights the main areas of research of scientists, highlights key concepts (digital, literacy, information literacy, socialization, cyberpedagogy), methodological approaches (systemic, informational, hermeneutic, activity-based).

*Key words:* Information and digital literacy, information culture, digital environment, factor, socialization, creative activity, social experience, values

Мир переживает информационную революцию, которая модифицирует все сферы жизнедеятельности человека и сопровождается изменением социокультурной среды. Новые явления технократического мира вынуждают современников жить в условиях медийной избыточности и формировать определённый набор навыков, получивший название «цифровая грамотность». Современная система образования прошла активный этап компьютеризации и информатизации. Грамотное восприятие и обработка полученной информации позволяет более эффективно и продуктивно организовывать процесс обучения [1].

В нормативных документах [8; 9; 10; 11; 24; 26; 27], а также в «Стратегии развития информационного общества РФ на 2017 – 2030 годы» (2008) [21], в Федеральной государственной программе «Цифровая экономика Российской Федерации», утвержденная 28.07.2017 г.) отмечается необходимость подготовки специалистов к условиям профессиональной деятельности в информационном обществе, цифровой среде.

Стремительное распространение «цифровых» технологий делает цифровые навыки (компетенции) граждан ключевыми среди других навыков. Чтобы достичь определенного карьерного роста и профессиональных успехов будущий специалист должен обладать достаточно высоким уровнем информационно-цифровой грамотности как составляющей профессиональной культуры. Информационно-цифровая грамотность позволит обмениваться, оценивать, создавать информацию и получать доступ к ней с помощью цифровых устройств и сетевых технологий для участия в экономической и социальной жизни. Вопрос по переходу на дистанционные формы обучения стоит наиболее остро. Пандемия COVID-19 внесла существенные коррективы особенно по части ускорения этого перехода. Социализация личности происходит в условиях цифровизации жизненного пространства, появляется киберсреда со своими правилами и нормами коммуникации.

Информационно-цифровая грамотность (базовый набор знаний, навыков и установок, информации) позволит человеку эффективно решать профессиональные и социальные задачи в цифровой среде, во всех сферах жизни, обеспечит достижение необходимого уровня конкурентоспособности на рынке труда, более эффективной его адаптации в новых условиях, использование работниками новых цифровых возможностей, а значит, будет развитию общества и экономики в целом.

Анализ состояния научной разработки проблемы позволяет констатировать наличие большого количества работ по различным аспектам развития *информационно-цифровой грамотности.* По нашему мнению, анализируемые исследования можно выделить по направлениям:

*Первое направление* – работы, в которых рассматриваются различные теоретико-методологические подходы при формировании: информационной культуры (О.Ю. Вербина [4], Н.Н. Симченко [20] и др.); информационной компетенции (Н.С. Кольева [7] и др.); информационно-коммуникационной компетенции (Л.А. Леонтьева [13], Д.Г. Коваленко [6] и др.); информационно-компьютерной компетентности (К.В. Коробкова [11]. *Второе направление* связано со спецификой образовательного процесса. Е.И. Боброва [2], А.Е. Трофименко [24], Е.И. Махрова [17], Т.Г. Головко [5], И.А. Малинина [14] и др.), технологий (Л.В. Курзаева [12] и др.); информатизации, информационной среде (С.В. Буцык [3], Т.А. Матвеева [15], М.В. Махмутов [16] и др.). Ученые предлагают разные типы моделей: универсальная, процессная, иллюстративная, структурно-функциональная, структурно-содержательная, концептуальная, теоретико-прикладная, теоретическая. *Третье направление* имеет отношение к педагогическим условиям. Рассматривая процесс формирования информационной культуры, информационной компетентности как педагогического явления, большинство ученых (К.В. Коробкова [11], А.Е. Трофименко [24] и др.) выявляют условия, влияющие на результативность данного процесса. *Четвертое направление* – определение принципов, связанных с развитием информационной, информационно-коммуникационной культуры. Р.Д. Унайсарова [25], А.А. Шамшурина [28], Т.Е. Пахомова [18] и др. обращают внимание на принципы: культуросообразности, гуманизации, целеполагания, аксиологизации, персонификации, диалога, экстериоризации субъектного опыта, ситуативности, критической автономии, гуманистической направленности. *Пятое направление* – исследования, посвященные цифровой грамотности, цифровой культуре, цифровой среде (М. В. Махмутова [16], Т. Е.Тлегенова [23], И.Н. Теркулова [22].

Итак, в педагогике высшего образования накоплен определенный опыт формирования информационной культуры, информационно-психологической безопасности, цифровой культуры, информационно-компьютерной информационно-коммуникативной компетентности, информационно-аналитической компетентности и т.п. Однако проблема формирования информационно-цифровой грамотности пока исследована не в полной мере.

Анализ научных исследований позволяет нам определить актуальные для образовательного процесса вопросы: 1) понимание сущности понятий «информационная грамотность»; «цифровая грамотность», «технология дистанционного обучения»; «культура информационно-цифровой безопасности»» «информационно-цифровая грамотность студентов вузов культуры»; «информационно-цифровая компетенция студентов вуза»; «цифровая среда»; 2) теоретико-методологические аспекты формирования информационно-цифровой грамотности студентов вузов культуры; историография проблемы; 3) инновационные подходы к разработке содержания формирования информационно-цифровой грамотности студентов вузов культуры; 4) содержание учебных дисциплин, способствующих формированию формирования информационно-цифровой грамотности студентов вузов культуры; 5) формирование профессиональной мобильности, стрессоустойчивости, ответственности и др., обеспечивающих успешную социализацию личности в цифровой среде.

Рассматриваются также проблемы педагогического контроля информационной деятельности студента вуза в процессе профессиональной подготовки, формирования опыта творческой деятельности студента в дистанционном образовании, развития культуры информационно-психологической безопасности студентов вуза, философского осмысления трансформации информационной культуры в цифровую и т.д.

Тем не менее, в заявленных работах не рассматривается проблема формирования информационно-цифровой грамотности студентов вуза культуры (будущих хореографов, дирижеров, музыкантов, музееведов, библиотекарей и т.д.).

Обратимся к ключевым понятиям исследования:

– «цифровая грамотность – это умение понимать и использовать информацию, предоставленную во множестве разнообразных форматов и широкого круга источников с помощью компьютеров» (П.Гилстер);

– «информационная грамотность – интегральная характеристика, отражающая готовность к активному участию в социально-культурной деятельности, продуктивной социализации и

достижению поставленной цели с помощью современных информационных и коммуникационных технологий [С.В. Белов];

– цифровая среда – это искусственная среда, являющаяся непрерывной последовательностью компьютерных и сетевых технологий, организующая отношения между объектами физического мира посредством передачи программ в виде сигналов по сетям и телекоммуникационным каналам [22, с.10];

– социализация – процесс формирования личности человека, его социальной позиции и мировоззрения на основе воздействия на человека всей системы обучения и воспитания, включая средства массовой информации, семью, трудовые объединения школьников» [А. Ф. Амиров, 2, с. 27].

– киберпедагогика – инновационная отрасль психолого-педагогической мысли, научно обосновывающая специально организованную целенаправленную и систематическую деятельность по кибервоспитанию, киберобучению и кибероразованию современного человека в процессе его киберсоциализации средствами современных информационно-коммуникационных технологий [19, с.18].

Анализ научных работ позволил нам прийти к следующим *выводам:* информационно-цифровая грамотность – комплекс субъективных качеств личности; необходимо обучать не только критическому анализу информационных потоков, но и экологичному взаимодействию в Сети, в цифровой образовательной среде; информационно-цифровая грамотность проявляется в деятельности людей; процесс развития информационно-цифровой грамотности зависит от психолого-педагогических, организационных условий.

Необходимо комплексное использование *системного* подхода (В.Г. Афанасьев, В.И. Загвязинский, М. С. Каган, В.В. Краевский и др.), обеспечивающего целостность изучения природы развития информационно-цифровой грамотности студентов вузов культуры; *информационного* подхода (В.Г. Афанасьев, Ю.М. Горский, А.П. Сухановым, А.Д. Урсул и др. ), позволяющего рассмотреть особенности циркуляции информации и описать их на языке теории информации, оценить степень информационной насыщенности процесса, охарактеризовать механизмы получения, передачи, распознавания, преобразования и хранения информации, значимой для достижения запланированных результатов; *герменевтического* подхода (В. Дильтей, А.Ф. Закирова, В.Г. Кузнецов, Л. М. Лузина, П. Рикер и др.), предполагающего обращение к ценностно-смысловым аспектам педагогических феноменов и интерпретацию исследуемых явлений с целью выявления социально-воспитательных эффектов и принципов реализации цифровой среды как педагогического условия позитивной социализации; *деятельностного* подхода (Л. С. Выготский, В. В. Давыдов, Н. В. Кузьмина, А. Н. Леонтьева и др.) в соответствии с которым определяются механизмы развития качеств (ответственность, мобильность, стрессоустойчивость, самостоятельность и т.д.) как условия интеллектуальной, эмоциональной, мотивационной сфер личности, обеспечивающих успешность социализации в цифровой образовательной среде.

В результате разработки и реализации технологии развития информационно-цифровой грамотности студентов вузов культуры ожидается переход студентов на более высокий уровень информационно-цифровой грамотности студентов, обеспечивающий успешную социализацию в социокультурной среде.

Реализация технологии позволит выявить плюсы и минусы образовательной деятельности в условиях вынужденного перехода на обучение с использованием дистанционных технологий, проанализировать отношение студентов и преподавателей на новый формат учебно-воспитательного процесса.

Информационно-цифровая грамотность позволит современному специалисту успешно функционировать в информационном (цифровом) обществе.

**Литература:**

1. Акимова О.Б. Цифровая трансформация образования: своевременность учебно-познавательной самостоятельности обучающихся / О.Б. Акимова, М.Д. Щербин // Инновационные проекты и программы в образовании. – 2018. – №1. – С. 27–34.

2. Боброва, Е. И. Информационно-коммуникационные технологии в деятельности библиотеки вуза: дис. … канд. пед. наук / Е. И. Боброва.– Кемерово, 2007. – 251 с.

3. Буцык, С. В. Информатизация вузов культуры и искусств: анализ текущего состояния [Текст]: монография / С. В. Буцык; Челяб. гос. акад. культуры и искусств. – Челябинск, 2009. – 131 с.

4. Вербина, О. Ю. Формирование информационной культуры как компонента я-концепции подростка в учреждениях дополнительного образования детей [Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / О. Ю. Вербина. – 2010. – 25 с.

5. Головко, Т. Г. Развитие информационной компетентности педагога в процессе повышения квалификации [Текст] / Т. Г. Головко. – Ростов-на-Дону. – 2006. – 26 с.

6. Коваленко, Д. Г. Формирование информационно-коммуникативной культуры молодежи в системе высшего образования[Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / Д. Г. Коваленко. – Москва, 2012.

7. Кольева, Н. С. Развитие информационной компетенции подростков в социокультурном пространстве дополнительного образования [Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / Н. С. Кольева. – Челябинск, 2013. – 22 с.

8. Концепция долгосрочного социально–экономического развития Российской Федерации на период до 2020 года: распоряжение Прав-ва РФ от 17.11.2008 № 1662 – [Электронный ресурс]. – Режим доступа:http://www.consultant.ru/ (дата обращения: 07. 02. 2014).

9. Концепция информатизации сферы образования Российской Федерации[Текст]. – Москва: Минобразование РФ, 1998. – 64 с.

10. Концепция создания и развития единой системы дистанционного образования в России» [Электронный ресурс]: постановление Гос. ком. РФ по высш. обр. от 31. 05. 1995 № 6. – Режим доступа: http://de.unicor.ru/science/groundwork/concept.html (дата обращения:

11. Коробкова, К. В. Формирование информационно-компьютерной компетентности будущих учителей в процессе профессиональной подготовки [Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / К. В. Коробкова. – Магнитогорск, 2006. – 19 с.

12. Курзаева, Л.В. Развитие конкурентоспособности будущих специалистов по информационным технологиям в процессе профессиональной подготовки в вузе [Текст]: автореф. … дисс. канд. пед. наук. / Л. В. Курзаева. – Магнитогорск, 2009. – 23 с.

13. Леонтьева, Л. А. Преемственность в формировании информационно-коммуникационной компетенции у школьников и студентов вуза[Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / Л. А. Леонтьева. – 2011.– 25с.

14. Малинина, И. А. Информационно-методическое обеспечение дистанционного обучения студентов-менеджеров [Текст]: автореф. канд. … пед. наук / И. А. Малинина; ВГИПА. – Н. Новгород. – 2005. – 23 с.

15. Матвеева, Т. А. Формирование профессиональной компетентности студентов технического вуза в условиях информатизации образования [Текст]: дис. … д-ра пед. наук / Т. А. Матвеева. – Екатеринбург, 2008. – 436 с.

16. Махмутова, М. В. Формирование образовательной информационной среды подготовки ИТ-специалиста с использованием дистанционного обучения [Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук /М. В. Махмутова . – Магнитогорск, 2008. – 23 с.

17. Махрова, Е. И. Формирование информационно-правовой компетентности студентов университета средствами интернет-ресурсов[Текст]: дис. … канд. пед. наук / Е.И. Махрова. – Уфа, 2014. – 179 с.

18. Пахомова Т.Е. Формирование ИКТ-компетентности студентов педагогического колледжа с учетом междисциплинарной интеграции в условиях цифровизации образования: дис. … канд. пед. наук. – Чита, 2020. – 250 с.

19. Плешаков, В.А. Киберсоциализация: социальное развитие и социальное воспитание современного человека // Вестник Костромского государственного университета. Серия: Педагогика. Психология. Социокинетика. – 2010. – №2. – С. 15-18.

20. Симченко, Н. Н. Формирование информационной культуры старшеклассника в компьютерной среде школы [Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / Н. Н. Симченко. – Оренбург, 2008. – 23 с.

21. Стратегия развития информационного общества в Российской федерации [Электронный ресурс]: утверждена приказом N Пр-212 Президента РФ 7 февраля 2008 г. – Режим доступа: http://www.rg.ru/2008/02/16/informacia-strategia-dok.html.(дата обращения: 17. 10. 2013).

22. Теркулова, И.Н. Цифровая среда как педагогическое условие позитивной социализации обучающихся во франкоговорящих странах (Франция, Канада): автореф. дис. … канд. пед. наук. – Москва, 2019. – 27 с.

23.Тлегенова, Т. Е. Формирование опыта творческой деятельности студента в дистанционном образовании [Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / Т. Е. Тлегенова. – Оренбург, 2012. – 24 с.

24.Трофименко, А. Е. Развитие информационно-аналитической компетенции студентов в вузе[Текст]: автореф. дис. … канд. пед. наук / А. Е. Трофименко. – Челябинск, 2012. – 24 с.

25.Унайсарова, Р. Д. Формирование информационной культуры будущих инженеров в процессе профессиональной подготовки в вузе [Текст]:автореф. дис. … канд. пед. наук / Р. Д. Унайсарова. – Магнитогорск, 2010. – 24 с.

26.Федеральный закон Российской Федерации от 27.07. 2006 № 149-ФЗ «Об информации, информационных технологиях и защите информации» [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_61798/(дата обращения: 12. 02. 2013).

27.Федеральный закон Российской Федерации от 29 декабря 2012 г. N 273-ФЗ "Об образовании в Российской Федерации" [Электронный ресурс]. – Режим доступа : http://www.rg.ru/2012/12/30/obrazovanie-dok.html. (дата обращения: 12. 03. 2013).

28.Шамшурина, А. А. Формирование информационно-коммуникационной компетентности будущего учителя [Текст]: дис. ... канд. пед. наук / А.А. Шамшурина. – Челябинск: Челяб. гос. пед. ун-т, 2011. – 193 с.

## THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGY "PORTFOLIO" IN OBJECTIVE ASSESSMENT

**Sh.Y.Samiyeva, L.R.Djuraeva**
**Bukhara State University (Uzbekistan)**

**Abstract:** This article discusses the importance of portfolio technology in objective assessment of students' knowledge, skills and abilities in modern innovative education.

**Keywords:** innovative activity, innovative education, portfolio technology, objective assessment, creative approach, critical thinking.

In recent years, there has been a growing need in modern innovative education to improve the professional content of teachers and students, as well as to adequately and objectively assess the quality of both types of activities on the basis of certain indicators. The portfolio provides an opportunity to indirectly evaluate the work of the teacher and the student, to analyze the quality and effectiveness. So what is a portfolio? A portfolio is a compilation of materials that exemplifies your beliefs, skills, qualifications, education, training and experiences or "portfolio", "bag of documents"-a collection of autobiographical documents. Doctor of pedagogical science Sh.Sh. Olimov describes the educational portfolio as follows: It is a set of documents consisting of a set of independent work of the student during and after the lesson. This collection is an individual folder that provides detailed information about the personality of the teacher or student, the types of activities, achievements. A number of advantages of student portfolio technology are that from time to time, the expiration of the specified period or the work in general for a specific section, program, section, or project, the student can present his or her “portfolio” for presentation in the classroom, group, parents, meetings, and conferences. The most important thing is that his efforts to show that he has deepened his knowledge of science, and that the evaluation of his work is consistent with his own assessment. Teachers, parents and group mates who study with her can take part in evaluating the work in her "portfolio". It is important that the owner of the "portfolio" analyzes whether the assessment of his work is correct or incorrect, and leads him to a positive change in communication, behavior, rather than assimilation for his future knowledge and creative activity.

An example would be a Portfolio on English. The structure of the "Portfolio" is as follows:

- title page student, subject, date of compilation and completion, teacher's last name, content;
- list of homework, lectures (topics) included in it;
- written, independent work;
- tests;
- use of information technology;
- projects implemented in the group;
- Reviewers, parents' assessment.

In the work book B1 (notebook for exercises and assignments) of college and academic lyceum students of B 1 level on English language, portfolio assignments are given on each topic section. As an example we will discuss "Job etiquette", the first question is how many new words did you learn from this lesson? The students should write as many new words as they have learned on the subject. Secondly they

have to write 10 job etiquette rules that must be followed in the work place. This kind of activity helps to encourage each student to think creatively, critically and independently, to show their creative abilities. For example:

1. Never be late.
2. Dress appropriately.
3. Respect your colleagues.
4. Avoid gossiping.
5. Knock before entering etc…

The final task is to write a short essay of 50-60 words on the topic "My dream job", in which the student is free to create based on what he has learned .Such tasks help the student to be responsible and enterprising, to respect others, to follow the work culture, to love and develop his profession, to be a "master of his profession" and to follow (LLL-lifelong learning) rule during his life. The student can also decorate the "Portfolio" in any design, use a variety of thematic images, which serve to improve the taste, the pursuit of beauty, creative approach to the task, in short, to improve an esthetic education.

In general, the portfolio reflects the maximum achievements of each teacher or student, their creative potential, interests and abilities. The portfolio is a unique advertisement for the teacher or student.

**List of used literature:**

1. F. Rashidova"English B1" workbook; Tashkent "Uzbekistan" -2015
2. Sh.Sh.Olimov, Z.D. Hasanova "Application of pedagogical technologies in the educational process" - T.: "Science and Technology" Publishing House-2014; p.119)
3. Z. F. Sharopova .,"Educational technologies" T.: "NAVRUZ" Publishing House -2019 p.241)

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Ш.Х.Самиева,**
**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,**
**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Республикамизда олий таълим соҳасида олиб борилаётган изчил сиёсат натижасидаги ривожланиш ўқитишнинг янги шаклларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу сабабли, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали масофавий таълим тизимини юқори сифат даражасида ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир мамлакатнинг дунёдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий мавқеини, унинг иқтисодий ўсишда асосий омили бўлиб бораётган интеллектуал бойлиги таъминламоқда.

Ҳозирги кунда Республикамизда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг таълим жараёнига кириб келиши янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш таълимининг яратилишига омил бўлди. Бу эса ўз навбатида олий таълимда янгича тизим ташкил қилинишига асос яратади. Масофавий таълим тизимида педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ёрдамида ўқитишнинг инновацион шакллари, янги ўқитиш курслари, онлайн конференциялар, вебинарлар ўтказишни амалга ошириш ҳамда масофавий ўқитиш тизимини (Интернет, Кейс, ТВ – технологиялар ва ҳ.к.) ўзлаштирган бўлишини тақозо этмоқда.

Олий таълим муассасасини бошқаришни автоматлаштириш, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури"нинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги даврда дунёдаги ривожланган мамлакатлар таълим муассасаларида масофавий усулда таълим беришнинг турли моделлари қўлланиб келинмоқда.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради. Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат

ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» талабалари билан мулоқотда бўлади.

Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради.

**Масофавий ўқитиш** – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

**Масофавий ўқиш** – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуаидир.

**Масофавий ўқитиш тизими** – масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).
- Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.
- Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.
- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;
- таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;
- таълимда қўлланиладиган анъаналари;
- масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим элементларини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Дарҳақиқат, масофавий таълим тизими орқали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, таълимнинг турли интерактив шаклларини бир-бирига яқинлаштиришга эришиш мумкин. Бугунги кунда хорижда масофавий таълим орқали уйдан туриб билим олиш, олий таълим томонидан тайёрланган видео дарслардан фойдаланиш, шунингдек бир вақтнинг ўзида қўшимча тарзда таълимнинг барча йўналишларида билим олиш ва шахсий қизиқишлари бўйича салоҳиятини ошириш тажрибаси кенг татбиқ қилинмоқда. Олий таълимда жорий қилинаётган ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси ҳам келажакда бу каби имкониятлардан фойдаланишга хизмат қилади.

Юқоридагиларни хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, масофавий таълим моделларини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама ижобий самара беради. Республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида ушбу тизимни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, замонавий компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари билан яхши таъминланган бўлиб, улар асосида амалга оширилаётган онлайн видеодарслар, видеоконференциялар, вебинарлар талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда катта ҳисса қўшади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. «Методические рекомендации по созданию курса дистанционного обучения через Интернет» В.Канаво.
2. А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2008, 196 б.
3. Абдукадиров А.А. Масофали укитиш назарияси ва амалиёти. монография / А. А. Абдукадиров, А. Х. Пардаев; ред. М. Содикова. - Т. Узбекистон республикаси фанлар Академияси " ФАН , 2009. - 145 с
4. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2009.145 б.


# MODULLI TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH ORQALI TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH SHARTLARI


**M.R.Baxramova**

**BuxDU 2-bosqich magistranti**



**Annotatsiya:** Maqolada modulli ta'lim texnologiyasing mazmun-mohiyati uni ta'lim tarbiya sohasida qo'llash, talabalarda nazariy bilimlarni amaliyotga tadqiq etish, mustaqil fikrlash: tahlil qilish qobiliyatlari rivojlantirish, o'z bilim va qobiliyatlarini baholay olish, xato va kamchiliklarini anglash hamda ularni tuzatish ko'nikmalarini shakllantiradi.



**Kalit so'zlar:** Modul, ta'lim texnologiyasi, uzluksiz ta'lim, individuallashtirish, ta'lim sifati, kommunikatsiya


O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risidagi Qonun" da ta'lim tizimdagi hozirgi tub islohotlarning hozirgi kundagi dolzarb muammolari chuqur bilimli, raqobatdosh mutaxassislarni tayyorlashni ta'minlash bilim sifatini obektiv baholash maqsadida, yangi zamonaviy pedagogik texnalogiyalarni kiritish ularni amaliyotda tadbiq etishni ta'minlashdan iboratdir.

Modulli o'qitish, kasbiy ta'limning quyidagi zamonaviy masalalarini har tomonlama yechish imkoniyatlarini yaratadi:[1][16]

- modul - faoliyatlik asosida o'qitish mazmunini optimallash va tizimlash dasturlarni o'zgaruvchanligi, moslashuvchanligini ta'minlaydi;
- o'qitishni individuallashtirish;
- amaliy faoliyatga o'rgatish va kuzatiladigan xarakterlarni baholash darajasida o'qitish samaradorligini nazorat qilish;
- kasbiy motivatsiya (qiziqtirish) asosida, o'qitish jarayonini faollashtirish, mustaqillik va o'qitish imkoniyatlarini to'la ro'yobga chiqarish.

Modulli o'qitishning xozirgi zamon nazariyasi va amaliyotida ikki xil yondashuvni ajratib ko'rsatish mumkin: fan bo'yicha faoliyat yondashuvi va tizimli faoliyat yondashuvi.

Bu yondashuvlar doirasida modul asosida mutaxassislar tayyorlashning bir qator konseptsiyalari ishlab chiqilgan. Barcha konseptsiyalar zamirida faoliyat yondashuvi yotadi va bu nuqtai nazardan, o'qitish jarayoni to'laligicha yoki muayyan fan doirasida, modulli ta'lim dasturi mazmuniga muvofiq kasbiy faoliyat elementlarini o'quvchi tomonidan ketma-ket o'zlashtirishga yo'naltirilgan bo'ladi. Turli konseptsiyalar doirasida, modulli ta'lim dasturlari, turli xil tarkib va tarkibiy tuzilmalardan iborat bo'ladi, turli shakldagi xujjatlarda taqdim etiladi, ammo ularning barchasi quyidagi uchta asosiy tarkibiy qismni majburiy ravishda o'z ichiga oladi:

- maqsadli mazmuniy dastur;
- turli ko'rinishlarga taqdim etilgan axborotlar banki

---

[1]Selevko S. "Sovremennoe obrazovatelnoe texnologii" M Izd "Narodnoe obrazovanoe", 1998.

- o’quvchilar uchun uslubiy ko’rsatmalar.

Shunday qilib, modulli o’qitish o’quv jarayonini tashkil etish shakli bo’lib, unda o’qitish o’quv materialining mantiqan tugallangan birliklari modullarni bosqichlar va qadamlar bo’yicha o’zlashtirishni anglatadi. Modul amaliy va laboratoriya mashg’ulotlari ma’ruzalar bilan birga tuzilishi, ularni ma’ruzalar mazmunini o’rganiladigan yangi material bilan to’ldirilishi kerak.

O’qitishning modul tizimi mazmunidan uning quyidagi afzalliklari aniqlandi:

- fanlar va modullar bo’yicha o’qitish uzluksizligining tahminlanishi;
- modullararo metodik jihatdan asoslangan muvofiqlik o’rnatilishi;
- fanning modulli tuzilishi tarkibining moslashuvchanligi;
- talabalarning qobiliyatiga ko’ra tabaqalanishi (dastlabki modullardan so’ng, o’qituvchi ayrim talabalarga fanni individuallashtirishni tavsiya etishi mumkin);
-axborotni «siqib» berish natijasida o’qitishni jadallashtirish, auditoriya soatlaridan samarali foydalanish va o’quv vaqti tarkibini, ma’ruzaviy, amaliy (tajribaviy) mashg’ulotlar, individual hamda mustaqil ishlar uchun ajratilgan soatlarni optimallashtirish. Buning natijasida, talaba yetarli bilim va ko’nikmalarga ega bo’ladi. Samarali o’qitishning hozirgi davrida keng tarqalayotgan usullaridan biri “O’qitishning modulli tizimi” hisoblanadi.

O’qitishning modulli tizimi hozirgi vaqtda oliy va o’rta maxsus o’quv yurtlarida keng qo’llanilmoqda. Bunda mutaxassis tayyorlashdagi o’quv rejani chuqur taxlil qilish asosida o’zaro bog’liq fanlar guruhi aniqlanadi, ya’ni umumiy o’quv rejasi alohida modullar (mutaxassislikga oid fanlar) to’plami sifatida qaraladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati**


1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 20-apreldagi «Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-2909-sonli qarori
2. Olimov Q.T., Avliyoqulov N., Rustamov R. M. Kasbiy fanlarni o’qitishning modul tizimi // Kasb- hunar ta'limi. - 2003 yil. –№2. –18 b.
3. Селевко Г.К. Современние образователние технологии.-М.: Народное образование, 1998. – 256 b.


## O’ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA UZLUKSIZ TA’LIM TIZIMI TARAQQIYOTINING PEDAGOGIK OMILLARI


**O’.U.Qurbonova**

**BuxDU Pedagogika kafedrasi katta o`qituvchisi**



O’zbekistonda mustaqillik yillarida uzluksiz ta’lim tizimi taraqqiyotining ayrim jihatlari yoritib beriladi. Xorijiy mamlakatlar ta’lim tizimi qiyosiy tahlil qilinadi.



**Kalit so’zlar:** uzluksiz ta’lim, xalqaro standart, ta’lim usullari, inkluziv ta’lim.

**Ключевые слова:** непрерывное образование, международный стандарт, методика обучения, инклюзивное образование.


O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-2909-conli qarori oliy ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish, mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish borasidagi ustuvor vazifalarga mos holda, kadrlar tayyorlashning ma’no-mazmunini tubdan qayta ko’rib chiqish, xalqaro standartlar darajasida oliy malakali mutaxassislar tayyorlash uchun zarur sharoitlar yaratish maqsadida qabul qilingan[3].

Mustaqillik yillarida iqtisodiyotning, ijtimoiy hayotning real talablaridan kelib chiqqan holda, yurtimizda oliy ta’lim tizimini modernizatsiya qilish, unga o’qitishning zamonaviy shakl va texnologiyalarini joriy etish, mutaxassislar tayyorlash bo’yicha ixtisoslik yo’nalishlarini takomillashtirish borasida katta ishlar qilindi [11].

Bugungi kunda O’zbekiston ko’p asrlik juda boy pedagogik tajribaga ega bo’lib ta'lim-tarbiya jarayonida ma'lum an'analar shakllangan. Ushbu tajriba puxta tahlil va tizimli pedagogik usullarni ishlab chiqishni talab etadi, chunki bozor iqtisodiyoti hozirda maktab bitiruvchilariga nafaqat jamiyatda o'z o’rnini belgilashga, O’zbekistonni global ta'lim muhitiga muvaffaqiyatli integratsiya qilish, yangicha o'quv uslublarini izlash talabini qo’yadi [6].

O’zbekistonda ta'lim "shaxsga yo’naltirilgan ta’lim" ga asoslangan ilg'or yo'nalishlardan biri sifatida tasniflanadi. Ushbu tajriba empirik va nazariy ma'lumotlarga ega bo'lish, ularni o'rganish va puxta tahlil qilish, pirovardida, mamlakatimizda ta'limni rivojlantirish bo'yicha qaror qabul qilishga, ushbu

sohadagi ilmiy faoliyatni tartibga solishga imkon beradi [12]. Albatta, boshqa mamlakatlar ta’limiy qadriyatlarini, pedagogik tajribasini O’zbekiston ta'lim tizimiga to'liq tatbiq etish imkoni yo’q. Har bir millatning o'z mentaliteti mavjud bo'lib, u umumiy ta'lim tizimiga bevosita ta'sir qiladi, ta'lim sohasidagi integratsiyaning global tendensiyalari tufayli bunday tadqiqotlar turli millatlarning bir-birini yanada yaxshiroq tushunishiga yordam beradi [10]. Mamlakatlardagi ijtimoiy-iqtisodiy tendensiyalarning aksariyati umumiy, global xarakterga ega va dunyodagi ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar yoshlar ongiga bevosita ta'sir qiladi.

Zamonaviy pedagogik tushunchalar qanday paydo bo'lganligini tushunish uchun O’zbekistonning pedagogik tajribasiga murojaat qilish kerak. Hatto o'tgan asrda ham o'qituvchilar va olimlarning qarashlarida o'qitishda insonning individual xususiyatlarini hisobga olish kerakligi haqida fikr yuritilgan. Demak, "shaxsga yo’naltirilgan pedagogika" asoschilaridan biri Ugo Gaudig (1860-1923) tarbiyalashda, avvalo, insoniyat madaniyatini o'zlashtirish jarayonida faol bilim va mehnat faoliyati orqali erkin shaxsni shakllantirishga e'tibor berish kerak, degan fikrni ilgari surdi [13]. Ushbu g'oya asosida ma'lum bir didaktik tizim ishlab chiqildi, unga ko'ra bilimlar "erkin usulda", ya'ni o'qituvchining yordamisiz o’zlashtiriladi.

Shuni ta'kidlash mumkinki, ma'lum bir tarixiy bosqichda jahonning barcha mamlakatlarida, pedagogik sohada umumiy qonuniyatlar mavjud edi. Ishlab chiqarishning kengayishi bilan insonlarning ijtimoiy harakatchanligini oshirish zarurati yuzaga keldi va ta'lim bunday sharoitga moslashishini talab qildi. Maktab ta’limida bir qator islohotlar amalga oshirildi, ular orqali boshqaruvni markazlashtirish jarayonlari kuchaytirildi. Bepul boshlang'ich ta'lim olish uchun o'qish muddati uzaytirildi. Boshlang'ich va an'anaviy o'rta daraja o'rtasida o'rta maktab paydo bo'lganligi, sababli, keng ommaga o'rta ta'lim muassasalarida ta'lim olish imkoniyati yaratildi.

Maktablarda yangi vazifa - pedagogika tomonidan ilgari surilgan o'qitish usullarini faollashtirish g'oyasini amalga oshirish turardi. Shunday qilib, maktablarda o'quv ishlarini tashkil etishning yangi tizimi amaliyotga joriy qilindi va o'qitishning yangi usullari va shakllari taklif qilindi. Shu bilan birga, axloqiy tarbiya sohasi bilan bog'liq bir qator muammolar paydo bo’ldi [9]. Ayni paytda, ommaviy madaniyatning keng quloch yoyishi O’zbekiston ta'lim tizimida milliy o'ziga xoslikni saqlab qolish va rivojlantirish muammosini yuzaga keltirdi.

XX asrning 70-yillarida L.Kolberg tomonidan shaxsning axloqiy shakllanishini yorituvchi fundamental asarlar e’lon qilindi. Bolalar ruhiyatini bosqichma-bosqich shakllantirish nazariyasi asos qilib olindi [4]. Keyinchalik, olimlar shaxsning axloqiy tarbiyasi, axloqiy ongi va uning aqliy rivojlanishi o'rtasidagi bog'liqlikni asosladilar.

O’zbekiston ta'lim tuzilishi bir necha bosqichdan iborat (maktabgacha, boshlang'ich, o'rta, professional va oliy, oliy ta’limdan keyingi ta'lim, maktabdan tashqari ta’lim). Dunyo mamlakatlarida bo'lgani kabi, mashg'ulotlar bir necha bosqichda va umumiy o’rta ta’lim o'rtacha 11 yil davomida amalga oshiriladi [1], Yevropa mamlakatlarida bu eng uzoq davrlardan biridir.

Jumladan, Germaniyada pedagogik tizim bir qator o'ziga xos xususiyatlarga ega. Ulardan biri alohida hududda joylashgan barcha maorif muassasalari (ma'muriy birliklar) o'zlarining o'quv dasturlarini tuzish huquqiga ega. Shu bilan birga, ta'til davri va o'qish davrlari mustaqil ravishda belgilanadi. Shuningdek, o'zlarining ta’lim qoidalarini qabul qilishlari mumkin [5]. Bizning fikrimizcha, O’zbekiston jamiyatida ham ushbu jihatga e'tibor qaratish lozim. Muayyan markazlashgan boshqaruv tuzilmasi bilan ta'lim muassasalari yanada mustaqil bo'lishi mumkin. Bunday sharoitda yuqori natijaga erishish mumkin bo'ladi.

O’zbekistonda maktabgacha va oliy ta`lim ixtiyoriy, boshqa ko'plab mamlakatlar singari erta bolalik va maktab ta'limi majburiydir. Bolalar ham davlat ta'lim muassasalarida, ham xususiy, diniy va boshqa muassasalarda o'qitiladi. Shu bilan birga, chet el fuqarolari uzluksiz ta’lim tizimining xoxlagan biriga qabul qilinadi. Ushbu jihat amaldagi ta’lim siyosati bilan bog'liq. Xususiy ta’lim muassasasiga o’qishga kirish ko'pincha davlat ta’lim muassasasidan ko'ra qiyinroq.

O’zbekistonda ellik yildan ortiq tarixga ega bo'lgan va shunga mos ravishda o'zining uzoq yillik pedagogik an'analariga ega bo'lgan maktabgacha ta’lim va tarbiya tizimi mavjud. Maktabgacha ta’lim va tarbiya muassasalarining asosiy maqsadi bolalar shaxsini uyg'un rivojlantirish va ularni maktabga tayyorlashdir [2]. O’zbekistonda 3 yoshdan 6-7 yoshgacha bo'lgan bolalarning taxminan yarmi maktabgacha ta'lim muassasalarida tahsil oladi va 6 yoshida qo'shimcha ta'lim olish uchun tayyorgarlik ko'rishadi. Shuningdek, boshlang'ich maktabda ta’lim olish uchun tayyorgarlik darslari tashkil etiladi.

Ta'lim qo’shni mamlakatlar tizimiga qisman yaqin. 1-9 va 10-11 sinflar mamlakatimizga xos bo'lgan to'liq bo'lmagan o'rta va umumiy o’rta ta'lim yoki uch bosqichda professional ta’lim olishi kasb-hunar o’rganishi mumkin. Muayyan bosqichda talabalar bir qator imkoniyatlarga ega bo'lib, ular ishlashi

yoki o'qishni davom ettirishni tanlaydilar. Ushbu kombinatsiyalangan ta'lim tizimi tufayli o'quvchilar kasbiy tayyorgarlikni olish mumkin.

XX asrda ta'lim tizimida bir qator islohotlar amalga oshirildi. Ta'lim jarayonining markaziy figurasi - bu bola, ta'lim jarayonida asosiy qadriyat va markaziy shaxs ekanligini tan olindi.

Dunyodagi o'zgaruvchan sharoit bilan bog'liq ravishda pedagogik usullar doimiy ravishda takomillashib boradi. Ko'p sonli xalqaro konferensiyalar, dolzarb mavzular ko'tarilgan kongresslar bo'lib o'tmoqda. Umumiy ma'naviy taraqqiyot bilan bog'liq holda, ta'limda hali ham "tabiatdan ajralgan" degan fikr mavjud [13].

O'zbekistondagi pedagogik islohotlarning umumiy mohiyati: bolalarni kuzatish, o'rganish va shu asosda pedagogik usullarni ishlab chiqish hisoblanadi. Uning natijasida o'z-o'zini tarbiyalash jarayoni amalga oshiriladi [7]. Bolalarni o'z taassurotlarini qabul qilish orqali o'qitish jarayonida muhim o'rin beriladi, ya'ni birinchi navbatda ularning yetuklikning ma'lum bir bosqichini qisman mustaqil ravishda yengib o'tish qobiliyatiga e'tibor qaratiladi. Tarbiyachining asosiy vazifalaridan biri bolalarda mavjud qobiliyatlarni rivojlantirish va saqlash edi [8]. Agar ta'limning boshlang'ich bosqichlari haqida gapiradigan bo'lsak, o'yin bola tabiatiga mos ravishda muammolarni tushunish vositasi sifatida muhim rol o'ynay boshladi.

Shunday qilib, maktablarda quyidagilar qo'llanila boshlandi: kuzatish, baholash mezonlarida ta'riflash usuli (nafaqat ilmiy ko'rsatkichlar asos bo'lib xizmat qiladi), kurslar va sinflarda o'qitish, ta'tilga e'tibor va ularni loyihalash, o'quv jarayonida shaxsni shakllantirish, qo'shimcha ijodiy faoliyat tizimi.

Shuningdek, islohotchilar maktablarda muvaffaqiyatli qo'llanilishi mumkin bo'lgan bir qator boshqa tashabbuslarni ilgari surdilar. Maktabning ochiqligi, o'quv jarayonini bolalar dunyosiga yo'naltirish, mehnat faoliyatini jalb qilish masalalariga alohida e'tibor berish taklif qilindi. Ta'lim-tarbiyaga (tarbiyaga) qaraganda ko'proq ta'limga, shu jumladan ijtimoiy ta'limga e'tibor beriladi. Mustaqillik alohida o'rin tutadi, mas'uliyat esa ustunlik qiluvchi tamoyillardan biridir. Maktabgacha ta'limda mashg'ulotlar o'yin shakli orqali jonlantiriladi, maktablarda devoriy gazetalar, sinf xonasi, tajriba uchun maxsus sinf maydoni, ijodiy, intellektual, bilim faoliyati bilan tanishtiriladi.

So'nggi yilliklarda O'zbekistonda inklyuziv ta'limga e'tibor qaratilib, imkoniyati cheklangan bolalarni jamiyatga moslashtirishga alohida o'rin ajratildi. O'qituvchilarning vazifasi ma'lum bir guruh bolalarning ta'lim faoliyatida to'liq va samarali ishtirok etishiga to'sqinlik qiluvchi omillarni bartaraf etishdir.

Yevropa mamlakatlarida an'anaviy maktablarda bolalar ta'limini tashkil qilishning heterojen tamoyili mavjud [13].

Ta'lim muassasalarida asosiy vazifa - bolalarda amaliy tajribani shakllantirish va ularni hayotiy qiyinchiliklarni yengishda mustaqil ravishda qaror qabul qilish ko'nikmasini shakllantirish, o'zining ichki qadriyati, qadr-qimmati va ijtimoiy ahamiyatiga ishontirishdir.

Shunday qilib, O'zbekistonda olib borilgan qator islohotlar natijasida pedagogikaning asosiy konsepsiyalari shaxs va jamiyat rivojlanishi manfaatlarini hisobga olgan holda ta'limni demokratlashtirishga qaratildi. Pedagogika keng ma'lumotli va barkamol shaxsni tarbiyalashga qaratildi. Shuningdek, ta'limining o'ziga xos xususiyati shundaki, o'qituvchilarni tayyorlash bo'yicha yagona tizim mavjud ammo o'qitish turli ta'lim muassasalarida farq qilishi mumkin [8].

Ta'lim sohasida ko'p madaniyatli ta'lim muammosiga alohida e'tibor qaratilmoqda, chunki bu mamlakatda ko'plab millat va elatlar yashaydi. MDHning boshqa mamlakatlari bilan solishtirganda O'zbekiston ularning soni bo'yicha yetakchi hisoblanadi.

Ta'lim muassasalari o'quv dasturining mazmuni, barcha darajadagi o'quv dasturlari O'zbekistondagi jamiyatni aks ettiradi va har qanday millat bolalari shaxsiga hurmat asosida ko'p madaniyatli vakolatlarni shakllantirishga mo'ljallangan.

Imkoniyati cheklangan bolalar maxsus ta'lim muassasalarida rivojlanishida sustkashlik yoki jismoniy nuqsonlari bo'lgan bolalarni qabul qilishga alohida e'tibor qaratilgan. Turli treninglar ularning individualligini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. Shunday qilib, har bir bola o'z tezligida rivojlanadi. Respublika bo'yicha ushbu maktablarda o'quvchilarning ma'naviy tarbiyasi, ota-onalar bilan yaqin aloqada bo'lish, yosh avlod salomatligi to'g'risida g'amxo'rlik qilishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bunday maktablarda kognitiv funksiyalarni rivojlantirishga ham alohida ahamiyat beriladi. Ushbu o'qitish metodikasi jismoniy rivojlanishida yoki o'zini tutishda imkoniyati cheklangan bolalar uchun ham yaxshi natija beradi.

Islohotlar natijasida, bir qator mavjud muammolarga qaramay, O'zbekiston dunyodagi eng yaxshi ta'lim tizimlaridan birini yaratishga muvaffaq bo'ldi. Hozirgi vaqtda mamlakat ta'lim tizimining sa'y-harakatlari olgan bilimlarini amalda qo'llay oladigan har tomonlama barkamol shaxslarni tayyorlashga

qaratilgan. Maktabdan tashqari guruhlarda ishlash keng tarqalgan. Maktabning o'zi shu bilan haqiqiy hayotga yaqinlashadi. Ko'pgina ta'lim muassasalarida ta'lim bag'rikenglik va o'zaro hurmat muhitida bola shaxsiyatining individual xususiyatlarini hisobga olishi bilan ahamiyatlidir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. T., 2020 y.
2. O‘zbekison Respublikasining “Maktabgacha ta’lim va tarbiya to’g’risida”gi Qonun. T.,2019 y.
3.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-2909-conli qarori. 2017 yil, 20 aprel
4.Kohlberg, Lawrence (1973). «The Claim to Moral Adequacy of a Highest Stage of Moral Judgment». Journal of Philosophy (The Journal of Philosophy, Vol. 70, No. 18) 70 (18): 630—646. doi:10.2307/2025030. JSTOR 2025030.
5. Comparative Education. Sohail Naqvi. Journal-srpnember № 6. 2012year/ page 55/56
6. Курбонова У.У. Модулные технологии современный способ получения высшего образования // Academy. № 11 (50), 2019. С.38-40.
7. Курбанова У.У. Особенности эстетической културы и воспитания студентов в профессиональной подготовке. Научные школы Молодежь в науке и культуре XXI в: материалы междунар. науч.-творч. форума. 31 окт – 3 нояб 2017 г/Челяб гос ин-т культуры, сост. ЕВ Швачко – Челябинск: ЧГИК, 2017–394 с, ISBN 978-5-94839-629-3, 2017. С.314-316
8.Kurbanova U.U. Trends in the development of pedagogical ideas in Uzbekistan in the years of independence.// International Journal of Applied Research 2020; 6(5): 90-94
9.Нажмиддинова Г.Н, Курбонова У.У. Великие мыслители Востока об обязанностях родителей по воспитанию детей // – Чита, 2013. - №4. – С. 582-584
10. Курбонова У.У. Особенности дидактических исследований, проведенных в Узбекистане в годы независимости. Международные образовательные, научные и социально-культурные технологии: векторы развития. Сборник материалов Международной научной конференции профессорско-преподавательского состава и молодых ученых России и Узбекистана. Издательство «Дурдона». Челябинск – Ташкент – Бухара – Самарканд 2020. Ст.65-68
11.Курбонова У.У. Развитие дидактических идей по организации самостоятельной работы студентов в Узбекистане за годы независимости. Вестник науки и образования.// 2020.№ 21 (99), Стр.62-64
**12.** Kurbanova U.U. Development of pedagogical ideas in Uzbekistan during the years of independence.// International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 4208-4213 Vol. 24, Issue 09, 2020
13. https://www.hugo-gaudig-schule.de


## ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ УМУМИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ


**М.Жумаева**
**БухДУ докторанти**


Инноватика муаммоларига мурожаат этиш ва уларни муҳим замонавий илмий фикрлаш йўналишларига қўшиш, жамиятда инновацион жараёнлар динамикаси ўсиб бораётганини тушуниш натижаси бўлди. Бизнинг адабиётларимизда инновация муаммолари кўп вақтгача иқтисодий тадқиқотлар тизимида ўрганиб келинди. Аммо вақт ўтиши билан жамият ҳаёти фаолиятининг ҳамма соҳаларида инновацион ўзгаришлар сифат ҳарактеристикаларини баҳолаш муаммоси юзага келади, аммо бу узгаришларни фақатгина иқтисодий назариялар билан аниқлаб булмайди. Инновацион жараёнларни ўрганиш учун бошқа йўллар зарур, унда инновацион таҳлил фақатгина фан ва техника эришган замонавий ютуқларидан фойдаланишнигина ўз ичига олмай, балки бошқариш, таълим, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади. Инновацион педагогик муаммоларини ечилишини излаш таълим соҳасида инновацион жараёнлар бориши хусусиятлари, мазмуни, таркиби ва классификациясини текшириш натижаларини таҳлил (анализ) қилиш билан боглиқ. «Инновация» тушунчаси биринчи марта XIX асрда маданиятшунослар ўрганишларида пайдо булди ва бир маданият элементларини бошқасига жорий қилиш маъносини билдирган. Унинг бу маъноси ҳозиргача этаографияда сақланиб қолган.

XX аср бошларида янги билим соҳаси-янгиликларни киритиш, қўллаш юзага келди. У маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида техник янгиликларни киритиш қонуниятларини ўргана бошлади. Янгиликларни киритиш ҳақидаги фан - инноватика-фирмаларнинг янги режа,

хизматларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш фаолиятига талабалари кескин ошиб бориши акс эттирилган ҳолда пайдо бўлди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида АҚШда «фирма инновацион сиёсати», «инновацион жараён» атамалари пайдо бўлди. 60-70 йилларда ғарбда фирмалар ва бошқа корхоналар амалга оширилаёттан янгиликларни эмпирик текширишлар кенг қулоч ёйди. Шу билан бирга диққат икки асосий текширишлар соҳасига қаратилади, уларнинг ҳар бирида ўз назарий - методологик маданияти устун туради. Фирма янгиликларни киритиш ташаббускори ва яратувчиси сифатида бўлиб, унинг янгиликларни киритишга «сезувчанлигини», «таъсирчанлигини» ва бу таъсирчанлик боглиқлиги бошқаришнинг тузилиши ва услублари билан боғлиқдир. Текширишлар дастури сифатида «қарор қабул қилиш жараёни» концепцияси ҳисобланиб, бунда альтернативаларни танлаш ва анализ қилиш қабул қилинган қарорларни кетма-кет босқичлар билан амалга оширишга ўтилади.

Маркетинг ёки фирманинг бозорга янгилик киритишга, таваккалчилик омиллари, киритилаётган янгиликлар муваффақиятини олдиндан билиш методлари, алоҳида босқичлар самарадорлиги иқтисодий кўрсаткичлари ва янгилик киритиш умумийлигига: устун турувчи текширишлар парадигмаси бўлиб, очиқ тизим ва ўйин сифат ёндашуви назарияси ҳисобланади, унда фирмалар бозор билан ўз муҳитлари сифатида ўзаро муносабатда бўлиб ва у ерда инновацион жараённинг якунловчи босқич кўпгина субъектлар ўзаро боғлиқлиги натижаси бўлиб қолади, бу субъеткларнинг ҳар бири ўз манфаатига қараб иш олиб боради ва ўз шериклари ҳаракатларини эҳтимолини ҳисобга олади.

Бу икки соҳада янгиликларни киритишни амалий текширишлар бир қатор фанлар назарий янгиликларидан фойдаланадилар. Улар турмуш ва меҳнат техник воситалари ривожланиши қонуниятларига мурожаат этиб, ўрганилаётган техника тарихи, тахник ва ижтимоий ўзгаришлар ўзаро боғлиқлигиии ўрганадилар: янгиликларни киритишни бошқариш амалиётига янги ғояларни рағбатлантирувчи омиллар ва услублар ҳақидаги социолог ва ижтимоий психологлар хулосаларини, инновацион янгилик киритувчилар ва бошқа иштирокчилар ҳислатлари ҳақидаги мулоҳазаларини фаол татбиқ этадилар.

Олимлар янгиликлар киртишни текшириш уч босқичга ажратадилар. Биринчи босқич янгиликлар муваффақиятига ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи омилларни ўрганиш ва турли хил янгиликлар кўпгина эмпирик маълумотларни анализ қилиш билан боғлиқ.

Иккинчи босқич янгилик киритиш жараёнининг ўзини, уларни бир соҳа муҳитида иккинчи соҳага олиб ўтиш механизмини ҳисобга олиш билан биргаликда ўрганиш деб қарайдилар. Учинчи босқичда тадқиқотчи диққати турли хил инновацион вазиятларни анализ қилиш, таваккалчиликни баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, янгиликларни киритиш соҳасида тавсияномалар юзага келтиришга қаратилади. Бу босқичда инновацион сиёсат давлат фаолияти бўлиб қолади.

Педагогик инновацион жараёнларни Ғарбда 50 йиллар охирларидан бошлаб бизнинг мамлакатимизда кейинги 10 йилликдан бошлаб олимлар махсус ўргана бошладилар. Жаҳон педагогик жамоатчилигининг қизиқиши махсус инновацион хизмат, нашриёт, журналлар ннновацион мақолалар кўринишида бўляпти.

Хусусан ЮНЕСКО қошида таълимни ривожлантириш Осиё педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, дунёдаги турли мамлакатлардаги педагогик янгиликларни умумлаштириб, таълим масалалари бўйича халқаро бюро билан биргаликда педагогик жамоатчиликка махсус нашрларда улар ҳақида маълумотлар тарқатади.

Бизнинг мамлакатимизда педагогик инновациянинг ривожланиши кенг жамоатчи-педагоглар ҳаракати мактабнинг тез ривожланишига бўлган талаб ва уни педагоглар амалга ошира билмасликлари ўртасидаги юзага келган қарама-қаршиликлар билан боғлиқ. Янгиликларни қўллаш умумийлиги кенгайди. Шу сабабли янги билимларга бўлган талаб, янги «янгилик», «янги инновация», «инновацион жараён» тушунчаларини англаш талаби кескинлашди. «Инновация» сўзи лотинчадан келиб чиққан, унинг таржимаси янгиланиш, ўзгартириш, янгилик киритиш деган маънони билдиради. Инновацион жараённинг микроструктурасини ўрганиб олишлар янгилик киритишнинг «ҳаётий цикли, (даври)» концепциясини алоҳида кўрсатдилар, у янгилик киритиш вақт давомида ўтаб борадиган жараён деган фикрдан келиб чиқади. Бу жараёнда янгиликни яратилиши ва ижро этилишини таъминловчи фаолиятларни турларга ажратувчи босқичларга бўлинади.

Шу даврга келиб илмий адабиётларда қуйидаги инновацион жараённи босқичларга ажратиш схемаси мавжуд:

1. Янги ғоя пайдо бўлиши ёки янгилик концепциясн юзага келиш босқичи; уни шартли равишда фундаментал ва амалий илмий текширишлар (ёки бирдан пайдо бўладиган) натижаларидан келиб чиқадиган янгилик босқичи деб атайдилар.

2. Кашф этиш вақти, яъни амалга ошган объект, моддий ёкя маънавий маҳсулот намуна кўринишидаги янгилик яратиш. 3-босқичда яратилган янгиликка амалий кўпайиш топилиб уни қўшимча ишлаб мукаммаллаштириш амалга оширилади; бу босқич янгилик киритишдан мустаҳкам самарадорликка эришиш билан якунланади. Шундан сўнг янгиликнинг мустақил мавжудлиги бошланиб, янгилик киритиш жараёни кейинги босқичга ўтади, бу босқич фақатгина янгиликни қабул қилиш шартидагина амалга ошади. Янгиликдан фойдаланиш даврида кейинги босқичлар кўринади. 4-босқичда янгиликнинг тарқалиши унинг янги соҳаларга диффузияланиб (қўшилиб) кенг татбиқ этилишидан иборат. 5-босқич янгиликнинг бирор соҳада ҳукмрон бўлиши, бунда хусусан янгилик ўз янгилигини йўқотиб, янгилик сифатида мавжуд бўлмай қолади. Бу босқич янги самарали янгилик пайдо бўлиши ёки унинг янада самараси билан алмашиши билан якунланади. 6-босқич янгилик қўлланилиши доираси қисқариб унинг янги маҳсулдори билан алмашади.

Юқорида келтирилган инновацион жараённинг бир-бирини вақт босқичида кетма-кет алмаштириб, мунтазам тизим унинг реал ривожланиб боришининг соддалаштирилган схемасини ифодалайди. Бирор аниқ инновацион жараён бу босқичларни ўз ичига олнб, улар кетма-кетлиги ва боғлиқлигига сўзсиз риоя қилиши шарт эмас.

Янгилик киритишни янгиликни яратиш ва тарқатиш комплекс ва мақсадга мувофиқ жараёни сифатида қараб, унииг мақсади инсон талаб ва эҳтиёжларини янги воситалар билан қондириш бўлиб, бу самарадорлиги, мунтазам ва ҳаётийлигини таъминловчи услуб ва тизимларни маълум сифатли ўзгаришига олиб келади.

Инновацион жараён бошқа сифатли ҳолатга ўтиш, эскириб қолган қоида, вазият ва аҳамиятларни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлади. Бир даражали қатор янгиликлар (йиғиндиси) умумийлиги инновацион яхлитлигини ташкил этади. Янгилик киритиш ички мантиқ ва йўналишларга эга бўлиб, у янгилик ғояси (фикрни) туғилишидан то унинг фойдаланила бошланишигача бўлган ҳарактерларни ривожлантириш ҳам инновацион жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабат мантиғини ифодалайди.

Шу тариқа янгилик киритиш динамик тизим бўлиб, ички мантиқ каби вақт давомида қонуний ривожланиши, унинг атроф муҳит билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Инновацион жараёни тузилиши янгиликнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтиб бориши билан ўзгариб боради. Шу билан бирга янгиликнинг динамик хусусиятларидан унинг натижа-якуни ва самараси боғлиқ бўлади.

Янгиликнинг якунлаганлиги ёки унинг имкониятлари амалга оширилганлик даражаси инновацион жараённинг ҳамма босқичлари қанчалик муваффақиятли ўтиб боришига боғлиқ бўлади. Оддий ишлаб чиқаришдан кенгайтирилганига ўтиш кескин вазият ҳисобланади, бу ўтиш амалиётда кўп ҳолларда амалга оширилмайди, бу ҳол қайси бир янгиликнинг якунланмаслигига сабаб бўлиб, кўпгина инновацион муаммолар мавжудлигини юзага келтиради.

Янгиликнинг якунланганлигидан унинг самарадорлигини белгилаш керак, яъни инновацион жараён амалга оширилаёттан тизим, турли кўрсаткичларга янгиликнинг амалга оширилган имкониятлари таъсирини аниқлаш мумкин, шу билан бирга уларнинг ўзаро боғлиқлиги яққол кўринади.

«Инновацион» терминига яқин бўлган тушунчалар «ўзгариш», «мукаммаллаштириш», «ислоҳ қилиш» тушунчалари ҳисобланади. Аммо улар ўртасида маълум фикрлар ҳам мавжуд. Янгилик-педагогик текширишларни баҳолаш асосий ўлчовларидан бири бўлиб, у иқтисодий жараённинг асосий натижаси, бу ҳар қандай янгилик киритишнинг мустақил қиммати ва хусусиятидир. «Янги» тушунча инновацион педагогикада марказий тушунчалардан бири ҳисобланади. Агарда биринчи - «биринчи яратилган» - таърифи илгари умуман маълум бўлмаган бирор нарса ҳақида тасаввур берса, кейинги яқин 10 йилдан бери ва айникса, «янгитдан очилган» - таърифлар эса янгиликда қандайдир даражада «эскилик» элементи, нимадир, илгари бўлган бирор нарса борлигини ифодалайди.

Шу тариқа янгиликнинг икки тури ҳақида гапириш мумкин. 1. Биринчи марта яратилган янгилик. Бу янгилик ихтирога тенг, яъни яна ўрнатилган янги ҳақиқат демакдир. 2. Аввалги мавжуд бўлган назарияни янада такомиллаштириб, замонага мослаштиришдан иборат.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак". - Тошкент 2017. – 104 б.
2. Олимов Ш.Ш., Ҳасанова З.Д. Педагогик технологияларни ўқув – тарбия жараёнига қўллаш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014. - 184 бет.
3. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Т.: «Молия» нашриёти, 2003. - 172 б.

# PEDAGOGIK FANLARNI O'QITISHDA MUAMMOLI TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING AYRIM MASALARI.

**O'.U.Qurbonova BuxDU katta o'qituvchisi.**
**D.Axmedova Navoiy pedagogika instituti magistranti.**

O'quv mashg'ulotlarida muammoli ta'lim texnologiyalarini tashkil etish va boshqarish, muammoli ta'lim uslublari - o'quvchilarning muammoni to'liq tushunib yetishiga erishish, ularni hal eta olishga o'rgatish, ijodiy tafakkuri va ijodiy qobiliyatlarini o'stirishdan iboratdir. Maqolada muammoli vaziyat yaratish usullari, muammoli vaziyatlarni hal etish darajalari va muammoli vaziyatni yechishda qo'llaniladigan usullar va muammoni hal etishning bosqichlari keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** Muammoli ta'lim texnologiyalari, ijodiy tafakkur, muammoli vaziyat, muammoli yondashuv.

**Ключевые слова:** проблемно-ориентированные технологии обучения, творческое мышление, решение проблем, подход к решению проблем.

Muammoli o'qitish o'quv tizimida ko'p yillardan buyon talabalarning izlanuvchanligi, mustaqil faolligini rag'batlantirish uchun keng qo'llanilib kelinmoqda. Uning pedagogik-psixologik asoslari o'quvchining ongida paydo bo'ladigan ziddiyatdir, u o'qituvchi tomonidan taklif qilingan muammo yoki muammoli vaziyatni tushunish uchun u allaqachon olgan bilimlari bilan nimalarni bilishi kerak. Muammoni o'rganish bo'yicha taniqli mutaxassis M.I.Maxmutov muammoli o'rganishning umumiy va maxsus funktsiyalarini shakllantirgan.

Bunday treningning umumiy funksiyalariga quyidagilar kiradi.

- bilimlar tizimi va aqliy va amaliy faoliyat usullarini o'quv jarayonidagi ishtirokchilar tomonidan o'zaro aloqalarni o'zlashtirish;
- tinglovchilarning intellektini rivojlantirish, ya'ni ularning kognitiv mustaqilligi va ijodkorligi;
- trening qatnashchilarining tafakkurini shakllantirish;
- har tomonlama va barkamol rivojlangan shaxsni rivojlantirish.

Muammoli ta'limning o'ziga xos xususiyatlariga quyidagilar kiradi.

- bilimlarni ijodiy o'zlashtirish ko'nikmalarini tarbiyalash (mantiqiy usullar tizimini yoki ijodiy faoliyatning individual usullarini qo'llash);
- ijodiy faoliyatda tajribani shakllantirish va to'plash (ilmiy tadqiqot usullarini o'zlashtirish, amaliy muammolarni hal qilish va voqelikni badiiy aks ettirish);
- o'rganish motivlari, ijtimoiy, axloqiy va bilim qobiliyatlarini shakllantirish.

Muammoli ta'lim texnologiyalari talabalarni ijtimoiy maqsadlarni amalga oshirishda haqiqiy ta'lim imkoniyatlaridan foydalanishga yo'naltiradi. Shaxsiy fazilatlarning shakllanishini boshqarish mumkin emas, ammo ba'zi insoniy fazilatlarning rivojlanishiga hissa qo'shadigan faoliyatni boshqarishingiz mumkin.

Ta'limda muammoli yondashuv zamonaviy ta'lim manbalari muammosini hal qilishga imkon beradi. Faqatgina ushbu muammolarni hal qilish tajribasini shakllantirish asosida tinglovchilarning mustaqil ravishda muammolarni yechish qobiliyatini rivojlantirishi mumkin. U asosan kognitiv muammolarni hal qilishda tajriba taqdim etishi mumkin, ammo bu holda ham o'quvchilar uchun muhim bo'lgan ba'zi muammolar ta'lim jarayoni ishtirokchilarining o'zaro aloqalari doirasidan tashqarida bo'lishi mumkin.

Muammoli yondashuv har bir yosh avlod o'zi uchun hal qiladigan muammolarni (hayot tanlovi, o'z taqdirini o'zi belgilash, kattalar qadriyatlariga munosabat va h.k.) o'rganishga qaratilgan. Jamiyatda sodir bo'layotgan o'zgarishlar bilan bog'liq ravishda ushbu avlod o'quvchilari uchun alohida dolzarb ahamiyat kasb etadi. Muammo sub'ektning ma'lum bir vaziyatda yuzaga kelgan mavjud ziddiyatni mavjud bilim, tajriba va sezgi yordamida hal qilishning iloji yo'qligini anglashida deb ishoniladi. Har qanday masalada ham obyektiv vaziyat (ya'ni, muammo yaratadigan va uni hal qilishga imkon beradigan

dastlabki ma'lumotlar), ham subyektiv mavjud bo'lib, talabaning ushbu muammoni uning rivojlanish darajasida qabul qilishga tayyorligini ko'rsatadi.

Mutaxassislar o'quv jarayonida muammoli ta'limni tashkil etish bosqichlarining butun ketma-ketligini amalga oshirish zarurligini ta’kidlaydilar. Bunday texnologiyani joriy etish bosqichlari:
- o'quv materialidagi qarama-qarshiliklarni, noma'lum yoki tushunarsiz daqiqalarni aniqlash, ularni qiyinchilik sifatida anglash, ularni yengish istagi paydo bo'lishi va shu maqsadda muammoni murakkab vazifa sifatida shakllantirish bilan;
- muammoli vazifani tahlil qilish, ma'lumotlar o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash;
- muammolarning butun ro'yxatini aniqlash, ularni ahamiyati yoki hal qilishdagi qiyinchiliklariga qarab saralash, muammolarni tahlil qilish va hal qilish mexanizmlarini aniqlash;
- muammoni hal qilish uchun zarur bo'lgan bilim va faoliyat usullarini izlash;
- gipotezani ilgari surish, yechimga yordam beradigan g'oyalarni yaratish.

Bundan tashqari, yechimni tanlash va uning amaliy tavsifi: muammoli vaziyatni hal qilish va muammoni yechish uchun zarur bo'lgan harakatlar tizimi, vositalari va protseduralari; yechimni tekshirish va uni maqsadlarga erishish nuqtai nazaridan tahlil qilish ("xulosa qilish").

Muammoli yondashuv o'quv maqsadlari va o'quvchilarning ta'lim faoliyati motivlarini muvofiqlashtirish muammosini hal qilishga imkon beradi. Ushbu yondashuv ta'limga e'tiborni kelajakdagi hayotga tayyorgarlik ko'rish usuli sifatida kiritishni nazarda tutadi, ta'lim nafaqat kelajakda, balki o'quvchilar uchun "bu yerda va hozirda" dolzarb bo'lgan muammolarni hal qilish uchun imkoniyat yaratishi kerak. Ular uchun yechimlar yetarlicha bo’lishi mumkin, yoki uzoqdan va juda noaniq bo'lib, bu o'rganish motivatsiyasini kamaytirishi mumkin. Pedagogika sohasidagi mutaxassislar muammoli ta'lim metodlariga murojaat qilishadi:
- muammoni bayon qilish (o'qituvchi savollar beradi va muammoli vaziyatlarni shakllantiradi, ularni tahlil qilish variantlari va echimlarini ko'rsatadi va talabalar tahlilning tavsiya etilgan versiyalari va qabul qilingan qarorga o'z munosabatini bildirishi mumkin);
- subyektlarni muhokama qilish, tahlil qilish va muammoli vaziyatni hal qilish jarayoniga kiritishni o'z ichiga oladigan qisman izlash (evristik) usuli; shu bilan birga tinglovchilarning izlash faoliyati jarayoni o'qituvchi nazorati ostida amalga oshiriladi;
- muammoli vazifani shakllantirish jarayoniga tinglovchilarni kiritish, o'rganish vositalari va usullarini tanlash, maqsad va vazifalarni aniqlash, shuningdek tadqiqot dasturini ishlab chiqish, bazani tanlashni o'z ichiga olgan tadqiqot usuli, o'zaro aloqada ishtirokchilarni aniqlash va olingan natijalarni qayta ishlash.

Muammoli vaziyatlarning manbasi sifatida quyidagilarni kiritish mumkin:
- mavjud bilimlardan foydalanishning yangi variantlarini topish vazifasi;
- yechimning nazariy imkoniyatining ravshanligi va yechimning yo'qligi o'rtasidagi ziddiyat;
- modelni (diagramma, rasm, algoritm) haqiqatga aylantirishning murakkabligi;
- statika va dinamikaning, tendentsiya va fakt o'rtasidagi ziddiyat;
- taxmin qilingan va real o'rtasidagi farqni tushuntirish darajasidagi ziddiyat.

Shunday qilib, muammoli o'qitish texnologiyasi talabalarga yechimlar misollarini, muammoni tahlil qilish va yechimlarni ishlab chiqish texnologiyasini, dalillar va dalillarni yaratish, muammoli vaziyatlarni hal qilish algoritmlarini o'zlashtirishni ko'rsatishga imkon beradi. Mutaxassislarning fikriga ko'ra, muammoli ta'limni tashkil qilishda an'anaviy ta'lim texnologiyalarini reproduktiv, tushuntirish-illyustrativ, qidiruv, eksperimental va evristik texnologiyalar bilan ta'lim jarayoni ishtirokchilarining o'zaro aloqalarini faollashtirmasdan amalga oshirish mumkin emas.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Yo’ldoshev J.G., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari.-T, 2001.
2. Tolipov U., Usmonboeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. – T.: 2006.

## YANGILANGAN PEDAGOGIK FIKRLARNING MOHIYATI VA ULARDAN TA’LIM-TARBIYA JARAYONIDA FOYDALANISHNING USTUVOR YO’NALISHLARI.

**O’.U.Qurbonova BuxDU katta o'qituvchisi.**
**O.U.Qurbonova Jondor tumani 41-maktab o’qituvchisi.**

Bugungi kunda jahonda ta’lim tizimini rivojlantirishning metodologik asosi sifatida pedagogik fikrlar taraqqiyoti masalasi, ta’lim-tarbiya sohasida qo’lga kiritilgan yutuqlar va o’z yechimini kutayotgan muammolarni tadqiq etish ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Mustaqillikning dastlabki yillarida mutaxassislar tayyorlashning ilg’or jahon tajribasini o’rganishga keng jalb etildi. Va, eng avvalo, bevosita O’zbekistonning o’zida yuqori sifatli ta’lim uchun shart-sharoit yaratildi. X–XII va XIV–XVI asrlarda

Movaraunnahr madaniyati gullab-yashnagan davrda bu yerdagi ko'plab shaharlarda oliy o'quv yurtlari bo'lib, ilmiy markazlar hisoblanar edi. Hozirgi kunda ham bu qutlug' an'ana qayta tiklanmoqda. Xalqimizning doimiy fazilati bo'lgan haqiqatni bilish yo'lidagi sabotni fan, texnika, texnologiya sohasida erishilgan jahon yutuqlarini o'zlashtirishga yo'naltirilmoqda.

O'zbekistonda mustaqillik davridagi pedagogika fanini yanada takomillashtirishga doir pedagogik qarashlarni, metodika masalalariga taalluqli ilg'or fikrlarni o'rganish, tahlil etish zaruriyati pedagogikaning dolzarb masalalaridan biri sifatida ilmiy-tadqiqot ishlari olib borishni taqozo etadi. Bugungi kunda jahonda ta'lim tizimini rivojlantirishning metodologik asosi sifatida pedagogik fikrlar taraqqiyoti masalasi, ta'lim-tarbiya sohasida erishilgan ilg'or tajribalar va o'z yechimini kutayotgan muammolarni tadqiq etish ustuvor ahamiyat kasb etmoqda. Chunki ilg'or tajribalar pedagogik fikrlarni yanada rivojlantirishga, ta'lim va tarbiya tizimini takomillashtirishga xizmat qiladi.

Inson yechishi lozim bo'lgan barcha jumboqlarning eng muhimi, inson tabiati masalasini yechish, desak mubolag'a bo'lmaydi. Insonning asl mohiyatini anglash, rivojlanish va harakatlanish mexanizmlarini tushunib yetish pedagogikaning muhim muammosi bo'lib kelmoqda.

Insonning zamonaviy ta'limotlarning fundamental muammosiga aylanib borishi bilan ilmlarning pedagogik ahamiyati ham kengayib boraveradi. Insonni tadqiq etuvchi fanlar dialektik jarayonni insonning "yaxlit" bilimlarning to'laqonli egallanishiga bog'liqligi bilan tushuntirishga harakat qilinadi, inson-murakkab ijtimoiy-biologik tizimda mavjudligi hamda uning o'ziga xos individualligidir.

Shuningdek, psixologik va fiziologik yuklamalarni bajara oladigan, ma'naviy yetuk, sog'lom, bolalarni tarbiyalash yo'llari va u haqida to'laqonli bilimga ega bo'lish ehtiyoji ham yuzaga kelmoqda.

Pedagogika, psixologiya, fiziologiya, ekologiya, pediatriya kabi alohida fanlar o'sib kelayotgan inson shaxsiga o'z nuqtai nazaridan yondashadi. Biroq, bu yaxlit tizimga keltirilmagan (integratsiyalanmagan) bilimlar yig'indisidan tahsil olishning mushkul masalalarini yechishda foydalanish og'ir kechadi.

Pedagogik antropologiya uchun nafaqat insonning mavjudligi masalasi balki inson shaxsining shakllanishi va bu jarayon kechishining shart-sharoitlari ham muhim rol o'ynaydi. Inson yaxlitdir. Har qanday pedagogik ta'sir murakkab holat, fiziologik tuzilishga o'zgarishi emotsional, axloqiy tayyorlikni kognitiv jarayonlar va shaxsning boshqa xarakteristikalari o'zgarishiga olib keladi. Shunday ekan, pedagogik ta'sirning murakkab vaziyatlarni bilish va ta'lim jarayoniga yaxlit kompleks yondashuvni inobatga olgan holda ta'lim jarayonini rejalashtirish pedagogik mahoratning asosiy shartlaridan hisoblanadi.

Pedagogik antropologiya fanlar orasidagi mustaqil yo'nalish, tarbiyalanuvchi, tarbiya beruvchi, tarbiya oluvchi inson haqidagi yaxlit va sistemali bilimlar aspektida turli xil bilimlarni umumlashtiradi. U pedagogika nazariyasi va amaliyotining asosi, tarbiya xaqidagi fanlar metodologiyasi, pedagogikaning o'ziga xos o'zagi sifatida interpretatsiyalanadi.

Pedagogik antropologiya inson tabiatini barcha ko'rinishlarda tarbiyalash san'atining maxsus layoqatlari bilan o'rganadi (K.D.Ushinskiy); falsafiy oqim; yaxlit va har tamonlama ko'rilgan tarbiyani yarata oladi (V.B.Kulikov); tabiat haqidagi pedagogik sur'atlangan (interpretatsiyalangan) bilimlar va shaxs va jamiyat ko'nikmalari rivojlanishining mohiyatini aks etiradi (B.M.Bim-Bad); ta'lim sohasidagi inson haqidagi fan, tarbiyaviy tuzilishini anglashga ko'maklashuvchi falsafiy tarbiya zahirasi, shuningdek, insonni o'rganuvchi fanlarga asoslangan pedagogik qarashlar sistemasi sifatida qarash rivojlandi.

Zamonaviy tadqiqotchilarning ta'kidlashlaricha, pedagogik antropologiya tarbiya jarayoniga tizimli qarashning mavjudligi, balki insonni tarbiya jarayonining faol sub'ekti sifatida qabul qilish zarur, boshqa tomondan: tarbiya jarayonining insonga dialektik yaxlitlikdagi tarbiyaviy ta'siri analizi, ikkinchi tomondan esa o'z-o'zini tarbiyalash va o'z-o'zini rivojlantirishdir.

Ta'lim va tarbiya jarayonini maksimal darajada san'at darajasiga ko'tarishga intilib, ijod maxsuli sifatida qarash kuchaymoqda. Oldindan topshirilgan, mavjud ta'limning universal modeli, qanchalik ratsional tahlil qilinmasin inkor etilmoqda. Bunday pedagogika shaxs rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillarni maksimal darajada hisobga olib, ulardan imkon qadar foydalanishni, tarbiyalanuvchi va ta'lim oluvchi sub'ekt qarshiligini bartaraf etish yo'llarini, uning ichki olamiga kira olishni va uning takomillashuvi va rivoji uchun imkoniyatlarning barchasidan oqilona foydalanishga intilmoqda. Zamonaviy pedagogikaning terminologiyasida "olam", "hayot", "mavjudlik", "qalb", "ruh", "hayot mazmuni" hayot bilan bog'liqlik kabi tushunchalar tobora kirib kelmoqda.

Soha rivojlanish bosqichiga quyidagi printsiplarni kiritish mumkin:

-antropologik, inson tushunchasini boshlang'ich kategoriya, qolganlarini esa boshlang'ichdan kelib chiquvchi, tushunchani chuqurlashtiruvchi va ta'rif etuvchi deb oladi;

-insonning yaxlitligi va o'ziga xosligi;

-ontologik tarbiyani inson modusi (usul, ko'rinish), "tarbiya" tushunchasini esa ontologik kategoriya sifatida taqozo etishini talab etadi;

-inson malakasidagi umumiylik, o'zgachilik u ikkilikning birligi;

-insonning cheksiz ekanligi, o'lchab bo'lmasligi, o'rganilib bo'linmaganligi pedagogik ta'sir natijalarining to'liq aniqlab bo'linmaganligi;

-inson hayotining borishida asosiy sabab qilib bolalik davri kechinmalarini hisoblash;

-tarbiya mexanizmi sifatida insonning o'z-o'zini tarbiyalashga bo'lgan layoqatini tan olish;

-kreativlik, pedagogik shakl va metodlarning faqatgina tarbiyalanuvchini o'z-o'zini shakllantirishga ijodiy yondashuvga sharoit yaratib bera oladiganlarini tanlashni talab etadi;

-diologik xarakterga ega bo'lgan tarbiyaning vosita, metod va shakllarini qo'llashni nazarda tutadi, bunda tarbiyalanuvchiligi, tarbiya beruvchi bilan tarbiya olami va o'z-o'zi bilan muloqot qurishda o'z-o'zini shakllantirishning erkin diaologik shaklini taqdim etadi;

-o'z-o'zini anglash-pedagogik metod, vosita, tashkillashtirish shakllariga-o'z-o'zini anglash metod va vositalariga aylanish imkonini beruvchi talablar;

-o'z-o'zini namoyish etish erkinligi;

-ta'lim jarayonida o'z-o'zini erkin namoyish etish o'z-o'zini shaxs sifatida shakllantirish;

-tushunish va o'zaro tushunishni har qanday pedagogik metod, shakl va vositalarning insonparvarlik va samaradorlik yo'lidagi zaruriy shart-sharoit sifatida qabul qilish.

Jahon ilmiy tadqiqotlarida pedagogik antropologiya ilmiy faoliyat olib borishning o'zaro hamkorlikda qator afzalliklarini ko'rsatmoqda. Shuning bilan bir qatorda tarixiy-taqqoslash tadqiqotlarining mustahkam asosida pedagogik antropologiya o'zi uchun milliy an'analar, ajdodlar orttirgan malakasidan unumli foydalanish uchun o'ziga yo'l ochmoqda.

Integratsiya metodi "neantropologik" pedagogik, shu jumladan, an'anaviy pedagogikaning tabiiy fanlar paradigmasi ma'lumotlariga asoslangan. Bu metod insonning mavjudot xarakteristkasi tomonidan turib pedagogik jarayon komponentlari (tarkibi)ni tadqiq etishdan iborat.

Sintezni pedagogik antropologiya germenevtika (interpretatsiya) yordamida amalga oshiradi. Interpretatsiya etish biron-bir masala yoki hodisaning tub mazmun-mohiyatini ochib berish demakdir. Pedagogik ta'bir uchun biron-bir hodisa yoki jarayonning pedagogika uchun qay jihati bilan ahamiyatli ekanini yoritib berishdan iborat. Interpretator ishida eng katta yordamchi rolida semiopika chiqadi. Bu ta'limot turli xil belgi va ularning ahamiyatini o'rganuvchi sohadir.

Pedagogikada bu ta'limot madaniyat hodisalarining simptomlari (xossalari) va ularga xos birikmalar, belgilar to'g'risida fikr yuritadi.

Idenfikatsiya metodi falsafiy tomondan ijtimoiy ongdagi (san'at, falsafa, mantiq) boshqa insonshunoslik ma'lumotlari va shakllari aprobatsiyadan o'tgan ilmlarni va tarbiya metodlarini ajratib olish uchun xizmat qiladi. Pedagogik antropologiya keng miqyosda: analiz, sintez, taqqoslash, o'xshatish, induktsiya, deduktsiya va boshqalar qo'llaniladi. Barcha metodlar kompleks tarzda qo'llaniladi. Yuqorida sanab o'tilgan metodlarning asosiy vazifasi insonshunoslikni pedagogik sintezlashdan iborat (B.M.Bim-Bad).

Biografik (avtobiografik) kundalik, ijod mahsuli, introspektsiyalarni o'rganish, xotirani analiz qilish (tahlil etish). Pedagogik antropologiyada shaxs rivojlanishini ijtimoiy tarix bilan yaxlit o'rganadi.

Fillant yondashuv uchun tasviriy metodning ahamiyati katta, bunda bu metodning bolalik va ta'lim tarbiyaga oid san'at asarlarini interpretatsiya (tahlili) etish qo'l keladi.

Kazusli metod (alohida holatlarni o'rganish) tipik va tipik bo'lmagan aniq taqdirlar, xarakterlar, pedagogik xolatlarni tadqiq etishda muhimdir. Alohida holatlarni ko'rib chiqish ularning pedagogik antropologiya printsiplari bilan bog'liqlikda amalga oshiriladi.

Bevosita o'rganishda kuzatuvlar (oilaviy, yakka, so'rovnoma va ularsiz ham) alohida ahamiyat kasb etadi. Xarakteristka va psixogrammalarni tuzish ham keng qo'llanadi. Pedagogik antropologiya ekspremental tadqiqotlari innovatsion loyihalar bilan uzviy aloqada ish ko'radi. Ular orasida keng ommalashgani ta'limning modernizatsiyalashgan tarkibli modeli, tarbiyalovchi va ko'nikma hosil qiluvchi modeli hamda og'ishgan xulqni oldini olish va korrektsiyalash tizimlari kabilardir.

"Agar pedagogika insonni har tomonlama tarbiyalashni o'z oldiga maqsad qilgan ekan, uni har tomonlama munosabatlar jarayonida bilib olishi kerak bo'ladi"- deb yozgan edi K.D.Ushinskiy.

# MUSTAQIL O'ZBEKISTONDA O'QUV JARAYONIGA MASOFAVIY TA'LIMNI JORIY ETISH TEXNOLOGIYALARI.

**O'.U.Qurbonova BuxDU katta o'qituvchisi.**
**I. U.Qurbonova Jondor tumani 27-maktab psixologi.**

Dunyo tajribasi ta'limda tarmoq resurslari, zamonaviy dasturlar va texnologiyalarni joriy etish, ularni isloh qilish hamda pedagog kadrlarni tayyorlash mexanizmlarini takomillashtirish, uning yangicha tashkiliy shakl va usullarini ishlab chiqib, uni amaliyotga tezkorlik bilan tatbiq etishni taqozo qilmoqda. Dunyo rivojlanishining asosiy tendentsiyalari orasida axborotlashgan jamiyatga o'tish muhim vazifa, ya'ni jamiyatning barcha jabhalarida axborot kommunikatsion texnologiyalari hamda media vositalarining ta'siri dolzarb muammo sanaladi.

O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash kabi yo'nalishlar belgilanib, bu borada oliy ta'lim muassasalari masofaviy ta'lim samaradorligiga erishish, talabalarning mediakompetentligini rivojlantirish katta ahamiyat kasb etadi.

Yevropa ittifoqi Parlament assambleyasining qonunchilik yig'ilishi tavsiyasiga binoan dasturiy vositalarning ishlab chiqarilishi yoshlar va kattalarning mediakompetentligi shakllanishiga turtki bo'ladi, shuningdek, zamonaviy jamiyatning media madaniyatiga ta'sir etadigan ajralmas omil sifatida qaraladi .

Jahonda halqaro tashkilotlar va rivojlangan davlatlar tomonidan qabul qilingan 2030 yilgacha: yangi ta'lim kontseptsiyasida ham "Ta'lim — taraqqiyotning asosiy harakatlantiruvchi kuchi va barqaror rivojlanish maqsadlarga yetkazuvchi muhim faoliyat" sifatida e'tirof etilib, sifatli ta'lim berish, ta'lim olishni yaxshilash va o'zlashtirish natijalarini baholash usullarini takomillashtirishda virtual ta'lim texnologiyalari, ommaviy onlayn ochiq kurslar, ochiq ta'lim resurslari, mobil ta'lim texnologiyalari, ta'limni boshqarish tizimlari hamda elektron ta'lim va uning klassik modellaridan samarali foydalanilmoqda. AQSh ning Garvard universiteti hamda Massachusets texnologiya instituti hamkorligida internet orqali interfaol ta'lim olish imkoniyatini beruvchi onlayn ochiq kurslar yaratilmoqda.

Germaniyada esa inson intellektini aniqlash orqali mos kurslarni taqdim etuvchi o'qitishga moslashuvchi tizimlar ishlab chiqilmoqda. Bu kabi elektron ta'lim tizimlari tajribali, malakali va zamonaviy mutaxassislar tayyorlashda muhim o'rin tutadi.

Mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish, ta'lim jarayoniga axborot texnologiyalarni joriy etish va ta'lim samaradorligini oshirish bo'yicha keng qamrovli ishlar olib borilib, axborot-kommunikatsiya tizimini rivojlantirish kompleks dasturi asosida masofadan o'qitish va kompьyuterlashtirilgan anjumanlar o'tkazish, masofali ta'lim tizimlarini yaratish va ularni o'quv-tarbiya jarayoniga joriy etish yo'lga qo'yilmoqda. Shu bilan birga, o'quv jarayonida axborot kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanish ko'lamini kengaytirish zaruriyati yuzaga kelmoqda. O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "oliy ta'lim muassasalarida axborot texnologiyalarini ta'lim jarayonida qo'llashni yangi usul va vositalar yordamida tashkil etish" vazifalari alohida belgilangan bo'lib, bu borada o'quv jarayoniga moslashuvchi axborot kommunikatsion tizimlarni yaratish va metodik asoslarini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Respublikamizda boshqa sohalarda bo'lgani singari ta'lim tizimi ham tubdan isloh qilinib, uzluksiz ta'lim, jumladan, oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimida katta o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim tizimi yanada takomillashtirildi, maktabgacha ta'lim vazirligi tashkil etildi, maktab va kollejlar o'rtasidagi bog'liqlikni mustahkamlash yo'lida o'n bir yillik ta'lim tizimiga o'tildi, ta'lim mazmunini yangilash hamda ta'lim jarayonlari samaradorligini oshirish bo'yicha olib borilgan islohotlar bugun o'z samarasini bermoqda.

Mazkur jarayonlarni amalga oshirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari muhitidan samarali foydalanib, milliy kadrlarni tayyorlash, yosh avlodni barkamol va yetuk etib voyaga yetkazish o'qituvchi-pedagoglarning asosiy vazifalari sirasiga kiradi. Zamonaviy tezkor va shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda ta'lim faoliyati samaradorligi talabalarda shakllangan mediaga oid bilim, ko'nikma va malakalar darajasiga bog'liq.

Mazkur muammo yuzasidan qator tadqiqot ishlari olib borilgan. Jumladan, oliy ta'lim muassasalari talabalarining mediakompetentligini rivojlantirish muammosi bo'yicha bir qator ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilib, mediata'lim muammolari S.Beknazarova, Ya.Mamatova, S.Sulaymanova va boshqa bir qancha olimlar tomonidan o'rganilib, ilmiy-metodik asoslari ishlab chiqilgan.

O'qituvchilarning kasbiy tayyorgarligi hamda kompetentligi muammosi R.Isyanov, N.Muslimov va boshqa bir qancha olimlar tomonidan o'rganilgan.

Ta'limda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish muammolari A.Abduqodirov, U.Begimqulov, F.Zakirova, M.Mamarajabov, N.Taylakov, S.Tursunov, A.Eminov, U.Yuldashev va boshqa bir qancha olimlar tomonidan tadqiq etilgan.

M.Vaxobovning fikriga ko'ra, o'quvchi-yoshlarda mediasavodxonlik, mediamadaniyat va mediakompetentlikni rivojlantirish orqali turli axborot xurujlari, buzg'unchi yot g'oyalardan asrash, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash ta'lim tizimining eng muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.

Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari muhitiga asoslangan axborotlashtirilgan jamiyatning tarkibiy qismlari - bu media, til hamda madaniyatdir. Aynan biz yashayotgan dunyoning tili va madaniyatini insondagi mediakompetentlik tashkil etadi.

Mediakompetentlik pedagogikada umumiy tarzda shaxsning turli ko'rinish, janr va shakllardagi mediamatnni tanlash, foydalanish, tanqidiy tahlil qilish, baholash, yaratish va uzatish, sotsiumda mediafaoliyatining murakkab jarayonlarini tahlil qilishga tayyorlikda namoyon bo'ladigan integrativ sifatida qaraladi. Shuning uchun oliy ta'lim muassasalari talabalarining mediakompetentligini rivojlantirish masalasi fan va amaliyot oldida turgan dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Bunda zamonaviy ilmiy-texnik taraqqiyot talablariga mos holda oliy taьlim muassasalari talabalarining media borasidagi bilimlarini takomillashtirish orqali mediakompetentlikni rivojlantirish texnologiyasini yaratish pedagogik yo'nalishdagi tadqiqotlar orasida alohida ahamiyat kasb etadi.

Mediata'lim - asosiy qonunlarni tushunishga yordam beradigan, oddiy yo'nalishlardagi media axborot tilini o'rganishga ko'maklashadigan, talabalar badiiy salohiyatining o'sishiga va rivojlanishiga hissa qo'shadigan, mediamatnlarni qabul qilish, o'rganish va malakali tahlil etish ko'nikmasini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim jarayonidir.

Mediata'lim natijasida mediakompetentlik paydo bo'ladi. Mediakompetentlik ta'limga kirib kelayotgan yangi atama hisoblanib, u mediama'lumotlarni turli ko'rinishda uzatish va baholash, o'rganish, yetkaza bilish kabi ma'nolarni o'z ichiga oladi. Mediakompetentlik tushunchasi orqali bir necha atamalar, jumladan, mediamadaniyat, mediatarg'ibot, mediata'lim, mediaaxborot, axborot madaniyati, mediasavodxonlik kabi atamalarga e'tibor qaratish bugungi kunda yanada dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Jahon miqyosida olib borilayotgan tadqiqotlarda moslashish modellarini ishlab chiqish, ma'lum bir fanni o'qitishga moslashuvchi tizimlar va moslashuvchi robotlarni yaratish muammolari kelgusida fan oldida hal etilishi zarur vazifalardan sanaladi. Shu bilan birga integratsiyalangan axborot-ta'lim muhitini shakllantirishga yo'naltirilgan tizim pedagogik loyihasi hamda bugungi globallashuv jarayonida axborot almashish texnologiyalarga asoslangan, dinamik sahifalar asosida qurilgan tizim dasturiy ta'minotini ishlab chiqish ahamiyatga molik masalalardan biri sifatida qayd etilmoqda. Bu esa o'quv jarayoniga moslashuvchi tizimni yaratish metodologiyasini hamda talabaning bilim darajasini hisobga olgan holda differentsiallangan mediata'limni amalga oshiruvchi tizim tarkibi va mazmunini ishlab chiqish muammolarini kuchaytirmoqda. Kelgusida yurtimizda bunday tizimlarni turli foydalanuvchilarga moslashtirish va ommalashtirish uchun pedagogik-psixologik, didaktik, dizayn, texnik, foydalanuvchi talablari hamda tizim reja-loyihasi tarkibi ishlab chiqish talab etiladi.

## ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**С.С.Хўжаев**

**Бухоро давлат университети**

**Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси.**

**Аннотация:** Олий таълим муассасалари тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланган.

**Калит сўзлар:** рақамли технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий таълим, рақамли билимлар, Интернет тизими, масофавий ўқитиш, "HEMIS" ОТМ ахборот тизими, "Moodle" электрон ўқитиш тизими, "Uniwork" университетнинг рақамли маълумотлар платформаси.

Бугунги кунда рақамли технологиялар жамиятнинг барча соҳаларида фаол қўлланилмоқда. иқтисодиёт, банк, хизмат сектори шунингдек, таълим жараёнини ҳам тез суръатларда ривожланишига хизмат қилмоқда. Ёш авлод онгида рақамли технологиялар орқали жамиятдаги барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин деган фикрни шакллантирмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларининг автоматлаштирилиши, масалан банк секторида, роботлар ва ишчилар ўртасидаги рақобат масаласи ҳам кўтарилмоқда. Рақамлардан фойдаланишга

асосланган ҳамда жорий этилган технологияларнинг сўзсиз фойдаси билан ахлоқий, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, роботлар ва ташкилотлар ходимлари ўртасидаги рақобатнинг ҳуқуқий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар тобора кўпроқ эътиборга олинмоқда. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади” [1].

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин. Рақамли иқтисодиёт бу биргина фаолият тури эмас, балки, ишбилармонлик, саноат объектлари, сифатли таълим ва хизматлар деганидир. “Рақамли” атамаси барча соҳаларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади.

Таълим жараёнини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва ахборот ресурслари, ўқитиш воситалари ва масофавий ўқитиш технологияларини ривожлантириш, ижодкор талабаларни университетни рақамлаштириш лойиҳаларига жалб қилиш билан олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича ваколатли органларга таклифлар бериш, юқори самарадорликка эга рақамли қурилмалар билан жиҳозланган тузилмалар, ўқув хоналари, лабораториялар, медиастудиялар ва бошқаларни ўз ичига олган марказларни ташкил этиш ҳамда унда орттирилган тажрибани Ўзбекистоннинг барча олий таълим муассасаларида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз таълим сифатини ошириш ва ривожлантириш учун рақамли технологиялардан манфаатли фойдаланиш имкониятини яратишни истадик. Қачонки, планшет, нотбуклар таълим олишнинг бир элементига айланса, болалар ўқиш жараёнига катта қизиқиш билан киришади. Бу ўйин билан классик таълимни бирлаштиришга тенгдир. Натижада ўқиш жараёни яхшиланади, ўзлаштириш, таълим даражаси ва кадрларни тайёрлаш самарадорлиги ошади. [2]

Юртимизда ва хорижда янги таълим моделлерини қидириш шиддат билан олиб борилмоқда, бунда барча таълим жараёнидаги ҳаракатланувчи модернизация кучи сифатида ахборот технологияларидан кенг ва фаол фойдаланиш асосида ўқитишни ташкил этишга инновацион ёндашувлар савиясига қаралади.

Шунинг учун бўлажак таълим соҳаси мутахассисларини тайёрлаш методик ишланмаларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Замонавий таълим масаласини ечиш учун касбий фаолиятида илмий таълимий технологиялардан кенг ва фаол фойдаланиши керак.

Таълимни ривожлантиришнинг замонавий босқичида рақамли технологияларни қўллаш пеагогларнинг ҳам, талабаларнинг ҳам фаолиятида зарурий эҳтиёж сифатида қолмоқда.

Берилган масалани ечими ўқув жараёнида рақамли технологияларидан фойдаланиш учун ҳар бир таълим муассасалари иш фаолиятида ахборот технологияларни фаол фойдаланиш ва тизимли жорий қилишни қўллаб қувватлаш учун шароит яратишга йўналтирилади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида жамиятнинг барча саҳосида рақамли технологияларни қўллаш ва интеграциялаш мамлакатнинг иқтисодий ўсишида асосий ресурсни интеллектуал таълим потенциали фаолияти эгаллаган бир пайтда жамият бўлажак педагогларнинг касбий компетентлик савиясига замонавий ахборот технологиялари воситаларида касбга оид масалаларнинг асосий ечимини топа билиш, касбий оид масалаларнинг қўйилишида ахборот технологиялари воситаларини мос равишда танлаш маҳорати, ўзаро ахборот алмашиш асосларини билиш, ечилаётган касбий масалаларнинг ижтимоий-ахборий мазмун моҳиятини тушиниш каби кўчимча талаблар вужудга келади.

Шунинг учун бўлажак педагогларни касбий фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш фақат мавжуд технологияни қўллашни ўргатишга йўналтирилиб қолмасдан, педагогик аҳамиятга эга натижаларга эришиш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини орттириш, сифатини яхшилаш учун касбий фаолиятида рақамли технологияларни танлаш ва фойдаланишда методик ёндашувни шакллантириш керак. Ахборотлаштириш жараёнида рақамли технологиянинг тез ўзгариши методик тизимнинг жуда аҳамиятли хусусияти ҳисобланади.

Пандемия шароитида юртимизда таълимнинг масофавий шакли жорий этилди ва бир қатор ютуқларга ҳам эришилди. Университетда таълимни сифатини ошириш, рекамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида “HEMIS” ОТМ

ахборот тизими, “Moodle” электрон ўқитиш тизимидан фойдаланиш жорий этилди. Университетнинг малакали мутахассилари томонидан “Uniwork” университетнинг рақамли маълумотлар платформаси жорий этилганлиги ҳам бежиз эмас. “Uniwork” рақамли маълумотлар платформасида барча маълумотлар: университетда тайёрланаётган мутахассиликлар, ўқув режалар, ўқув дастурлар, факультетлар, кафедралар, гурухлар кесимида талабалар ҳақидаги маълумотлар, электрон журналлар, қайдномалар ... томонидан таълимни рақамлаштириш шароитида педагоглар олдига қуйидаги масалалар қўйилмоқда: талабаларда ахборот коммуникацион технологиялари воситаларни фойдаланиш асосида амалий ва билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари, ўқитиш воситалари, методларни такомиллаштириш, ўқув тарбия жараёнини бошқаришни ташкил этиш, ахборот-методик таъминотини автоматлаштириш ва ва ҳоказо.

Бўлажак педагогларда олинаётган билимга танқидий муносабат ва ҳар қандай билим тезда эскиришини тушиниш қобиятини шакллантириш зарур.

Бўлажак педагогларни жамоа бўлиб ишлашга ўргатиш зарур, улар тадқиқотчилик фаолиятига жалб этилиши, ўқитишнинг ҳар хил метод ва методикасини фойдаланишга тайёр бўлиши ва унинг самарадорлигини тушуниши керак.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кун аудиториялари ўн йил аввалгиларидан жуда катта фарқ қилади ва синф хоналари компьютерлар, iPad, планшетлар, смарт-доскалар ва бошқа турдаги таълим технологиялари билан жиҳозланган. Дунёнинг бошқа жойларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам рақамли авлоднинг етти экранли авлоди - телевизор, компьютер, планшет, таблет, фаблет, смартфон ва смартсоатлари пайдо бўлмоқда. Бундай зич рақамли муҳитга эга бўлиш ва у билан доимий ўзаро муносабат натижасида бугунги кун талабаларининг фикрлаши ва ахборотларга ишлов бериш жараёнлари олдинги фикр юритиш ва ахборот жараёнларидан тубдан фарқ қилмоқда. Рақамли авлод ота-оналаримиз ўрганган услубда ўқитилиши мумкин эмас ва бўлмаслиги ҳам керак. Бу авлодни ўқитишда қора доска ва оқ бўрдан фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Қора доскани оқига ва бўрни маркерга ўзгартириш ҳеч нарсани ўзгартирмайди, яъни замонавий талабаларни билим олишга ва меҳнат бозорида муваффақиятга эришиш кўникмаларини ривожлантиришга ундаш усули бўла олмайди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва IT- компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари – таълим тизимидаги барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маърузалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади. Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материалини тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқилиши ва таълим парадигмаси ўзгартирилиши шарт, чунки талабалар ортиқ анъанавий услубда ўқишни хоҳламайдилар ва ўқитувчилар ҳам бу каби одатий усулда ўқитишни давом эттиришлари керак эмас.

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ДИДАКТИК ЛОЙИҲАЛАШ.

**М.О.Очилова**
**БухДУ Педагогика кафедраси катта укитувчиси**

Лойиҳа кенг маънода маълум объект, хатти-ҳаракат, ҳолатнинг ифодаси демакдир. Дидактик лойиҳаларда таълим субъектларининг ўзаро таъсирида шаклланадиган, истиқболга йўналган уюшган фаолият ойдинлаштирилади. Дидактик лойиҳаларнинг энг оддийси дарснинг кундалик баёнидан тортиб, уларнинг ўта мураккаб кўриниши бўлган таълим эталонигача ўз ичига олади.

Таълимни дидактик лойиҳалаш умуминсоний лойиҳалаш фаолиятининг алоҳида шаклида ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Таълим технологияси ғоялари асосида ўқитиш, ўқиш фаолиятини лойиҳалаш маълумот мазмуни ва унинг ўзлаштирилганлигини тест орқали аниқлаш, таълим эталонларини тайёрлаш ва улардан таълимни лойиҳалаш воситаси сифатида фойдаланиш ва ўқув материалини ўзлаштириш даражасини аниқлаш, таълимни режалаштириш,

назорат қилиш механизмлари воситасида кафолатланган натижани аниқлаш имкониятлари вужудга келмоқда. Булар лойиҳалаш фаолиятининг сифат жиҳатдан такомиллашганидан далолат беради.

Педагогик ҳодисалар ривожланишидаги ўзгаришларни лойиҳада акс эттириш, унда назарда тутилган мақсад, восита, натижаларни ўқувчи фаолияти нуқтаи назаридан тасаввур қилиш, маълум бир дидактик назария замирида лойиҳани тайёрлаш, лойиҳа муаллифи педагогик билимлари такомиллашувига, педагогик амалиётдаги янги богланишларни ҳис этиши ва ажрата олишига боғлиқ. Гарчанд лойиҳа фаолиятнинг меъёрий соҳасига таалluқли бўлса-да, аммо у дидактик ҳодисаларни яратиш йўли билан билиш жараёнининг фаол воситаси ҳисобланади.

Дидактик лойиҳалаш таълимни амалга ошириш намунасини тайёрлаш жараёни. У жараён сифатида лойиҳалаш фаолияти, воситаси, предметини қамраб олади. Бу жараёнда маълумот мазмуни ёки унинг бир қисми — ўқув материали лойиҳалаш предмети сифатида иштирок этади. Ўқув материалига педагогик ишлов берилиб, дарсликдаги ҳолатдан янги шаклга олиб кирилади.

Ўқув топшириқлари, муаммолари, тестлар тизими ва шу кабилар ўқув материалининг ўқитиш ва ўқиш эҳтиёжларига кўра ўзгартирилган —лойиҳалаштирилган шакллари. Лойиҳа муаллифининг дидактик билимлари, орттирган ҳаётий тажрибаси лойиҳалаш воситалари бўлиб, улар лойиҳа сифатини белгиловчи омиллардир. Дидактик билимлар кўлами, педагогик тажриба етуклиги, унинг пухта эгалланганлигига кўра дидактик лойиҳалар бир-биридан фарқ қилади. Бинобарин, дидактик лойиҳалар самарадорлиги ва сифати , пировардида, лойиҳа муаллифининг билими, тажрибаси, маҳоратига бориб тақалади. Дидактик лойиҳалаш — таълим субъектлари ўзаро таъсирининг таълим мазмунига йўналган меъёрий ҳужжат, бўғин, босқич, соҳа шаклидаги кўринишларини келгусида амалга ошириш намунасини тайёрлаш демак.

Дидактик лойиҳалаш ва унга оид жараёнларнинг қуйидаги турлари ажратилди:

1. Лойиҳалаш воситаси сифатида ўқув топшириғи танланган ҳолат. "Ўқув топшириғи — ўқитиш ва ўқиш эҳтиёжига кўра ўқув материалининг ўзгартирилган шакли", ўқув материалини ўқув топшириғи шаклига, ўқув топшириқлари тизими кўринишига олиб келиш учун лойиҳа ўқитувчининг онги ўқув материали билан такрор ва такрор дуч келади. Онгнинг лойиҳалаш предмети — ўқув материали билан учрашуви вақтли кесишувнинг амал қилишига олиб келади. Ҳар бир вақтли кесишувда ўқув материалининг маълум қисми ажратилади: ўқув материалини ўргатиш мақсадларини белгилаш (1); лойиҳалаш воситалари (мас., ўқув топшириқлари) ни аниқлаш (2); таълим натижаларини олдиндан қайд қилиб қўйиш (3); ўқувчилар (4) ёки ўқитувчи фаолиятининг амал қилиш тартибини (5) белгилаш кабилар. Шуларга биноан таълим дидактик лойиҳаланади. Бажарилган ишлар ва эришилган натижани ҳисобга олиб "таълимни топшириқлар тизими шаклида лойиҳалаш" иборасини ишлатамиз. Таълимни топшириқлар тизими шаклида лойиҳалаш модели қуйидаги кўринишга эга бўлади: "лойиҳалаш фаолияти — ўқув топшириғи лойиҳалаш воситаси —ўқув материали лойиҳалаш предмети". Муаммоларни аниқлашда, машқларни ишлаб чиқишда, мустақил иш турларини белгилашда ҳам келтирилган моделга риоя қилиниб, лойиҳалаш фаолияти амалга оширилади. Келтирилган мисоллар қуйидагича хулоса чиқаришимизга имконият беради:

Таълимни дидактик лойиҳалаш ўзаро алоқадор жараёнлар тизимидан иборат.

Дидактик лойиҳа моҳиятига биноан кўп қиррали тизим бўлиб, ўзини шакллантиришга йўналган фаолиятни, лойиҳалаш соҳасига оид билим, воситаларни, лойиҳалаш предмети — ўқув материалини таҳлил қилишни тақозо қилади. Биз шундай таҳлилни "дидактик билим ва дидактик лойиҳа" тизимида ўтказамиз. Таҳлил лойиҳадан, аниқроғи, лойиҳа тўғрисидаги тасаввурлардан дидактик билимларга йўналиш йўсинида ташкил этилади.

Тадқиқот жараёнида шундай йўл тутишнинг, бизнингча, қатор афзалликлари бўлиб, у тадқиқотнинг асоси сифатида дидактик лойиҳалаш жараёнларида дидактик билимларнинг қиммати аниқланади. Дидактик лойиҳа таълим субъектлари фаолиятида амалга оширилади. Бинобарин, дидактик лойиҳа ўқитиш фаолиятига хам, ўқиш фаолиятига ҳам таалluқли. Инсоннинг "Ташкилий — бошқарув фаолиятини технологиялаштириш" атамасини қўллаб, билимларни ўқув предметлари —лойиҳаларда қайд этишни кўзда тутган эди. Агар ўқув предметларига оид дарсликларда билим, кўникма, малака, ижодий фаолият турлари ва муносабатлар ойдинлашганлигини эътироф этадиган бўлсак, дидактик лойиҳаларнинг таълимни ихтисослаштириш, касбга йўналтиришга оид қимматини хам тан олишга тўғри келади.

Дидактик лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида муаллифлар турли дидактик назария, қарашлардан келиб чиқиб, лойиҳалаш предмети — маълумот мазмунига педагогик ишлов беришади. Маълумот мазмунига педагогик ишлов бериш йўли билан таълимнинг кенг қамровли катта лойиҳалари - концепция, дастур, Давлат таълим стандартлари, дарслик шаклида яратилади. Йирик дидактик лойиҳаларни амалга оширишда иккиламчи лойиҳалар —дарс ишланмалари, дарс

режалари, дарс баёнлари таълим эталонлари сифатида ишлаб чиқилади. Дидактик лойиҳалашнинг иккинчи йўли бўлиб у дидактик лойиҳалаш муаммосини "ўқув материали ва дидактик лойиҳа" тизимида ўрганиш.

Дидактик лойиҳалаш муаммосини шундай йўл билан ўрганиш қатор қулайликларга эга: хусусийликдан умумийликка ўтиш. Дидактик лойиҳалаш муаммосини англаш педагогика назариясида бу соҳада қандай ёндашувлар мавжудлигини билишга, дидактик лойиҳалаш жараёнларини тасаввур этиш даражаларини аниқлашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Дидактик лойиҳалаш даражалари деганда, лойиҳани ўзидан катта ёки ўзига айнан ўхшаш тизимлар билан қиёслаб ўрганиш тушунилади. Ижтимоий ҳодисалар ўз моҳиятига кўра очиқ тизим бўлиб, дидактик лойиҳани ўзидан катта, ўзига айнан ўхшаш (тенг), ўзидан кичик тизимлар билан ёнма-ён ўрганиш янада чуқурроқ, атрофлича англашимизга ёрдам беради. Бу тизимда дидактик лойиҳа давлат ва жамиятнинг битта буюртмасини — ёшларни ҳаётга, ишлаб чиқаришга яроқли, комил инсон қилиб етиштиришда етакчи восита бўла олишини англатади.

**Адабиётлар:**


1. Розиқов О., Оғаев С., Маҳмудова М., Адизов Б. Дидактика. –Т.: Фан, 1997. -256 б.
2. Быков В.В. Методы науки. –М.: Наука, 1974. -213 с.
3. Розиқов О. Таълим технологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1999. -71б.


## SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM TEXNOLOGIYALARI MAZMUN-MOHIYATI


**S.A. Muxamedova**

**Buxoro davlat universiteti Pedagogika nazariyasi va tarixi 1-bosqich magistranti**

**Ilmiy rahbar: p.d.n, proff. B.R.Adizov**



**Annotatsiya:** Ushbu maqolada shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalarining mazmun va mohiyati haqida fikr va mulohazalar yoritilgan.



**Kalit so`zlar:** texnologiya, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim, qobiliyat, ijodiy va tanqidiy fikrlash, hamkorlikda o'qitish, differensial o'qitish, o'qitishga individual va differensial yondashish, o'quvchi papkasi, loyihalar metodi.


Mamlakatimiz prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2021-yil Oliy Majlisga yo'llagan murojaatnomasida: "Kichik yoshdagi bolalarni maktabgacha ta'lim bilan qamrab olish darajasi 4 yil davomida 2 barobar ortib, 60 foizga yetdi. Bog'chalar soni esa 3 barobarga ko'payib, 14 mingdan oshdi.Bu yil oliy ta'limga qabul parametrlari 2016 yilga nisbatan 2,5 barobarga o'sdi, yoshlarimizni oliy ta'lim bilan qamrab olish darajasi 9 foizdan 25 foizga yetdi.Ehtiyojmand oilalarning mingga yaqin qizlari ilk bor oliy o'quv yurtlariga alohida davlat grantlari asosida qabul qilindi"[1] so'zlari zamiridan ham bilish mumkinki, keying yillarda yurtimizda ta'limga bo'lgan yuksak e'tibor oshib bormoqda.

"Texnologiya" - yunoncha ikki so`zdan – "texnos"(techne) – mahorat, san`at va "logos" (logos) – fan, ta`limot so`zlaridan tashkil topgan. Bu ifoda xozirgi kunda zamonaviy texnologiya jarayonini to`liq tavsiflab berolmaydi. Texnologiya deganda sub`ekt tomonidan ob`ektga ko`rsatilgan ta`sir natijasida sub`ektda sifat o`zgarishiga olib keluvchi jarayon tushuniladi. Texnologiya har doim zaruriy vositalar va sharoitlardan foydalanib, ob`ektga yo`naltirilgan maqsadli amallarni muayyan ketma-ketlikda bajarishni ko`zda tutadi. Texnologiya biror bir narsani yaratishni muayyan ketma - ketlik va tartibda amallarni bajarish jarayonidir[2].

Zamonaviy sharoitda ta'lim jarayonining barcha imkoniyatlariga ko'ra shaxsni rivojlantirish, ijtimoiylashtirish va unda mustaqil, tanqidiy, ijodiy fikrlash qobiliyatlarini tarbiyalashga yo'naltirilishi talab qilinmoqda. O'zida ana shu imkoniyatlarni namoyon eta olgan ta'lim shaxsga yo'naltirilgan ta'lim deb nomlanadi. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim talabaning fikrlash va xarakat strategiyasini inobatga olgan holda uning shaxsi, o'ziga xos xususiyatlari, qobiliyatini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim bo'lib, shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalarda o'quvchi ta'limning milliy modeli mohiyatiga ko'ra pedagogik jarayon markaziga qo'yiladi, uning rivojlanishiga va tabiiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga qulay shart-sharoitlar yaratib beriladi. Ta'limning milliy modelini-shaxs, davlat va jamiyat, uzluksiz ta'lim, fan, ishlab chiqarishdan iborat 5 ta tarkibiy qismida "shaxs" asosiy tarkibiy qism ya'ni birinchi o'rinda turadi. Boshqacha aytganda, butun ta'lim tizimi, shu jumladan o'qitish o'quvchi shaxsiga yo'nartirilgan bo'lishi lozim. Bu ta'lim o'qitish muhitining talaba imkoniyatlariga moslashtirilishini nazarda tutadi. Unga ko'ra ta'lim muhiti, pedagogik shart - sharoitlar, ta'lim hamda tarbiya jarayonini to'laligicha talabaning shaxsiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, qobiliyatini rivojlantirish, shaxs sifatida kamolotga yetishini ta'minlash, tafakkuri va dunyoqarashini boyitishni nazarda tutadi.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'limning o'ziga xos jihati ta'lim oluvchi shaxsini tan olish, uni har tomonlama rivojlantirish uchun qulay, zarur muhitni yaratishdan iborat. Bu turdagi ta'lim talabalarda

mustaqillik, tashabbuskorlik, javobgarlik kabi sifatlar shuningdek mustaqil, ijodiy va tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini tarbiyalashga xizmat siladi. Bu turdagi ta'limni tashkil etishda pedagoglardan har bir talaba imkon qadar individual yondashishni, uning shaxsini hurmat qilishni, unga ishonch bildirish taqozo etiladi. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim o'qitish jarayonining ishtirokchilari pedagog-talaba yoki talaba-talaba, talaba-talabalar guruhi, talaba-talabalar jamoasi tarzida o'zaro hamkorlikda bilim olish, shaxs sifatida kamol toptirish uchun qulay pedagogik sharoitni yaratish zaruriyatini ifodalaydi.

Ko'pgina rivojlangan mamlakatlar, jumladan AQSH, Germaniya, Janubiy Korea, Angliya, Singapur ta'lim tizimida "Hamkorlikda o'qitish", "Tabaqalashgan o'qitish", "O'qitishga individual va differensial yondashish", "O'quvchi papkasi", "Loyihalar metodi" kabi texnologiyalar ta'limning ajralmas qismi bo'lib hisoblanadi. Ushbu shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari o'z mazmuni va mohiyati jihatdan o'zaro bog'liq va bir-birini taqazo qiladi va yaxlit didaktik tizimni tashkil etadi. Bular ta'lim oluvchilarni halollik, oshkoralik, boshqalarga g'amxo'rlik, saxovat, samimiylik, o'zaro yordam ruhida tarbiyalaydi[3.126 b].

Falsafa fanlari nomzodi, hozirda Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti dotsenti Valeriy Xan shaxsga yo'naltirilgan ta'lim haqida shunday deydi: "Butun XX asr va hozirgi asr bizdan shaxsga yo'naltirilgan ta'limga o'tishini taqozo qilmoqda.Uning asosida esa ma'naviy, muloqot va kognitiv (yaratuvchan), tanqidiy, tizimli va nostandart fikrlash, keng dunyoqarash, hissiy idrok, katta va o'zgaruvchan ma'lumotlar bazasi bilan ishlay olish qobiliyati va hokazo) sifatlari doimiy o'zgarib borayotgan muhitda shaxsning rivojlanishi yotadi" [2]

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalarini qo'llashda ta'lim oluvchining fanga qiziqishi, bilim saviyasi, tajribasi, psixik jarayonlari( tafakkur, idrok, xotira, o'z hissiyotini boshqara olish) bir so'z bilan aytganda o'quvchi shaxsining o'ziga xos belgilarini e'tibordan soqit qilmaslik kerak.[3]

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, mamlakatimiz ta'lim tizimi hozirgi davr taraqqiyotida shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalaridan keng miqiyosda foydalanish har tomonlama ilg'or, bilimli, barkamol shaxsni shakllantirishga xizmat qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI**


1. https://uzlidep.uz/uz/news-of-uzbekistan/7998
2. https://www.gazeta.uz/oz/2020/08/19/individual-oriented-education/
3. Sh.Sh.Olimov , D.Q.Durdiyev.Pedagogik texnologiya. :Buxoro "Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti,2019.


## IQTISODIY KO'NIKMALARNI TAKOMILLASHTIRISH ASOSLARI


**M.M.Kadirova**
**BuxDU Pedagogika kafedrasi tayanch doktoranti**


Ta'lim jarayonida iqtisodiy ong ta'lim turlarining barcha bosqichlarida dastur va standartlarda belgilangan bilim, ko'nikma, malaka va kompetentsiya shakllantirish orqali tashkil qilinadi. Chunki, jamiyatning rivojlanishida fuqarolarning ijtimoiy-iqtisodiy tafakkuri va madaniyati yetakchi o'rin egallaydi.

"Iqtisodiyot" so'zining o'zagini "iqtisod" so'zi tashkil etadi. Iqtisod so'zining o'zbek tilidagi lug`aviy ma'nosi "sarf-xarajatlarda tejamkorlik" demakdir. Mashhur ma'rifatparvar vatandoshimiz Abdulla Avloniy iqtisodga shunday ta'rif beradi: "Iqtisod deb, pul va mol kabi ne'matlarning qadrini bilmoqqa aytilur. Mol qadrini biluvchi kishilar o'rinsiz yerga bir tiyin sarf qilmas, o'rni kelganda so'mni ayamas"[1]. Inson yaratilibdiki, mehnatini yengillashtirish, hayot kechirishi uchun zarur ehtiyojlarini to'laroq qondirishga harakat qiladi. Mehnat qilishning o'zi ham tirikchilik o'tkazishga qaratilgan. Demak, inson dunyoga kelibdiki tirikchilik harakatida bo'ladi, desak xato qilmaymiz. Insonning mehnat unumi qancha yuqori bo'lsa, yashash uchun ne'matlar shuncha ko'p yaratiladi. Ana shuning uchun ham ajdodlarimizning diqqat-e'tibori qanday qilib hayot kechirish uchun zarur ne'matlarni ko'paytirish yo'llarini topishga qaratilgan. Eng aqlli, zukkolar o'z davriga, sharoitiga mos ravishda eng maqbul yo'llarni topishgan va undan foydalanishni tavsiya etishgan. Ulardan ko'plarining nomi tarixda qolgan.

Shu o'rinda "iqtisodiy ko'nikma" tushunchasiga va uning mohiyatiga e'tibor qaratamiz. Ko'nikma - insonning ilgari tajribalari asosida muayyan faoliyat yoki harakatni amalga oshirish qobilyatidir[2]. Ko'nikmalar amaliy faoliyatga, bilimlarni amalda qo'llay olishga oid faoliyatning tarkibiy qismidir. Ko'nikma faoliyatning maqsadi va sharoitlariga mutanosib ravishda harakatni muvaffaqiyatli bajarish usullaridir. U hamisha bilimlarga asoslanadi, mahorat(malaka)ning negizi hisoblanadi. Ko'nikma

[1] Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т. «Ёшлар нашриёт уйи». – 2018. – 97 б.
[2] http://qomus.info/encyclopedia/cat-k/konikma-uz/

mazmunan amaliy (jismoniy) va aqliy, shaklan oddiy va murakkab turlarga ajratiladi. Amaliy ko‘nikmalar mehnat faoliyatini amalga oshirishga, aqliy ko‘nikmalar bilim olishga, uni o‘zlashtirishga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Ko‘nikmalarni bilim bilan adashtirmaslik lozim, chunki bilimlar voqelik to‘g‘ri aks ettirilgan hukm (mulohaza)larda ifodalanadi. Ko‘nikmalar esa ko‘proq aqliy va jismoniy harakatlarda mujassamlashadi.

Shuningdek, iqtisodiy ko’nikmani shakllantirish MDH va respublikamiz olimlarining iqtisodiy yo‘nalishdagi Oliy ta`lim muassasalari talabalarida kasbiy kompetensiyalarni samarali shakllantirish modellari, bo‘lajak iqtisodiyot o‘qituvchisining axborot texnologoyalaridan foydalanishda kasbiy tayyorgarligini shakllantirishga qaratilgan tadqiqotlarda[1] tahlil qilingan.

Iqtisodiyot[2] – yunoncha “ekonom” va “oykos” so‘zlari birlashmasidan kelib chiqqan, “ekonomika” qishloq xo‘jalik asoslari haqida fan degan ma’noni anglatadi. Birinchidan. “ekonomika” so‘zi ommaviy o‘zbek lug‘atiga o‘tilganda “iqtisodiyot” atamasiga o‘zgaradi. Iqtisodiyot cheklanmagan ehtiyojlarni, cheklangan resurslardan samarali foydalanib boshqarishni o‘rganuvchi fan.

Ikkinchidan, kishilar tomonidan mehnatni qo‘llagan holda inson uchun zaruriy bo‘lgan ne’matlar, hayot sharoitlari va vositalarini yaratish orqali tirikchilikni ta’minlash, ehtiyojlarni qondirishda foydalaniladigan xo‘jalik vositalar, ob’yektlar, jarayonlar majmui. Ishlab chiqarish, ayriboshlash, taqsimot, iste’mol sohasidagi ijtimoiy munosabatlarni qamraydi,

Uchinchidan, muayyan mamlakatning milliy xalq xo‘jaligi, yoki uning bir tarmog‘i (transport iqtisodiyoti, qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti va boshqalar),

To‘rtinchidan, xo‘jalikning u yoki bu tarmog‘ini, mintaqa xo‘jaligini, ishlab chiqarishni tashkil etish usullari va shakllarini, shuningdek, ishlab chiqarishni boshqarishni o‘rganadigan iqtisodiyot fanlari (sanoat iqtisodiyoti, savdo iqtisodiyoti va boshqalar).

Iqtisodiyot so‘zi ma’nolari:

1. Qandaydir xo‘jalik sohasining faoliyati, tashkiloti yoki strukturasi, yo bo‘lmasa umuman milliy iqtisodiyot.
2. Ilmiy predmet – iqtisodiyot nazariyasi.
3. Xo‘jalik hayotining faoliyati, tashkiloti yoki strukturasi – jahon iqtisodiyoti, regional iqtisodiyot, dunyo mamlakatlari iqtisodiyoti.
4. Ishlab chiqarish munosabatlari majmui, jamiyatning asosiy ishlab chiqarish usuli. Asosiy va eng umumiy ijtimoiy-iqtisodiy tizimlari.

1. Bozor iqtisodiyoti (kapitalizm kabi “o‘ng” iqtisodiy tizimlar asosi).
2. Aralash iqtisodiyot (“markazchilar” tizimi).
3. Loyihaviy iqtisodiyot (sotsializm kabi “so‘l” oqimlar iqtisodiyoti).
4. An’anaviy iqtisodiyot (eng qadimiy tizimlar).
5. Partisipativ iqtisodiyot (yangi tizim).

Qadimda Yunon faylasuflaridan biri Ksenofont o‘zining ilmiy ishlaridan birini “Ekonomikos“ deb ataydi. Bu asar orqali mamlakatida ro‘y berayotgan mahsulot almashinishi hamda ishchi xalqni qishloq xo‘jaligidan unumli foydalanib o‘zining moddiy ahvolini yaxshilashi borasida ilk marotaba so‘z yuritilgan. Keyinchalik bu sohalar borasida rivojlanish statistika oqimini keltirib chiqargan, natijada bir necha oqimlar vujudga keladi. Ulardan ayrimlari o‘rta asrlarda vujudga kelib, o‘zining yo‘nalishi bilan bir necha mamlakatlarda shuhrat qozongan.

Iqtisodiyot hamisha jamiyat hayotining asosini tashkil etadi. Odam yashashi uchun o‘z ehtiyojlarini qondirishi kerak. Hamma ehtiyojlarni qondirish esa ishlab chiqarishni rivojlantirish bilan bog‘liq.

Inson san’at, adabiyot bilan shug‘ullanishdan oldin avval ovqatlanishi, kiyinishi va yashash joyiga ega bo`lishi kerak. Buning uchun zarur mahsulotlar, kiyim-kechak va boshqa tovarlar ishlab chiqarishda yaratiladi. Shu tarzda kishilarning moddiy turmush darajasi, moddiy ehtiyojlarning qondirilishi iqtisodiyotning holatiga, ishlab chiqarishning rivojlanishiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri va bevosita bog‘liqdir.

Ilmiy iqtisodiyot - iqtisodiyot nazariyasi insonlar va jamiyatning ko‘p maqsadlarda ishlatilishi mumkin bo‘lgan noyob resurslardan foydalanish usulini qanday tanlashlarini o‘rganuvchi fan.

---

[1] Камалова К.Н. Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари. дис. ... педагогика. фан. ном. 13.00.01. – Тошкент., 2005 – 148 б.; Saipnazarov A.Sh. Akademik liseylar matematika kursida o‘quvchilarning iqtisodiy ko‘nikma va malakalarini rivojlantirish. Diss..pedagogika fan.nom.13.00.02.Toshkent .1998- 142 b.

[2] O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil

Amaliy iqtisodiyot - iqtisodiyot nazariyasi tomonidan ishlab chiqilgan qonuniyat, nazariya, takliflarni bevosita iqtisodiy tizimning alohida elementlari faoliyatiga tatbiq qilish imkoniyatlarini o‘rganadi.

Iqtisodiy ko’nikmani shakllantirish yo’llari bu iqtisodiyot uchun kasbiy tayyorgarlikning ayrim nazariy qoidalarini rivojlantirish va uni innovatsion asosda takomillashtirish bo‘yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqishdir. Jumladan, tadqiqotda quyidagi vazifalar qo‘yildi va hal qilindi: iqtisodiyot uchun kasbiy tayyorgarlikning mohiyati, kontseptual apparati, prinsiplari va rolini aniqlashtirish, bilimlar iqtisodiyotini shakllantirish modelini nazariy asoslash, bilimlar iqtisodiyoti uchun kadrlar tayyorgarligini rivojlantirishdagi muammolarni aniqlash, tendentsiyalarini, uning kasbiy ta’lim darajalaridagi muvozanatini o‘rganish, bilimlar iqtisodiyoti uchun kadrlar tayyorgarligini modernizatsiya qilish shartlari va yo‘nalishlarini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar to‘plamini ishlab chiqish, bilimlar iqtisodiyoti uchun kadrlar tayyorgarligi sifatini oshirish modelini asoslash, yosh mutaxassislarning raqobatbardoshligi omillarini baholash usullarini ishlab chiqish, asoslash va sinovdan o‘tkazish.

Iqtisodiyot hamisha jamiyat hayotining asosini tashkil etgani bois talabalarning iqtisodiy tafakkurni shakllantirish bosqichlaridan iborat bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalarini puxta egallab, amaliyotda qo‘llab bilishlari muhim ahamiyat kasb etadi. Iqtisodiy ko’nikmalarni takomillashtirish natijasida iqtisodiy tafakkur, dunyoqarash va iste’mol madaniyati shakllanadi va jamiyat iqtisodiyoti rivojiga o’zining ijobiy ta’sirini ko’rsatmay qo’ymaydi.

**Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т. «Ёшлар нашриёт уйи». – 2018. 97 б.
2. Камалова К.Н. Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари. дис. ... педагогика. фан. ном. 13.00.01. – Тошкент., 2005 – 148 б.
3. Jo‘rayev T.T. Iqtisodiyot nazariyasi. O‘quv qo‘llanma. –T.: «Fan va texnologiya», 2017, 640 bet. 8 bet.
4. Maxkamova M., Mastayeva I. va boshqalar. Iqtisodiyot nazariyasi. Axbotot-kommunikatsiya tizimlari mutaxassisligi talabalari uchun o‘quv qo‘llanma.T.: 2007. B-14.
5. Saipnazarov A.Sh. Akademik liseylar matematika kursida o‘quvchilarning iqtisodiy ko‘nikma va malakalarini rivojlantirish. Diss..pedagogika fan.nom.13.00.02.Toshkent .1998- 142 b.
6. http://qomus.info/encyclopedia/cat-k/konikma-uz/


## ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ


**Қ.Ф.Абдуллаев**

**БухДУ педагогика кафедраси доценти**



**Аннотация:** мақолада олий таълим муасссасаларида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган маъруза машғулотларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган замонавий методлардан фойдаланиш мазмуни баён этилган.



**Калит сўзлар:** талаба, тафаккур, ривожлантириш, маъруза, метод, усул, фаоллаштириш.



**Аннотация:** В статье представлены результаты исследования эффективных технологий лекционного изложения учебного материала и методов активизации познавательной деятельности студентов на лекции.



**Ключевые слова:** студент, мышление, развитие, лекция, метод, прием, активизация



**Abstract:** The article gives account of the findings of the research on the efficient lecturing techniques and the methods of enhancing students’ cognitive activity at lectures.



**Key words:** student, thinking, development, lecture, method, reception, activation


**КИРИШ.**Мавзунинг долзарблиги шу соҳадаги мамлакатимиз ҳамда чет эллик олимларнинг бир қатор тадқиқотлари ва ишланмалари (О.Р.Розиқов[1], К.З.Зарипов, Б.Р.Адизов[2], Н.Саидахмедов[3], Ў.Толипов[4], И. О. Загашев, С. И. Заир-Бек, М.Махмутов[1], Л. Ф. Красинская, Л. И.

[1] Розиқов О.Р., Оғаев С.Ю. ва бошқалар. Дидактика. -Т.: Фан, 1997. –256 б.

[2] Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил. этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. - Бухоро, 2002. -. 276 б.

[3] Н. Саидаҳмедов, „Янги педагогик технологиялар" Тошкент. 2003 йил.

[4] Ў.Қ.Толипов, М Усмонбоева Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.- Т.: Фан, 2006

Савва, Т. Г. Галактионова, А. А. Вербицкий, Я. Р. Якупова, Dillon J.T., Halpern D ва б)[2] мавжудлиги ҳамда кўпгина олий таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан тадқиқотимиз мавзусига алоҳида қизиқиш билдирилаётганлиги билан белгиланади.

Биз анъанавий деб атайдиган таълим жараёнида маъруза машғулотлари талабаларни ўқитишнинг асосий шакли сифатида эътироф этиб келинмоқда. Аммо охирги вақтларда маърузага нисбатан муносабат кескин ўзгарганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Замонавий ахборот воситаларининг кенг қўлланилаётганлиги сабабли, электрон ўқув материаллари жумладан, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларнинг электрон нусхаларини бевосита ўқиш ва ўрганиш, шунингдек кўпайтириш натижасида улардан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

ОТМдаги сўров натижаларининг кўрсатишича ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида талабалар маъруза машғулотларини самарадорлиги нуқтаи назаридан - ўқув ҳам ишлаб чиқариш амалиёти, амалий-семинар ҳамда лаборатория машғулотлари, шунингдек мустақил таълимдан сўнг тўртинчи ўринга қўйишлари фикримизнинг далилидир.

Уларнинг фикрича маълум курс бўйича электрон қўлланмалар маъруза материалларини кераксиз равишда конспектлаштиришнинг олдини олиб, амалиёт жараёнига кўпроқ ватни сарфлаш имкониятини ҳосил қилади.

Афсус билан қайд этиш керакки, таълим муассасаларида ташкил этиладиган аксарият маъруза машғулотлари баъзи номутаносибликлар асосида ташкил этилиб, машғулот самарадорлигига акс таъсир этиши муқаррар. Қайд этилган маърузаларда ўқув материаллари вербал ҳолда тайёр тақдим этилиб, кўргазмали материаллардан жуда кам фойдаланилган ҳолда, яна энг ачинарли томони талабаларнинг паст интеллектуал фаоллиги тарзида ташкил этилади. Маълумки фундаментал билимлар адаптив тарзда, яъни оддий равишда мавжуд ахборотларга янги ахборотларни қўшиш орқалигина ҳосил қилинмайди.

Фундаментал билимларни эгаллаш учун биринчи навбатда ўқув материалини тушуниш, қайта ишлаш ва тизимлаштиришга йўналтирилган интенсив тафаккур фаолияти талаб қилинади. Кўпгина талабалар таҳлил қилинмаган билимларни ўзлаштириш даражасидаги интеллектуал ривожланиш босқичида қолиб кетиб мавжуд муаммо бўйича ўз фикрларини баён этиш, муқобил ғояларни қиёсий таҳлил этиш, материаллар мазмунидаги тушунчаларни умумлаштириш, якуний хулсосалар чиқаришга қийналадилар.

Табиий савол туғилади. Талабалар тафаккурини фаоллаштиришга йўналтирилган педагогик усулларни қўллаш орқали маъруза машғулотлари самарадорлигини таъминлаш мумкинми? ёки замонавий таълим методлари ва педагогик усулларга асосланиб, маъруза машғулотлари самарадорлигини таъминлаган ҳолда, талабалар касбий тафаккурини ривожлантиришга эришиш мумкинми?

**Асосий қисм**. Тадқиқотимизнинг мақсади тадқиқотчи-олимлар томонидан ишлаб чиқилган маъруза машғулотлари жараёнида талабалар хотираси ва тафаккурини фаоллаштиришга қаратилган усулларни ўрганиш ва улардан тиббий педагогик таълим йўналиши талабалари ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш имкониятларини баҳолашдан иборат бўлди.

Маъруза-талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини узлуксиз бошқарадиган ўқитишнинг асосий ташкилий шаклларидан бири ҳисобланади.

Маъурза атамаси-лотинча *lection* (ўқиш) сўзидан келиб чиқиб, дастлаб қадимги Юнонистонда пайдо бўлди ҳамда қадимги Римда ўқитишнинг асосий шакли сифатида эътироф этила бошланди.

Олий таълим муассасаларидаги маъруза – таълим жараёнидаги дидактик циклнинг бош бўғини ҳисобланиб, унинг мақсади талабалар томонидан ўқув материалининг кейинги қисмларини ўзлаштириш учун мустаҳкам илмий-назарий асосни шакллантиришдан иборатдир[3].

Маъруза қуйидаги функцияларни бажаради:

- Ахборот ( керакли маълумотларни тақдим этади);
- Стимулловчи (мавзуга қизиқишни уйғотади);
- Тарбияловчи, ривожлантирувчи (воқев-ҳодисаларга баҳо беради, тафаккурни ривожлантиради);

---

[1] Махмутов М.И. Урок: типология, структура, анализ //Ж. Советская педагогика, 1986, № 2.

[2]Бусыгин А. Г., Бусыгина Т. А. Постановка вузовской лекции и оценка ее качества / под ред. А. Л. Бусыгиной. Самара: Изд-во СГПУ 2005. 32 с.

[3] Розиқов О.Р., Адизов Б.Р., Нажмиддинова Г.Н.. “Умумий дидактика” ўқув қўлланма. Бухоро 2012 й. 320 б.

- Йўналтирувчи;
- Тушунтирувчи ( масалан асосий илмий категорияларни);
- Ишонтирувчи ёки исботловчи.

Шунингдек, талабанинг шахсий етуклигига таъсир кўрсатиб, унда умумий маданият ҳамда эрудициянинг ривожланишига ёрдам беради.

Юқорида қайд этганимиздек, ҳозирги кунда маъруза машғулотларининг “тарафдор”лари билан бир қаторда унинг “рақиблари” ҳам мавжуд бўлиб, улар ўқув материалини маъруза тарзида тақдим этишнинг салбий томонлари тўғрисида қуйидаги далилларни келтирадилар:

- Маъруза талабаларни бошқалар фикрини пассив равишда қабул қилишга ўргатиб, мустақил тафаккурнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.
- Маъруза мустақил тайёргарлик асосидаги машғулотларга бўлган қизиқишни сўндиради;
- Маърузалар дарслик бўлмаган ҳолдагина керак бўлади;
- Маъруза давомида барча талабалар ҳам ўқув материалини ўзлаштиришга улгурмайди;

Аммо шуни қайд этиш лозимки, маърузадан воз кечиш талабаларнинг илмий тайёргарлик даражасини пасайтириб, семестр давомидаги ўқув фаолиятининг тизимли ҳамда бир маромда кечишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам маъруза ОТМ да ўқитишнинг энг асосий шакли сифатида эътиборга лойиқдир.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ўқув материалини такомиллаштирилган методика асосида баён этиш орқали бартараф этиш мумкин. Айнан маъруза машғулотларида мустақил тафаккурни ривожлантириш, шунингдек, таҳлил, синтез, қиёслаш, умумлаштириш каби тафаккур операцияларни амалга ошириш имкониятлари беқиёсдир. Шу сабабли маъруза педагогик вазифаларни амалга ошириш учун амалга оширилмаган кенг имкониятлар ва ички заҳираларга эгадир.

Маъруза машғулотларини ташкил этишнинг самарали технологиясини америкалик мутахассислар Д. В. Джонсон, Р. Т. Джонсон ҳамда К. А. Смитлар таклиф этишган бўлиб, маъруза машғулотларини ташкил этишда улар учта босқични ажратиб кўрсатишади:

1) тайёргарлик, бунда ўқитувчи талабаларда мавжуд билимларни фаоллаштиради, уларнинг диққатини ўрганилаётган муаммога тўлиқ жалб қилади ва шу муаммони ўрганишга қизиқиш уйғотади;

2) амалга ошириш ва англаш босқичи. Бу босқичда янги ўқув материали баён қилиниб, аввалдан ўйланган ва тайёрлаб қўйилган топшириқлар тизими танқидий қайта ишлаш ва таҳлил қилиш мақсадида тақдим қилинади;

3) рефлекция босқичи. Бу босқичда талабалар ўқув материали мазмунини таҳлил қилиш билан бирга янги билимларни англаш жараёнини ўзлаштирадилар.

Тақдим этилган маърузаларни ташкил этиш технологияси ўз навбатида талабаларнинг маъруза давомида ўқув-билув фаолиятларини фаоллаштириш методларини қўллашни талаб қилади.

Ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилган методларни ўрганиш асосида тиббий таълим йўналиши талабалари учун касбий педагогика фанини ўқитишда: муаммоли вазиятлар методи, фаоллаштирувчи саволлар методи, диалог методи, визуализация методи, ҳамда касбий тафаккурни ривожлантиришнинг бошқа усулларини тавсия этдик.

**Муаммоли вазиятлар методи** – маъруза машғулоти давомида таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган. Маъруза машғулотида талабаларнинг касбий тафаккрини ривожлантиришга қаратилган муаммоли вазиятлар муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилади.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон

беради, касбий тафаккурлари ривожланиши учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

**Фаоллаштирувчи саволлар методи.** Талабалар тафаккурини фаоллаштириш ҳамда уларнинг эътиборини жалб этиш мақсадида маърузачи аудитория олдига фаоллаштирувчи ҳамда риторик саволлар қўяди.Бир мунча сукутдан сўнг ўқитувчи фаоллаштирувчи саволга жавоб бериш учун исталган талабани жалб этади. Ўқитувчи берилган жавобни албатта изоҳлаши керак, жавоб нотўғри берилган тақдирда ўзи унга жавоб бериши керак.

**Диалог методи**. Маъруда вақтидаги диалог ўқитувчи ва талаба ўртасида фикрлар алмашувини юзага келтириб, ўзаро мулоқот воситасида маърузанинг маълум бир босқичида ўқув маълумотларини баён этиш ва мустаҳкамлаш имкониятини беради. Диалогни ташкил этиш учта саволга жавоб бериш тариқасида амалга оширилади:

-биз қайси ва қандай маълумотларни қабул қилдик?

- ўз фаолиятимизда нималарга интиламиз, қабул қилинган маълумотлар мақсадга эришиш учун етарлими?

-мақсадга эришиш учун эгалланган билимларимизни қай тарзда фойдаланамиз?

Диалогни ташкил этишда ўқитуви ва талаба орасида тўлиқ ишонч муҳитини ҳосил қилиш керак. Талаба ўз фикрларини ҳато бўлган тақдирда ҳам дадил баён қилиши лозим. Чунки диалогда асосий мақсад талабаларда мазкур муаммо бўйича қизиқиш ҳосил қилиш ҳамда шу орқали унинг тафаккур механизмини ишга солищдан иборат. Шунга эришиш оқали ўқитувчи талабанинг хатоларини қисқа шарҳ орқали тез ва осон бартараф этади, керак ҳолатда жавобларни тўлдиради.

**Визуаллаштириш методи.** Бу метод таълимда кўргазмалилик принципини амалга оширади. Маълумки, кўргазмалилик нафақат ўқув материалини эслаб қолиш ҳамда қабул қилиш имкониятини беради, балки талабанинг ақлий фаолиятини фаоллаштириш, ўрганилаётган ҳолатлар мазмунини чуқур тушуниш ва англашга ёрдам беради. Бирон маълумотни баён қилиш учун узундан-узоқ гапирш мумкин, лекин шу маълумотларни асословчи расм, схема, диаграмма, гистограмма, ёки жадвални кўрсатиш орқали барча нарса тушунарли бўлиши шубҳасиздир.[1]

Визуал тафаккур қонуниятларни ўрганиш унинг қарор қабул қилишнинг ижодий характери билан боғлиқлигини кўрсатади. Визуаллаштириш методи тизимлаштириш, диққатни жамлаш ва таҳлил қилинаётган маълумотларнинг энг муҳим жиҳатларини ажратиш орқали тафаккур жараёни шаклланишини таъминлайди.

Визуал маълумотлар ўқитувчи томонидан макет, расм, график, фотография, фильм, мультфильм воситасида доска ёки проектор орқали намойиш қилинади.

Бундай ташкил этилган маърузалар нафақат талабалар касбий тафаккурини ривожлантирибгина қолмасдан ўқитувчининг ўз устида ишлаши ҳамда ижодий характердаги фаолиятини ривожлантиришга ҳам туртки бўлади.

Ҳозирги кунда тажрибали ўқитувчилар томонидан LearningApps, Hot Potatoes, 3ds Max, Blender, AutoQ3D, Bryce (DAZ Productions), DX Studio, Sculptris каби кўплаб анимацион дастурлардан фойдаланиб тайёрланган ўқув материаллари ҳам талабаларга маъруза машғулотларини қизиқиб тинглаш, ўрганилаётган материалнинг моҳиятини англаш ҳамда тафаккур даражасини ўстиришга хизмат қилади.

**Хулоса.**

Маъруза машғулотларини ташкил этишда очиқ маърузалардан фойдаланиш, мавзунинг талабалар томонидан қизиқиш билан ўзлаштирилишида қуйидагиларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ:

● талабаларга фандаги сўнгги ютуқ ва янгиликларнинг профессор-ўқитувчилар томонидан етказилиши;

● замонавий таълим тизимида фанлар бўйича илмий-услубий жиҳатдан етук маърузаларнинг талабаларга тарғибот этилиши;

● педагог кадрлар касб маҳоратининг маърузаларни ташкил этиш технологиялари асосида оширилиши.

Талабалар ҳозирги ахборотлар маконида зарур ва керакли маълумотларни мустақил ололмайди, у адашиши мумкин, маъруза унга йўл кўрсатади. Лекин маъруза эски анъанавий

[1] Загашев И. О., Заир-Бек С. И. Критическое мышление: технология развития. СПб.:Изд-во «Альянс «Дельта», 2003. 284 с.

усулда мавзу материалларни «ўқиб бериш» бўлиб қолмаслиги керак. Замонавий маъруза аввалги ўқитишнинг «нофаол» усулидан «фаол» усулига ўтмоғи, баҳс, мунозара, суҳбат, муҳокама шаклида, амалий ишларнинг уйғунлиги, яъни интерактив усулларда ташкил этилмоғи лозим. Шу сабабли, ҳозирги вақтдаги кўплаб инновацион услублар ўқитишнинг интерактив услубларини қўллаш билан боғлиқдир[1].

Шундай қилиб, талабалар ўқув-билув фаолиятини маъруза машғулотларида бошқариш ҳамда такомиллаштирш ўқитувчи олдидаги энг муҳим дидактик вазифалардан бири ҳисобланади. Бу муаммо ўзида талабаларнинг касбий ҳамда билишга бўлган қизиқишларини стимуллаш, уларнинг маъруза машғулотларида фаол иштирок этишлари, маъруза материаллари бўйича мустақил ишларини ташкил этиш жараёнини қамраб олади.

Бу вазифаларнинг барчаси яхлит методик усуллар комплексини қўллаш воситасида ечилади.[2]

Ўз навбатида талабалар билиш фаолиятини фаоллаштирувчи барча методлар ўқув материали мазмуни, аудитория таркиби ва тайёргарлигига боғлиқ ҳолда қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

**Адабиётлар рўйхати**


1. Бусыгин А. Г., Бусыгина Т. А. Постановка вузовской лекции и оценка ее качества / под ред. А. Л. Бусыгиной. Самара: Изд-во СГПУ 2005. 32 с.
2. Давиденко Е.С. АКТИВИЗАЦИЯ ЛЕКЦИОННОЙ ФОРМЫ ОБУЧЕНИЯ В ВУЗЕ // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – № 5.
3. Розиқов О.Р., Адизов Б.Р., Нажмиддинова Г.Н.“Умумий дидактика” ўқув қўлланма. Бухоро 2012 й. 320 б.
4. Загашев И. О., Заир-Бек С. И. Критическое мышление: технология развития. СПб.:Изд-во «Альянс «Дельта», 2003. 284 с.
5. Kurbanoba G.N.Development of professional and operational thinking of future specialists in the educational process Neurodynamics. Journal of clinical psychology and psychiatry. Published:30.01.2020 https://zenodo.org/record/3711229#.X_TF1VUzbIU
6. Wade, W, et al (eds) (1993) Flexibility in Course Provision in Higher Education, Flexible Learning Initiative, Loughborough University of Technology, Leicester, England, 2000.
7. Tryus, Yu.V., Herasymenko, I.V.: Blended learning as an innovative educational technology in high school. Theory and methods of e-learning 3, 299–308 (2012)


## АРТ-ТЕРАПИЯ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЛАБА-ЁШЛАР КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ


**Ш.Ш.Останов**

**Бухоро давлат университети, психология кафедраси катта ўқитувчиси**


Жамият тараққиётининг замонавий даври ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар билан характерланади. Жамият мустаҳкам, чуқур билимга ега бўлган ва мустақил, ижодий муаммоларни ҳал етишга, ўз-ўзини ривожлантириш ва атроф-муҳитни ўзгартиришга қодир бўлган талаба-ёщларга муҳтож.

Жамиятдаги ўзгаришларга жавобан таълим ҳам ўзгаради. Инсонпарварлаштириш ўз тараққиётининг умумий йўналиши сифатида шахснинг ижодий компонентларини ривожлантиришга эътиборни қаратишни ўз ичига олади, чунки у жамиятнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқарувчи таълим жараёнининг субъектларидир.

Таълим тизимида йўналиш ўзгариши, шахсга йўналтирилган таълимга бўлган эҳтиёж, боланинг умумий психологик ривожланишига ўрнатиш, таълимни ривожлантириш тизимларини яратишда амалга ошириладиган таълимни ривожлантириш ғояларининг кенг тарқалишига олиб келди (В. В. Давидов, Л. В. Занков, Д. Б. Элконин). Шу билан бирга педагогик ижодкорлик таълим жараёни сифатининг кўрсаткичи вазифасини бажаради.

---

[1] Махсудов В.Г. Замонавий таълим тизимида фанлар бўйича маъруза турлари ҳамда уларни ташкил этиш технологиялари. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2017, 2

[2] Kurbanoba G.N.Development of professional and operational thinking of future specialists in the educational process Neurodynamics. Journal of clinical psychology and psychiatry.

Педагогик ишларнинг асосий натижалари ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг ижодий фаолият йўлларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу натижаларга эришиш шартлари шунчалик мураккабки, муваффақиятга фақат ўқув жараёнини ташкил этиш, қўйилган педагогик вазифаларни ҳал этиш ва инновацион таълим дастурларини амалга оширишга ижодий ёндаша оладиган талаба-ёшларгина эришадилар.

Креативликн тадқиқ етиш олий таълим психологияси ва педагогикасининг устувор соҳаси ҳисобланади. Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг бир қатор асарлари талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммосига бағишланган: П.Я. Гальперин, В.В. Давыдов, Л.В. Занков, В.А.Кан-Калик, Е.А. Максимов, А. Маслоу, А.М. Матюшкин, Я.А.Пономарев, Дж. Гилфорд, Е.П. Торренс, Д.Б. Эльконин.

Тарихан арт-терапия санъатга асосланган ва предметнинг ижодий фаолиятини рағбатлантирувчи психотерапия усули сифатида асосан клиник амалиётда қўлланилади. Касбий тайёргарлик соҳасида санъат терапияси тўғри амалий қўлланмани топмаган. Шу билан бирга, арт-терапия шахснинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантирадиган бой имкониятларни ўз ичига олади, хусусан, касбий тайёргарлик тизимида арт-терапия амалиётларидан фойдаланиш бўлажак ўқитувчи шахсининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш усулларидан бири бўлиши мумкин.

Педагогика ва психология соҳасида касбий таълим тизимига (Н Н.Ф.Вишнякова, Л.А. Петровская, К. Уэлсби, А.П. Федорова) арт-терапияни жорий етиш муаммоси бўйича илмий ишлар мавжуд, аммо улар фақат назарий таҳлилларгагина асосланган.

Янги ижодий ўқитувчилар учун мавжуд бўлган ижтимоий буюртма ва бўлажак ўқитувчининг шахсини ижодий салоҳиятини ривожлантириш муаммосининг назарий ва услубий ривожланиши ўртасида зиддият мавжудлиги ушбу тадқиқотнинг долзарблигидан далолат беради.

Шахс психологиясининг асосий мавзуси узоқ вақт давомида индивидуал фарқлар - "ташқи тенденциялар" деб аташ мумкин бўлган нарсалар, яъни хулқ-атвор услуби, ҳиссий-билиш соҳалари орасидаги тафовутлардагина кузатилади. Ушбу тадқиқот анъанасига ҳали ҳам психологлар томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ, ташқи тенденцияларни аниқлашдан ташқарига чиқиш керак. Инсон ўз тараққиётининг боришига таъсир кўрсатувчи фаол субъект ҳисобланади. Шунинг учун шахс психологияси нафақат руҳий хусусиятларни, сифатларни, балки индивидуал салоҳиятни ҳам ўрганишни ўз ичига олади.

Шахс психологияси манфаатлари соҳасига салоҳият муаммосининг киритилиши унинг оқибатларига олиб келади.

Биринчидан, у ҳар доим шахсий диспозициялар, шахсий хусусиятлар бўлган анъанавий ўрганиш мавзусининг чегараларини кенгайтиради. Шубҳасиз, унинг мавжуд хусусиятларини янгилаш, индивидуал фарқларни баҳолаш, балки яширин ресурсларни рағбатлантириш ва индивидуал салоҳиятни ривожлантиради.

Иккинчидан, салоҳият тушунчаси бизни шахсий сифатларнинг динамик ўзаро муносабатларда ривожланиши ва намоён бўлишига эътибор беради. Инсон ва унинг ижтимоий-маданий муҳити. Инсоннинг психологик сифатларини фақат типик вазиятларда уларнинг типик хатти-ҳаракатларидан чиқариб бўлмайди. Инсон муайян шароитдагина амалга ошиши мумкин бўлган салоҳиятга эга бўлиши мумкин.

Ниҳоят, салоҳият нафақат одамларга, балки атроф-муҳитга ҳам хосдир. Атроф-муҳит инсонга юқори талаблар қўйиши ва шахсий ўсиш учун имкониятлар яратиши мумкин. Турли ижтимоий ва шахсан муҳим қарорлар қабул қилиш инсоннинг қобилиятларини сафарбар қилади ва уларни янги кўникмаларни эгаллашга мажбур қилади. Қарор қабул қилиш ва уларни амалга ошириш қандайдир ижтимоий алоқалар билан кечади, бу даврда инсон қийинчиликларга дуч келиши мумкин, бу эса унга ўз кучини ҳис қилиш имконини беради ва ўз навбатида ўз фикрини ўзгартириши мумкин. Бу ҳолда асосий нуқта шахс томонидан муайян йўлни танлашдир. Одатда, атроф-муҳит ташқи томондан инсонга тааллуқли эмас, бу танлов натижасидир. Ўз қадриятлар тизими, ҳаётий мақсадлари ва қобилият доирасига ега бўлган инсон ўзининг шахсий ва касбий ҳаёти кечадиган шарт-шароитларни танлайди. Аслида, маълум бир муҳитда ўзини топган, лекин танлашда пассив бўлиб қолган одам учун кўпгина яширин имкониятлар салоҳиятли бўлиб қолади. Университет таълим, мисол учун, шахсий ва интеллектуал ўсиши учун кенг истиқболлар беради.

Бу мулоҳазалар, албатта, шахсий ривожланиш мақсадлари ғоясини кенгайтириш, нафақат мавжуд шахсий хусусиятларни янгилашга, балки, шахснинг яширин ресурс имкониятларини рағбатлантиришга қаратилган. Бу ресурслардан бири шахснинг креативлигидир.

Салоҳият тушунчаси мураккаб категориал бирликдир.

Шундай қилиб, "салоҳият" тушунчасининг семантикаси ҳар қандай соҳада муайян мақсад учун фойдаланиш мумкин бўлган мавжуд манбалар, имкониятлар, воситалар ва ресурслар мажмуининг мавжудлиги билан белгиланади.

Табиийки, салоҳият муаммоси инсонни, унинг хулқ-атвори, фаолияти, айниқса, шахсий ва касбий ютуқларини ўрганувчи фанларнинг энг яқин eътиборини тортди. Унинг мазмуни бўйича тадқиқот натижаларини қисқача кўриб чиқамиз.

Психологлар узоқ вақт давомида инсон салоҳиятини актуаллаштириш муаммосига қизиқишган. Маслоу ўзининг кишилик назариясини инсон табиатининг потенсиалистик нуқтаи назарига асослади. Мерфи ва Роджерс ҳам ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятига эътибор берган. Оллпорт ўз-ўзини ривожлантириш учун табиий инсон қуввати ҳақида ёзган.

Бироқ, замонавий психология Маслоу, Мерфи, Роджерс ва Оллпорт илмий назарияларидан анча кенг тарқалган хулқ-атвор, билим ва ижтимоий фанларда тўпланган билимлардан фойдаланиши мумкин. Бу муҳим афзаллиги ҳисобланади. Инсон салоҳиятини юксалтиришнинг ‘нг ишончли усули шахс фаолиятининг детерминантлари ва механизмларини тушунишдир. Уларни тушуниш орқали сиз ўзгариши мумкин бўлган руҳий жараёнларни ва инсон фаровонлиги учун ўзгартириши мумкин бўлган психологик омилларни аниқлашингиз мумкин. Ақлий меҳанизмларни илмий ўрганиш ва уларга таъсир етувчи омиллар гуманистик мақсадлар учун энг қулай ва ишончли восита ҳисобланади.

Бунинг учун талаба-ёшлар креативлигини ўрганишда уларнинг салоҳиятини қандай таркибий қисмлардан иборатлигини аниқлаб олишимиз муҳим:

* шахснинг табиий хусусиятлари (туғма ёки табиий майллар-анатомик ва физиологик шарт-шароитлар, шахснинг ривожланишини белгиловчи периферик ва Марказий асаб тизимининг ирсий хусусиятлари);

* қобилиятлар (жисмоний шахсларни бошқаларга нисбатан юқори ишлаш кўрсаткичлари билан таъминлайдиган, куч ва вақтни тенг сарфлайдиган салоҳият имкониятлари);

* шахснинг йўналганлиги (шахс фаолиятини йўналтириб турувчи ва устунлик қилувчи вазиятлардан нисбатан мустақил бўлган барқарор мотивлар мажмуи);

* шахсий куч (салоҳият имкониятларнинг кўрсаткичи, қийинчилик ва тўсиқларни бартараф этиш қобилияти ва кучли иродали фазилатлар).

Талаба-ёшлар шахсининг ижодий салоҳиятини ривожлантириш унинг динамик компонентини очиб бериш имкониятларини таъминловчи ва уни актуаллашишига тўсқинлик қилувчи психологик чекловларни олиб ташлашга кўмаклашувчи методик воситаларни талаб қилади. Педагогик ижодкорлик шахснинг асосий ресурсларига, шу жумладан, унинг ижодий салоҳиятига асосланиши лозимлигига асосланиб, психологик ижодкорликни рағбатлантириш воситаларини тизимлаштириш муаммосига дуч келамиз.

Талаба-ёшлар шахсининг ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг долзарблиги ва моҳияти муаммосига оид турли назарий тадқиқотларнинг педагогика ва психологияда мавжудлиги билан бирга, бу муаммони амалий даражада ҳал этишга қаратилган воситаларни тавсифлашга бағишланган асарлар бугунги кунда етарли эмас.

Г.В.Никитина ва В.Н.Романенко педагогика университети талабаларини педагогик фаолиятда ижодкорликка мақсадли тайёрлаш муаммосига мувофиқ икки йўлни кўриб чиқадилар:

***Биринчи йўл*** бутун ўқиш даврида турли ўқув фанларини ўқитиш жараёнида ижодий ўрганиш элементларидан фойдаланишдир. Психологияда амалий машғулотларда ижодий жараённинг тузилиши, унинг алоқалари ва босқичларини кўриб чиқиш. Мазкур фан учун алоҳида фанларни ўқитиш методларини (ноанъанавий метод, таълим шакллари, техника ва технологияларни танлаш) ўрганишда аниқ тавсияларнинг мавжудлиги;

***Иккинчи йўл*** - бу муайян фан доирасида, факультетнинг ўзига хос хусусиятларига ва муайян университет ва минтақанинг турли-туман хусусиятларидан келиб чиқиб махсус тайёргарлигини амалга оширишдир.

К. Уэлсби услуби бўйича арт-терапия педагогик жараённинг таркибий қисми сифатида қаралади. "Бутуннинг бир қисми: педагогикада арт-ерапия" асарида психолог: "Педагогика кўп ўлчовли ва мураккаб фандир. Унинг структуравий ва мазмуний хусусиятлари шундан иборатки, улар ҳамма нарса ўзаро боғланган ва соф сабабий бўлган мураккаб организмга ўхшайди. Педагогика ва таълим барча жонзотлар каби ривожланади. Уларда янги нарсанинг кашф этилиши табиийдир. Таълим психологияси шундайки, унинг амалиёти объектларининг муҳим эҳтиёжларига жавоб берадиган нарсаларни қабул қилади... Арт-терапияси, инсоннинг ички

тажрибалардан тўлиқ фойдаланиб, таълим жараёнини керакли, қизиқарли ва самарали бўлишига ёрдам беради"

Фрейд арт-терапияда коррекцион таъсирнинг асосий механизми сублимация (*ижтимоий мақбул мақсадларга, ижодкорликка эришиш учун энергияни йўналтириш орқали ички кучланишни олиб ташлаш психиканинг мудофаа механизми. Биринчи Фрейд томонидан тасвирланган.)* механизми ҳисобланади. Психоаналитик назарияда сублимация психологик мудофаа механизмларидан бири сифатида таърифланади, бу ҳар қандай анти-ижтимоий импулслар ижтимоий мақбул хатти-ҳаракатларга қайта тақсимланадиган жараён бўлиб, бу уларга муросага эришиш имконини беради. Психологик ҳимоянинг барча механизмлари инсонга ташвиш туйғусини камайтиришга ёрдам берса-да, сублимация энг мослашувчандир, чунки у ижтимоий тасдиқланган натижаларга олиб келади.

**Адабиётлар:**


1. Выготский Л.С. Воображение и творчество подроста. Собр. соч. в 6-ти томах. – Т 4. – М.: Педагогика, 1984. – 432с.
2. Давыдов В.В, Зинченко В.П. Принцип развития психологии //Вопросы философии. — 1981. - №12. – С. 24-36.
3. Фрейд 3. Введение в психоанализ. Лекции. – М.: Наука, 1989. – 455 с.
4. Эльконин Д.Б. Избранные психологические труды. – М.: Педагогика, 1989. – 554 с.


## BOSHLANG‘ICH SINFLARDA MATEMATIKA FANINI O’QITISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH METODIKASI.


**N.A.Asadova**

**Buxoro shahar 3-maktabining boshlang’ich sinf o’qituvchisi.**


Ta’lim tizimlarida Ilm-fan, texnika, uning ishlash texnologiyasining o‘sishini jadallashuvi sohada ilmiy-texnikaviy axborotlarning rivojiga tez-tez yangilanishlar olib keldi. Bu hol o‘z-o‘zidan ma’lumki, ma’lumotlar, axborotlarni uzatish usulini yangilash, jadallashtirishni talab etmoqda.

Axborot texnologiyalari - gipermatn, multimedia, Internet, intranet, elektron pochta, WEB-texnologiya, sun’iy intellekt tizimlarini o‘zida mujassamlashtiradi.

Axborotlar ko‘paygan va texnik vositalar rivojlanib borayotgan hozirgi davrda o‘qitish jarayonida o‘qituvchi har bir mavzuga doir ma’lumotlar berishida faqatgina kitobdagi ma’lumot-lar bilan cheklanib qolmasdan, mavzuga oid proeksion ko‘rgazmalar, elektron darsliklardan, internet ma’lumotlari, turli dasturlarda tayyorlangan animatsiyalardan foydalanish juda muhim hisoblanadi.

Hozirgi zamon o‘qituvchisi barcha zamonaviy texnika, axborot va pedagogik texnologiyalar-dan xabardor bo‘ishi davr talabidir. Nazariy va amaliy mashg‘ulotlar o‘tkazishda yangi adabiyotlardan foydalanish bilan bir qatorda Internet ma’lumotlari va elektron kitoblardan foydalanish ta’lim samaradoligini yanada oshiradi. Buning uchun avvalo o‘qituvchining o‘zi quyidagi bilim, ko‘nikma va malakalarga ega bo‘ishi talab etiladi:

❖ kompyuterning asosiy texnik vositalari va ularning tavsiflarini bilish;

❖ kompyuter savodxonligi, internet tizimi, modem aloqa va elektron pochtadan foydalana bilish; - dars jarayonida kompyuter texnikasidan foydalanish metodologiyasini bilish;

❖ dars jarayonida axborotni saqlash, qayta ishlash tarqatish va namoyish qila olish;

❖ axborot texnologiyalari ularni dars jarayonida joriy etish yo‘larini bilish;

❖ axborot texnologiyalar asosida bilim olishning didaktik tamoyillarini bilish;

❖ axborot texnologiyalar asosida muammoli ta’limni tashkil etish bo‘yicha ilg‘or pedagoglarning tajribalarini o‘rganish;

❖ dars jarayoniga tegishli bo‘gan manbalarni Internetdan izlab topish va undan foydalanish ko‘nikmasiga ega bo‘ish.

Har bir dars qanday mazmun va ko‘rinishda bo‘ishidan qat’iy nazar, ta’lim mazmunining joriy etilishini ta’minlovchi barcha turdagi o‘qitish texnologiyalarini o‘zida mujassamlashuvini talab etadi. Bu hol bejiz emas, albatta. Barkamol avlod tarbiyasi mazkur holni talab etish bilan birga uni o‘ziga

xos tarzda qo‘lab-quvvatlaydi. Darsni tashkil etish imkoniyatini beruvchi alohida jihatni ifodalaydi hamda o‘qitishning tegishli metodlaridan foydalanishni talab etadi. Shu bilan birga har bir zamonaviy dars qaysi o‘quv predmetiga taalluqli bo‘ishidan qat’iy nazar, ma’lum yoshdagi, bilim va malaka darajalari yaqin bo‘gan o‘quvchilar guruhining o‘quv-bilish faoliyatlarining faol va rejali bo‘ishini ta’minlovchi tashkiliy jarayon hisoblanadi.

O‘qituvchi dars jarayonida boshqa ma’lumotlarni berish bilan bir qatorda Internet ma’lumotlari, multimedia orqali suratlar, jadvallar va shunga o‘xshash mavzuga oid qo‘shimcha ma’lumotlarni ko‘rsatib o‘tsa, bu o‘quvchilarning nafaqat darsga bo‘gan qiziqishi oshiradi, balki o‘quvchini mustaqil o‘qishini talab darajasida shakllantirishga, mavzuni imkon darajasida to‘a o‘zlashtirishiga ham yordam beradi.

## BOSHLANG‘ICH SINF DARS MASHG’ULOTLARIDA INNOVATSION TA’LIM TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI XUSUSIDA.

**R.H.Asadova**
**Buxoro shahar 3-maktabining boshlang’ich sinf o’qituvchisi.**

Boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilar dastlabki bilimlarga ega bo‘ladilar. Har bir kishining kelajakda qanday kasb egasi bo‘lishida ham, asosan, shu davr asos bo‘ladi. Bunda boshlang‘ich sinf o‘qituvchisining roli katta. Ular maktabga endi qadam qo‘ygan o‘quvchilarni maktab hayotiga ko‘niktirib, zamonaviy bilim olishlariga zamin yaratib beradilar. Bolalarning o‘qishga munosabatlari, aqliy salohiyatlari shu davrda shakllanadi. Bu ham boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining vazifasi mas’uliyatli ekanligini ko‘rsatadi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun ularning o‘qituvchisi “ideal” shaxs hisoblanadi. Shu sababli boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi har tomonlama mukammal shaxs bo‘lishi: u kuchli bilimga va tarbiyaga ega bo‘lishi kerak.

Hozirda darslarda innovatsion texnologiyalardan foydalanish o‘qituvchilarga asosiy vazifa qilib qo‘yildi. Innovatsiya - lotincha so‘z bo‘lib, “yangilik kiritaman, tadbiq etaman, o‘zgartiraman” degan ma’nolarni bildiradi. Innovatsion texnologiyalardan darsda foydalanishning o‘ziga xosligi
shundaki, ular o‘qituvchi va o‘quvchilarning birgalikdagi faoliyati orqali amalga oshadi. Innovatsion texnologiyar jumlasiga pedagogik texnologiya va axborot texnologiyalarini misol qilishimiz mumkin. Boshlang‘ich sinflarda pedagogik texnologiyalarni qo‘llaganda ko‘proq bolalarning yoshini, bilim saviyasini va qiziqishlarini hisobga olish lozimligini unutmaslik kerak. Ularga oddiy, oson va kam vaqt sarf qilinadigan o‘yin mashqlaridan foydalanib dars o‘tish yaxshi samara beradi. Ko‘proq atrof-muhit bilan bog‘lab, bolalarning o‘z ko‘zlari bilan ko‘rgan narsalaridan foydalanib o‘tilgan darslar ularning dunyoqarashini shakllantirishda, erkin fikrlash, bayon qilish qobiliyatlarini rivojlantirishda asosiy rol o‘ynaydi. Ma’lumki, har bir dars mavzusini o‘rganishda o‘ziga xos texnologiya, usul va vositalarni tanlashga to‘g‘ri keladi. Darsni turli xil axborot texnologiyalardan foydalanib, shu jumladan multimediya vositalari va slaydlardan foydalanib o‘tish mumkin. Darsda multimediya vositalari, slaydlardan foydalanib dars o‘tishning bir necha qulayliklari va foydali tomonlari mavjud. O‘qituvchi tushuntirishi lozim bo‘lgan mavzuning ba’zi qismlari multimediya yoki slayd orqali ko‘rsatilsa, ham o‘quvchilar aynan o‘sha narsani o‘z ko‘zlari bilan ko‘radilar va tushunishlari oson bo‘ladi, ham o‘qituvchi tushuntirishda qiynalmaydi. Hozirda boshlang‘ich sinf darsliklari asosida bir nechta fandan multimediyalar yaratilgan bo‘lib, ularni darsda qo‘llash orqali ko‘plab yutuqlarga erishish mumkin. Ularda mavzular turli xil rasmlar orqali tushuntirilgan, bundan tashqari turli xil boshqotirmalar, testlar tuzilgan, harakatli dam olish daqiqalari berilgan. O‘qituvchi bulardan foydalangan holda dars o‘tsa, darsi o‘quvchilar uchun ham tushunarli, ham qiziqarli bo‘ladi. Lekin bundan to‘g‘ri foydalanish talab qilinadi. Dastur bo‘yicha multimediya vositalaridan foydalanish uchun darsning 10-15 daqiqasini ajratish mumkin. Chunki boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining diqqatini uzoq ushlab turib bo‘lmaydi. Eng yaxshi o‘qituvchi ham boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining diqqatini uzog‘i bilan 7-10 daqiqa ushlab turishi mumkin. Shuning uchun o‘qituvchi darsini faqat multimediyani qo‘yib berish bilan o‘tkazishi kerak emas. Bu holat o‘quvchilarni zeriktiradi hamda ularni savodsiz bo‘lishiga olib keladi. Yoki faqat darsni ularga yozdirish, tushuntirish bilan o‘tkazish ham to‘g‘ri emas. Bu holat ham ularni zerikishiga olib keladi. Shu sababli o‘qituvchi darsga kirishdan oldin darsni qismlarga bo‘lib olishi, ya’ni darsning texnologik xaritasini tuzgan bo‘lishi va unga amal qilishi kerak.

Bizning innovatsion texnologiyalarni qo‘llashdan maqsadimiz - faqat doimiy bir xil o‘tiluvchi, zerikarli darslardan yiroqlashgan holda yangi pedagogik texnologiya, axborot texnologiyalaridan foydalangan holda zamonaviy darslarni tashkil qilishdir. Hozirda yaxshi o‘qituvchi bo‘lish uchun o‘quvchilarni qiziqtiruvchi, ularning e’tiborini torta oluvchi yangi texnologiyalardan foydalanishi lozim. Ta’limga e’tibor - kelajakka e’tibor. Yoshlarimizning buguni va kelajagiga ko‘proq e’tibor qaratishimiz zarur. Biz, bo‘lajak o‘qituvchilar, ko‘proq bilim olishimiz, izlanishimiz, yangiliklar yaratishimiz, shuningdek, doimo harakatda bo‘lishimiz darkor.

## BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'TKAZILADIGAN DIDAKTIK O'YINLARNING MAZMUNI VA ULARDAN FOYDALANISH METODIKASINING AHAMIYATI.

**Islomova Zamira Bekmuratovna**
**Buxoro shahar 20-maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi.**

Boshlang'ich ta'lim tizimida tahsil oluvchi o'quvchilarda didaktik o'yinlar mazmuni va ahamiyati beqiyosdir. Ushbu usulni chuqur va aniqroq tasavvur qilish maqsadida ta'lim, o'yin, didaktik topshiriq, o'yin topshiriqlari singari tushunchalarning ta'rifi va ularning ma'nosini ochib berishga to'xtalib o'tmoqchimiz. *Ta'lim* - oquvchilarga ko'nikma va malakalar berishning, bu bilim, ko'nikma va malakalarni o'quvchilar o'qib olishi, egallab olishi va ularni mustahkamlab olishining rejali jarayonidir. *Ta'lim jarayoni* - bolalar xotirasining boyishi, ular nutqi va tafakkurining o'sish, turli xil metod va usullar yordamida sodir bo'adigan vaziyatdir. *O'yin* - bolalarning ongi, qalbiga singib ketgan faoliyatdir, ularning bu faoliyati, o'yin turlariga qarab, obyektiv voqelikni, hayotni muayyan darajada o'zida aks ettiradi. O'yin sinfda o'tilgan o'quv faoliyatining ma'lum darajada davomi va mustahkamlanishidir. Tajribada shu narsa isbotlanganki, o'yin kichik maktab yoshidagi o'quvchi bolalarning zarur hayotiy ehtiyojidir. *Didaktik o'yin* - ta'lim beruvchi usul bo'ib, bu usul muayyan ta'limiy maqsadlarga erishuvga, ya'ni o'tilgan o'quv materialini aniqlashga, mustahkamlashga va uni chuqurlashtirishga qaratilgan bo'adi. Har bir didaktik o'yinni o'tkazishda muayyan bir vazifa maqsad qilib olinadi. Masalan, "Issiq kartoshka" o'yiniga qo'yiladigan didaktik topshiriq bolalarning oldingi darslarda tanishgan arifmetik amallar haqidagi tushunchalarini, hisoblash malakalarini mustahkamlashdan iborat.

Didaktik topshiriq darsga qo'yiladigan umumiy maqsadning bir qismini tashkil qiladi. Har bir didaktik o'yinning ham har qanday o'yindagi singari qoidalari bo'adi. O'sha qoidalarga amal qilinmasa, o'yinning o'yin sifatidagi ahamiyati, binobarin, o'yinning ta'lim - tarbiyaviy va psixologik ahamiyati yo'qoladi. O'yin qoidalari o'yin topshirig'iga kiritiladi.

*O'yin topshirig'i* - o'qituvchining bolalarga o'yinning qanday o'ynalishini, kim g'olibligini aniqlashdan iborat. "Jimjitlik" o'yinida bolalarga beriladigan topshiriq o'qituvchi rasmda ko'rsatgan buymlar miqdorini sanab, son natijasini topishdir. O'yin qoidasi ovoz chiqarmasdan rasmda ko'rsatilgan buyumlar miqdoriga mos keluvchi son yozilgan kartochkani ko'rsatishni talab etadi. "Qaysi biri qo'shildi" o'yini. Didaktik topshiriq: *son qatori haqidagi tushunchani mustahkamlash.* O'yin topshirig'i: *oldin turgan bolalarni sanab chiqib, yana qancha qo'shilganini aytib berish.* O'yin tasviri: bir necha bola bir qatorga turadi. Qolgan bolalar ularni sanab chiqishadi. O'qituvchi imo - ishorasi berishi bilan o'tirgan o'quvchilar ko'zlarini yumadilar. O'qituvchi ovoz chiqarmasdan yana bir o'quvchini doskaga chaqirib, saflanganlar qatoriga turg'azib qo'yadi. U «Mumkin» degandan so'ng o'quvchilar ko'zlarini ochib, nechanchi («beshinchi», keyin «oltinchi» va hokazo) kelib 19 qo'shilganini aytib berishadi.

Bu o'yin «Ketgan kim?» o'yiniga qaraganda anchagina yengil. Uni dastlabki kunlarda o'tkazish mumkin. Bunday o'yinlar turli usullarda o'tkaziladi. Chunonchi: «Qaysi o'yinchoq yashirib qo'yildi», «Qaysi o'yinchoq qo'shib qo'yildi» va hokazo. Bolalarda noto'g'ri tushuncha hosil bo'ib qolmasligi uchun bir xil buyumlardan foydalanish kerak. Chunki o'yinchoqlar har xil bo'gan taqdirda bolalar to'g'ri javob berolmay, «beshinchi» deyish o'rniga «o'yinchoq» yoki «kubik» deb yuborishlari mumkin va hokazo. «Sanayver» turidagi o'yinlar ham shu guruhga kiradi. Bolalarni doskaga chiqarish va safga tizib qo'yish, keyinchalik esa to'g'ridan–tog'ri qatorma–qator sanatish mumkin. Quyidagi didaktik materiallardan foydalaniladi: suratlar, jadvallar, abak (sanoq asbobi), o'yinchoqlar, cho'tlar, cho'plar, qo'da yasalgan qog'oz buyumlar, sxemalar, sanoq materiallari va geometrik shakllar solingan qutichalar va boshqa narsalar. Boshlang`ich sinf matematika darslarida qo'laniladigan o'yinlar nomi: "Sanayver", "Ko'rganni eslab qol", "Biz kamayib qoldik", "Kim ketdi (takrorlash)", "Nima oz", "Turgan o'rnini top" kabi o'yinlardan foydalanish mumkin.

Xulosa qilib aytganda yuqorida keltirib o'tilgan didaktik o'yinlardan boshlang'ich sinflarda foydalanish orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarda idrok va tafakkur rivojlanishiga erishish mumkin.

## BOSHLANG'ICH SINFLARDA SHAXS MA'NAVIY-AXLOQIY MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNINIG O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Sodiqova Roziya Jo'rayevna**
**Buxoro shahar 5- maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi.**

Insonning ma'naviy-axloqiy madaniyatini shakllantirishga qo'yiladigan hozirgi zamon talablarini amalga oshirish muammolari dinamik xarakterga ega bo'ib, ijtimoiy tuzum taraqqiyoti bilan bog'liqdir. Bu muammoni falsafa, etnografiya, etika, estetika fanlari tadqiq etadi. Madaniyat-arabcha so'z bo'ib, u

jamiyatning ishlab chiqarish, ijtimoiy va ma’naviy hayotida qo‘ga kiritgan yutuqlari majmuidir. Demak, madaniyat-insoniyat faoliyati mahsuli natijasi sifatida, insonlarning moddiy va ma’naviy faoliyatlari jarayonida vujudga keladi.

Madaniyat jamiyat taraqqiyoti darajasini xarakterlovchi, ijtimoiy-tarixiy amaliyot jarayonida mujassam bo‘adigan tizim bo‘ib, shaxsning ijtimoiy va ma’naviy-axloqiy mazmunini tashkil etadi. Bundan madaniyat shaxs va uning faoliyati o‘rtasidagi o‘zaro ta’sirga doir qonuniyatlar, shu jumladan, shaxs va jamiyatning borliqqa bo‘gan ma’naviy munosabatlarining paydo bo‘ishi, rivojlanishi shaxsning talabi, qiziqish xohishiga mos ravishda uning madaniy faoliyatini tashkil qilish yo‘lari, ma’naviy madaniyatning o‘ziga xos xususiyatlari tizimi, shaxsning ma’naviy-axloqiy rivojlanishi va ma’naviy madaniyatni shakllantirish qonuniyatlari majmuidan iborat, degan xulosa kelib chiqadi.

Madaniyat shaxs kamolotiga moddiy (texnika, ishlab chiqarish tajribasi, moddiy boyliklar) va ma’naviy (fan, adabiyot, san’at, maorif, din, umuminsoniy va milliy ma’naviy-ruhiy qadriyatlar) jihatdan ta’sir etadi. Moddiy va ma’naviy madaniyatni uning ma’naviy madaniyati ta’sirisiz, inson ongi va faoliyatidan tashqari yaratilmaydi. Moddiy va ma’naviy madaniyatning o‘zaro aloqasi va o‘zaro ta’siri natijasida aqlan yetuk, axloqan yaxlit shakllangan shaxs tarkib topadi.

Inson biror moddiy boylik yaratar ekan, avvalo, uning qurilishi, ishlab chiqarish jarayoni va ta’lim-tarbiyaviy natijasini o‘z ongida tasavvur etadi, amaliy ahamiyatini oldindan ko‘ra biladi.

Shaxs tashqi olam, voqea va hodisalarni aql, idrok ruhiy holat, ichki kayfiyatlar orqali qabul qilib olishi jarayonida ma’naviy madaniyat tashkil topadi. Yuksak ma’naviy madaniyatli insonda vatanga muhabbat, samimiy do‘stlik, insonparvarlik, mehnatsevarlik, mustahkam e’tiqod, iymon, nafosat, axloqiy madaniyat singari fazilatlar mujassamlashadi. Uning sifat darajasi kishilarning umuminsoniy va milliy qadriyatlarga xalqning ma’naviy merosiga bo‘gan munosabatlarida namoyon bo‘adi. Ma’naviy-axloqiy madaniyatning negizi hisoblangan umuminsoniy va milliy qadriyatlar shaxsning ijtimoiy tuzumi ustqurmalariga munosabati, turli ma’rifiy-madaniy g‘oyalar, tushunchalar, qarashlar, tasavvurlar tizimining mahsulidir. Ma’naviy-axloqiy madaniyatning mohiyatini namoyon etuvchi ob`yekt shaxs hisoblanadi.

Shaxs sifatida shakllanadigan o‘quvchining ma’naviy kamolotida axloqiy madaniyatning ahamiyati benihoya katta. Axloqiy madaniyatga axloqiy bilimlar, malaka va ko‘nikmalar, axloq qoidalari yordamida o‘quvchining xulq-atvori, hatti-harakatlarini boshqarish tizimidir. Axloqiy madaniyat o‘quvchining ko‘p qirrali faoliyati davomida shakllanib va takomillashib boradi.

Axloqiy madaniyatning ko‘rinishlari, uning qirralari va namoyon bo‘ish shakllari xilma-xildir. Insonparvarlik, halollik, tashabbuskorlik, vatanparvarlik, mehnatsevarlik, erksevarlik, faollik, ijodkorlik, haqiqatgo‘ylik, mas’uliyatlik, saxiylik, kamtarlik, poklik va shu kabi qator muhim tushunchalar axloqiy madaniyat tushunchalaridir. Bu xislatlar faoliyat jarayonida ma’naviy madaniyatning boshqa madaniyat qirralari bilan birgalikda o‘quvchi ongi va xulqiga ta’sir etadi.

Ma’naviy-axloqiy mazmundagi ta’lim-tarbiya ishini tashkil etish ta’lim muassasasi pedagogik jamoasining umumiy ishining tarkibiy qismi bo‘ib, ularning o‘tkazilishida maktab rahbariyati, kasaba uyushmasi a’zolari, tajribali mutaxassis o‘qituvchilar, mahalla kengashlari, ota-onalar qo‘mitasi, o‘quvchilarning o‘z-o‘zini boshqarish organlari, shuningdek, jamoat tashkilotlari, xodimlari ham ishtirok etadilar.

Ta’lim muassasalarida ma’naviy-axloqiy tarbiyani yo‘ga qo‘yishning quyidagi turlari alohida ahamiyatga egadir: suhbatlar, uchrashuvlar, ertaliklar, haftaliklar, oyliklar, ko‘riklar, konferensiya, baxs-munozara va boshqalar.

Ma’naviy-axloqiy tarbiyani tashkil etishda tarbiyaviy tadbirlar umumiy tarbiyaning ajralmas qismi sifatida ta’lim muassasalari faoliyatini tashkil etishda o‘z o‘rni va ahamiyatiga ega. Ma’naviy-axloqiy tarbiyaning qamrovi keng, shu bois, ularni qanday shakl va uslubda o‘tkazilishi mutaxassis-o‘qituvchining tajribasi, mahorati hamda o‘quv muassasasi rahbariyati, jamoasining, fan o‘qituvchilarining tashabbuslarini qo‘lab-quvvatlashi, ularga tashkiliy jihatdan yordam ko‘rsatish, shu bilan birga o‘quvchilarning istak-xohishlari, qiziqishlari, ehtiyojlari va ijtimoiy faolliklariga bog‘liq. Ma’naviy-axloqiy mazmundagi tadbirlarni o‘tkazish ushbu tarbiyani tashkil etishdagi ko‘zlangan asosiy maqsadga xizmat qilmog‘i kerak.

Inson tabiatda dunyoga kelib, jamiyatga kamol topar ekan, shubhasiz, tarbiyaning turli vositalaridan foydalanadi. Ma’naviyat tarbiyasidagi e’tiqod tushunchasini ana shunday tarbiya vositalaridan deb ko‘rsatish mumkin. Buning sababi o‘quvchi-yoshlar kimlargadir taqlid qilgisi keladi. O’z ko‘ngliga o‘tiradigan dovyurak, o‘ktam, mehnatga ilg‘or kishilarga, tarixiy shaxslarga, badiiy asar qahramonlariga e’tiqod qo‘yadilar.

Shunga ko‘ra tarbiya vositasi bo‘gan namuna kishilarning ijobiy (ba’zan o‘ta salbiy) hatti-harakatlari va ijtimoiy foydali faoliyatning tarbiyalanuvchilar ongi va hatti-harakatiga ko‘rsatadigan ta’siri deb tushungan holda o‘qituvchilar o‘z tarbiyaviy rejalarini boyitib borishlari kerak. Chunki har bir fan o‘qituvchisi doimo uchta vazifani: o‘quvchilarga ta’lim va tarbiya berish, ularni kamol toptirish vazifalarini hal etishi lozim bo‘adi shu bilan birga o‘quvchilarning tarbiyasi va kamoloti ta’lim jarayonida ham amalga oshirilishi rejalashtiriladi. Mazkur rejalashtirilishlarda, albatta, e’tiqod tarbiyasiga alohida e’tibor qaratish lozim.

Bugungi yoshlarda zamonamizning eng mashhur (ijobiy ma’noda) kishilariga o‘xshashlik xohishini tug‘diradigan ijobiy namunaning tarbiyaviy kuchi o‘quvchilarning (bolalarning) taqlid qilishga moyilligiga asoslangandir. Yoshlar, ko‘pincha, ota-onalariga, ma’lum bir ijobiy yutuqlarga erishgan qarindoshlariga, o‘qituvchilariga va mashhur qahramonlarga taqlid qiladilar.

Turli yoshdagi bolalarga taqlid qilishga moyillik turlicha bo‘adi. Masalan, kichik yoshdagi bolalar ijobiy namunaga ham, salbiy namunaga ham babaravar taqlid qilaveradi. Buning sababi ularning turmush tajribasining juda kamligi, iroda kuchining nihoyatda zaifligi, hissiyotlarining aql-idrokidan ustun turishidadir. Ularda tahlil qilish va harakatlarga tanqidiy ko‘z bilan qarab baho berish xislatlari hali shakllanmagan bo‘adi. Bolalar ulg‘ayib borgan sari o‘z tevarak-atrofidagi katta yoshdagi kishilarning hatti - harakatlariga tobora tanqidiy nazar bilan qaraydigan bo‘adilar. Shu yoshdagi bolalar o‘z nuqtai nazarlaridan taqlid qilishga arzigulik deb bilgan kishilarnigina o‘zlari uchun namuna deb biladilar va ularga e’tiqod qo‘yadilar.

O’quvchilarda tarkib toptiriladigan ma’naviy-axloqiy sifatlar axloqiy ong bilan hatti - harakat o‘rtasida birlik bo‘ishini taqozo qiladi. Buning ma’nosi shuki, haqqoniyligi o‘quvchilarga kunma-kun uqtirib borilgan axloqiy-ma’naviy tushunchalar ularning hatti - harakatlarida ham, ular qatnashgan jamoadagi o‘zaro munosabatlarda ham qaror topmog‘i lozim.

O’quvchilarning ma’naviy-axloqiy tushunchalari faqat dars jarayonidagina emas, balki kundalik turmushda ham sinovlardan o‘tib shakllana boradi. Shuning uchun ta’lim-tarbiya jarayonida shunday sharoit yaratmoq kerakki, o‘quvchilar sabot-matonat, qunt, tashabbuskorlik, chidam ko‘rsata oladigan, qiladigan ishlarning jamiyat va vatan uchun zarurligini qalbdan tushunadigan bo‘sinlar. O’quvchilarga beriladigan bilimlar majmui, shubhasiz, juda katta tarbiyaviy kuchga egadir. O’quvchilarda chinakam ilmiy dunyoqarash asoslarini yaratishda, to‘g‘ri hukm yuritish qobiliyatini tarbiyalashda ma’naviy-axloqiy sifatlarga tayanib ish ko‘riladi.

Xulosa qilib aytganda, e’tiqod tarbiyasi barkamol shaxsni tarbiyalashdagi asosiy omillardan biri bo‘ib, shaxsni har tomonlama garmonik tarbiyalashga zamin yaratadi. Biroq, insonni kamolga yetkazishda har bir shaxsga o‘ziga xos munosabatda bo‘ish ta’lim-tarbiyaning asosiy tamoyillari ekanligini unutmasligimiz lozim.

## ЧАҚИРИҚҚАЧА ТАЙЁРЛАШ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**А.Бобоев**

**Бухоро давлат университети Ҳарбий таълим факультети декани.**

Барча фанлар тизимида бўлгани каби чақириққача тайёрлаш бўйича машғулот(дарс)лар ҳам уч қисмдан иборат бўлади: кириш, асосий ва якуний қисмлар. Кириш қисми - фаннинг хусусиятлари - қайсики машғулотни (дарсни) ўтказиш услубининг мазмуни ва элемент миқдорларидан келиб чиқади. Ҳарбий таълим дарсининг мажбурий элементи гурух сардори бошқарувида гурухни сафлаш ва машғулотга тайёрлик хақидаги унинг машғулот рахбарига берган ҳисоботи ҳисобланади. Бунда буйруқларни бериш ва уларни бажариш ҳарбий низом талабларига мувофиқ бажарилади. Машғулот рахбари ўқувчиларга фақат «Сиз” деб мурожаат қилиши керак. Энг кам вақтни эгаллайдиган кириш қисми катта тарбиявий таъсирга эга бўлиши ва ўқувчи фаолиятига тўғри йўналиш бериши керак. Бунга мақсад ва вазифалар тўғри қўйиш ва машғулот шаклларини тўғри танлаш, шунингдек қизиқарли мисоллар келтира олиш орқали эришилади.

Бундан ташқари машғулотнинг кириш қисми аввал ўрганилган материалларни ўзлаштиришини назоратдан ўтказиш, такрорлаш ва ўқувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлашни мақсад қилиб қўяди. Машғулот рахбари ўқувчи талабалар томонидан мустақил тарзда бажаришлари лозим бўлган вазифаларни ҳамма бажарган ёки бажармаганлигини назоратдан ўтказиди, одатий хатоларга эътибор беради, ўқувчиларнинг индивидуал тайёргарлигини

баҳолайди. Машғулот рахбари янги мавзуни ва ўқув тарбиявий мақсадларнии ва уларни татбиқ қилиш йўлларини эълон қилади.

Асосий қисмда ўқувчиларни қизиқишини шаклланиш учун мақсад ва вазифаларни тўғри қўйиш катта аҳамиятга эга. Бунда машғулот рахбарининг сўзларидан олинадиган билим ва амалий кўникмаларининг мухимлигини ва кераклигини ўқувчи хис этиши керак.

Машғулот рахбари ўқувчилардаги билим, малака ва кўникма таянган холда тушунарли, ишончли шаклда янги материалларни баён этиб, ўқув материалларининг усул ва ҳаракатларини элементлар бўйича ёки тўлалигича аниқ, тартибли кўрсатиш орқали тушунтиради.

Машғулот рахбари томонидан сафдаги усул ва бошқа амалий ҳаракатларни намунали тарзда кўрсатиш таълимнинг энг самарали усули сифатида ўзини оқлаган.

Амалий ҳаракатларни ўрганишда одатда қуйидаги тартиб қўлланилади:

Ўрганилаётган усул ва ҳаракатларни қоида ва тартибларини бажарилишини тушунтириш билан бир вақтнинг ўзида таълим олувчининг эришиши керак бўлган ҳаракат меъёрларини машғулот рахбари томонидан намуна кўрсатилиши;

Бажарилаётган машқ ва ҳаракатларни элементларга бўлиб, уларни секинлаштирилган ҳолда кўрсатиш;

Таълим олувчиларга кўрсатилаётган машқ ва ҳаракат элементларини, аввал секин, сўнг меъёрдаги тезликда бажартириб уларни англаб олишларига имкон яратиш ва машқ синовларига ўтиш.

Алоҳида элементларни умумий ҳаракатга секин-аста қўшиш ва кўникма ҳосил қилиш мақсадида кўп марта такрорлаш ва берилган меъёргача етказиш.

Таълим берилишининг бошланишида кўникма хақида тўғри тасаввур яратилмасдан туриб, тўғри кўникма ҳосил қилиб бўлмайди. Машғулот рахбари томонидан намунали ҳаракатни кўрсатилиши - бу ўқувчини интилиши керак бўлган намуна бўлиб ҳисобланади. Баён этишни ўқувчига янада таниш ва янада аниқ бўлган материалардан, аста - секин уни мураккаблаштириб, мавхум тушунчаларга ўтган холда бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тушунтиришни соддадан мураккабга, хусусийдан умумийга (индивидуал услуб) ёки аксинча, аввал ходиса тушунчасини бериб, сўнг эса уни асослаб, сабаб ва натижалар билан боғлиқлигини очиб тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Амалиётда икки усулни бир дарсда, яъни ўқув материалини қисмларга бўлиб, бирини индукция усулидан фойдаланган холда мувоффақиятли олиб бориш, бошқасини эса дедуктив услубни қўллаган холда татбиқ қилиш мумкин.

Ўқув материалини қисмларга бўлиб баён этиб, аввал баён этилган материалларни айтилаётган қоидалар билан боғланиши, фаннинг ички ва фанлараро боғлиқликларни хисобга олган холда кейинги ўқув материалининг қисмига асос бўлиб хизмат қилиши учун унинг тузилишидаги мантиқийликка қаратиш лозим.

Баён этилган материалларни ўқувчилар тўла ўзлаштириишлари учун баъзи бир қоидаларларга оғишмай амал қилиш зарурий шартлардан хисобланиб булар қуйидагилардан иборат:

❖ умумий ва ортиқча фикрлашлардан қочиш, фикрни аниқ ва лўнда ифода этиш;

❖ кириш сўзи, узун гапларни, эхтиёжсиз эргашган қўшма гаплар ва сифатдошларни ишлатмаслик;

❖ имкон борича мураккаб атамани содда тушунча билан, чет тилидаги сўзларни эса она тили сўзи билан алмаштириш;

❖ ўқувчилар учун янги бўлган сўзлар ва тушунчаларни синф ёзма тахтасига (назарий машғулотларда) ёзиб чиқиш.

❖ материални тартиб билан баён этганда, уларни алоҳида элементларга бўлиш.

❖ дарсларда ўқувчиларнинг диққат - эътибори ва фаолиятини оширишга киришиш. Қоидаларнинг охиргисини эсда тутиб унга доимий риоя қилиш шарт бўлади. Агар ўқувчилар дарс жараёнида фаол бўлишмаса кўпчилик машғулот рахбарларининг таъсир этиш воситалари уларни чуқур ва мустахкам билимлар билан таъминлай олмайди.

Дарсларда ўқувчиларнинг доимий эътиборига эришиш учун ўргатилаётган ўқув материалига қизиқиш уйғотиб ва мунтазам равишда ушлаб турилади.

Маълумки, қизиқишни бутун дарс мобайнида ушлаб туришдан кўра, ўқувчиларда қиизииш уйғотиш енгилроқ кечади. Ўқувчиларни қизиқтириш, онгли фаолиятини фаоллаштириш, бутун дарс мобайнида мавзуга бўлган қизиқишни сақлаб қолиш вазифаси турлича хал қилинади. Бу машғулот рахбарининг индивидуал хусусиятлари, унинг тайёргарлик даражаси ҳамда педагогик тажрибасига боғлиқ бўлади.

Дарсда ўқув материалини баён этишда ўқувчиларга саволлар билан мурожат этиб туриш тавсия этилади. Машғулот рахбари томонидан савол бериб қолиниши эхтимоли борлиги учун ўқувчилар уни диққат билан эшитадилар.

Ўқувчиларнинг жавоби ўқув материалини қанчалик ўзлаштириб олганликларини даражасини билдириб туради ва ҳулосалар қилишларига имкон берилади.

Ўқув материалини оғзаки баён этишда нафақат нутқ маданияти тилнинг софлиги, эхтиёжсиз ишлатиладиган ортиқча сўзларнинг йўқлиги, («айтилади», «анақа», «демак», «керак бўлса», қисқаси, диққат-диққат сўзини тез-тез такрорлаш ва х.к) балки буйруқ беришга хос бўлган ихчамлик, аниқлик, тўғрилик, ифодалилик ҳам мухим ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммасига машқ қилиш орқали эришилади ва машғулот рахбарининг доимий меҳнатининг натижаси хисобланади.

Дарсни қизиқ олиб бориш қобилияти тез ўзлаштирилиб олинмайди, фақатгина ўқув материалини билиш бунинг учун камлик қилади. Айрим ҳолларда ўқувчиларнинг дарслардан чалғишига сабаб бўлиб тушунтиршларни қуруқ сўз билан бир хил охангда, зерикарли олиб борилади.

Одатда, бундай ўқитувчининг машғулотларида ўқувчиларни ўзлаштириши юқори бўлмайди. Бунга йўл қўйилмаслик учун Машғулот рахбари оғзаки баён этиш услубини яхши билиши ва мунтазам равишда нутқ маданиятини такомиллаштириши керак.

Чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш дарсларини самарадорлигини ошириш учун машғулот рахбарининг одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши, юриш-туриши, сўзлаши ва муомила маданияти, ўқув матриалини чуқур билиши, усул ва ҳаракатларни намунали даражада бажара олиши каби индивидуал хусусиятлари, фазилат ва хислатлари катта аҳамиятга эга.

Озодалик, сарамжонлик, ихчам ва чаққонлик, топқирлик, уддабуронлик, шунингдек Ўз.Рес.Қ.К низоми билан белгиланган ҳарбий кийим - бош кийиш машғулот рахбарига бўлган мажбурий талаблардандир.

Дарснинг якуний қисми - бу натижаларнинг таҳлилидир. Дарснинг бу қисми ўқувчиларга ўрганилган материалларнинг асосий масалаларини, назарий билимларни амалий кўникмалар билан боғлиқлигини эслатишни мақсад қилиб кўяди. Бунда мавзуни мустаҳкамлаш ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини мустаҳкамлаш мақсадида уларга саволлар билан мурожат қилинади.

Мустақил тайёрланиш учун вазифа берилади. Машғулот раҳбари ўқувчиларга мавзунинг ўқув материалларини мустақил ўрганишлари учун кўрсатмалар бериб ўтади.

Мустақил иш берилишида кўрсатмалар аниқ лўнда ва тартиб билан тушунтирилиши керак. Дарснинг якуний қисмига бир соатлик машғулотдан 5-7 (агар жуфтлик машғулот бўлса 10-12 дақиқа) дақиқаси ажратилади.

Ҳарбий таълимни самарали олиб бориш учун бир қарашда юқорида баён этилган услубий кўрсатмаларга оғишмай амал қилиш етарлидек туюлсада вазиятни чуқурроқ таҳлил этилганда ўқувчи талабаларнинг билим олиш йўлидаги фаоллигини ошириш ва уларнинг машғулот жараёнидаги мақсадга йўналтирилган иш шаклларини тўғри ташкил этишдек долзарб масалалар бир оз назардан четда қолганлиги кўзга ташланиб қолмоқда.

Ушбу долзарб масалани ечимини ҳал қилишда замонавий таълим технологиялардан ўз ўрнида ижодкорона фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги амалда ўз исботини топмоқда.

Харбий таълим дарсларини ўқитиш машғулотларнинг шакллари турли туманлиги (назарий, амалий, кўргазмали, тактик, тактик-саф, назорат) ва уларнинг аксарият қисми амалий бўлиб Ўзбекистон Республикасинин Қуролли Кучлари низомларининг талаблари асосида олиб борилиши, отиш тайёргарлиги бўлими бўйича машғулотлар ўқув ва жанговар қуроллар билан ишлаш бўйича кўрсатма ва йўриқномаларга амал қилиниши, машғулотларнинг катта қисми чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш бўйича ўқув-моддий базалар билан чамбарчарс боғлиқлиги, ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш машғулотларининг ўзига ҳос томонлари бўлиб ҳисобланади.

Бу ўзига хослик чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш фани машғулотларида янги педагогик инновацион технологияларни қўллаш яхши натижа бермайди деб ҳулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир машғулот рахбари тавсия этилган технологияларни самара берадиганини танлай олиши, шу билан бирга ўқувчилар фаоллигини оширишида уларнинг иш фаолияти шаклларининг ташкил этишда машғулот рахбарининг педагогик маҳорати ва бунга ижодий ёндашуви муҳим аҳамият касб этади.

Ўтказиладиган машғулот учун машғулот рахбари педагогик инновацион технологияларни жорий қилишда ўқув - тарбиявий мақсадларнинг хусусиятлари, ўқув материалининг мазмуни, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ва ўқув - моддий базанинг аҳволидан келиб чиқиб иш тутади.

Бу борада машғулот раҳбарининг ўз фаолиятига танқидий қараши, самарасиз бўлиб қолган эски услублардан воз кечиб, таълим беришнинг илғор янги услубларини қўллашда ўз устида мустақил ишлаши ва орттирилган тажрибаларга таяниши муҳимдир.

Эндиликда таълим беришдек маъсулиятли вазифаларни уддалаш учун машғулот рахбари замон талабидан келиб чиқиб таълим беришдаги ташкилий ва услубий фаолият жараёни бўйича фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда илмий ҳулоса чиқара олиши, таълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишда касбий маҳоратини узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРГА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎРГАТИШДА ИЧКИ ТУРИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ.

**Каримова Шахноза Олимовна**
**Бухоро шахар 13-мактаб биология фани ўқитувчиси.**

Бошлағич синф ўқувчилар онгида миллий қадриятлар ва маънавий, маданий меросларни ўрганишда ички туризмнинг аҳамиятини билишини бугунги кун талабадир. Ўқувчилар ўртасида тарихий хотирага бўлган муносабатини яхшилаш ва унга ҳурмат руҳида тарбиялаш долзарб муаммолардандир. Ўқувчилар маънавиятига ҳозирги кунда жуда кўплаб ёт ғоялар таъсир ўтказмоқда. Буларга мисол қилиб: интернет, эвропадан кириб келаётган “оммавий маданият” ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бундай ёт ғояларга қарши туриш учун ўқувчи-ёшлар онгида ватанпарварлик, мардлик, жасурлик ва маънавий тарбия олишлари зарурдир. Кишиликнинг ҳар бир авлоди аждодлари томонидан яратилган маънавий-маданий бойликларни мерос сифатида қабул қилиб оладилар. Тарихий ворислик - жамият ва унинг маданияти равнақининг шартидир.

Ўқувчи-ёшлар яна шуни унутмасликлари керакки, маданий ва маънавий мерос ўзаро бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг ўртасига ўтиб бўлмас «Хитой» деворини қўйиш ҳам мумкин эмас, маданий меросни барпо этишнинг замирида ҳам маънавият яъни инсоннинг маънавий - руҳий билимлари, қобилияти, истеъдоди, ақли, эмпирик ва назарий билим тажрибалари, меҳнат малакаси каби бошқа маънавий фаолиятлари ётади. Маданий ва маънавий мерос ўртасида умумийлик ҳам, фарқли томонлар ҳам мавжуд. Айни пайтда улар ўртасида юқорида айтилган алоқадорлик, боғликлик, ўзаро муносабат таъсирлари бор. Шунингдек, маданий мерос ўз кўлами жиҳатидан маънавий мерос тушунчасидан кенгроқ.

Ўқувчи ёшларнинг маънавий онгини шакллантиришда шуни ҳам назарга тутиш керакки, мустақиллик бизни порлоқ ривожланиш имкониятларига эга қилди. Халқимиз катта орзу-мақсадлар ва интилишлар билан яшаяпти. Ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти - олдимизда турган нурафшон манзилдир. Аммо бу манзил ўз-ўзидан дунёга келмайди, уни ўз-ўзидан, машаққатсиз, изланишларсиз, яратувчилик, ижодкорлик ишларисиз эгалланмайди. Янги жамият юксак даражада ривожланган онгни, маънавий камолотнинг янада баланд босқичга кўтарилишини тақазо этади. Илғор демократик қоида ва тушунчалар билан бойиган миллий мустақиллик мафкурамиз ана шу янги маънавиятнинг ҳал қилувчи мезонларидан биридир.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга мурожаатномасида маънавий юксалишга катта эътибор қаратдилар: “Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур. Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун вилоятимиз ҳудудида жойлашган тарихий масканлар ва олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни акс эттирувчи жойлар билан ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур. Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида э'тибор қаратишимиз керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” каналини ташкил

этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак”.

Мамлакатимизда бугунги сиёсат ижтимоий ва иқтисодий йўналишлар ва ундан келаётган самаралар шундан далолат беради. Қадриятларни тиклаш ва жамият мақсадларини амалга оширишда мафкура ҳаракатга келтирувчи куч сифатида катта аҳамият касб этаверади. Мафкура - умуммиллатга, умумхалққа, бутун жамиятга тааллуқли улкан ғоялар бирлигидир. Аммо унинг илдизлари ҳар бир инсоннинг қалбида, виждонида, иймонида, ақл-идроки ва тафаккурида. Шу боис, ҳақиқий, ҳаётий, чуқур инсоний мафкураси бор халқ, мамлакат ва жамият қудратлидир. Демак, ўқувчи-ёшларнинг онгини шакллантириш ва ривожлантириш маънавий ва маданий меросларни рганишда ички туризмсиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, ўқувчи-ёшлар маънавияти, маърифий-ахлоқий фазилатларини ўстириш, комилликка интилиш туйғуларини шакллантириш бугунги куннинг ўта долзарб масалаларидан бири бўлиб қолади деган хулосага келдик.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

**Сафарова Мавлуда Базаровна**
**Бухоро шахар, 13-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.**

Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, шу билан бир қаторда бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараенига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилади. Мультимедиали ахборотни рақамли электрон қурилма орқали мультимедианинг фойдаланувчи интерфейс орқали кўриши мумкин. Умуман олганда, мультимедиа - бу ахборотнинг яхшиланган кўриниши ҳисобланади. Мультимедиали ахборот тўғри яратилиши натижасида унинг мазмуни ва фойдалилиги янада ортади.

Таълим жараенида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш машғулотларни интерфаол режимда олиб боришга имкон беради. Мультимедиа (ингл. сўз multi - кўп, media - муҳит) бу турли кўринишдаги ахборотлардан (матн, тасвир, овоз, видео, анимация) иборат яҳлит бир кўринишга айтилади.

Мультимедиа технологиялари - бу мультимедиали махсулот яратиш жараенидаги техник ва дастурий воситаларни танлаш ва қўллаш жараенига айтилади. Мультимедиа технологияларининг асосий мақсади - ахборотни қабул қилишда содда ва қулай бўлган мультимедиа махсулотини яратишдан иборат. Бугунги кунда мультимедиа технологиялари инсон фаолиятида, яъни бизнес, таълим, тиббиет, харбий ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу фаолият йўналишларида мультимедиа махсулотларини яратиш учун кенг кўламдаги дастурий воситалар мавжуд. Уларнинг айримлари мультимедианинг алоҳида компоненталари билан ишлашга мўлжалланган. Мультимедиа таърифига кура оддий туюлса хам, у билан ишлаш жараени мураккаб хисобланади. Мультимедиани билиш билан бир каторда мультимедианинг техник ва дастурий воситаларини хам билиш лозим. Мультимедиали ахборотлардан биргаликда иловаларини яратувчилар мутахассисларни мультимедиа яратувчилар деб атаймиз.

Мультимедиа иловалари компьютер, TV экранида, PDA (personal digital assistant) шахсий рақамли ердамчи, еки мобил телефон орқали кўриш мумкин. Бундан ташқари мультимедиа иловалари тижорат йўлида, еки бирор манзилга етказилиши мақсадида CD ёки DVD ташувчиларда еки маълумотни тортиб олиш учун Internet тармоғига жойлаштирилиши мумкин.

Мультимедиа иловалари интерактив бўлиши шарт эмас. Бундай иловалар чизиқли бўлиб, бошланишидан оҳиригача фойдаланувчи таъсирисиз амалга ошади. Агар фойдаланувчи навигация бошқаруви орқали мультимедиа иловасининг бориш жараёнига таъсирини кўрсатиши мумкин бўлса, у ҳолда бундай мультимедиали илова чизиқли бўлмаган деб аталади ва бундай интерактив кўринишдаги мультимедиа

“V, илова маьлумот олишда кенг имконият яратади. Фойдаланувчи мультимедиа иловани қай даражада фойдалана олиши, иловани бошқара олиши имкониятига қараб илова структураси ва сценарийси, илова дизайни ва дастурлашга катта эътибор қаратилади ва улкан маҳорат талаб қилинади. Нотугри интерфейс яратилган мультимедиа илованинг муваффақиятсиз чиқишига олиб келади. Бундан ташқари контент нотуғри яратилиши натижасида мультимедиа иловада керакли маълумотларни топа олмаслигингиз мумкин. Таълим мультимедианинг энг кўп ишлатиладиган соҳаси хисобланади.

Қўшма Штатларининг ахборот технологиялари етарлича таъминланмаган жойлари кўп. Шундай экан, бундай жойларга барчага самара келтирувчи кўп йиллик муддатга жалб қилиш лозим. АҚШ ҳукумати ҳар бир аудиторияни, кутубхонани, тиббий муассасаларни, касалхоналарни, бир ахборот супермагистралига улаш мақсадида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги кунда кўпгина мактаблар ва кутубхоналар бир тармоққа (eRate) уланган. Бундан ташқари округлардаги кам даромадли қишлоқ ва шаҳарларнинг мактаблари давлат томонидан қўллаб қувватланади. Мультимедиали электрон ўқитиш ўқитувчи ва ўқувчи учун кучли, қулай ва самарали восита ҳисобланади. Тезкор тиббий ердам: www.accessmedicine.com.

Мультимедиа ўқув жараенида катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда, натижада ўқитишнинг анъанавий усулларидан ташқари усуллар ҳам мавжудлиги намоен бўлди. Анъанавий пассив ўқитиш уссуларидан иборат модел актив-ўқитиш модели билан алмаштирилди. Баъзи ҳолларда ўқитувчилар йўналтирувчи вазифасини бажариши керак бўлмоқда. Бундай ўқиш ва ўрганиш жараени асосини ўқитувчи ўрнига ўқувчи ташкил қилади. Электрон ўқитиш ўқитиш жараенининг кучли сиесати бўлиб, ўқитувчилар анъанавий ўқитиш усулларини ўрнини босади демай, балки — бойитилганИ кўриниши деб атадилар. Мактабларда мультимедиа ўқувчилар томонидан ҳам фойдаланиладиган кўринишларидан, булар: интерактив журналлар, ахборотномалар, шахсий мультимедиа иловаларини яратиш ва ҳ.к. Ўқувчилар ўзларининг ўқув жараенлари ҳақида видеолавҳаларини яратишлари, ва YouTube га жойлаштиришлари мумкин. Бундан ташқари ўз веб-саҳифаларини яратишлари ва интернет тармоғига жойлаштиришлари мумкин. ITV (Interactive TV) орқали турли макондаги ўқувчилар ва ўқитувчи бир аудиторияга жамланиши мумкин. Мактабларнинг интернетдаги шаклида турли мамлакатлардан, маконлардан йиғилган ўқувчиларни ўзаро мулоқотини ўрнатиш, улар учун қулай шароитни яратиш, шу билан бир қаторда ўқитувчи дам олиш масканларида алоқа воситалари орқали мулоқотга киришиши мумкин. Масалан, Washington On Line (www.waol.org) талабалар учун қулай ўқиш жараенини яратди. Бунда талабалар газ, электр энергияси учун, транспорт харажатидан мустасно бўладилар, шу билан бир қаторда ўқитувчиларга ўз виртуал синфларини Интернетда қулай тақдим этишлари ўргатилади.

Тижоратда мультимедиа тақдимот, ўрганиш, маркетинг, реклама, махсулотлар тақдимоти, имитация, маълумотлар омбори, тезкор ҳабарларни жўнатиш ва қабул қилиш, шунингдек тармоқ коммуникацияси сифатида қўлланилади. Овозли хабар ва видеоконференциялар локал ва глобал тармоқларда (LAN ва WAN) интернет-протоколлар орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда тақдимот яратадиган дастурий воситалар матн билан бир қаторда тасвир, аудио ва видео ахборотлар билан бойитиш, слайд-шоу шаклида намойиш қилиш имконияти мавжуд.

## ЁШЛАРДА СПОРТ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.

**Акрамов Абдуфаттоҳ Шавкатович**
**Бухоро давлат университети 1-босқич докторанти (PhD).**

Педогогик фаолиятда ўқувчи ёшларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш ва уни шакллантиришга эришиш ўқувчиларни интеллектуал қобилиятларини, тарбияланганлик даражаларини ва шахсий харакат сифатларини психологик ташхис асосида ёндошув орқали бахолашни талаб қилади.

Ўқувчиларни шаклланиш жараёнини, уларнинг ақлий ривожланиши, тарбияланганлик ва тафаккур даражасини меъёрини аниқламасдан туриб таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мушкул хисобланди, бу бўлса педогогикада психологик ташхис ўта мухимлигини англатади. Зеро психологик-педогогик ташхис қўйиш шахс фаоллиятини энг мақбул тарзда бошқариш усулларидан фойдаланишга ёрдам беради.

Психологик ташхис асосида инсоннинг шахсий темперамент ҳусусиятлари меъёрий ва патологик йўналишида ўрганилади ва шахснинг қобилияти ва истеъдодини юзага чиқариб шакллантирилишига эришилади. Шахснинг қобилият ва истеъдодларига психологик нуқтаи назардан ташхис асосида ёндошувда қуйидагилар эътироф қилинади яъни Қобилият – инсоннинг индивидуал салоҳияти, имкониятлари.

Қобилият билимдан, кўникма ва малакадан кескин фарқ қилади ҳамда инсон томонидан кўникма ва малаканинг эгалланиши жараёнида такомиллашиб боради, билим мутолаа натижаси ҳисобланади. Қобилият деганда бирорта ҳусусиятнинг ўзини эмас, балки шахс фаолиятининг

талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлашга имконият берадиган хусусиятлар синтезини тушунмоқ лозим.

Қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг ҳусусияти саналади, аммо аксарият илмий манбаларда моҳирлик билан қобилиятни бир бирига боғлаб кўрсатишади. Барча қобилият учун таянч хусусият – кузатувчанликдан, яъни инсонни фахмлаш, объектдан у ёки бу аломатларни кўра билиш, ажрата олиш кўникмасидир.

Қобилиятнинг етакчи ҳусусиятларидан бири – нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини ижодий тасаввур қилишдир. У шахснинг шаклланиши ва ривожланиши натижаси бўлиши билан бирга, табиий манбага ҳам эга. Бу табиий манба зеҳн тушунчаси билан юритилади. Зеҳн муайян бир фаолиятга ёки кўпинча нарсаларга нисбатан ортиқча қизиқувчанликда, мойилликда, интилишда намоён бўлади. Зеҳн нишоналари деганда шахснинг ички имкониятлари табиий асосини тушуниш лозим. Қобилият умумий ва махсус туркумларга ажратилади. Умумий қобилият деганда юксак амалий имконият ва тараққиёт тушунилади. Қобилиятни табиий равишда шаклланиши ва муайян режа асосида ривожлантириш мумкин.

Қобилиятни маълум фаолиятга мойиллиги ёки интилиши орқали, табиий зеҳн нишоналарини аниқлаш, мутахассис раҳбарлигида узлуксиз фаолиятга жалб этиш, қобилиятни такомллаштиришнинг махсус воситаларини қўллаш, шахснинг фаоллик аломатларини максимал даражада ривожлантириш, инсон шахсига алоҳида ёндашувни умумий талаблари билан уйғунликда олиб бориш ва бу орқали ривожлантириш йўллари мавжуд. Шахсдаги қобилият ва истеъдоднинг таркиб топиши ёки шаклланиши айрим обектив ва субьектив сабабларга хам боғлиқ.

Шахсдаги зехн, майл ва қизиқиш, интилиш- бу соҳада етакчи ўрин тутади. Зотан, зеҳни ўткир, кузатувчанлик ва тафаккур каби қобилияти кучли бўлган кишиларда истеъдод қирралари ривожланган бўлади. Чунки бундай фазилатлар кўп нарсани билиб олишга, мутақил ижодий фикрлашга ундайди. Истеъдод, талант – ниҳоятда зўр қобилият, бирор соҳада юксак даражадаги лаёқат. У идрок, тасаввур, тафаккур, хотира, кузатувчанлик бениҳоя устунлигида, воқеаҳодисаларнинг янги қирраларини, уларнинг билимларини ўзлаштириш, назарий ва амалий масалаларни ҳал этиши, ижоди, ўз билими ва малакаларни турмушга тадбиқ эта олишидан уни истеъдодини билиш мумкин.

Истеъдод инсоннинг маълум фаолияти турида ўзини намоён этади. Билим, кўникма, малака, тажрибалар истеъдодни ривожланишида катта роль ўйнайди. Қобилият ёки лаёқат ўсишига ижтимоий шароит яратилганда, уни тарбиялаб камолга етказилганидагина истеъдод юзага чиқади. Истеъдодга инсоннинг меҳнатсеварлиги ҳам қўшилган тақдирда янгилик ва кашфиётлар пайдо бўлади.

Шундай килиб, ўқитувчи шахсига хос бўлган психологик хусусиятларни маълум бир йўналишда ривожлантирилса, унинг педагогик қобилияти ва махорати янада ошиб боради.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ.

**Тошева Дилдора Одиловна**

**Бухоро шаҳар 20-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.**

Ҳозирги тараққиётнинг янгича даврида мисли кўрилмаган улкан ишлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улар орасида энг асосий вазифалардан бири узлуксиз таълим тизимининг юзага келиши ва унда туб ўзгаришларни амалга оширилиши бўлди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида таълим тарбия масалаларига алоҳида эътибор берилганини қувонч билан таъкидлаб ўтишни истар эдим. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилди. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Уларда таълим - тарбияга қўйилаётган янгича талабларга ўзига хос ифода топди.

Ислом Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида шундай деган эди, «Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши, фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ». Бундан келиб чиқадиган хулоса, бола бошдан деган гапга амал қилиб, тарбияни оиладан бошлаш бошланғич таълимга эътиборни кучайтириш лозим. Бошлағич синфлар энг кучли, билимли, салоҳиятли ва тажрибали ўқитувчиларни жалб қилиш даркор. Бошланғич синф ўқитувчиси бола билан ҳар томонлама ишлай олиши, боладаги барча ўзгаришларни психолог

нуқтаи назаридан баҳолай олиши ва бола психологиясидан келиб чиқиб дарс машғулотларини ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: "Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш лозим. Ҳозирги кунда фақат ўқитувчи меҳнати ва маҳоратига асосланиб ташкил этилган таълим яхши самара бермаслиги ҳеч кимга сир эмас". Энди ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчига тайёр билим бериш эмас, балки билимларни мустақил эгаллашларига кўмаклашишдан иборат. Бунинг учун ўқувчиларнинг ўз қобилияти ва имкониятларини тўла-тўкис намоён этишлари ва бутун куч-ғайратларини билим олишга сарфлашлари учун имкон берадиган даражада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш зарур. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганиларидек, "Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз", ҳақиқатдан ҳам ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган бўлиб қолмоқда. Бунинг учун, аввало, бошланғич синфларда ўсиб келаётган ёш авлодга мукаммал таълим-тарбия бериш зарур. Бошланғич синф ўқитувчилари кучли педагогик маҳоратга эга бўлишлари шарт. Улар ўқувчиларни тўла дарсга қамраб олишлари, дарс жараёнига қизиқтира олишлари лозим.

Узлуксиз таълим жараёнида ҳар бир ўқитувчи инновацион усуллардан фойдалана олиши, уни амалиётда тадбиқ эта олиши лозим. Бу жараёнда ўқитувчига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- инновацион технология тушунчасини унинг мазмун-моҳиятини билиши;
- инновацион технологияларнинг таълим мақсадини амалга оширишдаги ўрни ва ролини билиши
- инновацион технологияларни фанлар бўйича қўллаш принципларини билиши;
- таълимий ва ишчанлик ўйинларини билиши;
- муаммоли ривожлантирувчи таълим методларини билиши;
- ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва таъмонлаш йўлларини билиши;
- ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаш маҳоратини ошириш усулларини эгаллаши;

Узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришда бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш, болаларни кичиклигиданоқ китоб ўқишга қизиқтириш масаласи ҳам бевосита ўқитувчиларга боғлиқ. Бошланғич синф ўқувчилари ҳар бир дарсга инновацион ёндашишлари керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бошланғич таълимнинг мамлакатимизда ислоҳий ўзгаришлар даврида, яъни узликсиз таълим тизимидаги ўрни ва аҳамияти юксак даражага кўтарилди. Ўқитувчиларнинг моддий ва маънавий мафкураси ошди. Улар янги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни ўқув жараёнида фанга ва билим олишга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлашлари зарур.

## BOSHLANG'ICH SINF OQUVCHILARIGA MATEMATIK MIQDORLARNI O'RGATISHNING AMALIY JIHATLARI VA AHAMIYATI.

**Xafizova Nilufar Rustamovna**
**Buxoro shahar 20-maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi.**

Zamonaviy ta'lim sharoitida o'qituvchilarning yuqori kasbiy tayyorgarlikka, pedagogik mahoratga, yuksak ma'naviy - axloqiy fazilatlarga, mafkura borasida chuqur bilimlarga ega bo'ishi, ta'lim - tarbiya ishlarida zamonaviy pedagogik texnologiyalar, interfaol usullardan samarali foydalanishi davr talabi hisoblanadi.

Boshlang'ich sinflarning dasturida matematik material bilan uzviy bog'liqlikda turli miqdorlarni ham o'rganish nazarda tutilgan. Miqdorlarsiz tabiatni, borliq olamni o'rganish mumkin emas. Miqdorlarda turli ob'ektlarning, borliq dunyoning xossalari aks etgan.

Miqdor bu narsa yoki hodisaning biror xossasi bo'ib, uni boshqa narsa yoki hodisaning shu xossasi bilan taqqoslash va ulardan qaysi biri shu xossaga ko'proq darajada ega ekanligini aniqlash mumkin.

Miqdor tushunchasi murakkab tushuncha bo'ib, o'quvchilarning maktabda butun o'qish davrida shakllantiriladi.

Boshlang‘ich maktabning vazifasi shundaki, u bolalarda miqdorlarni o‘rganishning intuitiv tushunarli usulini hosil qilishdir, buning natijasida bolalarda miqdorlar narsalar va hodisalarning o‘chash bilan bog‘liq bo‘gan xossalari ekanligi haqida tasavvurlar hosil bo‘ishi kerak.

Boshlang‘ich maktabda bolalarga uzunlik, sig‘im, massa, yuza, vaqt haqida dastlabki tasavvurlar beriladi. Bolalar uzunlik jismning davomiyligini, narsaning o‘chamlarini tavsiflaydigan xossasi ekanligi haqidagi tasavvurlarni maktabgacha bo‘gan davrdayoq hosil qilganlar. Bolalar uzunroq-qisqaroq, keng-tor, baland-past, yo‘g‘on-ingichka munosabatlarini to‘g‘ri aniqlay oladilar. O‘qitishning navbatdagi vazifasi - o‘chash ishining moxiyatini ochib berish, uzunlikning turli o‘chov birliklarining ahamiyatini ko‘rsatish va o‘chov asboblaridan foydalanishga o‘rgatishdan iborat. Tayyorgarlik bosqichining birinchi darslaridayoq o‘qituvchi «miqdor» tushunchasini rivojlantirish imkoniyatiga ega. «Miqdor» so‘zining o‘zi ko‘pchilik bolalarga tushunarli emas, chunki bu so‘zni ular kam eshitadilar. O‘qituvchining vazifasi narsalarning xossasi taqqoslanayotganda bu taqqoslashni miqdor jihatdan ifodalash mumkinligini, miqdor haqida so‘zlash mumkinligini har doim ko‘rsatib borishdan iborat.
«Uzun. Qisqa» mavzusi bo‘yicha dars parchasini keltiramiz.

Darsning maqsadi. Uzunlik tushunchasini jismning o‘chamlarini tavsiflaydigan xossasi sifatida shakllantirish.

Ish narsalarning uzunliklarini ko‘z bilan chamalab va ustiga qo‘yish usuli bilan taqqoslashdan boshlanadi.

Amaliy ish. Gorizontal tortilgan ipga eni bir xil, lekin rangi va uzunligi turlicha bo‘gan lentalar ilingan. Bolalar qaysi lenta uzunroqligini, qisqaroqligini, bir xil uzunlikda ekanligini ko‘z bilan aniqlaydilar. Lentalarni ip ustida siljitib, o‘qituvchi ularni ustma-ust tushiradi. Bolalarning e’tiborini shunga qaratadi: lentalarning uchlari ustma-ust tushgan bo‘sa, endi ularning oxirlariga qaraymiz va qaysi holda «uzunroq», «qisqaroq», «bir xil uzunlikda» deb aytishimizni aniqlab olamiz. Mustahkamlash uchun frontal amaliy ish o‘tkaziladi.

Bolalarga uchtadan qog‘oz tasmalar tarqatiladi (ikkitasi bir xil, uchinchi tasma esa uzunligi bo‘yicha bu ikkitasiga teng emas). Bu qog‘oz tasmalarni uzunligi bo‘yicha qanday taqqoslash mumkin?
Tasmalarni bir-birining ustiga shunday qo‘yingki, qaysi tasmalar bir xil, qaysi tasma esa uzunroq ekani ko‘rinib tursin. Keyin tasmalarni ustma-ust tushirish mumkin bo‘magan holat yaratiladi. Buning uchun uzunligi turlicha bo‘gan ikkita tasma doskaning turli qismlarida turli balandliklarda o‘rnatiladi. Uchinchi tasmani o‘qituvchi qo‘ida ushlab turadi. Qaysi tasma uzunroq? Bolalar bilan birgalikda o‘qituvchi bunday xulosaga keladi: uchinchi tasmani birinchi tasmaning ustiga qo‘yish kerak, ular ustma-ust tushdi, demak, bu tasmalar teng. Keyin uchinchi tasmani ikkinchi tasmaning ustiga qo‘yiladi, u uchinchi tasmadan uzunroq ekan. Qaysi tasma uzunroq, ikkinchi tasmami yoki birinchi tasmami?

Bunday xulosa chiqariladi: agar birinchi tasmaning uzunligi uchinchi tasmaning uzunligiga teng bo‘sa, ikkinchi tasmaning uzunligi esa uchinchi tasmaning uzunligidan katta bo‘sa, u holda birinchi tasmaning uzunligi ikkinchi tasmaning uzunligidan kichikdir. Shunga o‘xshash ish va xulosani uzunligi bo‘yicha bir xil, biroq rangi bo‘yicha turlicha uchta cho‘p ustida ham bajaramiz. So‘ngra frontal ish o‘tkaziladi. Bolalarga bir nechta bir xil kanop kesmalari tarqatiladi (I variant - 3 ta kesma, II variant - 4 ta kesma). Bolalar kesmalarning uzunliklari bir xil ekaniga ishonch hosil qiladilar. Keyin kesmalar tugun qilib bog‘lanadi. Bolalar hosil bo‘gan kesmaning uzunligi bog‘langan kesmalar uzunliklari yig‘indisiga teng ekanligini, II variantdagi kesma esa uzunroq ekanini payqaydilar, chunki bunda kalta kesmalar ko‘proq edi. I va II variantdagi kesmalarni ustma-ust qo‘yib, bu xulosa tekshiriladi.

Bolalar darslikdagi vagonlar ulangan poezd tasvirlangan mashq ustida ishlab shunga o‘xshash xulosaga keldilar. O‘qituvchi bolalarning e’tiborini vagonchalar bir xilligiga qaratadi. Shuning uchun vagonchalarni sanash va qaysi poyezd uzunroqligini aytish kifoya.

Bu uquvlar sekin mustahkamlashishi sababli bunga o‘xshash mashqlarni keyingi darslarga muntazam kiritib borish kerak. Masalan, keyingi darsda frontal amaliy ish o‘tkaziladi. Bolalar ichiga turli uzunlikdagi 5-6 ta qog‘oz tasma (cho‘plar, lentalar) solingan konvertlar oladilar.
Topshiriq: eng uzun tasmani, keyin qisqaroq tasmani va eng qisqa tasmani toping.

Navbatdagi darslarda «uzunlik» tushunchasi kengaytiriladi. Bo‘yi, eni, qalinligi, balandligi so‘zlari kiritiladi.

O‘qituvchi: Sinfimizdagi doskaga qarang. Bu doskaning (uzunligi) bo‘yi (qo‘i bilan chapdan o‘ngga tomon ko‘rsatadi). Doskaning o‘chamini yana qanday ko‘rsatish mumkin? (Yuqoridan pastga.) Demak, doskaning o‘chamlarini ikki yo‘nalishda ko‘rsatish mumkin. Ularni chalkashtirmaslik uchun doskaning eni (kengligi) deb gapiriladi.

O‘z ish o‘rningizga qarang. Qo‘ingiz bilan partaning uzunligini (bo‘yini), partaning enini ko‘rsating. Darslikning bo‘yini, enini ko‘rsating. Darslikning yana qanday o‘chamini ko‘rsatish mumkin? O‘qituvchi

darslikni ikkita barmog‘i bilan ushlab ko‘tarib ko‘rsatadi (qalinligini). Daftar va darsligingizni solishtiring. Qaysi biri qalin? Qaysi biri yupqa?

Xulosa: narsalarning o‘chamlari haqida gapirilayotganda bu o‘chamlarni turli yo‘nalishlarda ko‘rsatish mumkin. Turli yo‘nalishlardagi uzunlik turlicha ataladi: bo‘yi, eni, balandligi, qalinligi. Bu so‘zlar uchun qarama-qarshi ma’noli so‘zlar bormi? «Teskarisiga» o‘yinini o‘ynaymiz. Men rasmlarni ko‘rsataman va narsalarni bir so‘z bilan taqqoslayman, siz esa bu taqqoslashni qarama-qarshi ma’noli so‘z bilan aytasiz.
Qizil qalam ko‘k qalamdan uzun (narsalar ko‘rsatiladi).
Qayrag‘och archadan baland
Sharf kamardan keng (narsalar ko‘rsatiladi).
Kundalik daftar darslikdan yupqa (narsalar ko‘rsatiladi).
Daryo irmoqlardan keng.
Yo so‘qmoqdan uzun va hokazo.

Darslik bo‘yicha ishlash bu tushunchalarni mustahkamlaydi. Atrofingizga qarang va xossalarini yangi so‘zlar bilan taqqoslash mumkin bo‘gan narsalarni ayting. Yakunlab, o‘qituvchi bunday deydi: «Biz bugun yangi tushuncha - miqdor bilan tanishdik. Narsalarning xossasini taqqoslash mumkin bo‘gan holda miqdor haqida gapiriladi. Narsalarning o‘chamlari haqida gapirilganda miqdorni turli so‘zlar: bo‘yi, eni, balandligi, qalinligi deb aytiladi. Agar narsaning bir yo‘nalishdagi o‘chami haqida gapiriladigan bo‘sa, ko‘pincha «bo‘yi», uzunligi so‘zini aytadilar.

## ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА.

**Ш.У.Гафоров - докторант (PhD).**
**Бухарский государственный университет**

Здоровье человека можно отнести к числу более трудных и вызывающих интерес проблем. Невзирая на кажущуюся простоту определения понятия «здоровья», в нём отражаются фундаментальные виды биологического, общественного, психического и духовного бытия человека во всем мире. Психологическое здоровье - приемлемое функционирование всех структур, которые необходимы для жизнедеятельности человека. Оно неразрывно связано с отличительными чертами личности, интегрирующей все виды внутреннего мира человека и методы его внешних проявлений в целое. «Психологическое здоровье - это состояние индивида, обеспечивающее ее устойчивое становление и успешный личностный рост» - такое понятие дает нам И.В.Белашова.

Есть признаки, которые используют психологи при описании психологического здоровья личности:

1) сознательность и осмысленность человеком себя и своего взаимодействия с окружающим миром;
2) способность участвовать в сотворчестве с другим человеком;
3) состояние прочности, постоянства и определённости в жизни;
4) социальный интерес или социальное чувство;
5) способность человека пребывать в настоящем, точном диалоге и организовывать его.

Психологическое здоровье человека считается важной частью социального самочувствия человека и его жизненных сил, что подразумевает стойкое и адаптивное функционирование человека на витальном и социальном уровнях жизнедеятельности. Понятие «психическое здоровье личности» широко употребляется в гуманистическом направлении психологии, в масштабах которого была предложена абсолютно новая концепция «положительного психологического здоровья». Так, видный представитель данного направления А.Маслоу отмечает, что патологические нарушения психологического здоровья - неврозы и психозы - это последствия неверного развития личности. Психически здоровые индивиды - это «люди зрелые, с высочайшей степенью самоактуализации», имеющие настоящие жизненные заслуги и развившие собственные персональные возможности. Он считал, что признаками психологического здоровья являются полнота, богатство развития личности, её потенций и рвение к гуманистическим ценностям - присутствие и развитие этих качеств, как принятие иных, автономность, инстинктность, альтруизм, креативность. Психологическое здоровье не только лишь наполняет человека субъективным чувством благополучия, оно само по себе верно, истинно и реально. Конкретно в этом смысле оно «гораздо лучше» болезни и «намного выше» её. Недостаток психологического здоровья не только подавляет человека, его можно рассматривать как форму слепоты,

когнитивной патологии, точно так же как форму нравственной и чувственной неполноценности. Нездоровье - это постоянная неполноценность, ослабление или утрата способностей к деятельности человека и его самоосуществлению.

Психологические мнения подобного рода, к которым можно отнести труды З.Фрейда, А.Адлера, К.Г.Юнга и др., опирались на психически больных людей, с очевидными отклонениями в развитии, при этом стопроцентно упуская из вида здоровую личность человека. Вследствие этого, появилась потребность изучения нормально протекающего психического развития. В статье И.В.Белашовой толерантное поведение рассматривается, как аспект психологического здоровья человека, так как внутренние установки определяют качество внешних взаимоотношений, что не может не отобразиться на психической гармонии личности. Из этого следует вывод, что толерантное отношение считается одним из важных компонентов формирования нашего психологического здоровья. Определение уровней психологического здоровья.

Высший уровень (креативный) - люди, с устойчивой адаптацией к среде, с активным творческим отношением к действительности, не нуждающиеся в психологической помощи.

Средний уровень (адаптивный) - люди, в целом адаптированные к социуму, но имеющие небольшую тревожность.

Низший уровень (дезадаптивный) - люди, с нарушением баланса процессов ассимиляции и аккомодации. Человек приспосабливается к внешним обстоятельствам, вместо того, чтобы двигаться к своим желаниям, благодаря своим возможностям.

Диагностика психического здоровья опытным врачом состоит из разговорных методов через выявление проблемы нарушения психики. Вот основные моменты, на которые обратит внимание специалист.

1. Адекватность психологических реакций на стандартные жизненные ситуации.

Если обычная стрессовая ситуация приводит пациента в состояние перевозбуждения с признаками психоза, то можно уверенно говорить о его проблемах с душевным здоровьем.

2. Способность следить за поведением в обществе, подчиняясь его законам.

Неспособность или нежелание принимать нравственные законы указывает на скрытую патологию в психике.

3. Критическое отношение к себе и обществу.

Когда человек слышит только себя, не может уследить за своими желаниями, необходимо очень внимательно заниматься его психологическим здоровьем.

В.Ю.Завьялов, говоря о профилактике психического здоровья, отмечает, что психическая зрелость и душевное здоровье характеризуются тем, что человек активно пользуется помощью других людей и охотно сам помогает. Все люди прямо или косвенно зависят друг от друга и поэтому соблюдение принципа экологичности в общении, является надёжной гарантией сохранения доброжелательных, уважительных, взаимно полезных отношений.

Известный писатель, психолог и педагог Д.Карнеги в книге «Как перестать беспокоиться и начать жить» предлагает такие советы:

1. Все заботы должны быть направлены только на сегодняшний день, поскольку мы не можем угадать будущее и изменить своё прошлое.

2. Человек, страдающий от беспокойства, должен забыться в работе, или заняться каким-либо увлечением.

3. Нельзя расстраиваться из-за пустяков, ведь жизнь слишком коротка, чтобы тратить ее на пустяки.

4. Необходимо изучить факты и спросить себя: «Каковы шансы, что событие, из-за которого я обеспокоен, сможет произойти?»

5. Пусть прошлое остается в прошлом.

Существуют и способы профилактики психологического здоровья:

1. Найти причины стресса. Найти время побыть наедине с собой и записать для себя всё то, что вас беспокоит.

2. Составить план по уменьшению влияния стресса на вашу жизнь. Необходимо после выявления источника стресса, стараться меньше уделять этому времени.

3. Надо поделиться своими проблемами с другими людьми. Нельзя в себе держать переживания, ваши родные помогут вам с решением проблем.

Таким образом, мы выяснили, что психологическое здоровье является довольно обширным понятием, включающим в себя много компонентов, оказывающих воздействие как друг на друга,

так и на общую картину становления человека. И, конечно, бесспорна значимость исследования вопроса психологического баланса личности.

В наше время, когда стрессы и стремительный жизненный ритм оказывают ежедневное воздействие на нервную систему человека, остро встаёт проблема сохранения психологического здоровья.

## БОШЛАНҒИЧ СИНФДА МАВҲУМ МАЪНОЛИ ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

**Шарипова Шоҳида Очиловна**
**Бухоро шаҳар 3-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.**

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида ривожланиш нафақат фан-техника соҳасида балки, таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бундай ўзгаришларни таълимнинг барча жабҳаларида кўришимиз мумкин.

Кичик мактаб ёшданоқ ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мақсадга эришиш учун ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш алоҳида ўрин тутади. Мактабда ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш элементар ўқиш ва ёзишга ўргатишдан бошланади. “Алифбе” га асосланган ҳолда қисқа вақт ичида ўқувчилар ўқиш ва ёзишга ўргатилади, яъни ўқиш ва ёзиш кўникмаларини эгаллайдилар. Маълумки савод ўргатиш даврида ўқувчилар билан кундалик ишлар, расмлар ранги, предметлар номи, мавзулар юзасидан оғзаки савол жавоблар ўтказилади.

Масалан: *Ҳозир қайси фасл?*
*Фаслнинг қайси ойи?*

*Бугун об ҳаво қандай?*
*Дарсда кимлар йўқ?*
Ёки: Мантиқий машқлар ишлаш билан боғлиқ ҳолда; *Оилангизда кимлар яшайди?*
*Дўстларингиз борми, улар кимлар?*

Мавзулар билан боғлиқ ҳолда, “Ватан” мавзусида: *Ватанимиз қаер? Ватанимизнинг пойтахти қайси шаҳар? Яна қайси катта шаҳарларни биласиз?Бизнинг шаҳримиз қаер?* товуши ва *Оо* ҳарфи билан тушунтиришда: *Бизга энг яқин инсон ким? (она) Онангизни исми нима?* (болани ўйлашга мажбур қилади).

Биринчи синфнинг иккинчи ярим йиллигида машқ ишлаш пайтида гапда қайси сўзлар *ким?* сўроғига жавоб бўлади, сўзда нечта унли бор? Нечта ундош бор? Нечта бўғинга бўлинади? каби саволларга жавоб олинади.

Савод ўргатиш даврида ўқиш ва ёзиш ҳаракатини мақсадга мувофиқ равишда бажара олиш ўқиш ва ёзиш кўникмаси дейилади. Мана шу кўникмаларни ривожлантириш жараёнида мавҳум ҳаракатлар, мавҳум белгилар, хаёлий отлар, фантастик образлар ёрдамга келади. Масалан, улардан бирини кўриб ўтиш мумкин: оддий кичик ёшдаги болага ёзиш малакасини ўргатишда ҳам аввало ҳаводаги номалум ёки бирор ҳарфнинг ҳаёлий белгиларини тассавурга келтиришимиз ва уни ҳаёлон тассавур килишимиздан бошлаймиз ва секин-аста уни рўёбга чиқарамиз.

Булардан ташқари бизга маълумки сўз тилнинг асосий бирлигидир. Сўз ва сўз бирикмаси аниқ нарсаларни, мавҳум тушунчаларни, ҳиссиётни ифодалайди. Тилда мавжуд бўлган барча сўз ва ибораларнинг йиғиндиси луғат таркиби ёки лексика дейилади. Лексикология ўзбек тилининг луғат таркибини ўрганадиган бўлимидир. Ҳозирги ўзбек адабий тили улкан луғат бойлигига эгадир. Беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси берилган бўлиб, уларнинг бир қисмини мавҳум маъноли сўзлар ташкил этади.

Берилган бу мавҳум сўзлар бир неча турларни ташкил этиб, уларни қуйидаги группаларга бўлиб ўрганиш мумкин: биргаликни (*дўстлик, ўртоклик, синфдошлик, ҳамкорлик*), табиат ва ижтимоий ҳодисаларни (*шамол, бўрон, ўтириш, мажлис*), жисман образсиз предмет маъноларини (*орзу, кўнгил*), турли ҳис-туйғу ва кайфиятни (*сезги, муҳаббат, ғазаб, нафрат*), шахс ва предметларга хос белги хусусиятни, характерни (*яхшилик, ёмонлик, пишиқлик, қурқмаслик*), маълум касб-ҳунар соҳасидаги вазифани (*ўқитувчилик, докторлик, инженерлик*), пайт-мавҳум маъносини( *тушлик, кечлик, кечалик*), ҳаёлий нарсаларни, мавҳумликни (*худо, фаришта, жаннат, ялмоғиз*), унвон даражани (*генераллик, докторлик, адмираллик*), бирор оқимга, ижтимоий-сиёсий философик оқимга тегишлиликни (*дарвинизм, хизбутчилик, акромийлик*). Бошланғич синфда учрайдиган (*дўстлик, ватан, орзу, ўртоқлик, меҳр, маънавият, маърифат, идрок, ботирлик,*

*қўрқмаслик*) мавҳум тушунчаларни, ўқиш дарсликларга киритилган афсонавий образлар *(дев, алвасти, ялмоғиз)* ни ўқувчиларга тушунтириш бир қанча нозикликларга эга ва бу ўқтиувчидан бир қанча қушимча маҳоратларни талаб қилади. Сўзларнинг маъносини тушунтириш ўқувчилар луғатини бойитади, нутқини ўстиради.

Сўз маъносини тушунтириш жуда кам вақт олиши ва дарснинг асосий мавзусидан ўқувчилар диққатини чалғитмаслиги керак. Бунинг учун ўқтиувчи ҳар бир дарсга тайёрланиш жараёнида маъноси тушунтирилиши лозим бўлган сўзларни, уни тушунтирилишининг энг қулай усулларини ва дарснинг қайси ўрнида тушунтиришни белгилаб олиши зарур. Ўқиш китобларидаги матнларда биринчи марта учраган, болалар маъносини билмайдиган айрим сўзлар матнни ўқишдан олдин тушунтирилади. Агар бирор сўзни маъноси матнни ўқиш жараёнида тушунтириш лозим бўлиб қолса, сўз маъносини тушунтириш ўқувчиларни асосий матндан чалғитмаган ҳолда тушунтирилиши талаб қилинади. Мавҳум маъноли образларни тушунтиришда, ўша эртак қаҳрамонларининг қилган ишлари таҳлил қилиш йўли билан тушунтирилади ва матн охирида ижобий ва салбий қаҳрамонларга ажратилади ва хулоса чиқарилади.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синфларда мавҳум маъноли тушунчаларни, образсиз предметларни ўрганиш, уларнинг маъноларини ўрганиш ўқувчилар луғатини бойитади, нутқини ривожлантиради.

## BO’LAJAK O’QITUVCHILARDA PEDAGOGIK MAHORATNI SHAKLLANTIRISHNING INNOVATSION YO’LLARI

**L.S.Elibayeva**
**BuxDU katta o’qituvchi**
**I.B.Farmonova**
**BuxDU 3-kurs talabasi**

Yangi tahrirdagi “Ta’lim to’g’risida”gi qonunda Yangi O’zbekistonni barpo etish sharoitida yuksak ma’naviy – axloqiy salohiyatga, zamonaviy kasb-kor malakalariga, ijodiy va ijtimoiy faollikka,mantiqiy tafakkurga ega bo’lib, hayotdagi muammolarning oqilona yechimini topish mahorati bilan qurollangan, huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyati vazifalarini odilona baholay oladigan mutaxassislarning yangi avlodini tayyorlash, shuningdek, har tomonlama barkamol, ta’lim va kasb-hunar dasturlarini ongli ravishda mukammal o’zlashtirgan, mas’uliyatni chuqur his qiladigan kadrlarni tarbiyalab voyaga etkazishni nazarda tutgan ijtimoiy – pedagogik g’oya ilgari surilgan. Har qanday murakkab zamonaviy axborot kommunikastiya texnologiyalari, integratsiyalar, fan sohasidagi olamshumul yangiliklar avvalo o’qituvchi tomonidan o’zlashtirilib, so’ngra uning bilimi, saviyasi, qobiliyati evaziga o’quvchilar ongiga va tafakkuriga yetkaziladi. O’qituvchiga nisbatan qo’llaniladigan “pedagogik mahorat” atamasi hech qachon o’z mavqeini yo’qotmaydi, balki tobora takomillashib, boyib va zamon talablariga mos o’zgarib boraveradi. Barcha kasb – korlar tizimida o’qituvchilik kasbi muhim ijtimoiy ahamiyat kasb etadi. Zero, o’qituvchi yosh qalblar kamolotining me’moridir. Bugun u yoshlarni g’oyaviy – siyosiy jihatdan chiniqtirib, tabiat, jamiyat, tafakkur taraqqiyoti, qonuniyatlarini o’rgatar ekan, avvalo, u yosh avlodni kelajak mehnat faoliyatiga tayyorlashi, kasb – hunar egallashlariga ko’maklashishi va jamiyat uchun muhim bo’lgan ijtimoiy – iqtisodiy vazifani hal etishga chog’lamog’i darkor. Ana shu ma’suliyat o’qituvchidan o’z kasbining mohir ustasi bo’lishni, o’quvchi - yoshlarga tarbiyaviy ta’sir ko’rsatib, ularning qiziqishi, qobiliyati, iste’dodi, e’tiqodi va amaliy ko’nikmalarini har tomonlama rivojlantirishning optimal yo’llarini izlab topadigan kasb egasi bo’lishni talab etadi.

O’qituvchi o’z fanining bilimdoni bo’lishi bilan birga, insonparvar, adolatli bo’lishi, milliy tarbiya targ’ibotchisi hamda komil inson sifatida o’zida shaxsiy – kasbiy sifatlarni tarkib topdirgan kasb egasi bo’lishi lozim. Ijtimoiy qiymat va tarbiyaviy ahamiyatga ega bo’lgan ijtimoiy psixologik hodisalar, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni hozirgi davr bilan uyg’unlashtirish hamda ajdodlar bilan avlodlar vorisligini o’rnatish faqatgina shu kasb egalari yordamida amalga oshiriladi.

Mashhur Naqshband tariqatida shunday hikmat bor “... Adab bu xulqni chiroyli qilish, so’zni va fe’lni soz qilishdir. Xizmat odobi ulug’ baxtdan yaxshiroq, uning belgisi amalning qabuli, tug’yon esa amalning buzuqligidir. Adabni saqlash – muhabbat samarasi, yana muhabbat daraxti, yana muhabbat urug’i hamdir”.

Yurtdoshimiz Abu Nasr Forobiy o’zining “Fozil shahar kishilarining axloqiy qarashlari”, “Ruh madaniyati haqida risola” kabi tarbiyaviy qudratga ega bo’lgan pedagogik asarlarni qoldirgan alloma hisoblanadi. U: “... . Tabiiy bog’lang’ichlar ta’siri ostida komil insonga aylanishgina kifoya qilmaydi, chunki, inson bo’lib, insoniy kamolotga erishuvi uchun so’zlash va kasb hunarga muhtojdir”, - deganida

haq edi. Shuningdek, jahon fani va madaniyatiga o'zining boy ilmiy merosi, ko'p qirrali ilmiy faoliyati bilan ma'lum va mashhur bo'lgan Abu Rayhon Beruniyning ijodida ham insonning ta'lim-tarbiyasi, kamoloti bosh masala bo'lgan. U "O'quvchini hamma narsaga o'rgatish" nomli risolasida, ustoz shogirdni san'atga, tabiat ko'rsatmalariga asoslanishga, uning shaxsiy xususiyatlarini hisobga olishi lozim deb, ta'kidlagan. Ibn Sino "Tib qonunlari" asarining birinchi kitobida yoshlar ta'lim-tarbiyasida alohida guruhlar bilan suhbat usulini tavsiya qiladi. Ibn Sino shu va shunga o'xshash usullar haqida fikr yuritar ekan o'qituvchilik – tarbiyachilik kasbining imkoniyatlarini ochib beradi.

Demak, o'z kasbining mohir egasi bo'lish uchun o'qituvchi muntazam o'z ustida ishlashi, tabiatdan, san'atdan, hayotdan, fandan bahra olib, rivojlanib, mukammallashib borgandagina maqsadga erishadi. Inson psixologiyasining mohir ustasi F.N. Gonobolin ta'kidlaganidek, o'qituvchi o'zining butun kuch – quvvatini, irodasini, bilimini, o'zida bor hamma yaxshi narsalarini o'z shogirdlariga, xalqqa beradi. Ammo, u o'zida bor narsalarning hammasini bugun, ertaga, indinga bersa-yu, o'z bilimini, kuchini, quvvatini yana va yana to'ldirib bormasa, u holda o'zida hech narsa qolmaydi. O'qituvchi bir tomondan o'zida borini berishi, ikkinchi tomondan bulut singari, hayotdan, fandan, nimaiki yaxshi narsalar bo'lsa olishga odatlanmog'i, xalqning eng ilg'or kishilari bilan hamkorlikda ishlamog'i lozim. Ana shunday bo'lganda, u o'z talabalariga qancha ko'p narsa bermasin, agar xalqdan, hayotdan, fandan oziqlanib, eng yaxshi xislatlarni o'qiy olsa, u holda, unda o'z talabalari uchun bunday rizqli shiralar hamisha ortig'i bilan mavjud bo'ladi.

O'qituvchi pedagogik mahoratini "O'qituvchining axloqiy shakllanishi" yo'nalishida tadqiq qilgan professor M. Ochilov pedagogik mahoratni egallashning muhim asosi axloq deb ta'kidlab, kasb axloqini shunday ta'riflaydi "Faoliyatning ma'lum bir sohasi bilan shug'ullanuvchi kishilarga taalluqli axloqiy normalar, talablar ham bor. Bunday axloq kasb (professional) axloqi deyiladi. Har bir jamiyatda hukmron bo'lgan axloq bilan kasb axloqi o'rtasida ma'lum bir munosabat mavjud. Bu umumiylik bilan xususiylik o'rtasidagi munosabatdir. Kasb axloqi umuminsoniy axloq nazariyasining qoidalari va kamchiliklarini o'zida mujassamlashtiradi, oydinlashtiradi va rivojlantiradi". Ma'lumki, pedagogik mahorat tizimida o'qituvchining pedagogik nazokati (odobi) muhim o'rin tutadi. O'qituvchi nazokatsiz, kasb odobisiz yuksak cho'qqilar sari odimlay olmaydi.

Shuni ta'kidlab o'tish joizki, Sharq va G'arb olimlari tomonidan tahlil qilingan o'qituvchi kasbi haqidagi ko'pgina mulohazalar hozirgi kungacha o'z ahamiyatini saqlab kelmoqda, demak millati va kelib chiqishidan qat'iy nazar ajdodlar merosini takomillashtirish evaziga hozirgi kunda ta'lim va tarbiyani yanada yuksak bosqichlarga ko'tarish mumkin.

# 3-ШЎЪБА. КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

## TEXNOLOGIK YONDASHUV ASOSIDA MODULLI-KREDIT TIZIMINING MOHIYATI VA AHAMIYATI MAVZUSINI YORITISHNING NAZARIY MASALALARI

**M.Sh.Xojiyeva**
**Buxoro davlat universiteti**
**Pedagogika kafedrasi o`qtuvchisi**

O'zbekistonning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishi ancha tezlashdi. Lekin uning kelgusi taraqqiyoti omillarini inobatga olish jahon ta'lim amaliyotida qo'llanilayotgan yangi va ilg'or fan yutuqlaridan keng foydalanishni taqozo etadi. Chunki yangi texnologiyalar ta'lim oluvchilarning intellektual, ijodiy va axloqiy kamolotining zaruriy sharti hisoblanadi. Faqat shu asosda rivojlanish uzluksiz ta'lim tizimining hamma bo'g'inlarida pedagogik jaryonning chuqur mohiyatini tashkil qiluvchi asosiy tushunchaga aylandiki, uning harakatlantiruvchi kuchi yangi pedagogik texnologiyalardir. Ko'p mamlakatlarda jumladan, bizning respublikamizda o'tkazilgan tadqiqotlar ta'lim tizimining hamma bo'g'ini uchun eng katta kamchilik tahsil oluvchilarning olgan bilimlarini amaliy faoliyatga qo'llay olmaslik, murakkab hayotiy va iqtisodiy vaziyatlardan mustaqil o'zi chiqib keta olmaslik ekanligini ko'rsatdi.

Ta'lim islohotimizda jahon ta'limi rivojlanishining ijobiy xususiyatlarini ta'limni amaliy – inson hayoti, shaxsga yo'nalganlik tajribasini va uni rivojlantirishning muhim vositasi yangi pedagogik informatsion texnologiyalar ekanligi asosida uni rivojlanishi asosiy yo'nalishlarini belgilash muhim hisoblanadi. Islohot oqibatida ta'lim tizimimiz rivojini jahonga yo'naltirish – yana juda bir muhim vazifa – ta'lim rivojini bozor munosabatlariga moslashtirishning tajribasidan unumli foydalanishdir. Bu masalani amalga oshirish esa pedagogik va axborot texnologiyalarni keng qo'llash orqali amalga oshirilishi mumkin. Shuning uchun «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning 4-bo'limidagi «Kadrlar tayyorlash tizimini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari» bandida «... ilg'or pedagogik texnologiyalar, ta'limning yangi shakl va uslublari, o'quv, shu jumladan, differentsiyalashgan dasturlar amaliyotga joriy etiladi», deb ko'rsatiladi.

Bu vazifalarni hal qilish eski uslub va shakllar orqali emas, balki o'quv-tarbiya jarayoniga yangi pedagogik va axborot texnologiyalarni qo'llashni ijtimoiy-pedagogik zaruriyatga aylantiradi. Pedagogik texnologiyalarning xarakterli xususiyati shundaki, ta'lim-tarbiya o'quvchi imkoniyati va faoliyatiga, ya'ni ikki ta'lim ishtirokchisi o'qituvchi va o'quvchi yoki ob'ekt va sub'ektning o'zaro ikkiyoqlama aloqasini amalga oshirishning osonligini alohida ta'kidlash lozim. Shu bilan birga o'qitish maqsadining oldindan aniq belgilanishi va shu maqsadga muvofiq mazmun, uslub, shakllarning hamda uning natijasini nazorat qilish, baholashning yaxlitlikda amalga oshirilishi bilan ham xarakterlanadi. Ta'lim texnologiyasi qo'yilgan maqsadga erishishning ancha yaxshi samarasini ta'minlaydigan, o'quv dasturida ko'zda tutilgan ta'lim mazmunini amalga oshirish uchun ta'lim shakllari, metod va vositalarni o'z ichiga oladi.

Agar tarixga nazar soladigan bo'lsak 1998 yili Germaniya, Buyuk Britaniya, Frantsiya va Italiya ta'lim vazirlari Sorbonna universitetining 800 yilligida uchrashib, Yevropa oliy ta'limidagi segmentatsiya fan va ta'limning rivojlanishiga to'sqinlik qilayotganligi uchun Sorbonna deklaratsiyasini imzolashgan. Bugungi kunda Boloniya deklaratsiyasini 48 ta davlat ko'shilgan. Boloniya tizimi 3 davriy tizimdan iboratdir. Uning o'ziga xos baxolash mezoni, GPA(diplom yoki attestatning o'rtacha ko'rsatkichi) to'g'risida tushuntirib o'tildi. Kredit tizimiga o'tishimiz bilan Oliy ta'lim muassasasi diplomlari xalqaro miqyosidan tan olinadi, akademik mobillik va xalqaro aloqalar uchun katta imkoniyatlar ochiladi, ilg'or tajribalari va imkoniyatlari tufayli bitiruchilarga mehnat bozorida talab yuqori bo'ladi. Shu bilan birga Boloniya ta'lim tizimiga o'tadigan bo'lsak, ayrim jihatlarda, masalan, tor doiradagi mutaxassislarni tayyorlash oqibatida tahliliy va tanqidiy tafakkurni shakllantiruvchi fanlarning qisqarishi va oliy ta'lim sifatining pasayishiga olib keladi. Mamlakatimizning Boloniya jarayoni ta'lim tizimiga qo'shilishi xorijiy mamlakatlar bilan oliy ta'lim sohasidagi aloqalarni kengaytirishni ta'minlaydi. Buning natijasida joriy etiladigan kredit tizimi esa talabalarning mustaqil ishlashini rag'batlantiradi. Boloniya uch davriy tizimli bo'lib, uning asosiy yo'nalishlaridan biri oliy ta'limning ketma – ket keladigan uch davri, ya'ni, uch daraja – bakalavr, magistr va doktor darajasiga ega bo'lish imkonini beradi.

ECTS (European Credit Transfer and Accumulation system-Evropa kredit transfer qilish va yig'ish tizimi) - amaliyotda bu tizim dasturiy kurslar faoliyati bilan bog'liq holatlarni qiyoslashni yengillashtiradi va tushunishni ta'minlaydi. Talabalar mobilligiga imkon beradi. Kredit texnologiyasi

ta'lim oluvchilarga ishchi o'quv rejaga kiritilgan tanlov fanlarini tanlash, bu orqali individual o'quv rejasini shakllantirishda bevosita ishtirok etish huquqini beradi. Modul – o'zida nazariy va amaliy bilimlarni qamrab olgan bir butun va tugallangan ta'lim mazmuni birligidir. Modulli ta'limda uning har biri (modul) o'zaro uzviy bog'langan bo'lib, baholash bilan tugallanadi. Modullashtirilgan o'quv dasturida o'quv jarayonining mazmuni va sifati belgilangan me'yoriy hujjat sifatida Davlat ta'lim standartining asosiy elementi yoki uni amalga oshirish vositasi ham hisoblanadi. Unda o'quv maqsadlari modul yakunida ta'lim-tarbiya natijasi sifatida o'quvchi erishish lozim bo'lgan bilim, malaka va shaxsiy fazilatlarini belgilaydi. Kasb-hunar o'rgatishda modulning o'quv maqsadlari tarmoq standartining har bir ixtisoslik bo'yicha kasbiy tavsifnomada keltirilgan kasbiy faoliyat turlari, maxsus talablar, ko'nikma va bilimlardan kelib chiqqan holda ishlab chiqilishi kerak. Bunda tarmoq standarti bilan modullashtirilgan o'quv dasturlari bir-biriga to'la mos kelishi shart.

Modulli o'qitishning ta'lim-tarbiyaning boshqa uslublaridan farqi unda o'quv maqsadlarini qo'yish uslubi o'ziga xos xususiyatga ega. Bu shunda namoyon bo'ladiki, o'quv maqsadlari – o'quv vazifalari tarzida o'quvchilar harakatida ifodalanadigan va aniq ko'rinadigan hamda o'lchanadigan natijalar orqali belgilanadi.

Bunda ta'lim maqsadi shunday qo'yilishi kerakki, uni o'lchash, aniqlash, o'qitishni qayta takrorlash imkoniga ega bo'lib, har bir maqsadga erishish mezonini bilish, unga erishganlik haqida aniq xulosa chiqarish mumkin bo'lsin. Modulli o'qitishda o'quv materiali bo'limlari bir-biriga bog'liq emas, balki alohida bo'lib, ularga ta'lim mazmunini buzmagan holda yangi o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish imkonini beradi. Modulli o'quv dasturlarining kompleks didaktik maqsadi aniq faoliyat bo'yicha mutaxassisni sifatli tayyorlash imkonini berishidir.

Kasbiy ta'limni modullashtirish asosida amalga oshirganda quyidagilarni ta'minlash mumkin bo'ladi:

–subekt maqsadiga erishishi uchun zarur bo'lgan barcha faoliyat turlarini o'zaro mujassamlashuvini;

–subektning maqsadga erishish yo'llarini va o'qitish metodlarining muqobil shakllarini muntazam izlashini;

–o'qitilayotgan modul asosida sub'ektning kasbiy tayyorgarlik darajasini doimo oshirib borishga yo'naltirishini ta'minlashni.

Demak, modul deganda, o'quv fanining aniq bir maqsadini ko'zda tutib, uning muhim jihatlarini mantiqan tugal va mukammal aks ettiruvchi o'quv materialining didaktik birligi tushunilishi lozim. Modulli ta'limning texnologiya jihati o'quv jarayonida o'qituvchi va o'quvchi maqomini o'zgartirishga xizmat qilishi lozim. O'qituvchi tayyor bilimlarini o'rgatuvchidan o'quvchi faoliyatini bilishga yo'naltirish va maslahat berishga o'z o'rnini quradi. O'quvchilar bilim ehtiyojiga mos bilim hajmini tanlab, ularni tabaqalashtirib, individual xususiyatlarini inobatga olib, mustaqil va ijodiy fikrlashga o'rgatish modulli ta'limda pedagogik jihatdan ancha oson kechadi.

Modulli ta'lim bir qator g'oyalarga asoslangan holda amalga oshiriladi. Ular: talabalar mustaqil tarzda bilimlarni o'zlashtirishlari, o'rganishlari, o'qituvchi esa ularning o'quv faoliyatini boshqarishi lozim. Bu jarayonda o'qituvchi talabalarni o'quv faoliyatiga yo'naltirishi, ularda mazkur faoliyatga nisbatan moyillikni hosil qilishi, ularning o'quv faoliyatini tashkil etishi, muvofiqlashtirishi va maslahatlar berishi kerak.

Ushbu texnologiya pedagogika nazariyasi va amaliyotida to'plangan barcha ilg'or tajribalarni o'zida mujassamlashtiradi. Modulli o'qitish texnologiyasi funktsional tizimlar, fikrlashning neyrofiziologiyasi, pedagogik psixologiyaning umumiy nazariyasidan kelib chiqadi. Modulli o'qitishda o'quv dasturlarini to'la, qisqartirilgan va chuqurlashtirilgan tabaqalash orqali o'qitishni tabaqalash imkoniyati yaratiladi, ya'ni o'qitishni individualashtirish mumkin bo'ladi.

Shunday qilib, modulli o'qitishda talabalarni o'z qobiliyatiga ko'ra bilim olishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratiladi. O'qitishning modul tizimiga o'tish samaradorligi quyidagi omillarga bog'liq bo'ladi:

– o'quv muassasasining moddiy-texnikaviy bazasi darajasi;

– professor-o'qituvchilar tarkibining malakaviy darajasi;

– ko'zlangan natijalarni baholash;

– didaktik materiallar ishlab chiqish;

– natijalarning tahlili va modullarni optimallashtirish.

Shuni unutmaslik lozimki, modulli o'qitish jarayonida talabalarning o'quv-biluv faoliyatini tashkil etishning barcha shakllari, usullari, metodlari, texnologiyalari juda yaxshi qorishib ketadi. Jumladan, talabalar bilan yakkama-yakka ishlash, juftliklarda ishlash, guruh bo'lib hamkorlikda ishlash usullari kabilar. Oliy ta'lim muassasalarida modulli o'qitishning o'ziga xosligi uning boshqa o'qitish tizimlaridan farqini namoyon qilishidadir.

1. O'quv jarayonining mazmuni yakunlangan mustaqil bloklar sifatida namoyon bo'ladi.

Mazkur mazmunni o’zlashtirish ta’lim maqsadiga muvofiq tarzda amalga oshiriladi. Didaktik maqsadlar talabalar uchun shakllantirilib, nafaqat o'zlashtiriladigan o'quv materiallari ko'lami, balki uni o'zlashtirish darajasini ham belgilab beradi. Shu bilan bir qatorda har bir talaba o'qituvchi tomonidan qay darajada unumli harakat qilish, zarur o'quv materiallarini qayerdan topish haqida yozma shaklda ko'rsatma oladi.

2. Talaba hamda o'qituvchi orasidagi muloqotning shakli o'zgaradi. U modulь hamda shaxsiy individual muloqot shaklida amalga oshadi. Aynan modullar o'quv-tarbiya jarayonini sub'ekt-sub'ekt munosabatlari asosida tashkil etish imkonini beradi.

3. Talaba o'quv jarayonining aksariyat qismida mustaqil ishlaydi. Ular o'z faoliyatlarini rejalashtirish, mustaqil tashkil etish, nazorat qilish va baholashga o'rganadilar. Bu esa talabaga mazkur faoliyat jarayonida o'z-o'zini anglash imkonini beradi. Ular o'zlashtirgan bilimlari darajasini mustaqil aniqlaydilar, o'z bilim, ko'nikmalari orasidagi bo'shliqni ko'ra oladilar. O'qituvchi ham talabalarning o'quv-biluv faoliyatlarini modulli boshqarish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Muhimi, ushbu boshqaruv muayyan maqsadga yo'naltiriladi. Buning uchun pedagoglar ta'lim texnologiyalaridan maqsadga muvofiq tarzda modulli foydalanish tajribasiga ega bo'lishlari kerak.

4.Yozma tarzdagi aniq modullar o'qituvchilarga talabalar faoliyatini individuallashtirish imkonini beradi. Bu o'rinda yakka tartibdagi maslahatlar berish, yordam ko'lamini kengaytirish masalasi nazarda tutilmaydi. Buning uchun, birinchi navbatda, o'qituvchilar modulli dasturga ega bo'lishlari kerak. Ushbu dastur mujassamlashgan didaktik maqsadlar va modullar majmuidan iborat bo'lishi lozim. Mazkur modullar qo'yilgan maqsadga erishishni ta'minlashga xizmat qilishi zarur. Bunday dasturni tuzish uchun oliy ta'lim muassasasi professor-o'qituvchilari o'quv kursining asosiy ilmiy g'oyalarini ajrata olishi kerak. Shundan keyingina o'quv mazmuni va o'quv bloklarini mazkur g'oya atrofida tarkiblashtirish talab etiladi. Shu asosda mujassamlashgan didaktik maqsad shakllantiriladi. Didaktik maqsad o'zining ikkita darajasiga ega: talabalarning o'quv materiallarini o'zlashtirishlari va o'zlashtirilgan bilimlardan kelgusidagi amaliy faoliyatlarida to'g'ri foydalana olishlari. Shuningdek, istiqboldagi o'quv materiallarini o'zlashtirish ham nazarda tutiladi. Dastur o'z nomiga ega bo'lishi kerak. Shundan keyingina mujassamlashgan didaktik maqsaddan integrallashgan didaktik maqsad ajratiladi hamda modullar shakllantiriladi. Chunki har bir modul o'zining integrallashgan didaktik maqsadiga ega bo'ladi. Mazkur maqsadlarning yechimlari yig'indisi mujassamlashgan didaktik maqsadlarga erishishni ta'minlaydi. ta'lim mazmunining yirik bloklari kiritiladi. Shuning uchun ham har bir uyg'unlashgan didaktik maqsad xususiy didaktik maqsadlarga bo'linadi. Ular negizida o'quv elementlari ajratiladi. Har bir xususiy didaktik maqsad bitta o'quv elementiga muvofiq keladi.

Modulli o'qitish tizimining quyidagi ustunliklari namoyon bo'ladi:

● fanlar, fanlar ichidagi modullar orasidagi o'qitish uzluksizligi ta'minlanadi;

● har bir modulь ichida va ular orasida o'quv jarayoni barcha turlarining metodik jihatdan asoslangan muvofiqligi o'rgatiladi;

● fanning modulli tuzilish tarkibining moslashuvchanligi ta'minlanadi;

● talabalar o'zlashtirishi muntazam va samarali nazorat qilinadi;

● talabalarning zudlik bilan qobiliyatiga ko'ra tabaqalanishi amalga oshadi (dastlabki modullardan so'ng o'qituvchi ayrim talabalarga fanni individual o'zlashtirishni tavsiya etishi mumkin);

● axborotni ixchamlashtirish natijasida o'qitish jarayoni jadallashadi va o'quv vaqti tarkibi, ma'ruzaviy, amaliy (tajribaviy) mashg'ulotlar, individual va mustaqil ishlar uchun ajratilgan soatlar optimallashadi.

Modulli o'qitish texnologiyasida talabaning o'quv-biluv faoliyatini yuqori darajada o'zini-o'zi tashkil etishi o'quv maqsadlarini mustaqil qo'yish, faoliyat usullarini tanlash ko'nikmasi, o'z harakati va munosabatlarini boshqalar bilan moslashtirish va muvofiqlashtirishga asoslangan. Modulli o'qitish sharoitida bu shu bilan ta'minlanadiki, talabalar o'z vaqtlarining katta qismida mustaqil ishlaydilar. Talaba maqsad qo'yish, o'z faoliyatini tashkil etish, nazorat qilish va baholashni o'rganadi. Natijada har bir kishi o'zining bilim va ko'nikmalaridagi mavjud kamchiliklarni ko'rishi mumkin bo'ladi.

**Adabiyotlar ro`yxati.**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi “O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida” PF-5847-son Farmoni

2. Avliyoqulov N.X. Zamonaviy o'qitish texnologiyalari. –T., 2001.

3.Avliyoqulov N.X. O'qitishning modul tizimi va pedagogik texnologiyasi amaliy asoslari, – Buxoro, 2000.

4.Sayidahmedov N.S. Yangi pedagogik texnologiya mohiyati va zamonaviy loyihasi RTM, 2000.

5. www.ziyonet.uz

6. www.edu.uz

# ОСНОВЫ КРЕДИТНОЙ ТЕХНОЛОГИИ

**Н.Н.Мусаева**
**Доктор педагогических наук (DSc)**
**Бухарский государственный университет**
**Н.А.Мусаева**
**Студент Бухарского государственного университета**

**Annotation:** The article reveals the essence and foundations of the European Credit Transfer System credit technology, which is the most democratic system for organizing the educational process in higher educational institutions. With credit technology, the maximum efficiency of training is ensured.

**Key words:** scientific and technological progress, European Community Action Scheme for the mobility of University Students, European Credit Transfer System.

Во второй половине XX века в результате научно-технических революций научно-технический прогресс достиг высочайшего уровня.

Нынешний уровень научно-технического прогресса таков, что обеспечение достигнутых темпов развития науки, техники и технологий не под силу одной отдельно взятой стране, какой бы она развитой не было бы. Дальнейшее развитие научно-технического прогресса возможно только на основе сотрудничество ученых и специалистов разных стран, интеграции научно-исследовательских работ. Имея в виду, что уровень развития науки, техники и технологии тесно связано с уровнем развития образования очевидным становить проблема первоочередности международной интеграции в области образования [1], [3].

Интеграционные процессы в области образования в мире впервые начались в Европе. Начиная 1989 года сотни тысяч студентов Европы смогли учится за границей с помощью программ Европейского Сообщества таких как ERASMUS (European Community Action Scheme for the mobility of University Students), Tempus и др [2].

Схема студенческих обменов между университетами Европейского сообщества по программе ERASMUS первоначально охватывало 145 высших учебных заведений.

Одним из достижений программы ERASMUS следует назвать создание, апробирование и широкое внедрение в практику системы взаимозачетов результатов, обучения в евро-пейских университетах – European Credit Transfer System (ECTS).

Термин «Кредит» (ECTS - credit) дословно обозначает: зачет, удостоверение о прохождении какого либо курса в учебным заведении. В ECTS «Кредит» - это условная зачетная единица, которая свидетельствует о прохождении студентом некоторой части учебной дисциплины. Каждой учебной дисциплине присваивают определенное количество кредитных единиц. Количество кредитных единиц, присваиваемых учебной дисциплине пропорционально трудозатратам студентов. Трудозатраты студентов включают в себя аудиторную занятость, самостоятельную работу и любую другую деятельность, которая предусмотрена учебным планом. То есть кредиты ECTS базируются на полной нагрузке студентов, а не ограничиваются только аудиторными часами. Поэтому кредиты ECTS можно считать, как условно-численное выражение трудозатрат студента распределенных по учебным дисциплинам [1].

Как правило, в учебных планах наибольшее количество 3-х кредитных учебных дисциплин, имеются учебные дисциплины с меньшим и большим количеством отведенных кредитов.

Сумма кредитов в ECTS за семестр составляет - 30, за учебный год – 60, за весь период обучения в бакалавриате – 240 [1].

Кредиты ECTS распределяются на все учебные дисциплины, то есть на обязательные и по выбору студента. Они должны учитывать наличие курсовых проектов и работ по данной дисциплине.

Величина кредита, выделяемая учебной дисциплины, зависит от её сложности и уровня усвоения. То есть не каждая сложная учебная дисциплина имеет большое количество кредитов. Если сложная учебная дисциплина усваивается на уровне ознакомления и понимания, а менее сложная учебная дисциплина на уровне умений, естественно необходимо выделение большего количество кредитов. Поэтому одна и та же дисциплина для разных направлений образований и специальностей, может иметь разные программы и следовательно разные трудозатраты и кредиты[1]. Таким образом, из вышеуказанных следует, что ECTS – наиболее демократичная система организации учебного процесса в Высшей школе.

**ЛИТЕРАТУРА**

1. Avliyaquov N.X., Musayeva N.N. Pedagogik texnologiya. Darslik.-T.: Tafakkur Bo`stoni, 2012.-208s.
2. Жученко А.А., Исоньков Ж.В. «Европейская система взаимных зачётов результатов обучения» (ECTS) УГППУ. г.Екатеринбург. 1996 г. 31 с.
3. Фарберман Б.Л. «Прогрессивные педагогические технологии». Ташкент, 1999 г. 84 с.

## ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА МОДУЛЛИ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

**Ф.Х.Рамазонова**
**БухДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси**

Таълим жараёнига технологик ёндашув ўзи нима? Таълимга технологик ёндашувнинг моҳият-мазмунини мукаммалрок англаш учун аввал «технология» тушунчасининг маъносини кўриб чиқайлик.

Педагогик назарияларнинг маълумот беришича «технология» тушунчаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келган. Аммо бу сўз шу мазмунда ҳам замонавий технологик жараёнини тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Зеро, технологик жараён - маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳар доим меҳнат қуроллари билан меҳнат объектлари ўртасида босқичма-босқич амалга ошириш натижасида якунига етказиладиган ҳаракатлар мажмуидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, хомашё ёхуд ярим хом ашёдан тайер маҳсулот олиш учун амалга ошириладиган ишлаш ва кайта ишлаш имкониятига эга бўлган ҳодисалар, кўринишлар, хоссалар ва механизмларни ишлатиш йўлидир ва усуллари йигиндисидир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ишлаб чикаришда техник операциялар, техник ҳужжатлар ва уларнинг талабларига аниқ риоя килиниб, иштирокчининг салоҳиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўзланган ва кафолатланган натижани берадиган технологик жараёндан иборат. Бундай технологик жараённинг асоси сифатида ишчи бажариши лозим бўлган техник қоидалар, талаблар, графиклар мавжудки, уларга қатъий риоя қилиш натижасида иш ким томонидан ва қаерда бажарилганлигидан қатъий назар, маҳсулот сифати ва кўзланган натижа кўлга киритилади.

Буни саноатда технологик жараённинг такрорланадиган ва қайта тикланадиган техник тизилмаси деб юритилади. Демак, таълимда техиологик ёндашувда ҳам такрорланадиган, кайта тикланадиган жараённи таркиб топтириш, мазкур ёндашувнинг биринчи шарти ҳисобланади.

Таълим-тарбия ишларида қайта тикланадиган, такрорланадиган тузилмани яратиш бироз мураккаброқ, бунга ўқув тарбия иштирокчиларининг ўзлаштириш қобилияти, ўқув маълумотларини баён қилувчиларнинг технологик-методик савиясининг ҳар хиллиги, таълим мазмуни, ўқув материали турларининг хилма-хиллиги, ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятининг бир хилда намоён бўлмаслиги ва бошқа сабаблар тўскинлик қилади. Аммо бу бажарилиши мумкин бўлган ҳолдир. Зеро, таълим самарадорлигининг калити, Б.А.Фарберман таъкидлаганидек, «билим юрти ва ўқитувчининг қўлида экан, билим юртидаги шарт- шароитни, ўқитувчи фаолиятининг технологиялаштиришни, педагогик технологияни асосини ўзлаштириш га педагогларни кайта тайёрлаш орқали эришиш мумкин».

Таълимда технологик ёндашишни педагог олим О.Розиқов дидактик мақсадни белгилаш асосида таълимни лойиҳалашда кўриб шундай ёзади: «Таълимга технологик ёндашиш бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилищ йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш ўқитувчи ва ўқувчи учрашган нуқталарида (ўқитиш мақсади, ўқиш мақсади) таълимнинг дидактик мақсадни белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йуллари билан мулжалдаги эталонга эришишдир».

Таълимда технологик ёндашувни профессор Малла Очилов қуйидагича изоҳлайди: «Таълим ишига технологик ёндашув: ўқиш-ўқитиш жараёнини ўзаро узвий боғлик этаплари, фазалар, амалларга ажратиш, таълимдан мўлжалланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширишни ва лойиҳалаштирилган ишлар амалларнинг барчасини бирдек бажаришни назарда тутади».

Бунда ўқув маълумоти аниқ, тушунарли қилиб қайд этилган ўқув мақсадлари асосида ишлаб чиқилади, айрим қисмлар модулларга ажратилади, уларни ўзлаштиришнинг эса альтернатив усуллари ишлаб чиқилади ва ҳар бир модулни ўрганиш тест ёрдамида назорат этилиб, тузатишлар киритилади. Ўқиш-ўқитиш иши эталон натижаларга эришишни кўзда тутади. Бундай таълим ўқувчиларни қизиқтиришни, мусобоқа ва ўзаро ёрдамни инкор этмайди. Айни пайтда у бутун

таълим жараёнини боришига репродуктив характер бахш этади. Шу боис ҳам у минимум мажбурий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда энг катта самара беради. Таълим жараёнини ташкил этишга технологик ёндашишни қўллаш, қўйилган ўқув мақсадларга кафолатланган даражада эришишга имкон беради. Ана шундай самарани таъминлашга имкон берсдиган механизмлар технологик ёндашишнинг омилидир. Шундан келиб чиқиб, модулли-кредит тизимини педагогик асосларини ўрганишга ҳамда бу тизимга тегишли бўлган асосий тушунчаларни таҳлил қилишга қарор қилдек.

**Ўқитишнинг кредит-модуль тизими (ЎКМТ)** – модулли ўқитиш технологиялари ва ECTS синов кредитлари бирлигида амалга ошириладиган ўқув жараёнини ташкил этиш модели. **ECTS** (European Credit Transfer System) – Европанинг 45 давлати томонидан ишлаб чиқилган, текширилган ва такомиллаштирилган кредитларни тақсимлашнинг Европача тизими. **Кредит –** касбий тайёргарлик мазмунида ўқув фанлари улушини ҳисобга олиш имконини берувчи миқдорий кўрсаткич. **Синов кредити** – талабанинг ўқув юкламасини ўлчаш бирлиги. У талабанинг индивидуал режасида кўзда тутилган ва тасдиқланган барча турдаги ўқув ишларини ҳисобга олади. **Кредит тизими** у ёки бу курсни ёки яхлитликда маълум бир ўқув дастурини ўзлаштириш учун зарур ўқув юкламаси ва унга ажратилган вақтни аниқлаш учун зарур **Модуль** – ўқув фанлари бўйича таълим дастурларини аниқ кўринишда расмийлаштиришнинг муайян кўринишдаги мантиқий тугалланган қисми  Модуль тизими: модуль фаннинг маълум тугалланган қисми ёки яхлитликда фаннинг ўзи **Модуль** ўзида **бир қанча курсларни** қамраб олиши мумкин **Модул** маълум бир фан соҳаси ҳақидаги **яхлит тасаввурларни ўзида мужассамлаш қилади.**

Модуль таркибига кирувчи информация **дидактик мақсадга эришиш учун аниқ тузилиш ва яхлитликка эга** энг кенг кўламдаги мураккабликни акс эттиради. Модул тузилмасида **мажбурий таянч компонент** ва **вариатив қисм** мавжуд бўлади. Умумий қабул қилинган таълимнинг кредит технологиясининг ўзига хос томонларидан бири ҳалқаро умумтаълим стандартларига мос келиши ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш муаммолари, жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган универсал таълим дастури, академик эркинлик ва ўқув дастурларини вариативлигидир. Талабаларда хорижий давлатлар университет таълим даражасига эркин кириш имкониятлари вужудга келади, бакалавр ва магистратура битирувчиларини барча давлатда ишга жойлашиш ҳуқуқлари пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда кредитли таълим системасига ўтишнинг устувор томонлари қуйидагилардан иборат:

• таълим ва ўқитишнинг сифатини оширилиши;
• меҳнат бозорининг талабларини ҳисобга олиниши.

Улардан:

• олий таълим тизимининг кўп босқичлиги;
• академик кредитлар системасини киритиш;
• ўқитувчи ва талабаларни академик мулоқотини таъминлаш;
• дипломга ягона европа иловасини бериш;
• олий таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш.

Ўқитишнинг кредитли технологиясини қўллаш орқали ўқув жараёнини ташкил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

а) ўзига хос билимлар ҳажми;

б) таълимни максимал индивидуллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

в) талабаларнинг мустақил ишларини ўрни ва самарадорлигини кучайтириш;

г) талабаларнинг самарадорлик жараёнини назорат қилиш асосида таълимдаги аниқ ютуқларни вужудга келиши;

Таълимнинг кредитли технологиясининг ўзига хос томонлари қуйидагилар:

а) талаба ва ўқитувчининг ҳар бир фандан меҳнат ҳаражатини баҳолаш учун таълим кредитини жорий қилиш;

б) ишчи режага киритилган фанларни эркин танлаши, бу бевосита индивидуал ўқув режасини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшишига таъминлайди;

в) ўқитувчини танлашнинг эркинлиги;

г) таълимнинг аниқ йўналишини танлашда таълим жараёнига маслаҳатчиларни жалб қилиш;

д) талабаларнинг таълим ютуқларини назорат қилишда самарали методлар.

# PEDAGOGIK BAHOLASH, UNING TA'LIM-TARBIYA SAMARADORLIGIGA TA'SIRI.

**O'.U.Qurbonova**
**BuxDU pedagogika kafedrasi katta o`qituvchisi**

Ta'lim tizimida o'quv natijalarini baholash pedagogik faoliyatning eng qiyin va mas'uliyatli turlaridan biri hisoblanadi. Baholash ta'limning muhim tarkibiy qismidir. Uni amalga oshirish natijasida o'qituvchi asosiy maqsadlarga erishish haqida to'liq tasavvurga ega bo'lishi mumkin. Baholash ota-onalar, rahbariyat va jamoatchilik fikri uchun zarur bo'lgan mulohazalarni taqdim etishga yordam beradi. Shuningdek, baholash o'quvchining o'zini-o'zi qadrlashi, o'ziga bo'lgan ishonchi va o'z yutuqlarini shakllantirishga yordam beradi.

Bilimlarni baholash tizimi qadimdan qo'llanilib kelinganiga qaramay ushbu mavzu pedagogik tadqiqotlarda muhim bahs talab etadi. O'quvchilarning o'quv faoliyati muvaffaqiyatini baholash muammosiga bag'ishlangan psixologik-pedagogik adabiyotlarni tahlil qilishda "baholash" tushunchasi ijtimoiy pozitsiyada ko'rib chiqilgan bir qator ishlar aniqlandi, jumladan, K.A.Albuhanova-Slavskaya, A.A.Bodalev, V.V.Vlasenko, G.I.Malkovskaya, N.A.Rusina, N.V.Seleznev, L.S.Slavin ishlarida maktabda bilimlarni baholashni o'quvchi haqidagi jamoatchilik fikrini belgilaydigan ob'ektiv mezon sifatida qaraladi. K.A.Albuhanova-Slavskayaning yozishicha, baholashning ijtimoiy jihati «muloqotga bo'lgan ehtiyojni, o'z «men»ini bilish qobiliyatini boshqalar ko'zlari bilan qondirishi» bilan belgilanadi. N.V.Selezneva, "pedagogik baholash jamiyat manfaatlarini ifodalaydi, o'quvchilarni mazmunli nazorat qilish funktsiyalarini bajaradi", chunki "O'qituvchi emas, balki jamiyat boshqaradi". Muallif ta'kidlashicha, ta'lim jarayonida baholashning mavjudligi "shaxsning ma'lum bir turdagi jamiyat ehtiyojlari" tomonidan belgilanadi. O.F.Silyutinaning bahosi o'qituvchi va sinf jamoasining har bir o'quvchining yutuqlari natijalariga batafsil, chuqur asosli munosabati sifatida tushuniladi. Baturin baholash bu baholash predmeti va baholash asoslarini taqqoslash jarayonida amalga oshiriladigan ustunlik va afzalliklarning ob'ekt-ob'ekt, sub'ekt-sub'ekt va sub'ekt-ob'ekt munosabatlarini aks ettirishning aqliy jarayoni sifatida qaraladi [2]. Psixologik-pedagogik adabiyotlarda baholash mavzusi, birinchidan, o'quvchining individual va shaxsiy fazilatlari, ikkinchidan, uning ta'lim faoliyati natijalari sifatida tushuniladi [1].

Demak, maktab ishlarida baholash odatiy belgilarda, shuningdek o'qituvchining o'quvchi qadr-qimmatini aniqlashda, dasturda belgilangan bilim, ko'nikma va malakalarni o'quvchilar tomonidan o'zlashtirish darajasi, mehnatsevarlik, ishchanlik darajasi va intizom holatini belgilashdir. Og'zaki savol-javoblar, yozma nazorat, amaliy ish, grafik ishlar, shuningdek, ustaxonalarda, ishlab chiqarishda va maktab hududida ishlash baholanadi. Bunda javobning mazmuni jihatidan to'g'riligi, to'liqligi va izchilligi, formulalarning aniqligi, bilimlarni o'zlashtirish kuchi va vijdonliligi, ularning amaliyot bilan bog'liqligi, kasbiy tayyorgarligi va mahsulot sifati hisobga olinadi. Shuningdek, o'quvchining bilim olishga munosabati, umumiy ta'lim muassasasi Nizomi va o'quvchilar uchun Qoidalarning bajarilishi va boshqa xatti-harakat me'yorlari baholanadi.

Muvaffaqiyatli baholash - bu faoliyat yoki uning natijasini mo'ljallangan mezon bilan muvofiqlashtirish jarayoni: a) o'quvchining o'qishdagi darajasi va sifatini aniqlash; b) keyingi rivojlanish uchun vazifalarni belgilash. Bunday baho bir vaqtning o'zida o'quvchi uchun rag'batlantiruvchi bo'ladi, chunki uning ta'lim va bilim faoliyati motivlarini kuchaytiradi, mustahkamlaydi, tizimlashtiradi, uni o'z kuchiga bo'lgan ishonch va muvaffaqiyatga umid hissi bilan to'ldiradi.

Tarkibni baholash tashqi, yani o'qituvchi yoki boshqalar tomonidan o'quvchi bilimi baholash jarayonida amalga oshiriladi, ichki, o'quvchining o'z-o'ziga baho berish jarayonida ro'y beradi. Baholash va nazorat qilish operatsiyalari mezon asosida olib boriladi. Etalon o'quv-bilish faoliyati jarayoni, uning bosqichlari va natijalariga misoldir. Tashqi tomondan aniqlangan va shakllangan standartlar keyinchalik bilim, tajriba, ko'nikma shaklida aniqlanadi va shu bilan ichki baholashning asosiga aylanadi. Standart aniqlik, haqiqat va to'liqlikka ega bo'lishi kerak.

O'qituvchining bahosi o'quvchi uchun darhol mazmunli ma'noga ega bo'lmasligi mumkin. Buning uchun quyidagi talab qilinadi:

-o'qituvchining o'quvchiga nisbatan baholash faoliyatida qo'llaydigan mezoni o'quvchi uchun aniq bo'lishi kerak;

-o'qituvchi va o'quvchining baholanadigan ob'ekt haqidagi g'oyalari bir-biriga mos kelishi muhim;

-o'quvchining o'qituvchiga va uning baholariga ishonch mavjud bo'lishi kerak.

Tashqi baholashni tashkil qilishning turli xil usullari (jamoaviy baholash, sinfdoshlarni o'zaro baholashi), o'quvchiga bo'lgan ishonchga, uning shaxsiga hurmatga, kuchiga bo'lgan ishonchga

asoslanib, unda tanqidga jiddiy, qiziqish bilan munosabatni shakllantiradi, jamoada o'z qadr-qimmatini his qilishni kuchaytiradi, o'rtoqlarining g'amxo'rligini anglaydi. O'qituvchining o'quvchi tomonidan uning o'quv faoliyati bo'yicha ichki mazmunli o'z-o'zini baholashni shakllantirishda o'quvchiga o'qitish va tarbiyalashning mazmuni, maqsadini ochib berish alohida ahamiyatga ega. Darhaqiqat, o'quvchi, qoida tariqasida, hayotning ichki tomonlariga emas, balki tashqi tomonlariga e'tibor beradi. Ta'limning mohiyati o'quvchilarga bilim, ko'nikma va malakalarni, fikrlash va harakat qilish usullarini berish orqali ularning shaxsini o'zgartirishdir. O'quvchilarning rivojlanishiga baho berishning ko'p qirrali ta'siri tufayli u ko'p funktsiyalarga yega bo'lishi mumkin.

B.G.Ananyevning so'zlariga ko'ra baho, yo'naltirish, o'quvchining aqliy ishiga ta'sir ko'rsatish, o'quvchining ushbu ish jarayoni to'g'risida xabardor bo'lishiga va o'z bilimlarini tushunishiga yordam berish; ogohlantiruvchi, ta'sir qiluvchi ahmiyatga ega bo'ladi [2].

Pedagogik baho maktabda sinf va o'quvchi o'rtasida mavjud bo'lgan o'zgaruvchan munosabat va fikrlarga ta'sir qiladi.

Baholovchi ta'sir ostida bolalarda o'zini-o'zi qadrlash va intilish darajasi kabi muhim shaxsiy xususiyatlar shakllanadi. Shu munosabat bilan baholash o'z qadr-qimmatini o'zgartirish printsipi asosida ishlaydi, ya'ni ijtimoiy guruh a'zolari tomonidan insonga bo'lgan munosabatlarning o'zgarishi, baholovchi va o'zini-o'zi baholovchi ta'sirlar shaxsning xulq-atvori va faoliyatida kuchli tuzatuvchi omil hisoblanadi.

A.I.Lipkina ishlarida, o'quvchilarning o'zini-o'zi qadrlashining yosh dinamikasi ularning ob'ektiv imkoniyatlari bilan emas, balki o'qituvchi va sinf o'quvchilarining baholash ta'siri bilan belgilanadi. Shu bilan birga, o'qituvchining past yoki yuqori ko'rsatkichlari bilan qo'llab-quvvatlanadigan ta'lim faoliyatidagi muvaffaqiyat yoki muvaffaqiyatsizlik holati barqaror ravishda o'quvchilarning intilishlari darajasining o'zgarishiga olib kelishi ko'rsatilgan [2].

O'quvchilarning o'quv faoliyati muvaffaqiyatini baholash muammosiga bag'ishlangan ko'plab ishlarning umumiy tendensiyasi shundan iboratki, etakchi baholash funksiyalaridan biri o'quvchilar o'rtasida bilim va ko'nikmalarni shakllantirish sharti sifatiga nazorat deyiladi.

Bugungi kunda o'qituvchi oldida bolaga ma'lum miqdordagi bilim, ko'nikma va malakalarni berishni emas, balki kelajakda muvaffaqiyatli o'qish, mustaqil ta'lim harakatlarini rivojlantirishga imkon beradigan shunday ko'nikmalarni shakllantirish vazifasi turibdi. Ta'lim standartlarining yangi paradigmasida baholash o'rganishni tahlil qilish uchun yemas, balki rag'batlantirish, motivlashtirish uchun mo'ljallangan. Yangi baholash tizimi quyidagilar nazarda tutadi:

- har bir darsda o'quvchi faoliyatiga tez-tez baho berish;
- rejalashtirilgan natijalar asosida har bir ishni baholashning aniq mezonlarini ishlab chiqish;
- zamonaviy o'quv jarayonida har bir o'quvchining yetakchi roliga asoslanib, ta'lim yutuqlarini baholash usullari va vositalarini tanlashda asosiy e'tibor o'quvchilar o'zini-o'zi baholashiga e'tibor qaratish.

Faoliyatni baholashda bizning asosiy vazifamiz - o'quvchilarni o'quv faoliyatini takomillashtirishga ko'proq jalb qilish, o'quv-bilish motivlarini chuqurlashtirish va mustahkamlash; o'quvchilarda mustaqillik, ular bilan muloqot va rivojlanishning kooperativ shakllarida yerkin tanlov tuyg'usini o'z ichiga olgan o'z kuchiga bo'lgan ishonchni mustahkamlash. Har bir o'quvchi o'rganish jarayonida muvaffaqiyat qozongan va muvaffaqiyatsiz bo'lgan narsalarga o'z uslubida munosabat bildiradi, o'z tarbiyaviy ishining bahosini o'ziga xos tarzda qabul qiladi. Xo'sh, bu nima degani?

Baholash - bu shaxs tomonidan amalga oshiriladigan baholash jarayoni, faoliyati (yoki harakati) [1]. Bizning taxminiy va umuman har qanday faoliyatimiz bahoga bog'liq. Baholashning aniqligi va to'liqligi maqsad sari harakatning aniqligini belgilaydi.

Baholash o'qituvchi ixtiyoridagi eng samarali vositalardan biri bo'lib, o'rganishni, ijobiy motivatsiyani va shaxsga ta'sirini rag'batlantiradi. Aynan ob'ektiv baholash ta'siri ostida maktab o'quvchilari o'zlarini yetarli darajada baholaydilar va ularning muvaffaqiyatlariga tanqidiy munosabatda bo'lishadi. Baholashning roli nafaqat diagnostika vazifasi, balki muvaffaqiyat holatini yaratish uchun rag'batlantiruvchi funktsiya sifatida ham muhimdir.

Demak, pedagogik baho - bu turtki, stimul [1]. O'qituvchining baholash faoliyati u tomonidan bolaning ijtimoiy va psixologik rivojlanishi manfaatlari uchun amalga oshirilishi o'ta muhimdir. Buning uchun u yetarli darajada adolatli va ob'ektiv baho bera olish malakasiga ega bo'lishi kerak. Pedagogik baho - bu ta'lim va tarbiya faoliyatida harakat qiladigan va uning muvaffaqiyatini belgilaydigan o'ziga xos rag'batlantirish. Bunday baholash quyidagi to'rt holatni hisobga olgan holda amalga oshiriladi, shuningdek, ushbu faoliyat turlarida bolaning maksimal motivatsiyasini ta'minlash kerak:

- bolaning o'qish va o'qishda muvaffaqiyatga yerishish istagiga ta'sir etadigan zarur va yetarli miqdordagi turtkilarni bilish;

- har xil yoshdagi bolalarning ushbu tadbirlarda ishtirok etishining haqiqiy motivlarini bilish;

- ta'lim va ta'lim motivatsiyasidagi individual farqlarni anglash.

Axborotni assimilyatsiya qilish motivatsiyasi, bola shaxsi, qobiliyatlari va ma'lum fazilatlarini shakllantirishga ta'sir qiluvchi vaziyat omillarini bilish. Mukofot yoki jazo sifatida ko'rilgan pedagogik baholar muvozanatli bo'lishi kerak. Bir tomondan, ular bolada ijobiy xususiyatlarning rivojlanishini faollashtiradigan rag'batlantirish tizimini o'z ichiga olishi kerak, boshqa tomondan, xuddi shu bolalarda salbiy shaxsiy xususiyatlar va noto'g'ri xatti-harakatlar shakllanishiga to'sqinlik qiladigan samarali stimullar to'plamini o'z ichiga olishi kerak. Bolaning individual xususiyatlariga, uning yoshiga, holatiga va boshqa bir qator omillarga qarab, mukofot va jazo sifatida ishlatiladigan pedagogik baholarning nisbati va mohiyati o'zgarishi kerak.

Bolani o'qitish va tarbiyalashda uning muvaffaqiyati va omadsizligini baholash turlari va usullari turlicha bo'lishi kerak, chunki bu turli salbiy ta'sirga qaramlikning oldini olishi kerak. Ta'lim jarayonida baholashning bir necha turlari mavjud, ularni sinflarga bo'lish mumkin; sub'ektiv, shaxsiy, moddiy, ma'naviy, samarali va protsessual, miqdoriy va sifat [1].

Mavzuni baholash bola nima qilayotgani yoki qilgani bilan bog'liq, lekin uning shaxsiyati emas. Bunda faoliyatning mazmuni, predmeti, jarayoni va natijalari pedagogik baholanishga bo'ysunadi, ammo sub'ektning o'zi yemas. Shaxsiy pedagogik baholash, aksincha, uning atributlariga yemas, balki faoliyat mavzusiga taalluqli bo'lib, shaxsning faoliyatda namoyon bo'ladigan individual fazilatlarini, uning mehnatsevarligi, mahoratini, ishchanligini va boshqalarni qayd etadi. Bola nima qilayotganini baholash orqali o'sish, va agar sub'ektiv bo'lsa - u buni qanday amalga oshirishi va qanday xususiyatlarini namoyish qilishi orqali rivojlanib boradi.

Pedagogik baholash turlari bilan bir qatorda bolalarning ta'lim va tarbiyaviy muvaffaqiyatlarini rag'batlantirish usullari ham ajratib ko'rsatiladi. Ulardan asosiy e'tibor, ma'qullash, e'tirof etish, qo'llab-quvvatlash, mukofotlash, insonning ijtimoiy roli, obro'si va mavqeini oshirishdir.

Pedagogik baholash haqida gapirganda, biz pedagogik baho samaradorligi haqida to'xtalib o'tishimiz lozim. Samaradorlik - deganda nima tushuniladi? Pedagogik baholash samaradorligi o'qituvchining bolalarni o'qitish va tarbiyalashda rag'batlantiruvchi roli sifatida tushuniladi. Agar baholash, agar u bolada o'zini takomillashtirishga, shaxsning qimmatli ijobiy xususiyatlarini, madaniy xulq-atvorning ijtimoiy foydali shakllarini rivojlantirish uchun bilim, ko'nikma va malakalarni egallash istagini vujudga keltirsa, baholash pedagogik jihatdan samarali hisoblanadi. Pedagogik baholash samaradorligi haqidagi g'oyalar individual va ijtimoiy jihatdan o'ziga xosdir. Pedagogik baholash g'oyalari va harakatlarining individual xususiyati uning samaradorligi bolaning individual xususiyatlariga, uning haqiqiy ehtiyojlariga bog'liqligida namoyon bo'ladi. Bolani eng qiziqtiradigan narsa bilan o'zaro bog'liq bo'lgan pedagogik baho samarali bo'ladi. Amalda baholashning individual xususiyatini aniqlash uchun bolaning qiziqishlari va ehtiyojlari tizimini, ularning situatsion ierarxiyasini va vaqt o'tishi bilan o'zgarish dinamikasini yaxshi bilish kerak. Bolani qiziqishi va ehtiyojlariga rag'batlantirish tizimini iloji boricha aniqroq moslashtirish kerak. Pedagogik baholashning ijtimoiy o'ziga xos xususiyati haqida gapirganda, ikki holatga to'xtalib o'tish lozim:

- birinchidan, ta'lim va tarbiya tizimidagi turli madaniyatlar sharoitida har xil pedagogik baholash turlari ustunlik qiladi. Masalan, Shimoliy Amerika va G'arbiy Yevropa tipidagi zamonaviy jamiyatlarda eng samarali usul moddiy rag'batlantirish hisoblanadi; islomiy yo'nalishdagi Osiyo madaniyati sharoitida axloqiy va diniy rag'batlantirish, ba'zi rivojlangan mamlakatlarda, jumladan, Yaponiyada ijtimoiy va psixologik rag'batlantirish. Xuddi shu narsa bolalarda rivojlangan ta'lim va tarbiya motivlariga ham tegishli bo'ladi;

- ikkinchidan, pedagogik baholashning ijtimoiy o'ziga xos xususiyati shunda namoyon bo'ladiki, bunday baho berish berilgan ijtimoiy vaziyatga qarab faoliyat samaradorligi bilan har xil bo'lishi mumkin. Turli xil vaziyatlarda taqdim etilgan turli xil pedagogik baholash bola uchun tengsiz ahamiyatga ega bo'lishi va turli darajadagi ehtimollik bilan uning uchun dolzarb ehtiyojlarni qondirishga olib kelishi mumkin. Muayyan vaziyatda muvaffaqiyatning eng yuqori ehtimolligini ta'minlaydigan pedagogik baho eng yuqori qiymatga ega bo'lishi mumkin. Shuni esda tutish kerakki, pedagogik baholashning shaxsiy qiymati vaqt o'tishi bilan o'zgarishi mumkin. Bu kamida ikkita sababga ko'ra sodir bo'ladi. Avvalo, inson ehtiyojlari ierarxiyasi qoniqtirilishi bilan vaziyatdan vaziyatga o'zgarib turadi. Bundan tashqari, yosh bilan bog'liq bolalarda jiddiy shaxsiy o'zgarishlar yuz beradi va ular uchun ilgari muhim bo'lgan baholashlar, keyinchalik rag'batlantiruvchi rolini yo'qotadi va uning o'rniga boshqa yoshga bog'liq bo'lgan qiziqishlar egallay boshlaydi. Va nihoyat, bolalar o'rtasida individual farqlar mavjud, bu orqali

bir bolani rag'batlantiradigan narsa boshqasi uchun muhim bo'lmasligi mumkin. Ijtimoiy-psixologik stimullarning rolini oshirishga alohida ye'tibor berilishi kerak, chunki bolalikning ma'lum davrlarida ular ta'lim va tarbiya faoliyatini rag'batlantirishda hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lishi mumkin.

Demak, pedagogik baho, uning tanlovi va samaradorligi bolaning yoshiga bog'liq. Bolalarning individual xususiyatlari ularning turli xil ogohlantirishlarga moyilligini, shuningdek, ta'lim-bilish va shaxsni rivojlantirish faoliyatining motivatsiyasini belgilaydi. Bolaning intellektual rivojlanish darajasi uning kognitiv qiziqishlariga ta'sir qiladi, shaxsiy rivojlanish esa ma'lum shaxsiy fazilatlarga ega bo'lish istagiga ta'sir qiladi.

Pedagogik baho - bu ta'lim va tarbiya faoliyatida harakat qiluvchi va uning muvaffaqiyatini belgilaydigan rag'batlantirish. O'qituvchi ongli ravishda o'quvchilar tomonidan bajarilgan ishlarni ob'ektiv va haqiqiy baholashga intilishi kerak. Bundan tashqari, o'quvchilarga har safar nima uchun va nimaga bunday baho qo'yilganligini tushuntirish kerak.

Baholashning yangicha usullarini qo'llash bolalardagi xavotirni kamaytiradi, ta'lim motivatsiyasini oshiradi hamda maktabda ta'lim-tarbiya ishlarining muvaffaqiyatli amalga oshirilishiga yordam beradi, maktab ishlari dinamikasini nazorat qiladi. Nazorat tizimi muhim ijtimoiy vazifalarni belgilaydi: o'quvchilarning o'z bilimlarini tekshirish va boshqarish qobiliyatini rivojlantirish, ularning faoliyatini tanqidiy baholash, xatolarni aniqlash va ularni tuzatish yo'llarini qidirish.

Ta'lim tizimida baholashning yangi-yangi usullarini qo'llash, avvalo o'quvchining yutuqlarini aks ettiradi.

**Adabiyotlar:**

1.Богданов И. В. Психология и педагогика. –М. 2010.
2.Демидова М.Ю. Система измерительниых материалов для оценки метапредметных результатов. –М.2013.

# НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ

**Н.Н.Мусаева**
**Доктор педагогических наук (DSc)**
**Бухарский государственный университет.**
**С.А.Икромова**
**Магистр Бухарского государственного университета**

**Annotation:** The article presents the essence and scientific provisions of the modular training technology. The implementation of the principles of modular learning contributes to the development of critical thinking in students.

**Key words:** Module, principle of activity, principle of parity, principle of manufacturability, principle of system quantization, principle of modularity, principle of problematicity, principle of cognitive visuality, principle of reliance on errors, principle of saving study time.

Модульное обучения является одной из перспективных систем обучения, так как оно наилучшим образом адаптировано к системе восприятия головного мозга человека.

Основа модульного обучения опирается на модульную организацию коры головного мозга [1], [2].

В коре головного мозга человека насчитывается около 15 миллиардов нейронов (нервных клеток) или условно модулей. Клетки коры вступают в многочисленные контакты друг с другом. Число контактов одной клетки и ее отростков с другими клетками и их отростками доходит до 6000. Следовательно, число контактов в коре головного мозга составляет астрономическое число (15000.000.000 х 6000). В этом контексте модуль рассматривается как клеточка учебного процесса, состоящая из различных элементов, обладающих в то же время информационной общностью. Для него присуще целостность и системность [3].

Технология модульного обучения разрабатывается на основе принятых принципов [1]. К ним относятся:

1. Принцип деятельности - это формирование модулей в соответствии с содержанием деятельности специалиста. В соответствии с этим принципам можно формировать модули при разработке технологии модульного обучения основанного как на предметно-деятельностном; так и на системно-деятельностном подходе.

Разработка технологии модульного обучения основанного на предметно-деятельности подходе, формирование модулей осуществляется на базе анализа учебного плана и учебной

программы дисциплины. При системно-деятельностном подходе формирование модульных блоков осуществляется на основе анализа профессиональной деятельности специалиста.

2. Принцип паритетности – это субъект – субъектный характер взаимодействия педагога и обучаемого в учебном процессе. То есть модульное обучение относится к личностно-ориентированным технологиям обучения, которой присуще гуманизм, сотрудничество и свободное воспитание. Благодаря этим достоинствам технология модульного обучения максимально адаптируется к индивидуально-психологическим особенностям личности.

3. Принцип технологичности – это осуществление системного модульного подхода к созданию и реализации всего процесса преподавания и усвоения знаний, обеспечивающий возобновляемость гарантирующий достижение учащимся запланированных результатов обучения.

Данный принцип обеспечивается следующим: выработкой максимально уточненных учебных целей, подбором критериев их измерения и оценки; разработкой и точным описанием процесса обучения, направленной на достижение поставленных учебных целей; ориентацией учебных целей, всего учебного процесса на гарантированное достижение результатов обучения; оперативной оценкой результатов обучения и коррекцией обучения; итоговой оценкой результатов обучения.

4. Принцип системного квантования - этот принцип основывается на требованиях теории сжатия информации и концепции инженерии знаний, теории укрупнения дидактических единиц. Вместе с этим этот принцип предполагает учет следующих психолого-педагогических закономерностей: учебный материал большого объёма запоминается с трудом и нежеланием; учебный материал, представленный компактно в определенной системе, облегчает восприятие; выделение в учебном материале опорных мест влияет на эффективность запоминания.

5. Принцип мотивации – сущность этого принцип заключается в стимулировании учебно-познавательной деятельности студента. Это основополагающее положение. Возбуждение интереса к учебному материалу модуля, стимулирование к познанию, к активному творческому мышлению на занятии является целью исторического и проблемного элементов модуля.

6. Принцип модульности – этот принцип является основой индивидуализации обучения. Во-первых, динамическая структура модуля позволяет представлять содержание курса в трех различных вариантах: полном, сокращенном, углубленном.

Выбор того или иного варианта обучения осуществляется самим студентом, исходя из его способностей.

Во-вторых, модульность проявляется в вариативности методов и форм, усвоения содержания модуля. Это могут быть активные формы и методы обучения (диалог, самообучение, деловые и имитационные игры и др.), а также проблемные лекции, семинары, консультации.

В-третьих, модульность обеспечивается за счет ступенчатости при освоении нового материала, когда обучение идет от простого к сложному по каждому модулю, по каждой дисциплине.

В-четвертых, гибкость учебных элементов, входящих в модуль позволяет систематически обновлять учебный материал.

7. Принцип проблемности – этот принцип способствует повышению эффективности усвоения материала, вследствие введения проблемных ситуаций и практической направленности занятий. Во время занятий выдвигается гипотеза, дается ее обоснование и дается решение этой проблемы. Чаще всего преподаватель констатирует факты на занятиях, пусть даже новые факты, а современный преподаватель должен показывать и объяснять методику изучения вопроса, ход решения, поставленной им самим проблемы, особенности эксперимента, его результат и т.д., т.е. он выступает, как исследователь.

В первую очередь, именно это заинтриговывает студента, вырабатывает у него творческое мышление и активность.

8. Принцип когнитивной визуальности – этот принцип вытекает из психолого-педагогической закономерности, согласно которой эффективность, усвоения повышается, если наглядность в обучении выполняет не только иллюстративную, но и когнитивную функцию. Именно поэтому: когнитовая графика - новая проблемная область в теории искусственного интеллекта; представление сложных объектов в виде компьютерных картинок. Составными компонентами модуля являются когнитивно-графические учебные элементы (блок рисунки), выполненные в цвете. Поэтому рисунки является главным элементом модуля.

9. Принцип опоры на ошибки – этот принцип направлен на систематическое создание в процессе обучения ситуаций на поиск ошибок, на разработку дидактических материалов и

средств, ориентированных на формирование аппарата предвосхищения в структуре функциональной системы психической деятельности студентов.

Реализация этого принципа способствует развитию критичности мышления у студента.

10. Принцип экономии учебного времени – этот принцип направлен на обеспечение резерва учебного времени, необходимое для индивидуальной и самостоятельной работы студентов. Правильная организация модульного обучения приносит до 30 % и более экономии учебного времени. Это может быть достигнуто за счет полной реализации всех принципов модульного обучения, компьютеризации учебного процесса, согласования учебных программ смежных дисциплин.

Принципы модульного обучения является теоретической основой технологии модульного обучения.

**Использованная литература:**

4. Avliyaquov N.X., Musayeva N.N. Pedagogik texnologiya. Darslik.-T.: Tafakkur Bo`stoni, 2012.-208s.
5. Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульная технология в профес сиональном образовании: Учебное пособие. – Екатеринбург.: РГППУ, 1998. – 27 b.
6. Давлетшин М.Г. Модульная технология обучения. – Т.: ТГПУ, 2000.

# 4-ШЎЪБА. МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ МАЗМУНИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

## XVI АСР БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР МАЗМУНИНИ ЁРИТИШДА “ПОШШОХОЖА” ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.

**А.Н.Нусратов**
**БухДУ таянч докторанти**

XVI асрга келиб Бухоро хонлигидаги илмий педагогик муҳит ўзига хос ривожланишга юз тутди. Бу даврга келиб, тарих, тиббиёт, мусиқа, фиқҳ, фалсафа, математика, хаттотлик, астраномия, кимё, шерият илми,ҳандаса дин илми ҳамда ва бошқа бир қатор фанлардан ўз, даврининг нодир асарлари дунёга келди.Бундай ижод намуналари қаторида дидактик аҳамиятга эга бўлган, ўзида таълим –тарбия масалаларини қамраб олган,панднома йўналишидаги асарлар ҳам яратилди. Бу борада ўзининг асарларида таълимий-ахлоқий масалаларни ёритган ва бутун ҳаёти давомида инсон камолити муаммолари билан шуғулланган, ўша давр ижодкорларидан бири, Ибодулла Саид Пошшохожа бинни Абдулвахҳобхожа ҳисобланади.

Абдулваҳҳобхожа ўғли Подшохожа “Хожа” тахаллуси билан ижод қилган замонасининг забардаст мутаффаккирларидан бири бўлиб,у 1480 йилда Нисо шаҳрида руҳоний зиёли оилада дунёга келган. Унинг отаси Абдулвахобхожа Сулаймонхожа ўғли бўлиб, ўз даврининг машҳур тасаввуфшуноси,шоири ҳамда шайхларидан бири бўлган. Хожа диний рухдаги тарбия муҳитида улғайган бўлсада, у илк соводини дастлаб отасидан кейинроқ, Нисо ва Марв мадрасаларида чиқариб,қисқа фурсатларда кўплаб, ўз даврининг бир қатор дунёвий фанларидан ҳам яхши хабардор бўлган.

Ҳасанхожа Нисорийнинг келтиришича Пошшохожа ота-боболарининг деярли барчаси ўз замонасида бир қатор илмий соҳаларда ва давлат бошқарув ишларида, маълум ва машҳурликка эришган. Хожа, дастлаб ўз фаолиятини Кепак Мирзо саройида 1496 йилда садрлик (вақф ерларининг ҳисоби ва текширишларини олиб борувчи шахс) лавозими билан бошлаб,1508 йилдан шоир ва адиб сифатида танила бошлайди.1508 йилнинг февралидан Нисо ва Обивард темурийлардан тортиб олиниб, тўлиқ шайбонийлар тасарруфига ўтгандан сўнг,Қозоқ хонлари устидан ғалаба қилиб қайтаётган Шайбонийхон Нисога тўхтаб, Хожа билан суҳбат қуради ва уни Дурун вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди.1510 йилда Шайбонийхон вафотидан кейин.Хожа мамлакатнинг ичкарисига аниқроғи хонликнинг маркази бўлган Самарқандга келади. Кейинчалик Бухорога келиб бу ерни, ўзига ватан тутади.У 1514 йилдан 1516 йиллар давомида Темур Султон, Кучкунчихон ва Жонибек Султонлар ҳукуматида Жумлатулмулк ҳамда садрлик лавозимларида ишлаб,1529 йилда Бухоро ҳокими Убайдуллохон даврида шайхулисломлик вазифасини бажарган.

Балх хокими Кистон Қаро султон Убайдуллахондан Хожани бериб туришини сўрайди. 1534 йилдан Хожа Балхда Кистон Қаро ҳузурида аввал садрлик кейинчалик, шайхулислом лавозимларида ишлайди.1543 йилга келиб Пошшохожа ўз ихтиёри билан ловозимини топширади. Бир қанча манбаларда бунга сабаб сифатида, Кистон Қаро Султоннинг руҳий касалликка чалиниб, кўплаб бегуноҳ одамларни қатл этганлиги кўрсатилган.Ҳасанхожа Нисорий “Музаккири аҳбоб” асарида бурода шундай дейди.

“Уларнинг мансабдан мақсади халқ аҳволини яхшилаш бўлиб,Ҳазрат Кистон Қаро султон бир касаллик билан хақл аҳволига қарамай қўйганларида Хожа Балх Шайхулисломлигини тарк этиб,уй эшиги соҳиблигини ихтиёр этган”[1] Подшохожанинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумолар жуда оз бўлиб, адиб тўғрисидаги дастлабки маълумотларни унинг ўғли Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” асари орқали билиб,олиш мумкин.Хожа 1547 йилда Бухорода вафот этади ва Баҳоуддин Нақшбанд мақбариси ёнида дафн қилинади. Хожа XVI аср педагогик фикрлар ривожида муҳим ўрин тутган мутаффаккирлардан биридир.

XX аср ўрталарига келиб, Ўзбекистон ва жаҳон олимлари томонидан Хожа ижодий фаолияти ва ҳаёт йўли тўғрисида қатор тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, уларнинг аксарияти адабиётшунослик соҳасига тегишлидир. Мисол учун академик В.Зоҳидов, С.Ғаниевалар Хожанинг энг йирик асарларидан бўлмиш “Мифтоҳул-адл ” ҳамда “Гулзор” номли

---

[1] Хасанхожа Нисорий. Музаккир ал-ахбоб (Дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан Исмоил Бекжон тарж. А.Кодирий номидаги халк мероси нашриети. Т.: 1993. -Б 273

асарини биринчилардан бўлиб таржима қилишди ҳамда ушбу асарларнинг кенг китобхонлар оммаси учун тақдим қилишди. Хожанинг ижодий фаолити адабиётшунос соҳаларида ҳам жиддий тадқиқ этилди. Мисол учун XX асрнинг 1966 йилларида М.Мирзаахмедова томонидан номзодлик иши олиб борилиб “Хожа” номли монографияси нашр этилди. Шунингдек Н.Маллаев, В.Абдуллаевлар ҳам Хожа ҳаёти ва фаолияти хусусида қимматли маълумотларни бериб, ўтишган.

Мустақиллик йилларида ҳам олим ҳаёти ва ижодига эътибор кучайганлигини, кўришимиз мумкин.Бироқ юқорида санаб ўтилган Хожа ижодига доир тадқиқотларнинг аксарияти адабиёшунослик масалаларига доир бўлиб, Пошшохожанинг шахс таълим ва тарбияси билан боғлиқ бир қанча педагогик ғоя ва қарашлари этибордан четда қолган.

Шунингдек С.Ғозиев томонодан Пошшохожа қарашларида ижтимоий ахлоқ масалаларга бағишланган тадқиқот ишида Хожа ва унинг фалсафий қарашларига доир,амалий мисоллар келтирилиб,олимнинг Мифтоҳул адл,гулзор ҳамда мақсадул атвор асарларидаги ҳикоялар,ундаги ижтимоий –фалсафий фикрлар кенг доирада ёритилган бўлсада,бизнинг фикримизча Хожа ижодий мероси мазмунида кўпроқ ахлоқий-дидактик ғоялар устунлик қилади. Зеъро Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор» асарлари асосан, ҳикоялардан иборат. Ҳикоялар эса ўз ичига кичик-кичик, қизиқ-қизиқ воқеаларни қамраб олган бўлиб, улар асос эътибори билан дидактик мазмундаги асарлар ҳисобланади. Саид Подшшохожа бинни Абдулваҳҳобхожа Ўзбек мумтоз педагогикасининг XVI асрдаги йирик намояндаларидан бири ҳисобланади.

“Хожа” тахаллуси билан маълум ва машҳур бўлган, ушбу ижодкор бутун умри давомида Мавороуннаҳр ва Хуросон шаҳарларида яшаб, ижод қилди. У ўзбек,форс ва араб тилларини мукаммал эгаллаб, ўз даврининг буюк донишманди ва олими сифатида ном қолдирди. Хожа ўзидан олдин ўтган Низомий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Саъдий Шерозий, Котибий ва бошқа бир қанча шарқ алламалари ижодий меросларини мукаммал билувчиси ҳам эди. Шунингдек, ҳожа халқ оғзаки ижоди намуналарини қайта ишлаб, уларга илмий руҳ бағишлай олди. Кўплаб манбаларда келтирилишича, Хожа ўзининг ижодий намуналарини XVI асрнинг йирик шоҳ ва шоири Бобурмирзога юбориб туриб, ўз ижодига баҳо олиб турган. Хожа ғазалларининг бирига Бобурмирзо томонидан юқори баҳо берилади ва Бобур ҳам ўз навбатида Хожага ўзининг қаламига мансуб, асарлардан туҳфа сифатида юбориб турган. Хожа қаламига мансуб ўша ғазаллардан бирини келтирамиз.

**Кундуз авқотим сенинг ҳажрингда нолон кечадур,**
**Кеча ҳам зулфунг каби ҳолим паришон кечадур.**
**Анбарин зулфунг хаёлидин кўзимга, эй пари!**
**Йилу ою соату кун бори яксон кечадур.**
**Улки жондин кечадур шому висолингни кўруб,**
**ваҳ на хуш вақту,на хуш соат,на осон кечадур**[1]

Шунингдек XVI асрнинг машҳур тасаввуфшунос олими Махдуми Косоний ўз китобида Пошшохожани (Юксак парвозли лочин) деб баҳо беради.Бу ҳақида Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” асарида шундай дейилади. “Махдуми мавлоно Хожагий Косоний - сирлари муқаддас бўлсин –Хожани ўз шариф китобларида “Шаҳбози баланд парвоз” деб ёзганлар.”[2] Пошшохожа ўз даврининг дунёвий ва диний илмларини чуқур эггаллаган,тасаввуфда яссавия, қаландария ва Нақшбандия таълимотларини пухта ўзлаштириган машҳур олим ва шоир ҳамда шайхулисломлик даражаларини эгаллай олган , XVI асрнинг йирик мутафаккири ҳисобланади. Хожа томонидан ёзиб қолдирилган илмий меросларининг ҳаммаси ҳам бизнинг давримизгача етиб келмаган. Бизгача етиб келган асарлари қуйдагилар “Мифтоҳул–адл” “Одиллик калити”баъзи манбаларда “Адолат калити. Ушбу асар 15 бобдан иборат насрда ёзилган бўлиб, 40 га яқин ҳикоят ва ундан сўнг муаллиф фикрини асословчи маснавий, қитъа, рубоийлардан намуналар келтирилган. “Гулзор” асар ягона суюжетга эга бўлмаган, турли мавзулардаги, 40 яқин ҳикоятларни ўз ичига қамраб олади.

“Гулзор” Саъдийдийнинг “Гулистон” ва Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон ”асарлари тузулишида ёзилган бўлиб, муаллифнинг фикри, ҳикоятлар қиссадан- ҳисса шаклида берилади.Ҳикоятлар якунида рубоий, ғазал, маснавий, қитъалардан шеърий хотима ва изоҳлар келтирилган. “Мақсад ул-атвор” ушбу асар 15 та ахлоқий дидактик маснавийларни ўз ичига

---

[1] Садриддин Салим “Бухорий.Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари”:Тарихий –маърифий рисола (Тўлдирилган,қайта ишланган иккинчи нашри) Т:”Navro`z nashriyoti,2015.” 271-б.
[2] “Музаккири Аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) асари форс тилидан Исмоил Бегжонов тарж.Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 1993,274- б.

қамраб олган достон бўлиб, асарда боб мазмунидан келиб чиқиб, Хожанинг танбеҳ ва панд - насиҳатларини ўз ичига олган.Шунингдек Хожа Алишер Навоийга эргашиб, ўзи ҳам "Лайли ва Мажнун" ҳамда ўзбек ва форс тилларидаги йирик девонни яратади бироқ унинг қаламига мансуб ушбу икки асар ҳалигача топилгани йўқ. Адибнинг бизгача ёзиб қолдирган илмий мероси, Бухоро хонлигидаги педагогик фикрлар мазмунини ёритишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса Хожа ва унинг педагогик мероси ўз навбатида Шарқ таълим –тарбияси тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Пошшохожа унинг ижодий намуналалари олим ҳаёт тажрибаси асосида ёзилганлиги, унинг асари қийматини янада оширган.

Пошшохўжа ижодий меросидан ўрин олган ҳар бир насрий асар, маснавий, рубоий,ғазал ёки бошқа бир назмий намуналарининг қай бирига мурожаат қилманг, уларда шахс таълим-тарбияси билан уйғун кўплаб, масалалар хусусида сўз юритилади, ўқувчига эса бевосита, панд ва насиҳатлар қилади. Пошшохожа педагогик қарашлари асосида давлат ва жамият ҳамда инсон муаммоларининг энг нозик жиҳатларини, жамиятда яшовчи барча инсонларни ахлоқ –одобини юксалтириш орақали ҳал этиш мумкинлиги, ғояси бирламчи аҳамият касб этади. Хожа инсонларни табақаларга бўлишга қарши чиқади.У жамиятда меҳнат қилиб турган ҳар бир инсонни қандай табақада бўлмасин, у Худо томонидан яратилган, бир-биридан фарқ қилувчи, алоҳида характер ва қизиқишларга эга, такрорланмас тилсим сифатида этироф этади. Хожа жамиятда яшовчи ҳар бир инсон ўзидан кейин яхши из қолдириши, Худо томонидан берилган ҳар бир дақиқани илм-маърифатга сарфлаб, ҳалол меҳнат қилиш, одамларга яхшилик қилиш ғами билан яшаш, инсонларга раҳм-шавқат назари билан қараш, камтар, мулойим, тўғри сўз, меҳнаткаш, сабрли, ҳимматли ҳамда нозик таъб бўлиб, умр кечиришга даъват этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. "Музаккири Аҳбоб" ("Дўстлар ёдномаси") асари форс тилидан Исмоил Бегжонов тарж.Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 1993
2.Пошшохўжа "Мифтоҳул-адл ва Гулзор" дан.Т.:Бадиий адабиёт нашриёти 1962.
3.Садриддин Салим "Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари":Тарихий –маърифий рисола (Тўлдирилган,қайта ишланган иккинчи нашри) Т:"Navro`z nashriyoti," 2015.
4.Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX АСР I ЯРМИ). Т. Фан, 2009.
5.Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар).Тўпловчи ва масъул мухаррир: М.М. Хайруллаев Т.: А. Қодирий номидаги халқ, мероси нашр., 2001.
6 "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журнали.2005 йил.№4.
7. Валихужаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.,1993.
8. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. -Т.: Ўқитувчи,1993.
9. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектури Узбекистана. Т. 1958.

## СОБЛЮДЕНИЕ ОПТИМАЛЬНОГО РЕЖИМА ПИТАНИЯ ВАЖНЫЙ ФАКТОР ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ

**Н.Ж.Бобомуродова**
**Ст. преп. кафедры экологии БухГУ**

**Аннотация:** в данной статье влияние соблюдения оптимального режима питания как важного фактора правильного физического развития детей.

**Ключевые слова**: дети, режим, питание, калория, физическое развитие, воспитание.

**Актуальность** Огромное значение в воспитании ребенка имеет строгое соблюдение режима. Необходимо выработать согласованные требования к детям со стороны родителей и других членов семьи по соблюдению режима. Нередко эти требования не совпадают. Усилия матери очень часто сводятся к нулю, если то, что ие разрешает мать, разрешает бабушка.

**Цель исследование.** У ребенка нужно выработать привычку в одно и то же время ложиться спать, вставать, есть, готовиться к занятиям в школе, играть, заниматься физическими упражнениями. Это способствует образованию условных рефлексов, выработке спокойного и уравновешенного характера. Когда режим становится нормой для ребенка, то он не является тягостью ни для родителей, ни для их детей. Поэтому режим имеет воспитательное значение только в том случае, если он постоянно соблюдается.

**Методы исследование**.

**Результаты исследование и обсуждение.** Режим питания. Соблюдение оптимального режима питания является важным фактором правильного физического развития детей. Нередко несерьезное отношение к питанию детей является причиной появления у них избыточного веса. Неправы те родители, которые постоянно жалуются, что их дети мало едят. Важно, чтобы дети правильно питались.

Характер питания детей несколько отличается от питания взрослых, что объясняется с одной стороны тем, что растущий организм нуждается в большом количестве энергии, с другой стороны особенностями желудочно-кишечного тракта детей, так как переваривающая сила пищеварительных соков у детей уступает взрослым, вследствие чего их организм легче поддается действию бактерий, попадающих в организм с пищей, и других вредных веществ.

У детей поэтому чаще наблюдаются расстройства желудочно-кишечного тракта.

В суточном режиме детей должно быт приблизительно, г:

| | 7-10 лет | 11-14 лет | 15-17 лет |
|---|---|---|---|
| белков | 80 | 93 | 106 |
| жиров | 80 | 95 | 100 |
| углеводов | 50-60 | 60-70 | 75-70 |

Рациональность питания определяется не только количеством и составом пищи, но и ее калорийностью и нормальным физическим развитием, соответствующим возрасту школьника.

Вот примерные нормы калорий для школьников:

7-10 лет-2400 калорий

11-13 лет —2800

14-17 лет— 3200

Больше всех калорий (50% суточного объема) потребляется во время обеда, 30% суточного объема во время двух завтраков и 20% —во время ужина. Очень важно четко распределить время питания в течение суток:

| | Для занимающихся в 1-ю смену | Для занимающихся в 2-ю смену |
|---|---|---|
| 1-ый завтрак | 7.30 | 7.30 |
| 2-ый завтрак | 11.00 | 13.00 |
| Обед | 15.00 | 16.30 |
| Полдник | - | 16.30 |
| Ужин | 19.40 | 20.00 |

Сколько же примерно калорий принимает в разное время суток школьник при использовании традиционных блюд:

| | **Блюдо** | **Калорийность** |
|---|---|---|
| **Завтрак** | Каша с маслом или молоком | 350-400 калорий |
| **Обед** | Супы (около 500 г)<br>мясные блюда и гарнир<br>компоты | 200-300<br>500-600<br>100-150 |
| **Ужин** | мясные блюда с гарниром или овощные | 400-500 |

Во время завтрака, обеда или ужина, помимо указанных блюд, употребляются хлеб, фрукты, овощи, яйца, рыба, творог, печенье, булка, конфеты и др., за счет чего можно полностью реализовать суточную норму калорий.

Жиры, углеводы н белки должны употребляться в рациональных сочетаниях. Преимущественное и частое употребление либо белков, либо жиров или углеводов не целесообразно. Некоторые родители, желая иметь прибавку в весе детей, кормят их преимущественно мучными изделиями (хлеб, булка, печенье, каши), жареной картошкой, т. е. продуктами, в которых преобладают углеводы. Такое питание ведет к неправильному физическому развитию детей, прежде всего к появлению избыточного веса за счет появления жиров в области живота, под лопаткой и др. частях тела. Дети с избыточным весом тела становятся менее подвижными, менее выносливыми, ловкими, по сравнению с их сверстниками, что отрицательно сказывается на их работоспособности.

Нельзя злоупотреблять и жирами, так как избыток жиров препятствует выработке желудочного сока, усвоению белков, задерживает переваривание пищи в желудке до 6 часов (нормальное опорожнение происходит за 3-4 часа).

Поэтому родителям необходимо знать, в каких продуктах и в каких количествах содержатся белки, жиры, углеводы и витамины.

Белки содержатся в мясе, рыбе, твороге, яйцах, молоке, мучных изделиях, картофеле, макаронах, бобовых изделиях - фасоле, горохе,

Белки являются основным строительным материалом растущего организма, поэтому они непременно должны присутствовать в рационе питания детей.

Причем, целесообразно правильно сочетать в рационе питания детей белки животного (мясо, рыба, молочные продукты и др.) и растительного происхождения (картофель, ржаной хлеб, пшеничные изделия, макароны, горох и др.).

Полезно кормить детей гречневой кашей с молоком, способствующих рациональному усвоению при этом составных частей белка (аминокислот), содержащихся в каше, и аминокислот молока, которых не хватает в каше. Полноценные животные жиры, крайне необходимые для организма детей, содержатся в сливочном масле, рыбьем жире, яичном желтке. Эти жиры должны присутствовать обязательно в суточном рационе детей. Нельзя не включать в суточный рацион и растительные жиры (не более 20—25%), маргарин и др.

Считается, что жиры являются также строительным материалом для нервной ткани мозга. Отсутствие жиров снижает сопротивляемость организма к воздействию внешних и внутренних факторов, ослабляет защитные силы организма. Происходят нарушения нормального развития организма детей, обмена веществ.

Углеводы содержатся в сахаре, сложные углеводы (полисахариды) - в хлебе, муке, картофеле, каше,, овощах, фруктах. Пищу нужно подбирать так, чтобы половина углеводов в суточном рационе пищи содержалась в сахаре, а половина в картофеле, мучных изделиях, фруктах или овощах. Нельзя употреблять углеводов больше нормы, т. к. это очень быстро может привести к ожирению. Углеводы являются основным поставщиком энергии организма. При занятиях физическими упражнениями расход энергии увеличивается, поэтому в рационе юных спортсменов объем углеводов должен повышаться.

В суточном режиме питания объем жиров и белков примерно одинаков, а углеводов больше, чем жиров и белков, примерно в 4 раза. Очень важно, чтобы в пище содержались витамины (в переводе с латыни «вита» означает жизнь), т. к. без них невозможна нормальная жизнедеятельность организма. В настоящее время выделяют более 20 витаминов, наибольшее значение из них имеют витамины А, В и С.

В каких продуктах содержатся витамины?

Витамин А - жир печени рыб (палтус, треска, тунец, камбала, морской окунь и др.); яйца, сыр, молоко, морковь, овощи и др.

Витамин В1 и В2 - в мучных продуктах, желтках яиц, дрожжах, мясе, молоке.

Витамин С - в зелени (кочанная капуста, зеленый лук, щавель, салат, крапива и др.), ягодах и фруктах (шиповник, черная смородина, земляника, апельсины, мандарины, северные сорта яблок), овощах (картофель, репа, брюква, помидоры, редька, редиска).

Витамин РР-печень, дрожжи, тощее мясо, земляные орехи.

Суточная потребность в витаминах удовлетворяется в том случае, когда в день употребляется до 200 г фруктов и 300 г овощей. «Витаминный голод» особенно ощущается зимой и весной. Целесообразно в этот период применять витаминные препараты, которые можно приобрести в любой аптеке.

Дети нуждаются также в минеральных веществах (кальций, фосфор, железо, натрий, йод, хлор, фтор, кобальт и др.), которые содержатся в достаточном количестве в овощах, молоке, фруктах, кашах. Что же касается соли, то она добавляется к пище из расчета 0,05 г на 1 кг массы тела ребенка.

**Заключение.** Питание детей является основным фундаментом развития ребенка, его настроения и самочувствия в целом. Современным родителям необходимо помнить, что одним из факторов состояния здоровья и правильное развитие, устойчивость организма к условиям внешней среды, развитие интеллекта, центральной нервной системы, является питание. Таким образом, основными принципами здорового питания подростков является полноценность и сбалансированность пищевого рациона, максимальное его разнообразие, соблюдение правильного

режима, достаточное, адекватное потребностям растущего организма поступление пищевых веществ и энергии, необходимых для нормального развития и сохранения здоровья.

**Литература**

1. А.К.Атаев, Б.В.Сермеев. Родителям о физическом воспитании детей в семье. –Т.: «Укитувчи». 1983

## ТАЛАБА ЁШЛАРНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ

**Г.Ш.Рахмонова**

**Бухоро давлат университети,**

**Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация:** Ушбу мақолада талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, улар онгига, миллий ғояни сингдириш, дунёқарашини, шахсиятини шакллантириш, ёшларни маънавий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий,ижтимоий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказиш бугунги олий таълим муассасаларининг олдида турган долзарб масалалари ҳақида фикр юритилган.

**Аннотация:** Данная статья посвящена актуальным проблемам, стоящим перед современными высшими учебными заведениями, таким как нравственно-нравственное воспитание студентов, интеграция национальной идеи, формирование мировоззрения, личности, духовно-нравственного, политического, правового, социально зрелого самостоятельно мыслящего поколения.

**Abstract:** This article is devoted to the current problems facing modern higher educational institutions, such as the moral education of students, the integration of the national idea, the formation of the worldview, personality, spiritual and moral, political, legal, and socially mature independent-thinking generation.

**Калит сўзлар:** баркамол шахс, маънавий-ахлоқий тарбия,дунёқараш,сиёсий, ҳуқуқий,миллий қадрият.

**Ключевые слова:** гармоничная личность, нравственно-нравственное воспитание, мировоззрение, политические,правовые, национальные ценности.

**Keywords:** harmonious personality, moral and moral education, worldview, political, legal, national values.

Таълим тизимида маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиш, уларни маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбияга йўналтирилаётганини таъминлаш олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор –ўқитувчиларининг вазифаси ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларнинг ташкил этилиши ва унинг тарбиявий аҳамиятини тадқиқ этиш, аввало, шу атамаларни ва унга турдош бўлган «маънавий-маърифий тадбирлар», «маданий тарғибот ишлари», «бадиий-оммавий тадбирлар», «оммавий тарғиботлар» каби атамаларнинг мазмуни доираси ва моҳиятини аниқлашни тақозо этади.

Талабаларга маънавий ва ахлоқий тарбия беришда миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятлардан ҳам самарали фойдаланиш, айни пайтда, уларга умумтараққиётнинг замонавий ютуқларини ҳам пайвандлаш талаб қилинади. Маънавий баркамол авлод ўз халқи, Ватан тарихи, буюк сиймолари, миллий ва тарихий қадриятлари, урф-одатлари, расм-русумлари, тўй-маракалари,уларнинг моҳиятини чуқур билган ҳолда жаҳон адабиёти, санъати, маданияти дурдоналари билан яхши таниш бўлмоғи, кишилик жамияти тараққиёти тарихи давомида қўлга киритилган ютуқлар билан ошно бўлмоғи даркор. Бунда талабаларга маънавий ва ахлоқий тарбия беришни ташкил этиш, қалбига чуқур сингдириш ва уларни режалаштириб, доимо намунали олиб бориш талаб қилинади.

Табиийки, шу ўринда «Буларнинг барчасини ўрганиш учун вақт ҳам, имконият ҳам етмаса керак?», «Аудиовизуал техника тараққий этиб кетган бир замонда буларни ўрганишга ёшларда хоҳиш ва мойиллик бўладими?» қабилидаги саволлар туғилиши табиий. Ҳамма гап ҳам ана шунда! Ёшлар билан маънавий ва ахлоқий тарбия олиб боришни ташкил этишда буларнинг барчасини ҳисобга олиш керак. Талаба ёшларнинг маънавий ва маданий тарбияси масаласига комплекс тарзда ёндашиш талаб қилинади.

Улар орасида олиб бориладиган маънавий ва ахлоқий ишларнинг методикасини яхши билиш мазкур соҳадаги муваффақиятли фаолият олиб боришнинг гаровидир. Билим масканларида

олиб бориладиган маънавиймаърифий ишларнинг самараси, энг аввало, тўғри тузилган режа ва тадбирларга боғлиқдир.

Юртимиз мустақилликка эришгач ёшларга бўлган муносабат ҳар қачонгиданда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, бу борада келажакдаги режаларимизга эътибор қаратадиган бўлсак, унинг аҳамияти бунданда долзарб бўлиб бораётганлигини тассавур қилишимиз мумкин. Чунки етакчи кучи бўлган ёшлар эртамиз эгалари, келажагимиз давомчилари ҳисобланади. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев "Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир," -деган эди.

Юртимизда миллат мавжудлигини таъминловчи қадриятлар миллий тарбия туфайли, аждодлардан янги авлодга ўтиб келмоқда. Фанда тарбия атамаси кенг ва тор маъноларда ифодаланади. Кенг маънода, у инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Буни биз фақатгина таълим-тарбия масканлари деб билувчи жойлардагина эмас, балки юртимизнинг барча жабҳаларида, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио ва шу каби ижтимоий тармоқларда ҳам маънавий тарғибот ишларини олиб боришимиз кераклигини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тор маънода, ахлоқий тарбия муайян шахснинг маънавий ривожи, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Ёшлар масаласи бўйича давлатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётганлигидан ҳам кузатиш мумкин.

"Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий- ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Концепциянинг мақсади — ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборатдир.

"Ёшларни маънавий- ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим – тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора- тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олганликларига ҳам бевосита боғлиқ экани шубҳасиз.

Халқ ва миллат олдидаги бурчни, масъулиятини, мажбуриятини англайди. Инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамол бўлиши халқ, давлат, жамият маънавиятига асос бўлади. Шундай экан, ёшларга чуқур назарий ва амалий билимлар, касбий малака, кўникмалар ҳосил қилиш, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалари ва муаммоларига тўғри муносабатда бўлишга ўргатиш, Ватанни севиш, аждодлари яратган бебаҳо маънавий жавоҳирларни имкон қадар эгаллаш, уларни асраб-авайлаш ва бойитиш, мамлакатимиз келажагини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бугунги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, жаҳондаги ва мамлакатимиздаги маънавий, ақлий билимлардан фойдаланиб воқеликда фаол иштирок этиш руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир. Маънавий-ахлоқий дунёқараши шаклланган талабаларда маънавий-ахлоқий билим, маънавий-ахлоқий тафаккур, маънавий -ахлоқий ҳис-туйғу, маънавий-ахлоқий идрок фазилатларни тушуниш даражалари ривожланган бўлади. Маънавий идрок, ахлоқий ирода, хатти-ҳаракат ва малакалар бир-бирини тўлдириб, талабанинг шахсий ҳаёти, фаолиятида ўз ифодасини намойиш этади.

Маънавий-ахлоқий баркамоллик талаба-ёшларда мустақил эътиқод, дунёқараш ва мақсадга эга бўлиш, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бирлигини таъминлаш, шахсий манфаатни жамият манфаати билан уйғун кўриш йўналишларида мустаҳкамланади.

Ёш авлоднинг истиқболи маданий-интеллектуал қиёфаси, илмий дунёқараши, жисмоний баркамоллигини таъминлайдиган маънавий-ахлоқий таълимот билан бойитилган ўқув-тарбиявий ишларимизни кучайтиришимиз,

улар мазмунини ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омиллари билан бойитишимизга даъват этмоқда. Зеро, маънавий-ахлоқий салоҳияти юксалган инсон ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт қонунларини тўғри англай олади, жаҳон цивилизациясида қадриятларидан ўз миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда баҳраманд бўла олади, ўз озодлиги, ўз эрки, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун кураша олади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni., T.:O'zbekiston, 2020.
2. Ш.Мирзиёев.Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.:Ўзбекистон, 2017
3. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси . Тошкент ш., 2019 йил 31 декабрь
4. Ш.Ш.Олимов. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. (Монография). –Т.: «Fan va texnologiya», 2015.

## DIDAKTIK ASARLARDA NO'SHIRAVON ODILLIK TIMSOLI SIFATIDA

**G.V.Izbullayeva**
**BuxDu Pedagogika kafedrasi dotsenti,**
**Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada didaktik asarlarda shaxs va uning kelib chiqishi, rivojlanishini, ma'naviy tarbiyadagi o'rni yoritilgan. Bunda, No'shiravon shaxsi misol tariqasida keltirilib, uning o'g'li, vaziri va xalq bilan bo'lgan muloqotlari o'rnak sifatida keltirilgan. No'shiravon obrazi ishtirokida vujudga kelgan hikoyalar shaxs tarbiyasi uning kamolotiga yetakchi o'rin egallaydi.

**Kalit so'zlar:** odillik, muruvvat, donishmandlik, bilim, saxovat, javonmardlik, marifat.

Didaktik asarlar shaxs va uning kelib chiqishi, rivojlanishini, ma'naviy va madaniy muhitda mavjudligini o'rganishda muhim manba sifatida xizmat qiladi. Didaktik asarlarda insoniyat tarixini ochib beruvchi bir qator latifa va hikoya qahramonlari hamda an'anaviy obrazlar mavjud. Bulardan latifa qahramonlari, Juho, Bahlul (arab), Hajli, Talhaq, Tufayli (forsiy), Mushfiqiy (tojik), Mirali – (turkman), Afandi (turkiy) va boshqalar shular jumlasidandir. Hikoya qahramonlari: Hotami Toy, Anushervon (No'shiravoni odil) Luqmon, Ayoz va boshqalar. Bu qahramonlar ma'lum bir xalqning ma'naviy qahramoni sifatida vujudga kelgan. Ammo bu qahramonlar o'z zamini bilan chegaralanib qolmay, boshqa o'lka va xalqlarga ham manzur bo'lib, ularning o'z qahramonlari qatoridan o'rin egallagan hamda yangi-yangi hikoyatlarning paydo bo'lishiga xizmat qilgan.

No'shiravon shaxsi adolatli podshoh bo'lib, asl ismi Xisrav I, laqabi Anushervondir. Anushervon so'zining ma'nosi "abadiy ruh egasi, o'lmas ruh egasi" hisoblanadi. U Sosoniylar sulolasiga mansub bo'lgan Eron podshohi. Anushervonning otasi Qubod joriy qilgan davlatni boshqarish, idora qilish usuli, soliq tizimi hamda harbiy sohalarda jiddiy islohotlar o'tkazgan, mamlakatni raiyatparvarlik bilan boshqargan. Anushervon shahar va qishloqlarni obod etish, ko'hna qadriyatlarni tiklashga alohiga alohida e'tibor qaratgan, uning davrida zardushtiylik rivojlangan, o'zaro urushlarga uzil-kesil barham berilgan. Anushirvonning adolatliligi, ma'rifatparvarligi xalq orasida keng yoyilgan, hatto xalq og'zaki ijodida, yozma manbalarda Anushirvon haqida qissalar to'qilgan.

Anushervon (No'shiravoni odil) obrazi Sharq allomalari, mutafakkirlari tomonidan yaratilgan didaktik asarlarda o'z ifodasini topgan. Uning shaxsi quyidagi manbalarda: Nizomulmulkning "Siyosatnoma", Nosir Hisravning "Saodatnoma", Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig", Mahmud Qoshg'ariyning "Devoni lug'atit turk", Kaykovusning "Qobusnoma", Fariduddin Attorning "Ilohiynoma", Jaloliddin Rumiyning "Masnaviyi ma'naviy", Sa'diy Sheroziyning "Guliston" va "Bo'ston", Muhammad Avfiyning "Nodir hikoyalar", Burhoniddin Rabg'uziyning "Qissasi Rabg'uziy", Alisher Navoiyning "Mahbub ul-qulub", "Vaqfiya", Poshoxo'janing "Miftoh ul-adl" va ko'pgina boshqa manbalarda keltirilgan.

Didaktik asarlarda No'shiravon obrazi adolatli podshoh, xalqini yovuz kishilardan saqlovchi hukmdor, donishmand kishi hamda davlat ishlari bilan birgalikda san'at va ma'rifatga kuchli mehr bilan qarovchi inson sifatida gavdalanganligini ko'rishimiz mumkin.

Birinchilardan bo'lib didaktik asarlar qatorida Firdavsiyning "Shohnoma"sida No'shiravon haqidagi tarixiy dalil keltirilgan. Asarda "Barzo'yning Hindistondan "Kalila va Dimna"ni keltirgani" hikoyasida aytilishicha, No'shiravo bundan 1800 yillar ilgari yartilgan "Kalila va Dimna" kitobining ta'rifini eshitib Barzo'ya degan tabibni yuborib, kitobni oldirgan. Kitob dariy (forsiy), pahlaviy (o'rta fors), arab tiliga o'girilganligi aytib o'tilgan. "Hukm surganda ham arab alfozi, u bo'ldi pahlaviy tilin

mumtozi [5, 583-587]” – deyiladi “Shohnoma”da. Shundan ham bilsa bo’ladiki, No’shiravon davlat boshqaruvida ma’rifiy, madaniy sohalarga juda katta e‘tibor qaratgan.

Pandnoma asar sifatida tanilgan “Qobusnoma”da ham Anushervon nasihatgo’y shaxs sifatida gavdalangan. Kitobning sakkizinch bobi “Anushervon pandlarin yod olmoq zikrida[3, 57]” deb nomlanadi. Ushbu bobda Anushervoni odilning 33 ta pandi keltirilgan: bu nasihatlar uzoq umr ko’rgan va katta hayotiy tajriba sohibi bo’lgan donishmand bir insonning tarbiya maktabi, hayot mazmuni, aql mahsuli go’zal va sermazmun hikmatlari orqali bayon etilgan. Ushbu pandlar bugungi kunda ham o’z mohiyatini yo’qotgan emas, ta’lim va tarbiya jarayonida unumli foydalanib kelinmoqda.

No’shiravon obrazining keyingi manbalaridan biri Muhammad Avfiyning “Jome’ ul-hikoyat”idir. Avfiy o’z asarida No’shiravon obrazini turli hikoyatlarda turlicha aks ettirgan. Ulardan “Mo’nado’z va No’shiravon [1,182]” nomli hikoyatga nazar tashlaydigan bo’lsak, hikoyatda Shayx Abul Mavid degan qahramon tilidan payg’ambarimizning “Odil shohlar onadan odil bo’lib tug’iladilar”, – degan hadisi keltiriladi va sharhlanadi. Bu hadisni eshitgan sulton shunday deydi: – Shubhasiz Payg’ambar sollallohu alayhi vasallam o’zining bu hadisini No’shiravonning oxirgi hukmronlik yiliga monand qilib aytgan.

Zeroki, No’shiravon o’z hukmronligining oxirgi davrlarida adolatga moyil ekanligini oshkor qilgan edi. Ammo No’shiravon o’zining dastlabki hukmronlik davrida shunday zolim ediki, Ajam shohlari orasida hech kim unchalik sitamkor bo’la olmagan edi. Uning bunday adolatli bo’lishiga bir qo’shnisi sababchi bo’ldi”, – deb bir voqeani aytib beradi. Bu hikoyatda hikoya ichida hikoya keltirilgan. Ichki hikoyada No’shiravonning adolat yo’liga kirishiga sabab bo’lgan voqea, ya‘ni yaxshi fazilatlarga ega bo’lgan qo’shnisi bilan bo’lib o’tgan voqea hikoya qilinadi. Bunda No’shiravon qo’shnisining muruvvat, qo’li ochiqlir, sermulohazalik hamda himmati balandlik bobida yuksakligini eshitib, uni sinamoqchi bo’ladi. Qo’shnisi unga bilimda, muruvvatda, sabrda hamda hotamtoylikda namuna ko’rsatadi, buni ko’rgan No’shiravon ko’ziga yosh olib, hukmronligi davrida yo’l qo’ygan xotolarini tushunadi va endi hayotining qolgan qismini adolat va muruvvatda o’tkazishni qaror qiladi.

No’shiravonning odilligi va oliy himmatligi madhini «Qissasi Rabg’uziy»da keltirilgan bir hikoyada ham kuzatish mumkin. Bir kishi Payg’ambar sollallohu alayhi vasallamdan aytilishicha, odil podshoh jasadini tuproq chiritmas. Xalifa Ma’mun aytdi: «Payg’ambar alayhissalomning hadislariga hech shak keltirmasman, lekin No’shiravonning jasadini ochaman, negaki No’shiravon odillikning timsoli erur», deb No’shiravonning xilxonasiga bordi. Madoyin shahrida xilxonani ochdikim, No’shiravon uxlagandek yotgan ekan. Qo’lida uchta uzuk, uzuklarga nasihat bitilgan: do’st va dushmanni farqlagin; har ishni donishmandlar bilan kengashmay, boshlama, kirishma; raiyatning rioyasini tashlamagin. Bosh tomoniga lavhda esa: «Har kishi tilarkim mulki ko’payishin, o’z davrida olimlarni do’st tutsin [7, 100]» – deb yozilgan ekan.

Shu o’rinda, No’shiravonning donishmand insonlarni o’ziga qanchalik do’st tutishi borasida Avfiyning “Javome ul hikoyat”ida keltirilgan qator hikoyalar orqali bilish mumkin. Ayniqsa, Anushervon va uning donishmand vaziri Buzrugmehr o’rtasidagi suhbat borasida hikoyalar keltirilgan. Bir hikoyatda, Anushervonning “Ey, hakim, dunyoda eng yaxshi narsa nima?” degan savoliga, Buzrugmenr: “O’lim, ayol va ehtiyoj” deb, har birini mohiyatini shohga tushuntiradi. Bu yerda, Anushervonning dono vazirining qanchalik bilimli ekanligi ko’rsatib berilgan. Keyingi hikoyatda Anushervonni aqlli, farosatli, har bir gapini o’ylab, mazmunini tushungan holda gapiruvchi hukmdor sifatida aks ettiradi. Yana bir hikoyada, Anushervon hukmronligi davrida ikki darvesh uning saroyiga kelibdi va ulardan biri baland tovush bilan “Yovuzlik ko’rmayin desang, yovuzlik qilma debdi”. Ikkinchisi: “Yaxshilik qilgan kishi hamisha yxshilik ko’rgay!” – debdi.

Anushervon amiri bilan birichisiga ming dinor, ikkikchisiga ikki ming dinor berishibdi. Bu holni ko’rgan mulozim va nadimlar podshohdan: “Ikkalasining ham so’zi bir ma‘noni ifodalaydi-ku, nega ikki xil mukofot berding?”, – deb so’rashibdi. Anushervon shunday javob beribdi: – Biri yomonlikni madh etdi, ikkinchisi yaxshilikni. Yaxshilar bilan do’st-u hamsuhbat bo’lishdan yaxshi va yomonlar bilan hamtovoq bo’lishdan yomon ish bormi dunyoda [6]. Bu hikoyatda Anushervon donishmand hukmdor sifatida namoyon bo’lgan. Odillikning mezonini to’g’ri ko’rsatib beradigan shxs sifatida gavdalangan.

“Javome ul hikoyat” asarida keltirilgan keyingi hikoyat Nizomulmulkning “Siyosatnoma” va Farididdin Attorning “Ilohiynoma [2, 327]” asarida ham uchraydi. “No’shiravoni odil va keksa bog’bon” hikoyatida Anushervon va keksa bir kishi o’rtasida bo’lib o’tgan suhbat hikoya qilinadi. Bunda keksa donishmand hozir javobligi, zukkoligi va uzoqni ko’zlay olishi shohni hayratga soladi. Keksa kishining ibratli so’zlarini eshitib unga mukofot taqdim etganligi haqida so’z yuritiladi.

Bundan tashqari, asarda Anushervon gunohkor amirning o’rniga uning vazirini jazolaganligi haqidagi voqea tilga olinadi. Bunda bir amir gunoh ish qilib jazodan qochadi, shoh bu jazoni vazirga beradi. Hamma hayratlanib shohdan sababini so’raganda “U amirni tavsiya qilgan shu vazirdir!” deb

javob beradi. Demak, bu voqeadan xulosa qilish mumkinki, davlat boshlig'ining to'g'ri yo'l tutishida zulm yoki adolat qilishida vazirlarning xatti-harakatlari, maslahatlari muhim ahamiyatga ega ekanligini, ya'ni bu hikoyatda muallif No'shiravon orqali zolim, aqlsiz vazirlarga tanbeh bermoqchi bo'ladi.

Mashhur fors-tojik shoiri, adibi va mutafakkiri Muslihiddin Sa'diy Sheroziyning "Guliston" va "Bo'ston" asarlari ham No'shiravon obrazining bizgacha yetib kelishida mahim manba sifatida xizmat qiladi. Asardagi uchta hikoyat No'shiravoni odilga bag'ishlangan. Ular yigirmanchi, o'ttiz va o'ttiz birinchi hikoyatlardir. Jumladan, yigirmanchi hikoyatda No'shiravoni odilning ovga chiqishi va u yerda tuz bilan bog'liq hikoyat keltiriladi. Bu hikoyatda No'shiravon obrazi o'z atrofidagi mulozimlarini to'g'ri yo'lga boshlaganligi haqida so'z yuritiladi. Hikoyatda "Tuzni bahosini to'lab olib kel, toki tekinga olish odat qatoriga kirib qishloq xarobalikka yuz tutmasin", – degan jumlalar bor.

Sa'diy hikoyati yakunida xulosa sifatida quyidagi qit'a keltiriladi:

Fuqaroning bog'chasidan sulton uzsa bir olma,
Navkarlari qo'poradi daraxtlarning ildizin.
Zo'rlik bilan beshta tuxum ola qolsa podshoh,
Askarlari sixga tortar tovuqlardan besh yuzin [4, 42-43].

Keyingi o'ttizchi hamda o'ttiz birinchi hikoyatlarda esa No'shiravonning vaziri Buzrugmehrning donoligi, oqilligi madh etiladi.

"Bo'ston" asarida ham Sa'diy No'shiravoni odilni pand-nasihatlarini keltiradi. Asarning "Odillig-u tadbir-u andesha zikrida" deb nomlangan birinchi bobida No'shiravon tilida Xurmuzga nasihatlari keltiriladi:

Daraxt bo'lsa shoh, xalq ildiz erur,
Bil, o'g'lim, tomir-la daraxt ulg'ayur.
Eling qalbin og'ritma, berma zarar,
Qurur ildizing ranjisa el agar [4, 148], – degan nasihatlarni uqtirib o'tadi.

Shuni xulosa sifatida keltirish mumkinki, har bir mutafakkir o'z davrining talabidan kelib chiqib, masalaga yondashadi, o'z kuzatishlari, e'tiqodi, ijtimoiy qarashlari taqozosiga ko'ra fikr-mulohaza bayon etadi, adolat va odil hukmdor masalasini hal qiladi. No'shiravon haqida yoritilgan hikoyatlar qayta-qayta ishlanib, tildan tilga, kitobdan kitobga o'tib odillik ramzi sifatida talqin etilgan. Sharqning ko'pdan ko'p adiblari o'zlarining asarlarida No'shiravonni adolat timsoli sifatida madh etgan. No'shiravon obrazi orqali hikoyalarda tasvirlangan odillik bugungi kun adolat tamiyillariga ham uyg'un keladi va uning shaxsi adolat ramzi sifatida gavdalanadi. Bu obraz keyingi avlodga tarbiyasini tashkil qilishga odillik namunasi sifatida vosita bo'la oladi.

**Foydalangan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Авфий Муҳаммад. Рашкчи эрни жазолаган хотин. Форс тилидан И.Низомиддинов ва Т.Файзиев таржимаси. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи. 2012 – 252 б. 182 – б.
2. Достонлар «Мантиқ ут-тайр», «Асрорнома», «Илоҳийнома», «Пандномa», «Булбулнома», «Уштурнома» / Шайх Фаридиддин Аттор Нишопурий; Форсийдан .жамол Камол таржимаси. Масъул муҳаррир А.Саидов, – Т.: Tamaddun, 2012 – 552 б. 327-б.
3. Кайковус. Қобуснома; форсчадан Муҳаммад Ризо Огаҳий тарж.; нашрга тайёрловчилар. С.Долимов, У.Долимов. – Т.: "O'qituvchi", 2011. – 208 б. 57-бет.
4. Саъдий. Гулистон. Бўстон: тўплам / нашрга тайёрловчи Ҳ.Ҳомидий; таржимонлар: Ғ.Ғуломов, Ш.Шомуҳамедов, Р. Комилов, Чустий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2013. – 264 б. 42-43 б.
5. Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома: достон / Абулқосим Фирдавсий; Форсийдан Ш.Шомуҳамедов, Ж.Жабборов, Назармат, Ҳ.Ғулом тарж. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 736 б. 583-587 б.
6. *Muhammad Avfy*. IBRATLI RIVOYATLAR http://library.ziyonet.uz/
7. Rabg'uziy, Nosiriddin Burhoniddin. Qissasi Rabg'uziy. – Toshkent: Yoshlar nashriyoti uyi, 2018. – 216 b. 100 – б.

# “ABDURAUF FITRATNING MA’RIFIY - PEDAGOGIK QARASHLARI” MAVZUSINI O’QITISHDA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI

**J.T.Karimov**

BuxDU “Pedagogika nazariyasi va tarixi” magistratura mutaxassisligi 1-bosqich magistranti

**Ilmiy rahbar: p.f.n, dotsent B.J.Umarov**

**Annotation:** This article discusses the effectiveness of using different methods in teaching the topic of “Abdurauf Fitrat’s enlightenment and pedagogical views”.

**Key words:** Jadid movement, brainstorming method, The "problem situation" method, contemplation

Jadidchilik yaqin ijtimoiy-ma’naviy tariximizning eng muhim hodisalaridan biri ekanligini hisobga olgan holda jadidlarimizning ma’rifiy va pedagogik qarashlarini o’quvchilarning ongi va shuuriga singdirish talab etiladi. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek, “Umuman, biz jadidchilik harakati, ma’rifatparvar bobolarimiz merosini chuqur o‘rganishimiz kerak. Bu ma’naviy xazinani qancha ko‘p o‘rgansak, bugungi kunda ham bizni tashvishga solayotgan juda ko‘p savollarga to‘g‘ri javob topamiz. Bu bebaho boylikni qancha faol targ‘ib etsak, xalqimiz, ayniqsa, yoshlarimiz bugungi tinch va erkin hayotning qadrini anglab yetadi” [3]

Axloq, ma’naviyat, ta’lim va tarbiya, kabi umuminsoniy qadriyat hamda tushunchalar ustida ulkan ijodiy boyliklarni yaratgan Abdurauf Fitrat shaxsi va pedagogik qarashlari ta’lim sohasi uchun yo‘lchi yulduz vazifasini o‘tashi hech kimga sir emas. Abdurauf Fitratning ulug` ishlari, serfayz faoliyati, sharafli umr yo`li xususida yosh avlodga yetkazish har bir ta’lim muassasasining hamda pedagoglarning shonli va zalvorli vazifalaridan bo’lishi kerak desak adashmagan bo’lamiz. Chunki, Abdurauf Fitrat o‘z faoliyati davomida millatni ma’rifatli qilish, madaniyat tarqatish va shu orqali mamlakatni yuksaltirish uchun intilgan jadidlardan biri sifatida tarixda qolgan. U dastlabki faoliyatiyoq ma’rifatning jamiyat rivojidagi ahamiyatini ko‘rsatish bilan birga millatni ma’rifatga da’vat etdi. Har qanday holatda ham millati bilan birga bo‘lish, uning manfaatini har narsadan ustun qo’yish Fitrat shaxsining eng muhim xususiyatlaridan edi.

Hozirgi zamonaviy pedagogning o’quv va metodik faoliyatida Abdurauf Fitratning nafaqat jadid sifatidagi qarashlari, balki, ma’rifiy va pedagogik, oila tarbiyasiga oid, ijtimoiy-falsafiy, va siyosiy-huquqiy qarashlarini ham o’quvchi va talabalarga yetkazish juda muhim vazifalardan hisoblanadi. Biz pedagoglar bu jarayonda faol qatnashishdan tashqari o’quvchi va talabalarning ham Fitratga nisbatan qiziqishlarini orttirgan holda ko’plab interaktiv metodlardan foydalanib, dars jarayonida faol bo’lishlarini ta’minlashimiz muhim ahamiyat kasb etadi.

O’quvchi va talabalarning Fitrat haqidagi mustaqil fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish va ta’lim olishlarini ularni faollashtirish orqali shakllantirish mumkin sanaladi. Ta’lim oluvchilarning ongliligi va faolligini oshirish maqsadida ta’lim berish jarayoni shunday tashkil etishni nazarda tutadiki, bunda o’quvchi va talabalar Fitrat haqidagi ilmiy bilimlari bilan qatorda ularni amalda qo’llash usullarini faol egallab oladigan, o’quv faoliyatida esa tafakkur va mustaqillik rivojlanadigan bo’lishi kerak.

Bernard Shou bir kuni: “Agar siz odamni o’qitib, biror narsaga o’rgatmoqchi bo’lsangiz, u hech qachon hech narsani o’rganmaydi” degan ekan. “Abdurauf Fitratning ma’rifiy - pedagogik qarashlari” mavzusini yaxshi o’zlashtirib olishi uchun ta’lim oluvchilar shu material ustida faol tarzda ishlashi talab etiladi. To’g’ridan to’g’ri eshitish yoki ko’zdan kechirib chiqishning o’zi yetarli bo’lmaydi, albatta. Ta’lim oluvchilar “Abdurauf Fitratning ma’rifiy - pedagogik qarashlari” mavzusini o’ylab ko’rishi, muhokama qilib chiqishi va mazkur mavzuga doir mustaqil topshiriqlarni ko’zdan kechirib, o’z ustida ishlashi kerak.

“Abdurauf Fitratning ma’rifiy - pedagogik qarashlari” mavzusini ta’lim oluvchilarga yetkazish jarayonida biz pedagoglar turli xil interaktiv metodlardan foydalanishimiz mumkin. Jumladan, “Aqliy hujum” metodi, “Muammoli vaziyat” metodi, “Videometod”, “Suhbat” metodi, “Sinkveyn (axborot yig’ish)” metodi va hokazo interfaol metodlar yaxshi samara beradi.

“Aqliy hujum” metodidan foydalangan holda “Abdurauf Fitratning ma’rifiy - pedagogik qarashlari” mavzusini o’qitish jarayonida iloji boricha ko’proq ijodiy fikrlarni yuzaga keltirish sanaladi. Istalgan fikrlar qabul qilinishi kerak. Yig’ilgan fikrlardan qaysi birini keyinchalik ishlatishni butun guruh birgalikda hal qiladi. Dars jarayonida o’zaro baholash va tanqidga yo’l qo’ymaslik, taklif etuvchi g’oyalar juda ham g’aroyib bo’lsa ham ularni baholashdan saqlash shart va hammaning fikr bildirishiga ruxsat beriladi. Fikrini bildirayotgan ta’lim oluvchilarning gapini bo’lmaslik va e’tirozdan saqlanish ham muhim

ahamiyat kasb etadi. Bu jarayonda qanchalik ko'p fikr aytilsa, shuncha yangi va qimmatli fikr paydo bo'lishi ehtimoli yuqori sanaladi. Ta'lim oluvchilarning tasavvur qilishlariga yo'l ochib bersakkina biz pedagoglar nafaqat "Abdurauf Fitratning ma'rifiy - pedagogik qarashlari" mavzusini, balki, boshqa turli mavzularning ham asl mohiyatiga yetishida katta yordam bergan bo'lamiz.

Bundan tashqari ushbu mavzuni o'qitishda "Muammoli vaziyat" metodi ham juda katta yordam beradi. "Muammoli vaziyat" metodi amaliyotda so'z vositalari, ko'rgazmali, amaliy ishlar metodlari yordamida qo'llaniladi. [2.113]

Bu metodda ta'lim oluvchilarda Abdurauf Fitratning ma'rifiy - pedagogik qarashlaridagi bahsli holatlarida muammoli vaziyatlarning sabab va oqibatlarini tahlil qilish hamda ularning yechimini topish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirishga qaratilgan metod hisoblanadi. "Muammoli vaziyat" metodi uchun "Abdurauf Fitratning ma'rifiy - pedagogik qarashlari" mavzusidagi tanlangan muammoning murakkabligi ta'lim oluvchilarning bilim darajalariga mos kelishi shart. Ular qo'yilgan muammoning yechimini topishga qodir bo'lishlari talab etiladi, aks holda yechimni topa olmagach, ta'lim oluvchilarning Fitrat haqidagi qizishlari so'nishiga, o'zlariga bo'lgan ishonchlarining yo'qolishiga olib kelishi mumkin.

"Abdurauf Fitratning ma'rifiy - pedagogik qarashlari" mavzusini o'qitishda "Sinkveyn (axborotni yig'ish) metodi ham juda yaxshi samara beradigan, o'rganilayotgan materiallarni to'laqonli va puxta anglab yetish uchun qo'llaniladigan interfaol metodlardan biri hisoblanadi. Bu metodda Fitrat haqidagi axborot yoyilgan va yig'ilgan holda, ta'lim oluvchi so'zi bilan, xilma-xil variantlarda va turli nuqtai nazar orqali ifodalanishi mumkin.

"Sinkveyn" tuzish jarayoni mavzuni puxtaroq anglashga yordam berish bilan birga, ta'lim oluvchilaning kritik fikrlash qobiliyatini yuqori darajada rivojlantiradi. [1.121]

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, "Abdurauf Fitratning ma'rifiy - pedagogik qarashlari" mavzusini o'qitishda ko'plab interaktiv metodlardan foydalanish yaxshi samara beradi va ta'lim oluvchilarda Fitrat haqida iliq fikrlarni yana ham ko'proq shakllantiradi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI


1. M.M.Axmetjanov, G.Dj.Tosheva "Zamonaviy pedagogning o'quv va metodik faoliyati" Monografiya – Buxoro: "Durdona" nashriyoti, 2019. 196 b.
2. K.Turg'unboyev va boshqalar "Pedagogika nazariyasi va tarixi" O'quv qo'llanma – Andijon: "Andijon nashriyot-manbaa" OAJ, 2005. 240 b.
3. https://sof.uz/uz/post/shavkat-mirziyoyev-jadidchilik-harakati-marifatparvar-bobolarimiz-meros


# ТАРБИЯ ИШЛАРИ ЖАРАЁНИДА СИНФ РАҲБАРНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ


**У.И.Махкамов**

**Чирчиқ давлат педагогика институти профессори**

**М.Маликова**

**Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси**



**Аннотация:** Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида тирбиявий ишларни амалга оширишда синф рахбари фаолиятининг функциялари илмий – методик жиҳатдан асосланган.

**Аннотация:** В статье научно и методически обоснованы функции классного руководителя по осуществлению воспитательной работы в общеобразовательных школах.

**Abstract:** The article scientifically and methodically substantiates the functions of the class teacher in the implementation of educational work in secondary schools.



**Таянч сўз ва иборалар**: Метод, синф рахбари, мактаб, тарбия, шахс, истиқбол, комил инсон, ўқувчи, ўқитувчи, ота-она.

**Ключевые слова и фразы**: Метод, классный руководитель, школа, воспитание, личность, перспектива, идеальный человек, ученик, учитель, родитель.

**Key words and phrases:** Method, class teacher, school, education, personality, perspective, ideal person, student, teacher, parent.


Синф раҳбар - бу ўқувчилар, ота- оналар, ўқитувчилар, ҳомийлик қилувчи ташкилотлар билан педагогик жихатдан мулоқот негизидир. Вазифалари беҳисобки, уни санаб бўлмайди.

Биринчи функция. Синф раҳбар билан доимо алоқани ўрнатиш ва мустаҳкамлаш асосида уларнинг билимларини ривожлантириш, маънавий-ахлокий таъсир этиш, синф раҳбар ўқувчилар билан алоқаси унинг ўз-ўзини хис килишига салбий таъсир этмаслиги учун тарбиявий ишни шундай ташкил этиш керакки, ушбу жараёнлар унинг равнақига хизмат қилиши керак.

Иккинчи функция. Синф раҳбари укувчиларга куйган талабларини ишлаб чикиш. Бунда биринчи навбатда кадим-кадимдан ўзбек халки ҳаётидан ўрин олган ва жамият томонидан мустаҳкамланган одоб ахлок коидаси талабларига амал килиш, жамият конун-қоидалари аҳлоқий нормаларини ўрганиш, тарбиявий ишларни амалга ошириш ва уларни амалиётга татбик этиш жараёнларини амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам синф раҳбарлари ўкувчиларга "Одоб-ахлоқ қоидаси"нинг моҳиятини тушунтиришлари ва керакли шарт-шароитларни яратишлари асосида шахсни ҳар томонлама шакллантиришга хизмат қилиш амалга оширилади. Мактаб таълим-тарбия баркарорлигини таъминлайдиган маскан ҳисобланади. Бу ерда ўкувчи шахси шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун ўкувчини ҳар томонлама ривожланиши маънавий-ахлоқий, меҳнат, нафосат тарбияси жиҳатидан шароитлар яратилиши лозим. Синфларда амалга ошириладиган "Тарбия" машғулотларида ахлокий муҳит ва тарбиявий ҳаёт ўқувчилар учун мажмуа сифатида таъсир этиши муҳим ўрин тутади.

Синф жамоасида ўтадиган йиғилишлар, тарбиявий соатлар, маърузалар, сухбатлар кабиларда ўкувчиларнинг доимий иштирокини таъминлаш ва уларни билимларини шакллантиришда уларнинг индивидуал хусусиятларини тулик ва аник хисобга олиш, уларни тарбиялашда ҳар бир синф раҳбари масъулиятни юкори даражада амалга ошириш, тарбиявий ишларни ташкил этиш, йиғилиш карорларини доимий бажариш, жамоат ишларида иштирок этиш ва назорат қилиб бориш муҳим ўрин тутади.

Учинчи функция. Укитувчининг ўкувчилар жамоасини ташкил этиш. Ушбу функция тарбиявий жараённинг самарадорлигига эришишда муҳим хисобланади. Бунда синф раҳбарининг педагогик-психологик тайёргарлигининг юкори даражада бўлиши билан бирга давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлида амалга ошириш малакасига эга бўлиши лозим. Бунда, Тарбиявий фаолиятни амалга оширишда ижобий натижани берадиган шакл ва методларни танлаши муҳимдир. Синф жамоасининг ривожланиши ва мустаҳкамлашда ёрдам бериш, уларни бир-бирига якинлаштириш, дўстликни мустаҳкамлаш муҳим хисобланади.

Мактабда фаолият кўрсатаётган ўкитувчилар психологик жиҳатдан таълим, маданият, ижтимоий фаоллиги, педагогик саводхонлиги ва тайёргарлиги билан ажралиб туради. Шундай бўлишига карамай, улар билан ишлашда тарбия жараёни учун оптимал шарт-шароитлар яратиш муҳим ўрин тутади. Ушбу ҳолат ўкувчи максадини тушуниши ва унинг масъулиятни янада юкори даражага кўтариш имкониятини беради. Жамоадаги ўқувчилар фаолиятининг қарор топиши муносабати билан уларда ташаббускорлик, ташкилотчилик хусусиятлари камол топади.

Тўртинчи функция. Ўқитувчининг ўкувчилар таълимини, маданиятини ошириш ҳисобланади. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ўкувчи ўқитувчи учун асосий ўринни эгаллаши керак. Ўқитувчининг педагогик маданиятини оширишда малака оширишмуассасаларида таълим олишлари муҳим ҳисобланади. Бунинг учун улар ўзмаърузалари билан илмий-амалий конференцияларда иштирок этиши, ўз билимларини кенг таргибот килиши, мактаб педагогик йиғилишларида, устоз-шогирдлар даврасида педагогика асосларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Ҳар бир фан ўкитувчилари тарбия муаммоларини чукур тушунишлари лозим. Чунки, тарбия таълим самарадорлигини оширишни таъминлайди. Шу жихатдан ҳам куйидагиларни амалга ошириш максадга мувофиқдир.

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида синф раҳбари ва фан ўкитувчилари учун тарбия назариясининг асослари бўйича махсус маърузалар, суҳбатлар ўтказиш билан чегараланмай, балки, уларни индивидуал ва жамоа асосида тарбиялаш методларидан келиб чикиб, шахсни шакллантириш жараёнини бир бутун ҳолатда амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Ўқитувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг педагогик таълимидан чуқур ўрин эгаллашга эътибор берилади. Ўкитувчи педагогика ва психологияга оид билимларини ривожланиши, ўқувчиларни маънавий ҳаётини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

2. Ўкитувчининг тарбия жараёнира бефарклик, ўкувчиларнинг хатоси, уларнинг педагогик саводсизлик ҳолатларини ўз вақтида тезлик билан бартараф этишга ёрдам беради. Демак, ўкитувчи миллий тарбия назариясининг асосларини эгаллашлари мақсадга мувофик. Бунинг учун ўкитувчи ва ўқувчилар ўртасида тарбияга оид билимларини тарғибот килишга сафарбар этишлари лозим.

3. Тарбия жараёнида биринчи навбатда ўқитувчининг касбий даражаси, самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолаш, шунингдек, уни такомиллаштириш учун методик тавсиялар ва талаблар ишлаб чиқиш имкониятини беради. Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчи фаолиятида "Педагогик фикр ва мулоҳазалар", "Синф раҳбарларига тарбия буйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати", "Ўкувчини тарбиялашда ўқитувчининг ўрни”, "Ўкитувчи фаолиятида тарбия жараёнидаги илғор

тажрибалар" каби йўналишларда методик тавсиялар тайёрлаш уларнинг маҳоратини ва билимларини оширади.

4. Ўқитувчининг ўкувчиларни тарбиялашдаги маҳорати ва тарбиявий фаоллигини ривожлантиришда турли шакл ва методлардан фойдаланиши, тадбирларнинг амалий йўналишларига эътибор қаратиш уларга таъсир этиш методларни куллаш муҳим ҳисобланади.

5. Ўқитувчи фаолиятида тарбия воситалари ва омиллари, методлари кўргазмали, ишончли, очик бўлиши унинг натижаларини ижобий ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Ўкувчиларда фуқаролик хис туйгуларини шакллантириш, топширилган вазифани бажаришда синф жамоадаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, тарғиб қилиш каби вазифаларни амалга оширади.

6. Ўқувчилар тарбиясини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, унинг шахсини шакллантиришда, ўқитувчиларининг муносабатларни бошкариш давлат сиёсати даражасида эканлигини ҳар бир укитувчи тушуниши зарур. Жамиятнинг гуллаб яшнаши учун укитувчи ўз фаолиятини инсонпарварлик тамоиллари асосида бажаришлари муҳим ҳисоблагани безов разбери

Бешинчи функция. Синф раҳбари ҳомийлик қилувчи ташкилотлар билан хамкорлиги. Бунда таълим-тарбия ишларини амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг иштирок этишлари назарда тутилади. Ўқитувчи улар билан куйидаги ишларни амалга оширишлари муҳим ҳисобланади:

1. Маҳаллалар ҳамкорлигида тарбиявий ишларни амалга ошириш режасини тузиш.

2. Ўқувчиларни яшаш жойларида тарбиявий ишларни амалга оширишда спорт майдончалари ва комплекслари, клублар, ахборот ресурс марказлари, ўйин майдончалари, ёзги театрлар, техник станциялари фаолиятини ташкил қилиш.

3. Маҳалла хамкорлиги билан ўкувчиларнинг қизикишлари ва талабларидан келиб чиқиб тўгараклар ташкил этиш ва улар билан биргаликда экскурсиялар, кувноклар ва зукколар каби мусобакалар. саломатлик, билимлар куни каби байрам тадбирларини ўтказиш.

4. Мактабда бадиий хаваскорлик фаолиятини Ташкил этиш шанбаликлар каби турли тадбирларни ўтказиш, уларни ижтимоий алокаларини кенгайтириш ва бойитиш билан бирга уларда фуқаролик етукликни шакллантиришни кабилар муҳимдир.

Олтинчи функция ижтимоий фаолликни ривожлантириш. Синф раҳбар фаолиятида "Педагогик кузатиш кундалиги"нинг бўлиши ва унда ўқувчиларнинг турди фаолиятлари белгилаб бориш муҳим ўрин тутади. Бунда синф раҳбари фамилияси, исми, отасининг исми, тугилган йили, кун, ой, оила аъзолари ва уларнинг ёшлари,ишлари, ўқишга, ўртокларига, мехнатга, ўзига, ота-оналарига, оиланинг бошка аъзоларига бўлган муносабатлари кайд этилади.

Ўқувчининг ўкишга, мехнатга, жамоат ишларига, одамлар ва табиатга бўлган муносабатларида характер хусусиятлари, шунингдек, касбга бўлган қизикиши, кўникма ва малакаларнинг ижобийлиги, фаолияти, кўникма ва малакаларнинг ривожланганлиги, вазифалари, муносатлар кабилар ёзиб борилади. Синф раҳбар ўқувчилар билан ишлашда ўзаро ҳурмат ва мехр муҳаббат муҳитини, юксак ахлокий ва маънавий қадриятларни шакллантиришга каратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, шу жумладан, жамоатчилик ҳамкорлигида "Маънавият оиладан бошланади", "Тарбия: тажриба ва келгуси вазифалар", "Ватан тараккиётида бунёдкорлик гоялари", "Замонавий шахсни шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли", "Баркамол авлодни тарбиялашда ўқитувчининг вазифалари", "Соғлом болани тарбиялаш-бизнинг умумий мақсадимиз" каби мавзуларда ота-оналар ва жамоатчилик билан суҳбатла, тадбирлар ўтқазиш ўз самарасини кўрсатади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Ўзбекистон Республикасининг 29 йиллиги байрамида Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 2020 йил 1 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" тантанали маросимдаги нутқи.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1059-сон Қарори "Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси" 2019 йил 31 декабрь.

4. Maxkamov, U. I., & Ismoilova, D. M. (2021). Umumiy o‟rta ta‟lim maktablarida tarbiyaviy ishlarning shakllari va usullari. Academic research in educational sciences, 2(4), 380-386.

5. Ulfat, M., & Dilafruz, I. (2020). Тарбия-юксак маънавият бешиги. Academic research in educational sciences

# ЖАМОАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ ВА ЖАМОАДА ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Д.М. Исмоилова**
**Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси**
**Д.Олимжонова**
**Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси**

**Аннотация:** Ушбу мақолада синф жамоасини ташкил этиш ва тарбиялашга қўйилган талаблар, уни ўрганиш ва дастурини ишлаб чиқиш ишларини режалаштириш ва унга раҳбарлик қилиш масалалари илмий метадик жиҳатдан асосланган.

**Аннотация:** Эта статья научно и методологически основана на требованиях к организации и обучению классного сообщества, планированию и управлению его обучением и разработкой программ.

**Abstract:** This article is scientifically and methodologically based on the requirements for organizing and teaching a classroom community, planning and managing its teaching and program development.

**Таянч сўз ва иборалар:** Жамоа, метод, синф рахбари, мактаб, тарбия, шахс, истиқбол, комил инсон, ўқувчи, ўқитувчи.

**Ключевые слова и фразы:** Команда, метод, руководитель класса, школа, воспитание, человек, перспектива, идеальный человек, ученик, учитель.

**Key words and phrases**: Team, method, class leader, school, education, person, perspective, ideal person, student, teacher.

Синф раҳбари ишида ўқувчилар жамоасини шакллантириш марказий вазифа ҳисобланади, чунки жамоада шахсни тарбиялаш – тарбиянинг етакчи мақсадидир.

Унинг умумий асослари қуйидагилардан иборат: талаблар қўйиш; фаолларни аниқлаш, ўқув меҳнат, ижтимоий сиёсий ва оммавий маданий фаолиятдаги истиқболларни ташкил этиш; соғлом жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижобий анъаналарни яратиш, ва кўпайтириш кабилар.

Таърифланган бу қоидалар ҳар қандай жамоа (мактаб, синф жамоаси, мактабдан ташқари болалар бирлашмаси ва ҳоказолар)ни шакллантириш ва ривожлантиришда мухим бўлиб ҳисобланади.

Жамоа ривожланишининг дастлабки босқичларида болалар тарқоқ бўлиб, уларда якдил фикр ва синф рахбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди.

Жамоанинг ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгилардан бири – ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятга иштиёқи. Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг фақат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди.

Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишга қандай муносабатда эканликларни, ўзларини дарсда қандай тутишларни, уй вазифаларни сидқидилдан бажаришларни ёки бажармасликларни аниқлайди. Ва ниҳоят энг муҳими – уларнинг ўқишдаги мулжаллари ижтимоий моҳиятга молик ёки молик эмаслиги ҳисобланади.

Ўқувчилар ўртасида салбий ҳолатлар рўй бермаслиги учун жамоанинг ривожланиш усулини аниқлаб олиш керак, унинг энг ишончли усули – ўқувчиларни улар билан дарсда, дарсдан ташқарида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш жараёнида кузатиш анкета, тарқатиш, педагогик вазиятларни вужудга келтириш, кабилардан фойдаланиш мумкин.

Лекин, бу усулларни гуруҳни жуда эҳтиёткорлик билан катта педагоглик одоби билан қўллаш лозим. Ўқувчиларни ўрганишнинг ҳар бир усули айни вақтда тарбия усули ҳам эканлиги ўқитувчилар учун қонун бўлиши керак.

Жамоада шахсни якка тартибда тарбиялашда мактаб ўқувчисини ўз-ўзини тарбиялашга жалб этиш, уни тегишли малака ва кўникмалар билан қуроллантиришдан иборатдир. Бунда ўқувчининг синфдошлари билан муносабатлари, бу муносабатларнинг маънавий асослари энг муҳим масалалардан биридир. Жамоа муносабатлари – даставвал муайян мақсадларга асосланган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадлар йўналтириб турадиган ўзаро маъсулиятли муносабатлардир.

Синф ўқувчилари кўп бўлган шароитда ҳар бир болага якка тартибда ёндашиш, ҳар бир бола қалбига тўғри йўл топиш жуда қийин. Агар ўқувчилар жамоаси қўллаб қувватласа, ҳар холда бундай йўлни топиш мумкин.

Синф раҳбари ўқувчиларни якка тартибда ва жамоа билан тарбиялашда ота -оналар билан ўзаро ҳамкорликда бўлади. Ота-оналарга педагогик билим беришни уюштиришда синф раҳбарига муайян тарзда ёрдам берадиган асосий манба «Ота-оналарга педагогик билим беришнинг намунавий дастури»дир. Мазкур дастур ўқувчиларнинг ота-оналари билан хилма-хил машғулотларни бирга қўшиб олиб боришни кўзга тутади.

Синф раҳбарининг ота-оналар билан моҳирона, яхши уюштирилган ва йўлга қўйилган иши, болалар билан олиб бориладиган бутун тарбиявий ишларнинг муваффақиятли бўлишига гаров ҳисобланади. Ташаббускор, ижодий ишлайдиган ота-оналар синф раҳбарига, синф жамоасини ташкил қилишдаги бебаҳо ёрдамчисидир.

Якка тартибдаги педагогик суҳбат синф раҳбарининг ўқувчилар ота-оналари билан олиб бориладиган ишининг энг оммалашган қулай ва самарали шакли ҳисобланади.

Суҳбат ёрдамида вужудга келадиган масалаларни тез ҳал этиш, ота-оналар билан ишончли муносабатлар ўрнатиш, ўқувчилар оилавий тарбия шароитлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, ота-оналарга педагогик билим бериш, боланинг якка тартибдаги ривожланиш дастурини биргаликдаги педагогик харакатлар системасини ишлаб чиқиш, ота-оналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатишларини ва тарбияси қийин бола ҳулқини тузатиш ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш, каби кенг кўламдаги таълим-тарбия вазифалари ҳал қилинади.

Ўқитувчилар у ёқи бу ўқитувчининг бирор ўқувчи унинг дарсида интизомни бузганлиги хусусидаги шикоятга жавобан ота-онани мактабга чақиртирадилар. Синф раҳбари ҳамма нарсани синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Баъзан ўқувчиларнинг дарсда ёмон ишлашга, гап қайтаришга ва ҳакозоларга ўқитувчининг ўзлари айбдор бўладилар. Бундай ҳолда ўқитувчида педагогик одобнинг йўқлиги ёки унинг дарсдан, синфдан ташқари таълим-тарбия жараёнини ёмон ташкил этганлиги учун маъсулиятни ўқитувчи ва ота-оналарга ағдариш нотўғри бўлур эди. Агар ўқувчи бир мунча тарбиясиз интизомсиз бўлса ҳам синф раҳбари ота-оналарга фақат унинг камчиликлари ҳақида гапирмаслиги керак. Бу уларнинг ёқимсиз бўлиб, улар ва педагог ўртасида ишончли муносабатлар ўрнатишига ёрдам бермайди.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши кўради, шунинг учун улар, ўз фарзандида ҳосил бўлган янги, ижобий куртаклар хусусида қувончни ўртоқлашадиган ва болаларнинг хулқидаги ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш юзасидан эҳтимол тутилган, биргаликдаги ҳаракатлар хусусида маслаҳатлашишни муҳим деб ҳисоблайдиган синф раҳбарига самимий ҳурмат ва ишонч билан қарайдилар. Бундай шароитда ота ёки она жуда ҳайрихоҳ бўлади ва синф раҳбари билан бажонидил алоқа боғлайди.

Синф раҳбарининг ўқувчилар оилаларида бўлиши мактаб ва оила ўзаро ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Оилада бўлишнинг мақсадини аниқ вазият белгилаб беради. Синф раҳбари нима мақсадда оилага боришга мувофиқ тарзда унга олдиндан тайёргарлик қўради (Ўқитувчилар билан маслаҳатлашади, ўқувчининг ўзлаштириши хулқини аниқлайди, аввалги бориши натижалари тўғрисидаги мавзуларни кўриб чиқади, суҳбат мазмунини ва шаклини белгилайди, муҳокама қилиш ота-оналар билан келишиш учун масалаларни танлайди, яқин келажак учун ота-оналарнинг тарбиявий вазифаларни, тавсияномаларни ва ҳаказоларни белгилаб олади).

Оилада бўлганда фақат маслаҳатчи бўлиб қолмасдан, ўзи ҳам ота-оналарнинг фикри ва таклифларига қулоқ солишлари керак, чунки улар фарзандларининг мувофаққиятидан бизга нисбатан кам манфатдор эмаслар. Юқори синф ўқитувчиларининг оилаларига боришни зарур деб ҳисоблайдиган синф раҳбари ноҳақдир. Юқори синф ўқитувчилари олдида касб танлаш муммоси туради, ота-оналар эса бунга ўз фарзандларининг у ёки бу фаолиятига қизиқиши ва қобилятини инкор этиб, ўз ҳаётий тажрибалари асосида ёндошадилар. Бу жиҳатдан синф раҳбари тамонидан одоб билан ёрдам бериши зарурлиги равшандир.

Жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш методикаси. Унинг моҳияти у ёки бу ривожланиш даражасидаги жамоа норматив таърифини аниқ жамоа таърифи билан таққослашдан иборатдир. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсаднинг, педагоглар билан ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳар томонлама собитқадам фаолиятининг, ўзаро маъсулиятли муносабатларнинг мавжудлиги: ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти ва ҳ.к.

Болаларнинг жамоа туркум нормалари ва қоидаларининг, интизомнинг бузилишга муносабатларини кузатиб, жамоасининг ташкилий тузилиши таъсирчанлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Жамоа ривожланишининг дастлабки боскичида болалар тарқоқ бўлиб, уларда якдил ва синф раҳбари таяниши мумкин бўлган таъсирчан фаоллар бўлмайди. Шунинг учун бундай жамоада

салбий ҳодисалар очиқ муҳокама қилинмайди, мустақил жамоа қарори қабул қилинмайди ва ҳакозо.

Агар жамоа ривожланишининг иккинчи босқичида бўлса, номигагина эмас, балки педагогнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдиган ҳақиқий ҳаракат қилувчи фаоллар бўлса, унинг айрим ўқувчилар ва жамоа олдига муайян талаблар қўйишни кузатиш мумкин.

Жамоа ривожланиш даражасидан далолат берадиган муҳим белгиларидан бири – ўқувчиларнинг биргалидаги фаолиятига иштиёқи чиқинди қоғоз ёки металлом тўплаш, кечага тайёргарлик кўриш каби мактаб тажрибасида мунтазам учраб турадиган ишларда кўзга ташланади. Синф раҳбари жамоанинг ривожланиш даражасини белгилаш учун болаларда уларнинг ҳозирги ва бўлажак ҳаётларида ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлари мавжудлигини билиш муҳим, яъни жамоанинг ҳаётий фаолияти истиқболларини барча ёки ярим ўқувчилар қабул қилишни ва бу истиқболларнинг хусусияти қандайлигини билиб олиш зарур. Агар бўлажак шанбалик ёки байрам кечаси болалар учун фаолиятга ундовчи бўлса ва кун истикбол фақат айрим ўқувчилар учун аҳамиятли бўлса, жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи ҳақида гапириш мумкин.

Жамоанинг ривожланиш даражасини аниқлашда ўқувчиларнинг фақат синфдан ташқари фаолиятида намоён бўладиган муносабатиларни таҳлил этиш билангина чекланиб бўлмайди. Синф раҳбари ишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у оддий болалар жамоасини эмас, балки ўқувчилар жамоасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг асосий вазифаси ўқишдан иборат. Шунинг учун синф раҳбари даставвал болаларнинг ўқишга қандай муносабатда эканлиларини ўзларини дарсда қандай тутишларини, уй вазфаларини сидқидилдан бажаришлари ёки бажармасликларини аниқлайди. Ва ниҳоят, энг муҳими – уларнинг ўқишдаги мўлжаллари нималардан иборат, бу молжаллар ижтимоий моҳиятга молик ёки эмаслиги ҳисобланади.

Педагог синф билан ишлашнинг дастлабки босқичида турли вазиятларга дуч келиши мумкин. Синфда ҳақиқий жамоа муносабатлари бўлмаслиги мумкин, бунда ўқитувчи ишни бошидан бошлашга тўғри келади. Кўпинча бундай ҳолат янги шаклланган, «йиғма» синфларда, янги қурилган мактабларда бўлиши мумкин. Тўғри бошқа ҳолларда ҳам шундай бўлиши, аввалги синф раҳбарининг куч-ғайрати муваффақият келтирмаган бўлиши, таркиби ўзгармаган жамоа 10-11 синфларда ҳам шаклланмаслиги мумкин.

Иккинчи томондан синф раҳбари синф билан ишлар экан, ҳар доим жамоа ривожланишнинг бошланғич даври билан иш кўради, деб мўлжаллаб бўлмайди. Бошланғич мактабдаёк кўпинча яхши синф жамоалари шаклланади. Ўқитувчи бундай ҳолда жамоа фаолиятининг аввалги тажрибасини таҳлил этади ва унинг анча юқори ривожланиш даражасига мос келадиган тарбия методларини қўллайди.

Комил инсон шахсини тарбиялашда жамоанинг роли ва аҳамияти мухимдир.

Одам боласининг ривожланиши бу муҳим жараён саналади. Бизга маълумки, ҳёти давомида инсон жисмоний ва психик томонидан ўзгариб боради, лекин болалик ва ўсмирлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола манба шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши ўзгариши шахс сифатида камолга этади. Бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига, таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Боланинг камолотига, руҳиятига, феъл-атвори шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир этади: биологик омил, ижтимоий омил ва тарбия таъсир этади.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Фаробий, Абу Али Ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар Фаробий инсон камолотида таълим тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «муносиб инсон» бўлиши учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олим имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда аҳлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яширишга олиб борадиган йўлдир дейди. Абу Али Ибн Сино этика ва аҳлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда ёритиб беришда ёрдам берди. У айниқса оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни

яхшилаб тарбия қилиши керак. Агар оилада тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса оила бахтли бўлади деган фикрни илгари суради.

Бола шахсининг ривожланишга, камол топишга ирсият, муҳит ва тарбия каби (таъсирлар) омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишга наслнинг таъсири ривожланишга наслнинг таъсири деганда, ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак, ҳар бир болага ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочнинг, кўзнинг, терисининг ранги, буйбасти ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Буларнинг барчаси жисмоний хусусиятларга киради. Булардан ташқари олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу эса физиологик хусусият ҳисобланади.

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан яна бири бу муҳитдир.

Муҳит деганда кишига ҳаяжонли таъсир этадиган ташқи воқеалар мажмуаси тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити киради. Шулар билан бирга муҳит-оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош уруғини кўради. Бола камолотида ижтимоий муҳит бўлиб ҳисобланади. Чунки бу эрда ишлаб чиқиш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонунқоидалар алоҳида таъсир қилади. Бу хил муносабат натижасида одам боласи ҳётга ва тажриба ва билимларини эгаллайди. Инсон камолотида ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда турлича бўлади, турли сотсиал гуруҳларга ҳам турлича таъсир этади.

Бизга маълумки комил инсон шахсни тарбиялашда юқоридаги омиллардан ташқари яна бир омил яъни жамоанинг роли ҳам катта ҳисобланади. Чунки жамоа ҳар қандай бола тарбиясини тўғри йўлга солади. Масалан, синф жамоасини оладиган бўлсак, агар шу синфда бир ёмон яъни хулқи, тарбияси жиҳатдан ёмон булса, шу синф жамоаси уни аста-секинлик билан ўз таъсирини албатта ўтказади. Яъни қандай йўллар билан деган савол туғилиш мумкин.

Масалан, тадбирлар ёки саёҳатлар орқали. Комил инсон шахсини тарбиялашда жамоанинг аҳамияти жуда катта. Азал-азалдан бизгача ота-боболаримиздан қолган ўлмас мақолларимиздан бирини шу ўринда келтириб ўтмоқчиман; «Ақлни беақлдан ўрган», ушбу мақол замирида бир қанча маънолар бор. Яъни жамоада ҳар хил болалар бўлиб, улар бир-бирига қараб ҳам ўзларидаги ёмон хулқларни юқотадилар. Бу хислатлар эса уларнинг комил инсон бўлиб тайёрланаётганидан дарак беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1.Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги байрамида Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 2020 йил 1 сентябрь.
2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” тантанали маросимдаги нутқи.
Maxkamov, U. I., & Ismoilova, D. M. (2021). Umumiy oʻʻrta taʼʼlim maktablarida tarbiyaviy ishlarning shakllari va usullari. Academic research in educational sciences, 2(4), 380-386.
3.Ulfat, M., & Dilafruz, I. (2020). Тарбия-юксак маънавият бешиги. Academic research in educational sciences

## TA'LIM SOHASIDA MA'LAKALI KADRLARNI TAYYORLASHDA MA'NAVIY YETUKLIK VA AXLOQIY MEZONLARNING AHAMIYATI

**D.I.Tosheva**
**Buxoro davlat universiteti Pedagogika kafedrasi o’qituvchisi**
**A. U.Salimova**
**Buxoro davlat universiteti Pedagogika va psixologiya ta'lim yo'nalishi 2-bosqich talabasi**

**Annotatsiya:** Bugungi axborot xuruji avj olgan, turli yot g'oya va mafkuralar keng quloch yoyib borayotgan tahlikali bir davda o'quvchi yoshlar, talabalar ma'naviyatini yuksaltirish, ularda o'ziga xos yot g'oyalarga qarshi ma'naviy immunitet hosil qilish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish har qachongidan-da dolzarb ahamiyat kasb etadi. Yoshlarning hayotida dolzarb ahamiyatga ega ma’naviyat — inson ruhiy va aqliy olamini ifodalovchi tushuncha. U kishilarning falsafiy, huquqiy, ilmiy, badiiy, axloqiy, diniy tasavvurlarini oʻz ichiga oladi. Shu jihatdan, mazkur tezisda ta'lim sohasida malakali kadrlarni tayyorlashda ma'naviy-axloqiy mezonlarning ahamiyati to'g'risida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** ta'lim, ma'naviyat, ma'rifat , ma'naviy yetuklik, globallashuv , axloq, milliy mafkura.

**Annotation:** In a dangerous period when the modern information crisis is raging and various alien ideas and ideologies are being widely considered, it is necessary to raise the morale of students, to create moral immunity against their alien ideas and meaningful assessment of working time is more important than ever. Spirituality is a concept that represents the spiritual and mental world of man. It realizes the philosophical, technological, scientific, artistic, moral, religious imaginations of the people. At the heart of the term spirituality is the word meaning.

**Keywords:** education, spirituality, enlightenment, spiritual maturity, globalization, ethics, national ideology.

Yuksak salohiyatli va tom ma'noda ma'naviyatli yoshlarni tarbiyalash va ularning ma'naviy barkamolligini shakllantirish vazifasi bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri ekanligi hech kimga sir emas. Globallashuv jarayoni va uning salbiy oqibatlaridan biri bo'lmish ommaviy madaniyatning yoshlar onggiga ta'siri nuqtayi nazaridan olib qaralganda, ma'naviyati yuksak, aqlan barkamol va ma'nan yetuk shaxslarni yetishtirish birmuncha mas'uliyatli va jiddiy vazifadir. Yoshlarning ma'naviyatini yuksaltirish uchun ular ongida manaviyat tushunchasini chuqur singdirish, qolaversa, birinchi Prezidentimiz I.Karimov ta'biri bilan aytganda, "Ma'naviyatni tushunish, anglash uchun avvalo insonni tushunish, anglash kerak" [1] ligini, ya`ni insonning o'zligini, qadr-qimmatini anglamog'i uchun qo'ldan kelgan barcha chora-tadbirlarni ko'rish lozim.

O'quvchi yoshlarga ta'lim-tarbiya berish masalasi bevosita ma'naviyat tushunchasi va uning mohiyati bilan chambarchas bog'liq. Ma'naviyat va ma'naviy yetuklik tushunchalari haqida quyidagicha ta'riflar keltiriladi: T. Mahmudov fikricha, "Ma'naviyat – insonning ma'lum darajadagi jismoniy, aqliy, axloqiy va ruhiy balog'ati va dunyoqarashini ifodalovchi tushunchadir" [2]. Yoki boshqa manbalarda shunday ta'riflar bor: "Ma'naviyat – odamning ruhiy va aqliy olamining majmuyidir", "Inson barcha tirik mavjudotning gultoji, hayot guli deyilganda, uning yuksak ma'naviyat egasi ekanligi nazarda tutiladi. Ma'naviyat insoniylikka olib boradigan, insonni inson, millatni millat qiladigan ajoyib xislat va fazilatlar yig'indisidir" [3]. Ma'naviyat insonning bilimi, tajribasi va mehnat malakasi, odob-axloqi, iymon va e'tiqodi, mafkuraviy qarashlarining yaxlit tizimidir. "Ma`naviy yetuklik shunday bir xazinaki, uni egallagan odam insoniy qadr-qimmatini hamma narsadan ustun qo'ya oladi, o'z manfaatini o'zgalar manfaati bilan qo'sha oladi, hayot-mamot masalalari hal bo'layotgan damlarda aql-idrok doirasidan chiqmaydi" [4].

Har tomonlama yetuk va raqobatbardosh kadrni tarbiyalash insoniyatning eng yorqin orzusi bo'lib kelgan. Biroq dunyo xalqlarining barchasi ham bu haqida o'ylayvermagan. Bunday orzudagi insonlar azaliy ma'rifatga, madaniyatga mansub bo'lgan yurtlarning donishmandlari – eng mo'tabar ziyolilar, hukmdorlari hisoblanganlar. Ularning orasida O'zbekiston deb atalmish muazzam zaminimizda yashagan bobolarimizning o'z o'rni, hurmati bor. Bu - jahon hamjamiyati tomonidan qabul qilingan haqiqatdir. Barkamol avlodni tarbiyalash orzusida o'z tariximizdan juda ko'p dalillar keltirishimiz mumkin.

Al-Farobiyning "Fozil odamlar shahri" asaridagi g'oyani yodga oling. Unga ko'ra jamiyatning har biir fuqarosi – mansabi, tutgan o'rni, ya'ni kim bo'lishidan qat'i nazar fozil kishi. Fozil inson o'z davlatining barcha qonun-qoidalarini yaxshi biladi, unga amal qiladi, fikrlaydi, o'z kasbining ustasi, lozim bo'lganda Vatani uchun jon fido qiladi. Fozillar shahri aholisi bir-biriga hurmatda bo'ladi, ota-ona va farzand, ustoz-shogird o'rtasida sharqona nazokat, mehr va ehtirom bo'ladi. Avvalo, bunday fikr yuritishning o'zi bobolarning ma'naviy darajasi naqadar yuksak bo'lganligini va albatta bunday fikr aytish bu borada ko'p asrlik meroslarni o'rganish natijasida vujudga kelishini ta'kidlash joiz. Demak, bizning barkamol avlodni tarbiyalash haqidagi niyatimiz uchun ma'naviy asos bor. Millatimiz urf-odatlaridagi, qonidagi ma'rifat tushunchasi, ilm va bilimga intilishi xislati bir necha ming yillar davomida shakllangan va sayqal topgan. Bir so'z bilan aytganda, ma'rifatga intilish xalqimizning azaliy fazilatlaridan biridir. Bobolarning shu kabi o'y-fikrlari tildan-tilga ko'chgan. Bunday xalqdan ayniqsa ma'rifatparvarlar xabardor bo'lishgan. Chunonchi, Sohibqiron A.Temur ham buyuk davlat qurishda, ish yuritishda o'tib ketgan bobolarning o'gitlari, davr donishmandlarining maslahatlari bilan ishlanganligi tarixiy manbalarda ma'lum. Insoniyatda, ma'lumki, o'sha davrda ilm-fan rivoji uchun sharoit yaratilgan. Madaniyat rivojlangan, bugun dunyoni lol qilgan osmono'par minora-yu masjidlar bunyod etilgan. Bu davlatni barcha davlatlar eng yuqori madaniyat o'chog'i sifatida tan olishgan, o'z elchilarini jo'natishgan. Elchilar yuborish ma'qul davlatni hurmat qilish, tan olish natijasidir. Amur Temur asos solgan davlatni jaholat botqog'iga botgan avlodlar tanazzulga giriftor etdilar.

Bugungi kunda bu masalalarga birinchi darajali ahamiyat berishimizning boisi – imoni butun, e'tiqodi sobit va axloqiy fazilatlari yuksak shaxslargina jamiyat oldida turgan murakkab vazifalarni ham barqaror hal qila oladilar. Buyuk kelajak ma'naviy barkamol insonlarga tayangandagina yaratiladi, qad

ko'taradi. Boshqacha aytganda, ma'naviy barkamol insonlargina buyuk kelajakni yarata oladilar. Shuning uchun ma'naviy barkamol insonni, sog'lom avlodni tarbiyalash muhim va dolzarbdir. Biz sog'lom avlodni tarbiyalash, voyaga yetkazishimiz kerak. Barkamol kishi deganda, faqat jismoniy sog'lomlikni emas, balki sharqona axloq – odob va umumbashariy g'oyalar ruhida komil topgan insonni tushunishimiz darkor. Demakki, Sharqona axloq – odob umumbashariy g'oyalar ruhini onggiga singdirib olgan kishi yuksak ma'naviyatli, ya'ni barkamol inson hisoblanadi. Ma'naviy barkamol insonning dunyoqarashi, e'tiqodi, ruhiyati, xulq – atvori normalari, axloq – odobi bilan bevosita aloqadorlikda olib qaraladi. Ma'naviy barkamol insonlar xalq taqdiri va farovonligi, elimiz taqdiri va uning ravnaqini o'ylaydilar. Ular mutellikda, qaramlikda yashashni xohlamaydilar.

Biz xalqimizning dunyoda hech kimdan kam bo'lmasligi, farzandlarimizning tarbiyasi va ma'naviy kamoloti va bu borada ma'naviy tarbiyasi, hech shubhasiz, beqiyos ahamiyat kasb etadi. Agar biz bu masalada hushyorlik va sezgirligimizni, qat'iyat va masuliyatimizni yo'qotsak, bu o'ta muhim ishni o'z holiga, o'zibo'larchilikka tashlab qo'yadigan bo'lsak, muqaddas qadriyatlarimizga yo'g'rilgan va ulardan oziqlangan ma'naviyatimizdan, tarixiy xotiramizdan ayrilib, oxir-oqibatda o'zimiz intilgan umumbashariy taraqqiyot yo'lidan chetga chiqib qolishimiz mumkinligini ma'rifatparvarlar bot-bot takrorlashadi. Erkin fuqaro ma'naviyatini, ozod shaxsni shakllantirish masalasi oldimizda turgan eng dolzarb vazifadir. Boshqacha aytganda, biz o'z haq-huquqlarini taniydigan, o'z kuchi va imkoniyatlariga tayanadigan, atrofida sodir bo'layotgan voqea-hodisalarga mustaqil munosabat bilan yondashadigan, ayni zamonda shaxsiy manfaatlarini mamlakat va xalq manfaatlari bilan uyg'un holda ko'radigan erkin, har jihatdan barkamol insonlarni tarbiyalashimiz kerak. Shu ma'noda o'quvchilarimiz, talabalarimizni yuksak axloqiy sifatlar egasi, barkamol shaxs etib tarbiyalash hukumat va jamiyatning asosiy maqsadi hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. Toshkent, “Ma'naviyat”, 2008, 16, 21-betlar;
2. Mahmudov T. Mustaqillik va ma'naviyat. T.: O'zbekiston, 2001, 9-bet.
3. Imomnazarov M. Milliy ma'naviyatimizning takomil bosqichlari. T.: “Ma'naviyat”, 1996, 6-bet;
4. A'zamov E. Yuksak pog'ona. Ma'naviyatning oydin yo'li. T.: “Ma'naviyat”, 1996, 32-bet;

# OILADA BOLALARNI MILLIY QADRIYATLAR VOSITASIDA AXLOQIY TARBIYALASH

**S. Z.Jabborova**
**Buxoro davlat universiteti**
**maktabgacha ta'lim kafedrasi o'qituvchisi**

**Annotatasiya:** ushbu maqolada oilada bolalarni milliy qadriyatlar vositasida axloqiy tarbiyalash xususida so'z yuritiladi.

**Аннотация:** В статье рассматривается нравственное воспитание детей в семье через национальные ценности.

**Annotation:** this article discusses the moral upbringing of children in the family through national values.

**Kalit so'zlar**: xalq og'zaki ijodi , milliy qadriyatlar, maqollar, matallar, topishmoqlar, tarbiya.

**Ключевые слова**: фольклор, национальные ценности, пословицы, поговорки, загадки, образование.

**Keywords:** folklore, national values, proverbs, sayings, riddles, education.

Oila jamiyatning asosiy va boshlang'ich pog'onasi, insoniyat tomonidan tuzilgan ilk ittifoqning dastlabki shakllari birinchi jamoalari «oila», ya'ni «ahli bayt» (ahli ayol) bo'lgan. Ahli bayt jamoalari asta-sekin rivojlanib, qavm va qabila jamoasiga aylangan» .Demak, jamiyat hayotining boshlang'ich bosqichi oilaning tuzilishi bilan boshlanadi, inson yirik jamoa bag'rida kichik ittifoqi oilasi bilan birga o'zini baxtli his etadi.

Oila-kishilarning tabiiy-biologik, iqtisodiy, ma'naviy munosabatlariga asoslangan ijtimoiy birligi bo'lib, inson yashashi uchun qulay sharoit yaratib beruvchi, uning turli ehtiyojlarini qondiruvchi makondir.

Shuningdek, oila hayot, avlodlarning davomiyligini ta'minlaydigan, muqaddas urf-odatlarni saqlab kelgusi avlodlarga yetkazadigan, kelajak nasllar qanday inson bo'lib yetishishiga bevosita ta'sir ko'rsatadigan tarbiya o'chog'idir. Oila a'zolarining o'zaro tengligi, bir-birlarini anglab yashashlari, avlodlar davomiyligini ta'minlaydigan, ularni iqtisodiy, ma'naviy, axloqiy, jismoniy, estetik jihatdan tarbiyalovchi ijtimoiy tarbiyaviy aqamiyatga ega bo'lgan institutdir.

Xususan, oilaga tegishli milliy an’ana, hayotbaxsh udum va urf-odatlarni avaylab-asrash, ularni umuminsoniy qadriyatlar bilan integratsiyalash, onalik va bolalikni muhofaza qilish, oilaning barkamol avlod tarbiyasi bilan bog’liq muqaddas vazifani amalga oshirishiga har tomonlama ko’maklashish O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori bilan «Oila» ilmiy-amaliy markazi zimmasiga yuklangan.

Zardushtiylikning muqaddas kitobi «Avesto»da mehnat tufayli halol kun kechirgan inson ulug’lanadi, unda ta’kidlanishicha, yerga mehr qo’ygan oila boshlig’igina o’z oilasini boqa oladi. Ushbu muqaddas asarda oilani himoyalash muammosi o’rtaga qo’yilgan. Bir necha bolani dunyoga keltirib, tarbiyalagan ayollarni mukofotlash, nafaqa tayinlash g’oyasi ilgari surilgan.

Abu Ali ibn Sino «Tadbiri al-manozil» asarining katta bir qismi oilaviy tarbiya muammolariga bag’ishlanadi. Unda bola tarbiyasida allaning ahamiyati yoritiladi.

Bolaning barkamol inson bo’lib yetishishida xalq og’zaki ijodi ta’siri natijasida vujudga kelgan ruhiy, fizologik holati alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki xalq og’zaki ijodi namunalari bolani chidamlilik, mardlik, jasorat va mehnatsevarlikka undaydi, uning ruhiyatiga ko’tarinkilik bag’ishlaydi. Abu Ali ibn Sino kattalarni ogohlantirib, yosh bolaning sezgir va ziyraklik darajasi yuqoriligini uqtiradi.

Ibn Sino oila tarbiyasida otaning o’rniga alohida e’tibor beradi. Uning fikricha, oila boshlig’i oila a’zolarini tarbiyalashi, ularni to’g’ri yo’lga boshlashi lozim.

Kaykovusning «Qobusnoma» asarida ota-ona va farzandlar o’rtasida mehr-oqibatning saqlanishiga e’tibor beriladi. Bunda ota o’z o’g’liga nasihat qilarkan xalq donishmandligidan unumli foydalanadi. Bola tarbiyasiga oqilona, oqibat natijalarini o’ylagan holda, muloqaza bilan yondashish, xalq donishmandligidan unumli foydalanish, hatto farzanddan norozi bo’lganda ham uni urushdan saqlanish, bu sohada ustozlaridan ko’mak so’rash lozimligi uqtiriladi.

Oila tarbiyasining nazariy asoslarini tadqiq qilish bir qadar keng ishlangan hamda shu bilan bir qatorda o’ta dolzarb muammolardandir. Ushbu muammo ustida o’zbek pedagoglari ham samarali izlanishlarni amalga oshirganlar. Jumladan, A.Munavvarov, M.Inomova, O.Musurmonovalarning oila tarbiyasiga oid tadqiqotlarida oila ma’naviyati, farzandni sog’lom turmush tarziga juda yoshligidan boshlab odatlantirish, o’zbek oilalarida bolalarni ma’naviy axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlaridan foydalanishning pedagogik asoslari, o’zbek oilachiligida xalq ijodidan foydalanish muammolari tadqiq qilinib, oilada ma’naviy tarbiyani takomillashtirishning zamonaviy usul va vositalari, bu sohada ajdodlarimiz tomonidan ilgari surilgan g’oya va qarashlar chuqur tahlil qilingan.

Taniqli oilashunos olim, professor A.Munavvarov O’zbekistondagi oilaviy tarbiya taraqqiyoti bosqichlari tarixini yozib, uni xorijiy davlatlardagi oila tarbiyasiga oid tajribalar bilan qiyoslaydi. Uning «Rivojlangan jamiyatda oila va uning tarbiyaviy vazifalari» (1990 yil), «Oila pedagogikasi» (1994 yil), «Bolalar kelajagimiz» (1998 yil), «Oila muqaddas dargoh» (1998 yil) kabi qator asarlarida oila tarbiyasi, uning maqsad va vazifalari, oila tarbiyasi samaradorligini oshirishning shakl, usul va vositalari nazariy talqin etilgan.

Ota-onaning vazifasi o’z-o’zini tinimsiz takomillashtirib borish, o’z xatti-harakati va faoliyatini nazorat qila olish, oqil va samimiy bo’lishga intilishdan iborat.

Ya.G’afforovning «Oilada huquqiy tarbiya» nomli risolasida oilada bolalarni huquqiy tarbiyalash muammolari tadqiq etiladi.

Oilaviy tarbiya pedagogik tushuncha bo’lib, u ota-onalarning o’z xayotiy faoliyatlari, turmush tarzlari, an’analari yordamida bola shaxsiga siyosiy, huquqiy, axloqiy, estetik, diniy qarashlar va tasavvurlarni shakllantirishni nazarda tutib, bir maqsadga qaratilgan holda muntazam olib boriladigan izchil ma’naviy ta’sir o’tkazish jarayonini ifodalaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqi// Xlq so`zi-2020. 24-sentabr № 202.

2.Faxr – ul Banot. Oila saboqlari, – T.: YOzuvchi, – 94 b.

3.Fayzieva M., Jabborov A. Oilaviy munosabatlar psixologiyasi. - T.Ш арк 2007

4.Hasanboeva O. va boshqalar. Oila pedagogikasi. - T.: Aloqachi, 2007 y.

5.Holmatova M. Oilaviy munosabatlar madaniyati va sog‘lom avlod tarbiyasi. – T.: O‘zbekiston. 2000, – 216 b.

6.Ibrohimov A., Sultonov X., Jo‘raev M. Vatan tuyg‘usi – T.: O‘zbekiston, 1998, – 398 b.

7.Imomnazarov M. Milliy ma’naviyatimiz naza- riyasiga chizgilar. – T.: SHarq: 1998, – 239 b.

8.Inomova M.O. Oilada bolalarni ma’naviy- axloqiy tarbiyalashda milliy qadriyatlardan foydala nishning pedagogik asoslari (mustaqil hayot bo‘sag‘asidagi yoshlar): Pedagogika fanlari doktori...dis./ Nizomiy no- midagi Toshkent Davlat pedagogika in-ti. – Toshkent, 1998.

# МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ

**Н.А.Рахимова**
**БухДУ Педагогика кафедраси укитувчиси**

Таълим ислоҳотининг ҳозирги талаби турли босқичдаги таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи вазифаларини ҳам ўзгартиради. Таълим-тарбия иши билан машғул бўлган ўқитувчининг фаолияти таълим учун шароит яратишга, ўқув жараёнида шахснинг эҳтиёж ва истъедодини шаклланишига йўлланган бўлиши керак. Турли таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ҳар бир ўқитувчининг касбий малакасида икки қирра мавжуд. Булар: а) ихтисослик бўйича тайёргарлик; б) педагогик тайёргарлик. Ўқитувчи фаолияти доимо қуйидаги масалаларни ечишга қаратилади: Нимани ўқитиш керак? Кимни ўқитиш керак? Қандай ўқитиш керак? Қаерда ўқитиш керак?

Бу саволларга тўғри ечим топиш, у ёки бу вазиятлардан педагогик мақсадга мувофиқ йўл топа олиш ўқитувчидан юксак маҳорат ва чуқур касбий билимни талаб этади. Бу муаммоларнинг ечими педагогика фани асосий қонунларини билишга асосланган бўлиши лозим.

Ҳозирги босқичда ижтимоий туб ўзгаришлар педагогик концепцияларни қайта кўришни, инсон-шахс-индивидга замонавий талаблар нуқтаи назаридан ёндашишни талаб қилади.

Педагогикани янги тамойиллар асосида қайта қуришнинг муҳим муаммоси ўқитувчининг профессионализми асосини ташкил этувчи педагогик жараённинг назарий мезонларини ишлаб чиқишдир. Бу соҳадаги долзарб муаммолардан бири – юқори малакали рақобатбардош ўқитувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий билимдонлигини шакллантириш, услубий маҳорати ва салоҳиятини кўтариш, ўқитувчиларни янги педагогик технологиялар билан қуроллантириш.

Бўлажак ўқитувчилар ўз мутахассислиги бўйича ҳар қанча пухта билимга эга бўлмасин, фақат шу билимнинг ўзигина уларнинг маҳоратли ўқитувчи бўлиб шаклланишлари учун етарли ҳисобланмайди. Чунки педагогикада “маҳорат фақат фаолият жараёнидагина шаклланади” деган аксиома мавжуд. Дарҳақиқат, педагогик фаолиятга ҳали киришмаган ўқитувчининг педагогик касбга лаёқатини, қобилиятини, иштиёқини билиш қийин. Шунинг учун маҳоратли ўқитувчиларга нисбатан “икки марта уста” деган иборани ишлатиш мумкин. Чунки у ҳам ўз фаолиятини ташкил этиб бошқаради, ҳам ўқувчи фаолиятини ташкил этади, бошқаради ва назорат қилади.

Бу кўникмаларни мукаммал эгаллашнинг асосий шартларидан бири – бу педагогик фаолиятнинг ўзи тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлиш, уни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш ҳамда натижаларини таҳлил қила олишдир.

Педагогик фаолият мақсади ўқитувчидан жамиятнинг ижтимоий топшириғига нисбатан шахсан қабул қилиш; муайян хатти-ҳарактларнинг мақсад ва вазифасига ижодий ёндашиш; ўқувчи қизиқишларини ҳисобга олиш ва уни ўқув фаолияти мақсади сифатида такомиллаштира олишни талаб этади.

Педагогик фаолият объекти – бу инсон, шаклланаётган шахс руҳий оламининг нозик қирралари – ақл, ҳисиёт, идора, ишонч, ўз-ўзини англаш демакдир. Педагогик фаолият боъектининг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Инсон табиатнинг жонсиз бир бўлаги эмас, балки ўзининг такрорланмас шахсий хусусиятларига эга бўлган, атрофдаги воқеа–ҳодисаларга нисбатан ўз тушунча ва муносабатига эга (жонли) ақлли мавжудот. У педагогик жараённинг иштирокчиси, унинг ўз мақсади, мотивлари, ўзига хос хулқ–атвори бор. Бинобарин, педагогик фаолият объекти унинг субъекти ҳамдир. Чунки у педагогик таъсирга нисбатан ҳар хил муносабат билдириши мумкин. Зеро, бу таъсирни у ўз ички дунёси орқали қабул қилади.

2. Ўқитувчи мунтазам ўзгариб, ўсиб бораётган инсон билан ишлайди. Унга нисбатан қолипга солинган, стереотип хатти–ҳаракатларни қўллаб бўлмайди. Бу жуда мураккаб жараён ҳисобланиб, ўқитувчидан доимий изланишни талаб этади.

3. Ўқувчига фақат педагоглargина эмас, балки уни ўраб турган муҳит ҳам турли йўналишларда бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун педагогик фаолият шу таъсирларни коррекциялашни, яъни тарбиялаш, қайта тарбиялаш ҳамда шахснинг ўз-ўзини тарбиялашини ташкил этишни ҳам кўзда тутади.

Умуман замонавий педагогика ҳамкорлик педагогикаси бўлиб, у мактабдаги муносабатларни эркинлаштиришга йўналтирилган ва ўқувчини фаоллаштиришга, уни педагогик жараённинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айлантиришга ҳаракат қилади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти, энг аввало, унинг мутахассис сифатида шахсий маъно касб этиши билан узвий боғлиқ. Ушбу ҳолат мантиқий иерархик принципни ўзида акс эттиради, чунки таълим шахсни тараққиёт кўрсаткичига (ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи) боғлиқ бўлиб,

иккиёқлама таъсир, ҳамкорлик маҳсули самарадорликни белгилайди. Худди шу муносабат билан педагогик фаолиятнинг шаклланиши, ривожланиши, ушбу касб эгалари шахсиятга йўналганликдан ажралган ҳолда ҳукм суриши мумкин эмас. Шунинг учун, касбий ривожланиш билан ижтимоий тараққиёт ўртасидаги чекланганлик нуқтаи назаридан муаммони тадқиқ этиш педагогика фанининг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Педагогик фаолият жамиятда муҳим ижтимоий-маърифий мавқеъга эга. Зеро, у даврлар занжирини бир-бирига боғлаб, авлодларни ҳаётга иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий-эстетик жиҳатдан тайёрловчи фаолиятдир. Шунинг учун ҳақли равишда айтиш мумкинки, педагогик фаолият энг қадимги фаолият бўлиб, ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳисобланади. Ҳатто инсоният жамият тараққиётининг ибтидоий даврида ҳам яшаш, авлодни сақлаб қолиш ва давом эттириш учун табиатнинг инжиқликларига, стихияли кучларга қарши кураш олиб бориш жараёнида амалий педагогик фаолият вужудга келган ва у тартибга солинган. “Бу амалий педагогик фаолият,– деб ёзади рус педагоги И.Ф. Козлов, –ўқувчилар тарбиясини мақсадга мувофиқ йўналтириши ва бошқариши учун турли таълим-тарбия муассасалари, катталар, олдинги аждодлар, ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаб фаолиятининг умумлашмасидир”[1].

Педагоглик касби жамият ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун жуда муҳим вазифани бажарган, чунки у ҳолда келажак авлодни ҳаётга тайёрлашда ворисликни амалга оширган. Бунда педагог касб эмас, тарбиячи-мударрис деб ном олган. Тарбия–ижтимоий ҳаётнинг зарурий воситаси бўлганлиги сабабли, бу касб билан шуғулланиш, тарбиячилик касбини майдонга келтирган. Кекса аждод, келажак авлодга тўплаган турмуш тажрибаларини ўргатган. Фаолият бевосита меҳнат жараёнида амалга оширилган. Педагогика тарихи ва назариясининг маълумотларига кўра ибтидоий жамоа тузумининг уруғчилик босқичида жамият кишилари уч гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳни янги туғилган гўдаклар ва меҳнатга кучи етмайдиган болалар ташкил этган; иккинчи гуруҳни меҳнат ва ҳаётнинг тўлақонли хўжайинлари, яъни меҳнат билан жамоа аъзоларини боқувчилар, учинчи гуруҳни эса жисмоний меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган қариялар ва кексалар ташкил этган. Ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, уларга турмуш тажрибаларини ўргатиш, ёш авлодни чидамли, иродали ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, чиниқтириш учун машқ қилдириш ишлари учинчи гуруҳ кишилари, яъни кексалар – жисмоний меҳнат қобилиятини йўқотган қариялар зиммасига тушган ва улар ёшларнинг тарбиячи-мударрислари номини олган.

Маълумки, ижтимоий воқеликнинг бир бўлаги сифатида инсон табиатни ўзлаштиради, уни ўз эҳтиёжларига мос равишда ўзгартиради, кўпайтиради ва ривожлантиради ҳамда шу тариқа ўзи ҳам такомиллашиб боради. У ўзининг ижтимоий қимматли сифатларини ривожлантиради ва ижодий кучларини такомиллаштиради. Бу жараёнда педагогик ижтимоий ҳодиса сифатида муҳим аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Абдуллаева Ш. А. ва бошқ. “Педагогика” – Тошкент., “Фан”, 2004 йил.
2. Гоноболин Ф.Н.Ўқитувчи ҳақида қисса.-Тошкент, “Ўқитувчи”, 1965, 14-бет
3. Зуннунов А.- «Педагогика назарияси». Олий ўқув юртлари учун Ўқув қўлланма. – Тошкент, «Алоқачи», 2006 йил.
4. Козлов И.Ф. Педагогический опыт А.С.Макаренко.-М.:1987, с-43


## БУХОРО МУТАФФАККИРИ АҲМАД ДОНИШНИНГ ТАЪЛИМ – ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ САЪЙИ ҲАРАКАТЛАРИ


**О.Ш.Ахмадов**
**БухДУ Педагогика кафедраси ўқитувчиси**
**П.Пиримова**
**БухДУ Педагогика факултети 4-4 PPS-19 гуруҳ талабаси**
**М.Абдурасулова**
**БухДУ Педагогика факултети 4-4 PPS-19 гуруҳ талабаси**


Аҳмад Донишнинг ота-онаси хат-саводли кишилар бўлган. У ўзининг илк муаллими сифатида онасини эслайди. Мактабга бормасдан илгари онаси ҳузурида хат - савод чиқаради. 9 ёшида Қуръоннинг тўртдан бирини, «Чор китоб»нинг бир китобини ўқиб битиради. Мактабга қатнай бошлагач, унинг қизиқиши ва тасаввур дунёси янада кенгаяди.

Мактабдан чикиши билан каерда қиссахонлик мажлиси бўлган бўлса, ўша ерга қараб чопган. Пайғамбарларнинг аҳволи, подшоҳларга доир вокеаларни тинглаб завқланган, уларни

[1] Козлов И.Ф. Педагогический опыт А.С.Макаренко.-М.:1987, с-43

қанча эшитса, яна эшитгиси келган. «Подшоҳларнининг салтанат ва давлат қурилишларидаги уруш - талашишлари, қанчадан-қанча ноҳақ қон тўкишларини, тахт ва бахтдан ажралган шоҳларнинг ҳалок бўлганларини дунёнинг ва дунёдаги халқларнинг қандай ўзгаришлар устида турганини билиб ҳайрон қолган[1].

Ёш авлодга касбий таълим-тарбия бериш Ахмад Дониш қарашларининг асосий муҳим омил ҳисобланади.

Унинг XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ёзилган фалсафий, ижтмоий-сиёсий, аҳлоқий-тарбиявий масалаларга бағишланган "Наводир ул-вақое" китобида "Фарзандларга васият. Касб ва ҳунарнинг фойдалари ҳақида" номли алоҳида боб бўлиб, унда истеъдодли мутафаккирнинг тажрибалари асосида чиқарган ҳаётий хулосалалари, панд-ўгитлари баён этилган. Бобнинг асосий ғоявий мазмунини болаларнинг илм ва ҳунар ўрганишга даъват этиш фикри ташкил этади. "Ўғилларим, сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ушланглар, шу билан жамиятга ҳам ёрдам қилган бўласизлар"[2] деб уқтиради Аҳмад Дониш.

Унинг фикрича, ҳунар ва илм кишининг аклига, руҳига тарбия беради. У яна хунарлилик ва мехнатсеварлик кишини хуш хулқ қилиниши, уни таъмагирлик ботқоғидан қутқаришини таъкидлайди. Ахмад Дониш билим ва хунар эгалламай, ўзининг насл-насаби билан мақтаниб юрадиган ёшларни қаттиқ танқид қилади. Унинг фикрича, бундай ёшлар, бирор ижобий фазилатга эга эмас, улар ҳосил бермайдиган, мевасиз дарахтга ўхшайди, ундайларнинг жамиятга фойдаси тегмайди, аксинча зарарли, таъсир курсатади.

Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарини камолга етказиб уни халққа билдириб, юзага чиқаришга интилиб яшайди.

У яна меҳнат қилмай, дангасалик билан кун ўтказган одам бу дунёда ҳам, у дунёда хам обрў топа олмайди, - деб ёзади. Унинг фикрича, хар бир мусулмон одам энг аввал ўзига зарур бўлган илмларни ўқиши фарздир. Шундан сунг тирикчилик учун бирор касб-хунар урганиши лозим[3].

У касб-ҳунарнинг энг улуғи ҳақида шундай ёзади: "Юраклари дунё ғаразларидан пок бўлиб, мударрислик, муаллимлик хизматларини қилсалар, бундан улуғ касб йукдир".

Ахмад Дониш касб-ҳунар ва унинг фойдалари хакида гапирар экан, меҳнатсеварликни, ҳалолликни улуғлаб, ялқовлик ва дангасаликни кескин қоралайди. Ялқовлик ва дангасалик билан умр кечирган одам инсоният шарафидан ажралган бўлиб, икки дунёда хай зиён кўражагини билдиради.

У ўз даврида халқ ўртасида тараққий топган ҳунарлар - заргарлик, темирчилик, дурадгорлик, тўкувчилик, тикувчилик эканлигини санаб ўтади.

Деҳқончилик соҳасида эса, кўчат кўпайтириш, пайвандчилик, богбонлик шундай хунарлардан эканлигини билдиради. Буларнинг барчаси тирикчилик учун керакли касб-хунарлардир деб, дунё ободонлиги учун уларни билиш зарурлигини уқтиради.

Ахмад Дониш касб-хунар ва илм, юксак аҳлоқийлик, комиллик инсонни мўътабар ва азиз, бахтли ва саодатли қилишини, яхши ўйлаб, қунт билан эгалланган касб-хунардан ҳақиқий бахт кошонасини қўриш мумкинлигини ёш авлодга уқтириб ўтади.

Маълумки, Аҳмад Дониш яшаган тарихий даврда Бухоро амирлиги ўзининг чуқур иқтисодий, сиёсий, маданий инқирозини бошдан кечирди. Амирлик ҳукуматида фаолият олиб борган шайх ва уламолар, турли мансаб эгалари (қозилар, қишлоқ оқсоқоллари) алдов, порахўрлик, лаганбардорлик, иккиюзламачилик каби иллатлар ботқоғига ботиб қолган эдилар. Улар ҳақида фикр билдириб Ахмад Дониш: "Мен кўряпманки шайхлар - ёлғончи, уламолар - порахўр. Менинг ўзим ҳақиқат йўлини топа олмай қолдим, ақлимга сиғдира олмайманки**,** ҳақиқат йули ёпик, алдамчиликнинг - катта йўли очик, бундай - ҳолатнинг моҳиятини тушуна олмай қолдим[4]" - деб ёзади.

Юқори мартабали кишиларнинг барчаси муаллим деб аталувчи улуғ зотнинг қўлида таҳсил олаётгани, уларга масжидлар қошида амал қилиб турган бошланғич мактаб ўқитувчилари, сўнгра эса мадраса мударрислари таълим бераётганлиги маърифатпарварни ташвишга солади.

У ўз даври муаллимлари ҳақида фикр юритар экан: "Масалан, бизда бошлашғич мактаб ўқитувчиси мударрисдан юқори туради. Чунки у ўқувчиларни ўқитишдан ҳеч қандай моддий

---

[1] "Ахмад Дониш - XIX асрнинг буюк мутафаккири ва тараққийпарвари" мавзуида Республика илмий - назарий конференция материаллари. - Бухоро-2007.- Б. 79.

[2] Ўша жойда - Б. 75.

[3] Ўша жойда - Б. 115.

[4] Ахмад Дониш. Главы из книги "Редкостные–события" / В кн: Путешествие из Бухары в Петербург,- Сталинабад, 1960. – Стр. 226.

манфаат кўзламайди. Мударрис эса ўз фаолиятини шахсий манфаатсиз тасаввур қилмайди. Бошланғич мактаб ўқувчилари ўқишга мажбур қилинишларидан мақсад саводли бўлиш кераклигини тўғри тушунадилар" - деб ёзади. Муаллим фидойи бўлса, болаларга илм беришдан мақсад уларни ҳаётга йуллаш эканлигини тушунса ва шунга интилса, ундан маълумот олган болалар чиркин дунёдан холи бўлиб, тўғри йулдан кетишлари Аҳмад Дониш томонидан ёзиб қолдирилган. Бу ўринда донишманд ҳалоллик ва адолат мезонини сақлай олган ва ибрат-намуна кўрсата олган муаллимгина ёшларнинг фойдали келажагини таъминлай олишига урғу беради.

Бухоро мадрасаларидаги кўпгина толиби илмлар учун ўқишдан мақсад чиновник бўлиш, мансаб пиллапояларидан муваффақият ва фахр билан кўтарилиш, келажакда бойлик тўплаш бўлиб қолганлиги унинг томонидан афсус билан қайд қилинган. Мударриснинг фикри шу тахлитда бўлганидан кейин толиби илмдан нима кутиш мумкин? Ҳолбуки, Аҳмад Дониш фикрича, ҳар бир мадраса талабаси таълим жараёнида ўзидаги иймон ва эътиқодни мустаҳкамлаши, инсоният яратган илмларни қунт ва чидам билан эгаллаши, ҳаётда камтарин ва аҳлоқли бўлиши кабилар мавжуд жамиятни соғломлаштириш тамойилидир. Ушбу қарашларнинг ҳозирги давр учун ҳам аҳамияти бекиёслиги сезилиб турибди ва бу, айни пайтда, маърифатпарвар ғояларининг умрбоқийлигидан далолат беради. "Ўз устида муттасил ишламаган, ахлоқи ва кундалик маиший турмуши билан толиби илмларга салбий таъсир курсатган мударрис шогирдлар тайёрламайди, балки қароқчининг қўлига қилич тутқазади[1]" - дейди Аҳмад Дониш.

Аҳмад Дониш муаллимлик касбини машаққатлари ҳақида ҳам фикр юритиб, кундуз куни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулотда банд бўлади, кечқурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, хуллас, у умр буйи ўқийди ва ўз касби билан муттасил, танаффуссиз шуғулланади каби қимматли фикрларни баён қилган. Аҳмад Дониш ўзининг мударрислик касбини танламаганлиги сабаблари ҳақида хам тўхталиб ўтган: "Мен бундай машғулотда (муаллимликда), касбда ушбу ва у дунёда ҳеч қандай фойдали жиҳатлар кўрмадим. Бу дунёда мударрисларга 300 динор микдорида маош тўлашади. Мен: "Шундай оз микдордаги сумма ўсмир ва болаларнинг шовқин-суронига чидашга арзийдими?" - деб ҳисобладим. У дунёда эса мударрисга бу дунёда олган бир дирҳамига икки дирҳам тўлов беришга тўғри келади[2]"- каби фикрларни ёзиб қолдирган.

Бу билан адиб мамлакат истиқболини таъминлашда муҳим тоифа ва асосий бўғин бўлган мударрисларга амирликда ҳатто ўз оиласини таъминлашга ҳам етадиган маош тўланмаганлиги, мударрислар ўша 300 динорлик оз маошни ҳам ҳалол қилиб олмаётганлиги, улар бу гуноҳлари учун охиратда сўрок қилинишини афсус билан қайд этган.

Аҳмад Донишнинг таълим- тарбияга бағишланган "Наводир ул-вақое" (Нодир воқеалар) китобида "Эр-хотин муносабатлари қоидалари ва қайноналар душманлиги" мавжуд тарбияси ҳақида қимматли маълумотлар беради. Оила муқаддас даргоҳдир. У никоҳ асосида оила қуришнинг аҳамияти ҳақида ёзар экан, хотинни каердан излаш керак? Уйланишнинг фойдаси, эр-хотин бўлиб яшаш қонун- қоидалари, шартлари, кандай қилиб келишувда ва тенг яшаш мумкин? деган саволларга турли манбаларга, оилавий тажрибалар асосида маънавий-маърифий далиллар келтириб жавоб беришга интилади, никоҳ асосида оила қуришнинг жойи ва ўрни борлигини, у ижобий жиҳат эканлигини уқтиради, салбий жихатлар сабабларини очиб беради.

Аҳмад Дониш фикрича, оила қуришдан мақсад наслни давом эттириш ва бола тарбиялашдир. Бироқ оила деган жамиятда ҳар бир оила аъзосининг ёшидан қатъий назар ўз ўрни, мавқеи, хурмати бор. Оила мустаҳкам бўлиши учун эр-хотин, ота-она, фарзанд, қариндошларнинг ўзаро ҳурматга асосланган муомала масаласига эътибор бериш, кераклиги, оиланинг иқтисоди эса халол луқма ва тежамкорлик асосида бошқарилиши мақсадга мувофикдир, деб билади.

Аҳмад Дониш талқинича, оила қуришда, жуфти ҳалол танлашда фақат бойлик учун, фақат фарзанд учун, фақат насл-насабига қараб уйланиш шарт эмас. Бироқ жуфти ҳалол танлашда қиз боланинг насабига эътибор бериш лозим. Насли покиза аёл хаёли, иффатли, сабрли, итоатгўй уй бекаси бўла олади. Насл-насаби паст аёл сал кийинчилик кўрса, сабрсизлик қилади, уйнинг гапи кўчага чиқиб, эрини иззат-хурматсиз қилиб, итоатсиз бўлади[3].

---

[1] Ўша китоб- Б. 227.
[2] Ўша китоб- Б. 228.
[3] Қомусий мутафаккир. Аҳмад Донишнинг "Наводир ул-вақое" асари адабий фалсафий- ахлоқий маънавий манба ва унинг замонавий моҳияти" мавзуида Республика илмий анжумани материаллари. Бухоро. 2007. - Б. 54.

Аҳмад Дониш оила қуриш ва уни сақлаш учун кўп харакат қилиш кераклиги, эр-хотин муносабатларида никоҳ шартларининг бажарилиши азобларсиз, қийинчилик афсус-надоматларсиз бўлмаслигини таъкидлайди. У йигитларни оила қурмасдан олдиноқ унга рухий, ақлий тайёргарлик кўришга чақиради. Оила никоҳ асосида қурилар экан, ақл билан танланган жуфти халол, яхши хотин-бу ёрдамчи дўст эканлиги, ақлли эркак, ақл билан ўзаро маслаҳат ва розилик билан уй хўжалигини юргизиши кераклигини уқтиради. Оилали эркакнинг йиллик даромади 500-1000 дирхамгача бўлиши, унинг илми ва хунари бўлиб, унинг орқасидан оила тебратиши шартлиги, шахсий уйи, мулки ва хўжалиги, нуқсонлардан холи ташқи гўзаллиги, жисмоний баркамоллиги бўлиши кераклигини таъкидлайди. Аҳмад Дониш эркак, эрнинг оиладаги, хотиннинг эр олдидаги мажбуриятлари ҳақида, кайнонанинг оиладаги ўрни ҳақида қизиқарли, пур-ҳикмат фикрларни келтиради. Дониш асарида хотиннинг эр олдидаги мажбуриятларини кўрсатиб берган. Булар куйидагилар:

Ўз эри хакида фақат яхши гаплар гапириши керак.

Турмуш ўртоғининг камчиликларини яшириши керак. Ўзаро муносабатлардаги гаплар, икир-чикир муносабатларни сир тутиши керак.

Эрининг истакларини бажариши керак.

Эрининг хурсандчилигига шерик бўлиши керак.

Бойлигини, мулкини асраши керак.

Итоатли, раҳмдил, меҳрибон, қаноатли бўлиши лозим.

Доимо саранжом-саришта, озода ва ораста бўлиши керак.

Эри олдида бойлиги ва чиройи билан мактанмаслиги керак.

Ношукур бўлмаслиги керак.

Эрининг қизиқишларини устун кўйиши керак.

Ўзи уддасидан чиқиб биладиган ишни эрининг бўйнига юкламаслиги керак.

Сабабсиз, ўринсиз талоқ сўрамаслик керак.

Эрнинг хотин олдидаги, оиладаги мажбуриятларини қуйидагича кўрсатади:

Ўз уйида шод бўлсин боладай, бош бўлсин эркакдай.

Уйга табассум билан кирсин, уйдан жим чиқиб кетсин.

Ўзи келтирган нарсалари доирасида таом талаб қилсин.

Ўзи келтирмаган нарса учун тихирлик қилмасин[1].

Имконият даражасида ҳазилкаш бўлсин.

Оиласидагиларнинг, айниқса хотинининг асоссиз, қуруқ хоҳиш ва инжиқликларига қарши қатъиятли бўлсин.

Шариат, одат ва конунларга қарши ҳаракатлар юз берса, жазоласин.

Бўлмаса ҳокимиятни қўлдан бой беради.

Эр сабрли, чидамли, ғазабини жиловлай оладигаи бўлсин.

Ҳар кандай ноилож вазиятда ўртамиёна даражада турсин.

Ҳафтасига бир марта оиласига ширинлик келтирсин.

Ҳалол луқма билан оиласини боқсин.

Сир сақлай олсин.

Аҳмад Дониш кайнона, ўғлининг оиласида яшайдиган онага ўғил фарзанд озиқ-овқат, кийим-бош, уй, жиҳозлар олиб бериши керак. Қайнона шу билан кифояланаши ва бўлар-бўлмас хўжалик ишларига аралашмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Ўғил қайнона-келин муносабатларни яхшилашга қанчалик уринмасин, бефойда бўлиб, улар ўз фикрида қолиши ва бир-бирига нисбатан душманона кайфият бир умрга эканлигига мисоллар келтиради[2].

Ўз оиласини бошқара олмай, ношукурлигидан оиласидан ажралиб, иккинчи марта уйланган инсонлар муаммоси аслида кўпайиб, аҳволи баттар оғирлашишини мисоллар билан изоҳлайди.

Оиланинг бахти донишманд хотинда, бахтсизлиги эркакнинг ўзига бўлган ишончини йўқотиб, ҳаётини дўзахга айланишига олиб келадиган нодон, ношукур, сабрсиз аёлда деб билади.

Ахмад Дониш ҳунарлилик ва меҳнатсеварлик кишини хуш хулқ, қилишини, уни тамаъгирлик ботқоғидан қутқаришини таъкидлайди, У ёш авлодни бировнинг нонига таъма

---

[1] Аҳмад Дониш. "Наводир ул-вақое" (Нодир воқеалар). Т. Фан. - 1964. (Форс тожикчадан А.Ҳамроев ва А.Шокиров таржимаси". - Б. 214.

[2] Аҳмад Дониш. Ўша китоб. - Б. 229. \

қилмагудек даражадаги- тирикчиликка ҳаракат қилишга чақиради. Шунингдек, олим хунарни мол тўплаб, дунё купайтиришга сарфламасликка ундайди.

Аҳмад Дониш касб-ҳунар тирикчилик ўтказишга хизмат қилишини таъкидлар экан, ҳар қандай касбнинг қийинчилиги, яъни енгиллиги ва қийинчилиги бўлишини эслатиб ўтади. Касб-ҳунарнинг қийинчилигига дуч келганда' сабр-бардошли бўлишга даъват қилади.

Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, ҳар бир хунарманд ўз ҳунарини камолга етказиб, уни халққа билдириб, юзага чиқаришга интилиб яшайди. Ўз касбининг ҳақиқий усталарига айланган кишилар билган хунари ёки илми яширин қолиб кетишига ҳеч қачон рози бўлмайдилар.

Аҳмад Дониш бундай кишилар фаолияти хусусида алоҳида ҳурмат билан гапиради ва айни пайтда ўзи яшаётган жамиятда мансаб ва даража фазл-хунарга қарамай берилаётганидан ачиниб сўзлайди.

Аҳмад Дониш қалам аҳлларининг нон топиш учун кўллайдиган касб-ҳунарлари, бутун зоҳирий илмлар: фиқҳ ва фароиз, хисоб ва фатво, сижил ва тиб нужум ва шоирлику муаллимлик ва котиблик кабилар маданият учун зарурлигини, бу илм ва ҳунарлар инсоният учун фойда келтиришини ва шу билан бирга илмнинг ўсишига кенг йул очишини, бирок, булардан асл мақсад халққа фойда келтиришдан иборат бўлиши лозимлигини бунинг орқасидан, албатта, нон топилишини алоҳида эслатиб ўтади[1]. Акс холда, ҳар қандай илм-ҳунар ҳам охири ўзи учун зарарли бўлиб чиқишини, бутун хунарларнинг аълоси илм эканлигини ёдга солади.

Аҳмад Дониш мударрислик ва муаллимлик хизматларини юракни дунё ғаразларидан поклаб шуғулланиш лозим бўлган улуғ касблар сирасига киритади. "Агар бу ишлар ғараз билан қилинса, бу касб эгалари ўзларини ҳам, халқни ҳам адаштирадилар"- деб ёзади доно маърифатпарвар.

Ахмад Дониш касб-ҳунар ва унинг фойдалари хақида гапирар экан. меҳнатсеварликни, ҳалолликни улуғлаб, ялқовлик ва дангасаликни кескин қоралайди. Ялқовлик ва дангасалик билан умр кечирган одам инсоният шарафидан ажралган бўлиб, икки дунёда ҳам зиён кўражагини билдиради[2].

Аҳмад Дониш ҳаром-ҳаришдан мол топиб, уни ўринсиз жойларга сарф қилиш сира олий ҳимматлилик хисобланмаслигини тушунтиради. У илм, ҳунар ҳақида айтилган ҳадисларга ҳам муносабат билдирар экан, илм, хушфазилат ва ҳунар ҳақида айтилган хадис ва оятларнинг ҳаммаси кейингиларга илм қолдириш учун ташвиқот эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Хуллас Бухоро тараққийпарварларининг отаси Аҳмад Дониш нафақат астроном, файласуф, нужум илми, шунингдек таълим тарбия соҳалининг ҳам улуғ билимдони, унинг карашларинга ҳозирги замон учун ҳам ҳамоҳангдир.

Таълим мақсади билан таълим мазмуни шакли, усули ва воситалари узвий боғланган бўлиб, мақсад мазмун, шакл, усул ва восита ўз навбатида, таълим самараси, натижасини, шунингдек таълим жамият эҳтиёжи ва келажаги учун қандай шахсни етиштиришини белгилайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Қомусий мутафаккир. Аҳмад Донишнинг "Наводир ул-вақое" асари адабий фалсафий- ахлоқий маънавий манба ва унинг замонавий моҳияти" мавзуида Республика илмий анжумани материаллари. Бухоро. 2007. - Б. 54.
2. «Аҳмад Дониш XIX асрнинг буюк мутафаккири ва тараккийпарвари» мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари (Аҳмад Дониш таваллудининг 1090 йиллигига бағишланади) -Бухоро. 2007. - Б. 18-20; 2426; 4750; 60-63; 75-79; 114-115; 116-118.
3. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро» Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро. 2016. - Б. 85-87; 89-91; 91-93; 95-97; 112-113; 117-119; 122-124; 124-125; 128-129.
4. Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)» Республика илмий-назарий анжумани материаллари. -Бухоро. 2017. - Б. 131-134; 140-143; 156-158; 158-160.
5. Истиқлол ва Фитрат» мавзусидаги анаънавий Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро- 2017. - Б. 105-108.

[1] Қомусий мутафаккир. ... Б. 85-86.
[2] Қаранг. Аҳмад Дониш. Ўша асарлар. 323-401.

6. Тарихий хотира-маънавият асоси» мавзусида Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро. 2008. - Б. 177 -180; 187-188.

# РОЛЬ СЕМЬИ В ОБЩЕСТВЕННОМ ВОСПИТАНИИ

**Д.Ш.Баратова**
**Доцент кафедры психологии БУХГУ**

**Ключевые слова: с**емья, ребёнок, воспитание, общество, общественное воспитание, семейное воспитание.

Семья – это особый коллектив, где, как во всяком, коллективе многое прививается стихийно – под влиянием «окружающей среды» («ближайшего окружения»), и только немногое – становится результатом целенаправленного воздействия. Так у беспокойных родителей растут нервные детишки; у честолюбивых – либо такие же заносчивые, как мама с папой, либо подавленные родительским высокомерием, изрядно закомплексованные.

Там, где в семье уютно, – вырастают дети достойные называться настоящими семьянинами, способными создать крепкую и дружную семью, вроде родительской. А там, где семья неуютна, – вырастают люди, склонные к одиночеству, нелюдимые, избегающие семьи и брака.

Всякое общество заинтересованно в том, чтобы семья была его прочной и надежной ячейкой. Потому что без стабильного нижнего уровня социальной структуры и вся эта структура в целом становится неустойчивой, весьма подверженной разрушительным и опасным потрясениям социального, природного и техногенного характера.

Вот почему все политики и все общественные деятели так много внимания уделяют тому, чтобы семья воспитывала не только полноценных граждан государства и членов общества, но и по-настоящему достойных, полноценных людей, умеющих и желающих любить тех, кто их окружает, сотрудничать с теми, кто рядом, и с теми, кто далеко. Ведь основы такой любви и такого сотрудничества закладываются в семье.

Семейному воспитанию посвящены самые толстые книги: как сугубо научные, так и научно-популярные. Эту тему не обошли стороной ни ученые-педагоги, ни психологи, ни писатели-беллетристы. И даже социалисты-утописты вопреки собственным рассуждениям о преимуществах коллективистского (чисто общественного) воспитания в отрыве от тлетворного влияния семейного эгоизма, в своих художественных романах и теоретических построениях много места уделяли семье как ячейке для выращивания строителей светлого будущего. А все потому, что семья всегда была и неизменно остается центральным местом воспитания детей.

Ребенок приобретает в семье и самые первые, и самые важные навыки. Именно в семьи дети проводят большую часть своего детства. И именно семья проявляет самую большую заинтересованность в воспитании ребенка, и потому энергичней любых других социальных институтов воздействует на подрастающее поколение.

Разумеется, семья может выступать не только в качестве положительного, но и в качестве отрицательного фактора воспитания, выпуская «в свет» не только хорошо воспитанных, но и совершенно невоспитанных детей. А чаще всего – детей с довольно средними, но очень разнообразными наборами достоинств и недостатков, обусловленных достижениями и пробелами семейного воспитания.

Иногда говорят, что на чужих ошибках никто не учится. Но это не так – хорошие семьи потому и хороши, что умеют сравнить себя с другими семьями, перенять чужой положительный опыт и избавиться от собственных недостатков на чужом негативном примере.

Если семья в целом постоянно сама себя улучшает, то и дети в ней становятся все лучше и лучше – то есть воспитываются по-настоящему.

Хотя, конечно, не всякое сравнение на пользу. Можно ведь присматриваться к окружающим предвзято: замечая сучок в чужом глазу, чтобы высмеять этот глаз, чтобы насладиться собственным мнимым превосходством, не замечая бревна в собственном глазу. Если сравнение с другими повод для заносчивости, то и семейное воспитание превращается в раздувание неумеренной гордыни в кругу семьи.

Бывает и наоборот, что, впрочем, ничуть не лучше. Родители начинают сравнивать своих детей с чужими детьми, чтобы дать своим чадам положительный пример, но при этом умудряются унизить и оскорбить собственного воспитанника. А униженный и оскорбленный никогда не станет подражать тому, на чьем примере его так неумело воспитывали.

Подводя итог этому коротенькому реферату о семейном воспитании, хотелось бы отметить, что правильно воспитывают не того ребенка, перед которым ставят абсолютно недостижимые

цели, побуждая его стать гением или «лучше всех во всех отношениях», а того, которого **любят таким, как есть,** всячески помогая ему стать тем, кем он может стать на самом деле. Если, конечно, сумеет проявить свои лучшие качества и на даст чрезмерной воли собственным слабостям.

**Список литературы**

1. Волков Б. С. Возрастная психология. - М., 2005. 350 с.
2. Детская практическая психология. Под ред. проф. Марцинковской Т. Д. - М. , 2001. 290 с
3. Романюта, В. Н. Ты и твои друзья. Учим детей общаться / В. Н. Романюта – М., 2002.

## СПОРТЧИЛАРДАГИ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР

**А.М.Назаров**
**Бухоро давлат университети**
**Психология кафедраси доценти**
**М.Б.Нусратова**
**Бухоро давлат университети**
**Психология кафедраси магистранти**

**Таянч сўзлар:** психологик муҳофаза, ирода, методология, механизм, индивидуал, компонент, адекват, малака, барқарорлик, мослашувчанлик, қобилият, психоаналитик, феноменал.

*Мазкур мақолада спортчиларнинг жисмоний-руҳий имкониятлари ривожлантириш орқали шахс камолотини таъминлаш усулларини яратиш тўғрисидаги мулоҳазалар келтирилган.*

**Keywords:** psychological defense, will, methodology, mechanism, individual, component, adequacy, ability, stability, flexibility, ability, psychoanalytic, phenomenal.

*In this article, comments are made on the creation of a method for ensuring the improvement of the individual through the development of physical and mental capabilities of athletes.*

Шахснинг ижтимоий-психологик тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини-ўзи ривожлантириб бориши жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Психология нуктаи назардан спортчининг психологик муҳофазаси − спортчи фаолиятининг экстремал шароитларида онги ва хулқ-атворини психологик жиҳатдан ўз-ўзини тартибга солиш усуллари ва механизмлари тизимидир. Психологик муҳофазанинг вазифаси – спортчидаги “Мен” тушунчасининг яхлитлигини, унинг мусобақаларда муваффақиятсизликка учраши, қўрқиши, хавотирланиши ёки салбий психологик жароҳатлардан ҳимоя қилишдан иборат. Психологик муҳофаза спортчининг муваффақиятга эришишга тайёргарлик ҳолатини ривожлантириш ва уни амалга оширишнинг субъектив механизми ҳисобланади. Спортчиларни психологик жиҳатдан муҳофаза қилиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш зарурияти спорт соҳасидаги замонавий талабларидан келиб чиқиб, мутахассислар ўз эътиборини спортчиларнинг мусобақаларга юқори даражада тайёрлаш усулларига қаратди. Психологик муҳофаза феномени шахсга хос бўлган психологик қонуниятларга эга бўлган индивидуал субъектив ҳодисадир.

Спортчиларда психологик муҳофазани ўрганиш спортчининг барқарор руҳий ҳолатини таъминлаш, қўрқув, салбий ҳис-туйғуларнинг олдини олиш, бостириш ёки руҳий барқарорлик ҳиссини бошдан кечиришга имкон беради. Психологик жиҳатдан спортчининг ривожланишида психологик муҳофаза қандай рол ўйнаши, уни қийинлаштириши ёки унинг кейинги такомиллашувига ҳисса қўшишини билиш ҳам жуда зарур. Муайян шароитда психологик муҳофаза спортчига фойдали ёки салбий ҳодиса сифатида ҳаракат қилиш мумкинлигини тушуниш, психиканинг ривожланишига тўсқинлик қилади, спортчиларни юқори даражадаги мусобақаларга психологик тайёрлашда янги муаммоларни келтириб чиқаради. Айрим ҳолларда, психологик муҳофаза ижобий, адаптив вазифани бажарса, бошқаларда эса ривожланишига тўсқинлик қилади, буни нафақат психолог, балки, мураббий, спорт мутахассислари ҳам билиши зарур.

Психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда спортчиларнинг психологик муҳофаза муаммоси тўлиқ ўрганилмаган. Спортчиларнинг хулқ-атвори ва мулоқот турларини аниқлаш, фарқлаш ва ўрганиш, спортчилар билан ишлашда, айниқса, мураббийлик фаолиятида самарали фойдаланиш билан характерланади. Амалий жиҳатдан спортчиларнинг хулқ-атвори, кўникма ва малакаларини тарбиялаш, ривожлантириш мумкинми, деган савол туғилади. Психологлар томонидан спортчиларни тайёрлаш жараёнидаги замонавий тадқиқотлар амалиётида спортчиларнинг психологик муҳофаза муаммоси тўлиқ ва тизимли ўрганилмаган. Психологик муҳофаза спортчиларнинг фаолияти натижасида юзага келадиган психологик ҳодисадир.

Психологик муҳофаза шахснинг онгини салбий фикрлардан ҳимоя қилувчи, ҳар қандай фаолиятнинг муҳим индивидуал психологик механизми эса, кўп функцияли характерга эга бўлиб, спорт фаолияти мотивациясига киради ва шахснинг “Мен” тушунчаси яхлитлигига таҳдид солувчи экстремал вазиятларда фаоллашади. Спортчиларда психологик муҳофазанинг намоён бўлиши, уларнинг когнитив соҳаси, жинси, ёши, индивидуал психологик сифатлари ҳамда эмоционал ҳолатларига таъсир кўрсатади, улар стресснинг субъектив муҳим омилларини англайди ва бу спортчилар тафаккурининг мазмунини белгилайди.

Психологик муҳофаза – замонавий психологик тушунча бўлиб, шу билан бир қаторда психоанализнинг энг муҳим йўналишларидан бири саналади. Психологик муҳофазани шакллантиришга доир психологик манбаларни таҳлил қилиш, ушбу ҳодисанинг илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилаётган муаммони аниқлаш мураккаблиги ва номувофиқлигини бир қанча сабабларини аниқлашга имкон беради. Аввалом бор, психологик муҳофаза феномени илмий жиҳатдан биринчи маротаба психоаналитик назарияларида қайд этилган ва кейинчалик З.Фрейд томонидан психологиянинг турли тармоқларида чуқур ўрганилган.

Рус психологлари орасида психологик муҳофаза муаммосини установка назарияси нуқтаи назаридан ривожлантиришга Ф.В.Бассин катта ҳисса қўшган. У психоанализ илмий асоси йўқлиги учун танқид қилиб, психоанализ амалиётида илгари сурилган ҳодисаларни диалектик материализм асосида тадқиқ қилган. Хусусан, Ф.В.Бассин психоанализнинг психологик муҳофаза қилиш бўйича позициясини танқид қилиб, “муҳофаза – онглилик ва онгсизлик ўртасидаги тўқнашув туфайли юзага келадиган ҳамда субъект ихтиёрида бўлган эмоционал зўриқишнинг сўнгги воситаси”, деган фикрга салбий муносабат билдирган. Онглилик ва онгсизлик ўртасидаги бундай антагонизм ғоясини Ф.В.Бассин баҳсли деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича, онгнинг руҳий бузилиши ташқи таъсиридан муҳофаза қилишда асосий омилнинг субъектив аҳамиятини камайтиришдан иборат.

Шу билан бирга юқорида таъкидланганидек, Ф.В.Бассин маънавий ҳаётда турли хил стрессларни бартараф этиш учун муҳофазанинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, муҳофаза инсон хулқ-атворининг тартибсиз ҳаракат қилишига йўл қўймайди. Бу бузилиш нафақат онглилик ва онгсизлик тўқнашганда, балки тўлиқ онгли муносабат ўртасида қарама-қаршилик юзага келганда ҳам юз беради. Олимнинг фикрича, психологик муҳофазадаги асосий жараён ортиқча ҳиссий зўриқиш ва стрессни бартараф этиш, хулқ-атворнинг тартибсиз ҳаракатининг олдини олишга қаратилган муносабатлар тизимини қайта қуришдир. Ф.В.Бассин юқорида таъкидлаганидек, ҳаётда турли хил стрессларни бартараф этиш учун муҳофазанинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, психологик муҳофаза инсон хулқ-атворининг тартибсизлашувига йўл қўймаслиги мумкин. Бу ҳолат нафақат онгли ва онгсиз тўқнашганда, установкалар ўртасида қарама-қаршилик натижасида юзага келади.

Спортчининг психологик муҳофазаси – спорт ҳаётининг экстремал шароитларида шаклланган спортчининг онги ва хулқ-атворини руҳий жиҳатдан ўзини бошқариш ва ўз-ўзини тартибга солиш тизимидир.

Спортчини мусобақага психологик тайёрлашда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

✓ рақиблари ва келгуси мусобақаларнинг ижтимоий психологик шарт-шароитлари тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларни йиғиш;

✓ спортчининг психологик имкониятлари, рақибининг мусобақага тайёргарлиги, камчиликлари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва мусобақа бошлангунга қадар уларни ўзлаштириш ва тузатиш;

✓ спортчиларнинг мусобақада қатнашиш мақсадини аниқлаш ҳам муҳим омиллардан бири саналади.

Спортчиларда психологик муҳофазанинг шаклланиш даражаси, барқарорлиги, мослашувчанлиги, ўзгарувчанлиги ва самарадорлиги уларнинг муваффақиятга эришиши ёки мусобақаларда муваффақиятсизликка учрамасликка интилиши, спортчининг тактик қобилиятларига боғлиқдир. Психологик муҳофазанинг механизмлари типик, индивидуаллашган кўринишлари билан характерланади ва уларнинг индивидуал психологик хусусиятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, психологик муҳофазани шакллантириш ва ривожлантириш спортчи фаолиятида жуда муҳим, шу билан бир қаторда зарур эканлиги аниқланди.

Спортчиларнинг руҳий ва жисмоний фаоллигини чеклайдиган омилларни ўз вақтида аниқлаш, ушбу омилларни бартараф этиш ва тузатиш усулларидан тўғри фойдаланиш спортда юқори натижаларга эришишга ва спортчининг соғлиғини сақлашга ёрдам беради.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашуви – бу педагогик фаолиятнинг тарикбий тузилмаси ва ўзига хос жиҳатларини яхлит ифода этадиган касбий аҳамиятга молик сифатлар мажмуини шакллантириш жараёнидир. Бунда ўз-ўзини такомиллаштириш жараёни ижтимоий муҳит таъсирининг ўқитувчи шахси ривожланиши ички шарт-шароитлари орқали сингиб ўтиши билан кечади. Касбий ролини англаш, қабул қилиниши мумкин бўлган педагогик қарорларни ва уларнинг оқибатини англаш, ўз касбий фаолиятини умумлаштириш ва унинг истиқболларини башорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва такомиллаштириш малакалари – буларнинг барчаси уста-педагог ривожланишининг манбаи бўлиб ҳисобланади. Касбий аҳамиятга эга бўлган сифатлар педагог шахсининг ижтимоийлашуви жараёнида шаклланади, ўзгаради, заифлашади ёки кучайиб боради (ўқитувчи шахсининг касбий ижтимоийлашуви – касбий тажриба ва маданиятни

ўзлаштириш), индивидуаллашади (ўқитувчи шахсининг индивидуаллашуви – касбий муносбатларни ўзлаштиришнинг бетакрор шахсий усул ва шакллари). Бу жараёнда ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам касбий аҳамиятга молик сифатларни ташувчи ва олиб борувчи сифатида, ҳам ижтимоий шарт-шароит таъсири объекти ва шу билан бирга педагогик фаолият ва ўз-ўзини шакллантириш субъекти сифатида майдонга чиқади.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашуви қуйидаги кўрсаткичларга эга: а) ички тузилиши – бу ўқитувчининг касбий фаолиятга киришуви изчиллиги билан белгиланади; б) йўналганлик – бу тизимли сифатлар бўлиб, касбга муносабат, касбий фаолият кўрсатишга эҳтиёж ва унга тайёрлик билан белгиланади; в) зиддиятлар – бу касбий ривожланишнинг объектив ва субъектив омиллари ва асосини ташкил этади; педагог шахсини касбий такомиллашувидаги асосий зиддиятлар – бу шахснинг шаклланган сифатлари ва объектив мавжуд бўлган талаблар ўртасида пайдо бўладиган зиддиятлар бўлиб ҳисобланади; г) касбий аҳамиятга молик сифатларни шаклланишининг нотекислиги бўлиб, бу касбий такомиллашувнинг ҳар бир босқичида топшириқларнинг турличалиги – билув тошириқлари, ахлоқий-маънавий, коммуникатив, меҳнат, қадриятли топшириқлар қўйилиши билан белгиланади; д) айни пайтдаги ривожланиш босқичи натижаларининг кейингисига акс таъсири; касбий шаклланиш ютуқларининг педагог шахсига таъсири уни янада такомиллаштиришнинг иккиламчи шарти сифатида майдонга чиқади.

Касбий қимматга эга сифатлар умумкасбийдан индивидуалга “кўчириш” орқали ривожлантирилади. Улар транзит хусусиятга эга бўлиб, касбий такомиллашувнинг бир босқичидан иккинчисига ўтиб боради. Унинг асосида педагог касбий фаолиятининг барқарор усул ва шакллари ва хулқ-атвори, унинг ҳаёт тарзи ётади. Касбий қимматга эга сифатларнинг шаклланганлик даражаси педагог шахси касбий такомиллашуви мезони бўлиб, у педагог касбий фаолият даражасига нисбатан қаралади ва бу фаолият меъёрларини қанчалик эгаллаганликни кўрсатади.

Ўқитувчининг мустақил тайёргарлиги жараёнини лойиҳалаш бир неча босқичларни ўз ичига олади:

1-босқич: мотивлаштириш – касб-корга оид мақсаднинг шаклланиши, касб танлаш;

2-босқич: концептуал – танланган касбнинг мазмун ва моҳиятини англаш, айни пайтдаги ривожланиш даражасини ташхис қилиб, касбий ўз-ўзини такомиллаштириш дастури лойиҳасини тайёрлаш;

3-босқич: лойиҳани амалга ошириш – ўз-ўзини такомиллаштириш бўйича амалий фаолият;

4-босқич: рефлексив-ташхислаш – оралиқ ва якуний ташхис, натижаларни таҳлил қилиш, ўз-ўзини такомиллаштириш дастурини коррекциялаш, профессионаллик ва педагогик маҳоратни эгаллаш даражасига кўтарилиш.

Ўқитувчи шахсининг касбий такомиллашув жараёни (агар барча босқичлар тўла амалга оширилса) ё тўлақонли (гармоник) бўлади, ёки (агар ўқитувчи фақат бир неча босқичларнигина ўтаган бўлса) чегараланган бўлади. Мотивлаштириш босқичида – касбий мақсаднинг шаклланиши – ўқувчилар (касб-ҳунар таълими босқичидаги) танланаётган касбнинг ижтимоий аҳамияти, касбий тайёргарлик шакл ва усуллари, ушбу касб эгасига қўйиладиган касбий талаблар тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишлари лозим бўлади. Иккинчи босқичда касбий ўз-ўзини англаш жараёни кеча бошлайди. Бу жуда мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бунда шахс касб дунёсида ўз ўрнини қидира бошлайди, муайян фаолият субъекти сифатида ўзига бўлган муносабати, ўз жисмоний, ақлий имкониятлари, қизиқишлари, майллари тўғрисидаги фикрлари шакллана бошлайди, индивидуал касбий тараққиёт траекторияси ривожланади.Касбий такомиллашувнинг илк босқичларида ижтимоий вазиятлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар педагог шахсида ижодий фаолликни таъминлайди.

Учинчи босқичда касбий-педагогик йўналганлик, касбий билим, кўникма ва малакалар тизими шаклланади, ўқитувчи типик педагогик топшириқларни ечиш усулларини эгаллайди. Касбий адаптация (мослашув) босқичи фаолият меъёрларини ўзлаштиришга йўналганлиги, касбий билим, кўникма ва фаолиятни бажаришдаги умумий усулларнинг эгалланганлиги билан характерланади.

Тўртинчи босқич ўз-ўзини ташҳислашни ва касбий тайёргарликнинг бир қадар юқори даражасига кўтарилишни назарда тутади. Касбий шаклланишнинг ушбу босқичида меъёрий фаолиятнинг мўътадиллашуви, касбий позициянинг шаклланиши содир бўлади, шунингдек, шахсий сифатлар ҳамда билим, кўнима ва малакаларнинг интегратив мажмуи шаклланади ва булар педагогик фаолиятни ижодий даражада бажара олишнинг самарали услуби пайдо бўлишига олиб келади.Шахснинг интеграллашган касбий аҳамиятга молик хусусиятларининг таркиб топиб

бориши маҳорат босқичида давом эта боради. Уларнинг тугал шаклланишида шахснинг ўз фаоллиги ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Меъёридан ортиқ фаолликни намоён қила туриб ўқитувчи ўзида мавжуд бўлган фаолият усулларини ўзгартиради, уни такомиллаштиради, яъни ўз фаолият усулларини янада самаралироқ – ижодийлик даражасига кўтаради ва шахс фаоллигининг юқори кўрсаткичини намоён қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касбий тараққиётнинг муайян босқичига кўтарилган шахс ўзини прогрессив ривожлантириш жараёнини тўхтатиб қўйиши мумкин. Бунда стагнация[1] ҳолати бошланиш хавфи пайдо бўлади. Ўқитувчи шахси касбий такомиллашувидаги стагнация ҳолатининг асосий омили педагогик тизимнинг таълим жараёни билан чекланиб қолганлигида намоён бўлади. Бундай стагнация ҳолатини бартараф этиш учун ўқитувчи фақат ўқувчи шахси билан ишлашда чекланиб қолмасдан ўз шахси билан ҳам мунтазам ишлашни давом эттириб бориши лозим бўлади. Ўз-ўзини касбий такомиллаштиришнинг юқорида кўрсатилган босқичларини ўташдан кўзланган асосий мақсад фақат ўзида муайян касбий билим, кўникма ва малакаларни, касбий сифатларни ҳосил қилишгина бўлиб қолмай, балки, асосан, мунтазам ўз-ўзини такомиллаштириб бориш кўникмаларини шакллантириш ҳам бўлиб ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда Республикамизада узлуксиз равишда педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Галдаги вазифа ўқитувчи-педагогларнинг ушбу тизимга онгли муносабатини таркиб топтиришдан иборатдир.

**Адабиётлар рўйхати**

Боровиков Л.И. Как подготовить самоанализ профессиональной деятельности//Воспитание школьников. - 2004.- №5

Психологический словарь. – М., 1981. - С. 702.

Рогов Е.И. Личность учителя: теория и практика. - Ростов-на-Дону: «Феникс», 1996. – С. 174.

Степанов П.В., Григорьев Д.В., Кулешова И.В. Диагностика и мониторинг процесса воспитания в школе / Под ред. Н.Л.Селивановой, В.М.Лизинского. М.: 2003, с.74

## ЭР -ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

**У.М.Рўзиев**

**Бухоро давлат университети  Психология кафедраси катта ўқитувчиси**

Оилада юзага келадиган зиддиятлар ва оила бузилишларининг сабаблари қуйидагича: эр-хотиннинг характер жиҳатидан мос тушмаганлиги, фарзанд кўрмаслик, келиннинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан ҳақоратланганлиги, моддий таъминотдаги камчиликлар, тарбиявий қашшоқлик, оилада ортиқча анъана ва маросимларнинг мавжудлиги, ичкиликка ружу қўйиш, рашк, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятининг йўқлиги, қариндош-уруғчиликдаги кўнгил бузар ишлар мавжудлиги.

Кризис (инқироз) (грекча *krisis* - ечим, қайтарилиши жойи) – инқироз, тинч турган жойда интизомнинг бузилиши, бирор нарсада тўсатдан кучли қўзғалиш, оғир ўтиш даври, бирор нарсада кучли қийинчиликка дуч келиш. “Кризис” сўзи кутилмаган фавқулотдаги ҳолат, дўқ пўписа ва зарур бўлган ҳатти ҳаракатни ўзида ёрқин ифодалайди. Кризисли вазият - бу ҳам ҳиссий ҳам ақлий стрессли вазият, қисқа вақт ичида кишининг ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам катта ўзгаришни талаб қилувчи ҳолат.

Оила кризиси – оилавий муҳитдаги учраб турадиган ҳолат бўлиб, гомеостатик жараёндаги интизомий бузилиш билан характерланади, оилани бошқаришда умидсизликка тушиб қолинади. Янги бир оғир вазиятни эски қўлланилган услублар билан ҳал қилишнинг иложи бўлмай қолади.

Оилавий кризис даврида оиланинг келажакдаги равнақи учун иккита потенциал тизим ишлаб чиқиш мумкин:

1. Деструктив (вайрон қилувчи) – оилавий муносабатларда интизомий бузилишга етаклаб борувчи ва унинг мавжудлигига хавф солувчи;

2. Конструктив (бунёд қилувчи) – оилани янги поғонага ўтишида потенциал имкониятларни қўллашни ўз ичига олади;

---

[1] Стагнация – (лот. *stagno* - ҳаракатсизлантираман, тўхтатиб қўяман, лот. *stagnum* – турғун сув) инсоннинг ижтимоий ўсиши ва маданиятдаги турғунлик ҳолати ёки социум (халқ)нинг юқори лавозимдаги раҳбарият (ҳокимият) томонидан сунъий йўллар билан оммавий камситилиши деган маъноларни билдиради.

Оилавий кризис даври – ҳар бир эр-хотин ўртасида рўй берадиган энг оғир дамдир. Бу даврда эр-хотинга ҳар доим хафагарчилик, нотинчлик, кўз ёшлар, асабийлик ва яна қайтадан муросага келиш ҳамроҳ бўлади. Эр хотин иккиси ҳам шуни ёдида тутиш шартки, бу давр ҳаммада бўлишини ва бу ўткинчилигини унутмаслиги, асосий вазифа – инқирознинг тегирмонидан эсон-омон ва бутун чиқиш эканлиги бўлиши лозим. Лекин бу оддий вазифа эмас ва буни ҳамма ҳам уддалайвермайди. Ким буни уддаласа эртаклардагидек узоқ ва бахтли яшаш насиб этади.

Ҳайратланарли, аммо факт: одам қанчалик кеч турмуш қуришига қарамай, инқироз даврлари турмуш қурган кундан бошлаб ўз фаолиятини бошлайди. Энг қизиғи, хатто жанжаллар сабаби ва мавзуси ҳам ўша ўша ўзгармас кўринишда бўлар экан. Юқоридаги гаплардан шундай хулосага келиш мумкин ва буни иккита фикр билан изоҳлаймиз:

1. Таскин берувчи хулоса – бу ерда айбдор йўқ, уларни қидириш фойдасиз;
2. Фалсафий хулоса – агар бу инқироз давридан қочиб бўлмаса, демак унга тайёр туриш керак;

Психологик изланишлар шуни кўрсатадики, севгининг ҳам биоритми бўлади: у ҳам туғилади, улғаяди, мустаҳкамланади, оғринади, тузалади. Шунинг учун энг бахтли никоҳда ҳам жуфтликлар орасида ҳиссиётларнинг вақтинчалик совуши вужудга келади. Бу ҳол ҳар бир муносабатда мавжуд. Эҳтиросли севги ҳар доим ҳам ловуллаб ёниб турмайди. Унинг бироз муддат совушига жуфтликлар олдиндан тайёр бўлиши лозим.

Инқирозли давр жуфтлик орасида кескин ва носоз давр бўлиб, бу вақтда улардан кучли матонат талаб этилади. Инқироз даврнинг ўзаро таъсир этувчи тўрт элементи мавжуд. Оила маълум бир даврига келиб, ўша элементлардан икки ёки учтасини ўз ичига олган бўлса ҳам, демак у инқироз даврида. У элементлар қуйидагилар:

1. Стресс келтириб чиқарувчи вазиятлар тез-тез содир бўлса;
2. Вазифаларни уддалашда қийинчиликларга дуч келинса;
3. Оиланинг асосий масъулиятли вазифаларида сурункали қийинчиликларининг кўриниши;
4. Қўллаб-қувватлашнинг сезиларли даражада йўқлиги;

Ўзаро таъсир этувчи бу элементлар ўртасидаги фарқ шуни кўрсатадики, ҳар бир инқироз ўзгача бир олам. Қуйида эса инқироз davridаги одамда юз берадиган белгилар ва инқирозга юз тутган оиланинг симптомлари берилган бўлиб, бу билан инқироз ҳолатидаги одамнинг ва оиланинг кечинмаларини аниқлаш мумкин.

Оиланинг кризисили даврларининг пайдо бўлиши турлича бўлади. Кризис даври деярли барча оилада кузатилади ва бу вақтинчалик бўлади. Бу дегани ҳар битта оила инқироз даврини бир хилда бошдан кечиради, дегани эмас. Агар эр ёки хотиннинг ҳаракатида одатдагидан бошқачароқ ўзгаришлар юз бера бошласа ва юқоридаги белгилар кузатилса, балки бу ҳақида ўйлаб кўриш керакдир, ўша жуфтликнинг оиласига инқироз даври соя сола бошлагандир.

Оила кризис даврлари бир неча этаплардан иборат бўлиб, психологлар бу даврларни турлича ифодалаган. Масалан, Вирджини Сатир оила ривожида ўнта инқирозий нуқтани аниқлаган:

1. Биринчи инқироз – хомиладорлик ва фарзанд кўриш;
2. Иккинчи инқироз – боланинг тили чиқиши;
3. Учинчи инқироз – бола атрофдагилар билан мулоқатга кириша бошлаши ва алоқа ўрнатиши, яъни мактабга боғчага бориши;
4. Тўртинчи инқироз – бола ўсмирлик ёшига етиши;
5. Бешинчи инқироз – бола улғайиб оилани тарк этиши;
6. Олтинчи инқироз – боланинг турмуш қуриши: уйда келиннинг ёки куёвнинг пайдо бўлиши;
7. Еттинчи инқироз – аёл ҳаётида климикас даврининг бошланиши;
8. Саккизинчи инқироз – эркакларда жинсий фаолликнинг сусайиши;
9. Тўққизинчи инқироз – ота-она буви ва бувага айланиши;
10. Ўнинчи инқироз – эр-хотиндан бирининг вафот этиши;

Бошқа мутахассислар оиладаги инқирозий даврларни қуйидагича ифодалаган:

Бир йиллик кризис. Бир йиллик кризис даври – статистика маълумотлари бўйича, никоҳнинг бузилиши тўйдан 1 йил ўтганддан сўнг жуда кўп юз берар экан.

Никоҳнинг дастлабки йилларидаги муаммо шуки - бир бирини одатларига кўника олмаслиги ёки кўникиб кетиши муаммони юзага келтириб чиқаради. Буни никоҳнинг илк инқироз даврлари деб аташ мумкин. Бахтга қарши бу даврда ажралишлар сони кам бўлади деб айта олмаймиз.

Бу даврда юқорида айтилганидек, икки хил дунёда катта бўлган, икки хил оиланинг тарбиясини кўрган жуфтликка бир-бирини характерига кўникиш бироз қийин бўлади. Улар бу даврда бир тану бир жон бўлишга қийналишади. Ҳар хил хоҳишли бўлиш - оиладиги бурчларни

бир бирига юклашга олиб келади. Ўзлари истамаган ҳолда одатларини ўзгартиришга мажбур бўлади ва бу келишмовчиликларни келтириб чиқаради.

Характерлар мослашиши – бу оилавий ҳаётда муҳим омиллардан биридир. Хиссиётларни совуши психологияда “ниқоблар ечилиши” деб аталади. Никоҳнинг илк йилидаги энг зўр даври бу “асал ойи” содда қилиб айтганда “чилла даври”дир. Ҳаммаси чилладан сўнг бошланади, яна ўша оддий ҳаёт, муаммоларга тўла яшаш бошланади, камчиликлар секин секин юзага чиқа бошлайди.

Интим. “Тақиқланган мева” ўз қўлингизда бўлади ва ҳоҳлаган вақтингиз ундан таътиб кўриш имконига эга бўласиз ва бундай имкониятга эга бўлганингиздан кайфиятингиз юқори юради.

Орадан ярим йил ўтгач, эр - хотинлар жуда кўп нарсани тушуниб ета бошлайдилар, жуфтини ўзи ўйлаганчалик идеал эмаслиги сезила бошлайди.

Турмуш. Бир бирига кундан кунга қўпол гапира бошлайдилар, ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб уруш қиладилар. Ювилмаган идишлар, моддий қийинчиликлар, уйни йиғиштирилмагани секин аста асабга тега бошлайди. Бир бирларига ёмон муомалада бўла бошлайдилар.

Дид. Аввалари романтик, антиқа, бошқаларга қараганда яхшироқ нарсаларни хоҳланган бўлса, энди улар кўнгли нимани тортса шуни эшитгиси келади. Тўйгача улардаги дид ҳам хоҳиш ҳам бир бўлган бўлса, энди ҳаммани хоҳиши ўзи истаганича бўла бошлайди. Ахир бир умр рол ўйнаб юриш осонмасда.

Одатлар. Икки ёш тўйдан олдин ўзларининг яхши қиз ва яхши йигит деган ролларини ўйнаб юради. Тўй ўтгандан сўнг рол ўйнашга хоҳиш ҳам тоқат ҳам қолмайди. Бирга яшаш бошлангандан кейин характердаги улкан сирлар очилади.

Кўпинча, икки ёш ҳам тўйдан олдин ота-онасининг топган пулига ҳеч нарсани ўйламай ҳаёт кечиришган бўлади. Аммо никоҳдан сўнг барча масъулият ўз зиммаларига юкаланади.

Оилавий муносабатлар икки киши эр ва хотин орасидаги ҳиссиётларга асосланиб шаклланади. Агар ҳиссиётлар ортда қолиб, ҳаёт муаммолари устун келиб, эр ўзини терговчи сифатида тутса, хотини доимий тергов остида ушланса, ёки хотини доимо моддий муаммолар, бойлик, рўзғор ҳисоб-китобини қилиб эрни доимо тергаса бир-бирларига бўлган ҳис-туйғу йўқолиб кетади. Инсон баъзида ўзига яқин бўлган одамларни тушунмайди. А.Грин ўзининг асарларидан бирида “Бизнинг ички дунёмиз қамдан-кам одамни қизиқтиради”, дейди. Эр ва хотин бир-бирларини жуда яхши биладиган, тушунадиган -деб ўйлашади. Аслида эса яқин одамни ички дунёсини кўра билиш уни тушунишни хоҳлашмайди.

**Адабиётлар**


1. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное консультирование. – Изд. 2-е. М.: Независимая фирма “Класс”,2007.208с.
2. Ғозиев Э.Г. Ўзбек халқининг этнопсихологияси ва бола тарбияси //Ўзбек оилаларининг этнопсихологик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани маърузаларининг қисқача баёни. –Т.: 1993. - Б.8-9.
3. Давлетшин М.Г. Ёш ва педагогик психология. – Т.: 1994. – 65 б.


## TAJRIBA STANSIYASI, TAJRIBA MAYDONLARI VA TAJRIBA UCHASTKALARINING TURKISTONDA YANGI TEXNIKANI TARQATISHDAGI O’RNI.

**(XX asrning boshlari)**


**D.D.Elova**

**BuxDU, 1-bosqich doktoranti**


XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkistonda dehqonchilikning paxtachilik, donchilik, chorvachilik, bog’dorchilik, polizchilik va sabzavotchilik kabi tarmoqlarida katta o’zgarishlar yuz berdi. Rossiya imperiyasi hukumati mintaqa imkoniyatlaridan keng foydalanib, imkon qadar xomashyo zaxiralarini o’zlashtirish va tashib ketish chora-tadbirlarini ko’rdi. Turkistonda qishloq xo’jaligini zamonaviy texnika asosida yo’lga qo’yish orqali ko’chirilgan aholi iqtisodiy barqarorligini ta’minlash, mustahkam xo’jaliklarni vujudga keltirish, mintaqani doimiy foyda olish manbasiga aylantirish kabi mustamlakachilik maqsadlar ko’zda tutilgandi. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida (1897;1902y) Turkistonda tajriba stansiyasi tashkil etildi. Ushbu tajriba stansiyasi oldiga o’n ikki bo’limdan iborat aniq vazifalar qo’yilib, ushbu vaifalardan biri Turkiston qishloq xo’jaligiga yangi texnika va mashinalarni, mehnat qurollarini, zamonaviy asbob-uskunalarni joriy etishdan iborat edi.[1]

[1] Qaralsin. Hayitov J.Sh. Turkistonda yangi ekin navlarining tarqalishi va ulardagi o’zgarishlar.-Buxoro.-Durdona; 2018.-B.129

Umuman, Turkistonda yangi texnika va zamonaviy asbob-uskunalarni tarqatish uchun Toshkent (1900-yil); Andijon, Samarqand, Dasht cho'l, Avliyo ota, Ashxabod kabi bir qator shaharlarda mehnat qurol-yarog'lar ombori tashkil etilgandi. Bundan tashqari mintaqaga qishloq xo'jalik yangi texnikalarini tarqatishda " Rus texnik jamiyati" , " Dehqonchilik va yer ishlari departamenti", xususiy tadbirkorlar, xorij va Rossiya firma hamda kompaniyalari, " Havaskor bog'bonlar", " Sanoat bog'lari" egalari, ko'chirilgan aholi vakillari ham faoliyat yuritgandi. Biroq, Toshkent tajriba stansiyasi, tajriba maydonlari, tajriba uchastkalari ham bu borada muhim bo'g'in bo'lib, ularning o'ziga xos o'rni bor edi. Tajriba stansiyasi, tajriba maydonlari va tajriba uchastkalari faoliyatini muvofiqlashtirib,lalmikor dehqonchilikni dala tajribasi va labaratoriya tadqiqoti orqali o'rganib, tegishli tavsiyalar ishlab chiqishi kerak edi.[1] Tajriba maydonlari mustaqil dala tajribalari o'tkazib, turli sharoitlarda olingan natijalarni tadqiq qilib sinovdan o'tkazardi.

XX asr boshlarida Turkistonda bitta ya'ni Toshkent tajriba stansiyasi, 5 ta tajriba maydoni, bular Ashxabod, Jizzax, Juvali, Ko'gart, Kopal kabilar, 100 dan ortiq tajriba uchastkalari mavjud edi. Tajriba maydonlari Kaspiyorti viloyati (Ashxabod); Farg'ona viloyati( Ko'gart), Yettisuv viloyati ( Kopal), Samarqand viloyati ( Jizzax), Sirdaryo viloyati (Juvali)da ya'ni beshta Turkiston general-gubernatorligi viloyatlarida ish yuritardi, shuningdek, Kushka, O'ratepada, Dasht cho'lda ham tajriba maydonlari va ularning filiallari bo'lgan.[2] Qabul qilingan tartibga ko'ra, tajriba stansiyasiga 100 desyatina ( 1desyatina-1,09ga) tajriba maydonlariga 25-50 desyatina, tajriba uchastkalariga esa 25 desyatinagacha yer fondlari ajratilishi belgilangan.[3] Biroq, yer fondlari imkoniyatiga qarab bu qoidaga hamma vaqt ham qat'iy amal qilinmagan. Tajriba uchastkalari " paxtachilik", " donchilik", " lalmikor dehqonchilik", " bog'dorchilik", " poliz va sabzavot ekinlari", kabilarga ixtisoslashgan bo'lib, eng ko'p " paxtachilik" tajriba uchastkalari faoliyat yuritgan. 1907-yilda Toshkent tajriba stansiyasida 66 desyatina, Dasht cho'l tajriba maydonida 200 desyatina, Andijon tajriba maydoni hisobida 27 desyatina ekin maydoni bo'lgan.[4]

Tajriba stansiyasi va tajriba maydonlarining har birida texnika va qishloq xo'jaligi asbob-uskunalari uchun maxsus omborxona va labaratoriyaxonasi bo'lgan. Toshkent tajriba stansiyasi omborxonasiga qishloq xo'jalik texnikalaridan plug, seyalka, kultivatsiya, lobogreyka,jeneyka, veyalka ( don ajratadigan mashinalar-muallif) borona, grabli brichka, telejka kabi zamonaviy texnikalar to'plangan. Ushbu texnikalar dastlab tajriba stansiya yer maydonlarida sinovdan o'tkazilib, keyin atrofdagi dehqonlarga sotilardi yoxud ijaraga berilardi.Toshkent tajriba stansiyasi boshlig'i R.R.Shreder 1902-1908 yillarda stansiya omboridan katta miqdorda yangi texnikalar tarqatilganligini qayd qiladi.[5] Ayniqsa, Dasht cho'l tajriba stansiyasi 1907-1910 yillarda dehqonlarga 16.500 rubl mablag'ga yangi texnikalar sotganligi, atrofdagi qishloqlar aholisi ushbu tajriba maydonidan imtiyozli narxlarda 10 foiz chegirma bilan besh yil muddatgacha ijaraga texnikani xarid qilganligi manbalarda qayd etilgan.[6]

Andijon tajriba maydoni Farg'ona viloyati uyezdlarini yangi texnikalar bilan ta'minlashda muhim rol o'ynab, uning omborxonasida birgina pluglardan o'ndan ortiq turlari saqlangan. Omborxonadan texnik vositalar xarid qilish yilning barcha mavsumida davom etgan. Tajriba stansiyasi va maydonlari bo'ylab sayohat qilgan kishilar ularning omborxonalari haqida qiziqarli ma'lumotlar yozib qoldirishgan. K.Timayev va L.Proshinlar o'z sayohat xotiralarida: Toshkent tajriba stansiyasining mehnat qurollari omborida yangi texnikalar, dehqonlar uchun kerakli asbob-uskunalarning ko'plab turlari bor"-deb yozishgandi.[7] Xullas, Turkistonda XX asr boshlarida faoliyat yuritgan tajriba stansiyasi, tajriba maydonlari va tajriba uchastkalari mintaqada yangi qishloq xo'jalik texnikalarini tarqatishda muhim rol o'ynadilar. Biroq, ushbu muassasa xodimlari Yevropa millati vakillari bo'lib, yangi texnikalarni asosan ko'chirilgan dehqonlar o'rtasida tarqatish bilan shug'ullanganini tarixiy dalillar tasdiqlaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Hayitov J.Sh. Turkistonda yangi ekin navlarining tarqalishi va ulardagi o'zgarishlar.-Buxoro.-Durdona; 2018.-B.129.
2. Шахназаров А.И. Очерк сельского хозяйства в Туркестанского края. Санкт-Петербург.-1898. - С.139-140.
3. Постонавление комиссия по вопросам сухого земледелия // ТС. –Том.545.-С.231;232;236.


[1] Шахназаров А.И. Очерк сельского хозяйства в Туркестанского края. Санкт-Петербург.-1898. - С.139-140.
[2] Постонавление комиссия по вопросам сухого земледелия // ТС. –Том.545.-С.231;232;236.
[3] Шахназаров А.И. Селвское хозяйство в Туркестанском крае. –Санкт-Петербург. 1908.-с.449-450.
[4] Туркестанская Сельско хозяйственная опьтная станция//ТС.-Том.495.-С.122.
[5] Шредер Р.Р. Туркестанская сельско-хозяйственная станция//ТС.-Том 495.-С.125-126.
[6] Голодностепской окветной станции.//ТС. Том 494.-С.228; м:Туркестанское сельское хозяйство. 1914.-N4.-С.226-229.
[7] Прошин Л, Тимаев К. Экскурсия на сельско хозяйственную опьтную станцию // ТС. Том 551.- С.53.

4. Шахназаров А.И. Селвское хозяйство в Туркестанском крае. –Санкт-Петербург. 1908.-с.449-450.
5. Туркестанская Сельско хозяйственная опьтная станция//ТС.-Том.495.-С.122.
6. Шредер Р.Р. Туркестанская сельско-хозяйственная станция//ТС.-Том 495.-С.125-126.
7. Голодностепской окветной станции.//ТС. Том 494.-С.228; м:Туркестанское сельское хозяйство. 1914.-N4.-С.226-229.
8. Прошин Л, Тимаев К. Экскурсия на сельско хозяйственную опьтную станцию // ТС. Том 551.- С.53.

# БУЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙГУСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

**Ҳ.К.Ҳомидов**
***Бухоро муҳандислик-технология институти***
**3-курс таянч докторанти**

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада булажак мутахассисларда ватанпарварлик туйгусини ривожлантиришнинг функциялари ва йўллари ёритилган. Шунингдек, содиқлик туйғуларини шакллантириш муаммоларининг ечимини топиш масалалари республикамиз олимларининг ўрганган жиҳатлари ёритилган.Бундан ташқари, булажак мутахассисларда ватанпарварлик туйгусини ривожлантиришнинг функциялари ва йўллари бўйича хулоса ва таклифлар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *мафкуравий манзара, мафкуравий манзара ватанпарварлик, ватанпарварлик феноменологияси, миллий анъана ва қадриятлар.*

Дунёдаги ривожланган давлатлар халқаро рақобат шартларига кириб бораётган бир пайтда ижтимоий инфраструктураларда ёшларни юксак маънавий ахлоқли, ватанпарвар қилиб тарбиялаш муаммоларини илмий педагогик жиҳатдан тадқиқ қилиш масалалари етакчилик қилмоқда. Шунингдек, ёшларни мафкуравий таҳдидлардан асраш, уларда Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш каби ижтимоий-педагогик масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ижтимоий зарурат ватанпарварликка янгича қараш, муносабат, атрибутни тақозо этиши, илмий тадқиқотлар кўламида ёшларда ватанпарварлик феноменологиясини ривожлантириш муаммосининг ёритилиши, шахснинг ватанпарварлик даражаси сифатини квалиметрик таҳлил қилиш ва баҳолашга эҳтиёж пайдо бўлганлигини кўрсатади. Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли мутахассис кадрларни етиштириш учун замин яратмоқда.

Шу билан бирга, талабаларнинг ватанпарварлик даражасини ўрганиш, ўлчаш, квалиметрик таҳлил қилишни тизимлаштириш ва доимий коррекциялаш зарурати юзага келмоқда. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш чора-тадбирларида “юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш” каби вазифалар белгиланган. Бу борада талабаларда ватанпарварлик даражасини педагогик таҳлил қилишнинг шарт-шароитлари ва амалиётини ривожлантириш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, олинган натижалар асосида ватанпарварликка оид ўқув курслари мазмунини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПФ- 5106- сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847- сон Фармонлари, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ3907-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида”ги 140-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Жамиятимизда миллий истиқлол маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш, миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўзликни англаш, Ватанга содиқлик туйғуларини

шакллантириш муаммоларининг ечимини топиш масалалари республикамиз олимлари: Қ.Назаров, Н. Жўраев, Н.Комилов, М. Абдуллаев, М.Маҳмудов, М.Шарифхўжаев, А.Иброҳимов каби олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган бўлса, миллий маънавиятимизга хос бўлган ҳистуйғуларни, ғурурни, ватанпарварликни ёш авлодда шакллантириш муаммоларининг психологик ва педагогик жиҳатларини Э.Ғозиев, В.Каримова, М. Қуронов, С. Носирхўжаев, М. Зарипов, О. Мусурмонова, Ш.Абдуллаева, Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов, Қ. Қурбонбоев, Н. Ортиқовлар тадқиқ этишган.

Ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш омилларининг психологик жиҳатлари хориж олимлари: Hartmann Ingo, Vincent Greney, Thomas Kellaghan, John Morgan, Wilcoxon Frederik, Morgan Georgeлар томонидан тадқиқ қилинган. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Олий таълим муассасалари талабаларида ватанпарварлик даражаси кўрсаткичларини педагогик таҳлил қилиш ва баҳолашнинг мазмунмоҳиятини замонавий шароитда тадқиқ қилиш алоҳида тадқиқот предмети сифатида танланмаганини кўрсатиб ўтиш мақсадга муофиқ бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиѐевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371

2. Узоқов А.М. Formation and development of patriotism among students in the institution of higher education.// “European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences”. Progressive Academic Publishing, UK. Angliya. 2019. 1- son. 246-250. (13.00.00; №3)

3. Узоқов А.М. The results of diagnosing the level of patriotism of students in the classroom for pre-conscription training.// “European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences”. Progressive Academic Publishing, UK. Angliya. 2019. 4- son.686-689. (13.00.00; №3)

4. Чан Ким В., Моборн Р. Стратегия голубого океана. Как найти или создать рынок, свободный от других игроков. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2017. 336 с.

# TALABALAR AHLOQIY MADANIYATI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK DEONTALOGIYA FANINING AHAMIYATI.

**O.R. Ortiqov**
**Pedagogika kafedrasi o‘qituvchisi**

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar kelajagimiz bo‘lgan yosh avlod tarbiyasining muhim qiyofasini shakllantirishi zarur. Chunki ta’lim-tarbiya sohasida amalga oshirilgan islohotlar natijasi va jamiyatda bu tizimga munosabatning izchil emasligi ayon bo‘ldi. Ta’lim-tarbiya sohasidagi muammolar bevosita yoshlarning ma’naviy-axloqiy qiyofasiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Yoshlar axlooqiy madaniyatini shakllantirishga bevosita xizmat qiladigan fanlar qatorida deontaalogiya ham alohida o‘z o‘rni va ahamiyatiga ega.

Deontologiya, ya’ni kishining xulqi, odobi haqidagi tushuncha 16-asrning boshlarida ingliz faylasufi va iqtisodchisi I. Bentam tomonidan taomilga kiritilgan.

Deontologiya yoki deontologik axloq (qadimgi yunoncha "kerak") - bu axloq va axloq muammolari haqidagi ta'limot, axloqning bir bo'limi[5]. Amalga oshirilgan harakatni baholashda deontologiya uning ma'lum qoidalarga muvofiqligi yoki mos kelmasligi asosida amalga oshiriladi. Ba'zan uni vazifa etikasi (yoki burch) yoki xulq-atvor qoidalariga asoslangan axloqiy tizim deb atashadi, chunki ular burch tushunchasining asosidir.

Deontologik axloqning mohiyati shundan iboratki, harakat oqibatlarga qaraganda muhimroqdir, odatda, bu natijaviylik [6], ezgulik etikasi va pragmatik etikaga ziddir.

J.Bentam o'zining "Deontologiya" yoki "Axloqshunoslik to'g'risida" asarida axloq nazariyasi, axloq haqidagi fan deb taklif qilgan[6]. Keyinchalik, fanni axloqiy qadriyatlar tomonidan berilgan majburlashning ichki tajribasi sifatida ko'rib, insoniy burch muammolarini tavsiflash bilan cheklandi. Zamonaviy ilm-fanda bu atama C.D.Broad tomonidan kiritilgan. 1930-yilda nashr etilgan "Axloq nazariyasining beshta turi" kitobida [5] alohida tarmoqlar tibbiy deontologiya bo'lib, ular tibbiy etika tushunchasi bilan birlashadi [4] va bioetika va huquqiy deontologiya (etika)[6] deb ta’riflaydi.

Bugungi kunda yuridik kasblarning deontologiyasida - ta'lim va tartibga solish jihatlariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ko’pgina Yevropa mamlakatlarda deontologik axloqning jihatlari qonuniy ravishda tasdiqlangan. Jumladan, Frantsiya milliy politsiyasining deontologiya kodeksi, Britaniya politsiya xizmatining axloqiy tamoyillari to'g'risidagi nizom, Germaniya Federativ Respublikasi politsiyasi xodimi

axloq qoidalari, axloq kodeksi, AQSh politsiyasi zobiti, oddiy va shaxsiy tarkibning Faxriy kodeksi va Rossiya Federatsiyasi ichki ishlar organlari qo'mondonligi qonunlari sifatida yaratilgan.

Xalqaro darajada, shuningdek, bir qator yuridik kasblarning deontologik kodlari bilan bog'liq huquqiy hujjatlar mavjud hamvud. Masalan; Evropa hamjamiyati yuristlari uchun umumiy qoidalar kodeksi) [3].

Deontologik muammolar haqida so'z yuritilishi doimo J.Bentam va uning nazariy qarashlari bilan ob'ektiv ravishda bog'liq. 1990-yillarga qadar deyarli barcha mahalliy tibbiy deontologiya asarlarida va kamdan-kam uchraydigan huquqiy, "deontologiya" tushunchasining genezisi ushbu kontseptsiyani ilmiy muomalaga kiritgan Jeremiah Benthamning bir qator qarashlari va tushunchalari uchun uni marksizm-leninizm ta'limoti klassiklari tanqid qilganlar.

Pedagogik deontologiya – jamiyat tomonidan o‘qituvchi shaxsi, u tomonidan pedagogik majburiyatlarning bajarilishiga nisbatan qo‘yiladigan talab va axloqiy yo‘l-yo‘riq, ko‘rsatmalar, qoidalar majmuidir.

Demak, pedagogik deontologiya bu o‘qituvchining kasbiy burchiga muvofiq xulq-atvori haqidagi fan. Shundan kelib chiqib aytishimiz mumkinki, pedagogik deontalogiya fanining maqsad - talabalarni pedagogik deontologiya va kompetentlik fanining ilmiy-nazoriy asoslari, pedagogik deontologiya va kompetentlik tushunchasining mazmun-mohiyati va kasbiy etikaning pedagogik faoliyatidagi ahamiyati va o‘rni, kasbiy etika me’yorlari haqida ma’lumotlar berishdan iborat.

Pedagogik deontologiya nafaqat o‘qituvchining kasbiy majburiyatining ma’nosini ochish, kasbiy faoliyat natijalari uchun javobgarlik, talabalar, ularning ota-onalari, hamkasblari bilan munosabatlar jarayonida o‘qituvchilarga qo‘yiladigan me’yorlar va talablar tizimini belgilashdan tashqari, ularni amalda bajarish shartlarini aniqlashni o’z ichida olgan fandir.

Deontalogiya fani "Shaxs-odam" tizimiga oid kasblarda inson ichki dunyosiga ta’sir qiladi, uning shaxsiy fazilatlarini shakllantiradi, tabiiy moyillikni rivojlantirish uchun sharoit yaratadi. Shuning uchun har bir mutaxassislik faqat o‘ziga xos bo‘lgan professional axloqqa, o‘ziga xos deontologik qiyofaga ega bo’lmog’i kerak. Masalan; o‘qituvchiga o‘qituvchining xatti-harakatlarini pedagogik faoliyat xarakteriga muvofiqlashtirishning ob’ektiv ehtiyoji natijasida paydo bo‘lgan va o‘qituvchining kasbiy burchiga munosabatini belgilaydigan axloqiy me’yorlar, qadriyatlar, ideallar majmuasi bo‘lgan pedagogik axloqdir.

Binobarin, pedagogik etika ushbu axloqiy me’yorlarni, qadriyatlarni, shuningdek, pedagogik faoliyatga xos talablarni shakllantirish bilan shug‘ullanadi va pedagogik deontologiya ularni anglash va amalga oshirish bilan muammolarni o’rganadi va o’rganadi.

Pedagogik deontologiya fanining predmeti - bu o‘qituvchini uning kasbiy xulq- atvorini birgalikda belgilaydigan axloqiy me’yorlar tizimi tomonidan amaliy faoliyatda o‘zlashtirish va boshqarish jarayonini o‘rganishdan iborat.

Shuni ta’kidlash kerakki, o‘qituvchining xulq-atvori nafaqat ijtimoiy normalarni (axloq normalari, urf-odatlar, huquq normalari va boshqalarni) bilish bilan, balki uning ushbu ijtimoiy, va birinchi navbatda, kasbiy qadriyatlarga (huquqiy, axloqiy estetik va boshqalar) munosabati bilan belgilanadi. Talabalarda axloq-odob va xulq atvorning shakllanishida albatta deontalogiyaning tamoyillari zarur bo’lib, ular quyidagilardan iborat.

1. **O‘quvchining tabiatiga mos ravishda barkamol rivojlanishiga ko‘maklashish tamoili** bo’lib, o‘qituvchi tomonidan uning malakasi darajasini doimiy ravishda takomillashtirishni, bolaning har qanday o‘quvchining psixologiyasini o‘rganishga, bolaning bilim olishga bo‘lgan qiziqishini rag‘batlantirish, uning bilim faolligini oshirish va ta’limni rivojlantirish g‘oyalarini hayotga tadbiq etish maqsadida amalga oshirilishini nazarda tutadi.

2. **Adolat va haqqoniylik, oshkoralik, tamoyili**; unga muvofiq o‘qituvchi o‘zini va ta’lim jarayonining barcha ishtirokchilarini haqiqiy xizmatiga qarab va sarf qilingan sa’y-harakatlarga mutanosib ravishda baholashi nazarda tutiladi.

3. **Talabaga uning jismoniy va ruhiy salomatligiga zarar etkazmasdan foydali ta’sir ko‘rsatish tamoyili**. Ushbu tamoyil o‘qituvchining har bir aniq talaba, hamkasbiga individual xususiyatlarini, o‘zini aloqa sherigi o‘rnida qo‘yish va vaziyatga o‘z pozitsiyasidan qarash qobiliyatini, shuningdek, o‘quvchilarining psixosomatik kasalliklariga to‘siq topa olish qobiliyatini hisobga olgan holda, har bir aniq talaba, hamkasbiga nisbatan hurmat bilan munosabatda bo‘lishini nazarda tutadi. Shaxsiy xususiyatlarini deontologik talablarga muvofiqlashtirish, sog‘liqni saqlash, valeologik savodxonlikni amaliyotga tatbiq etish Kasbiy faoliyatni tashkil etishda pedagog quyidagi majburiyatlarni bajara olishi zarur: muayyan mehnat vazifalarini, asosan, aqliy mehnat vazifalarini amalga oshirish; talabalar, ularning ota-onalari, hamkasblar bilan o‘zaro munosabatni to‘g‘ri tashkil etish; tanlagan kasbiga, talabalar va

pedagogik jamoaga hamda jamiyatga bo‘lgan shaxsiy munosabatini chuqur anglash. Pedagogik majburiyatlar sirasidan, yana shuningdek, kasbiy faoliyatni tashkil etishga ijodiy munosabatda bo‘lish, o‘ziga nisbatan talabchanlik, kasbiy bilimlarini boyitib va pedagogik malakasini oshirishga intilish, talabalar va ularning otaonalari bilan o‘zaro hurmatga asoslangan va talabchan munosabatni o‘rnatish, murakkab pedagogik nizolarni ijobiy hal qilish ko‘nikmalarini o‘zlashtirish kabilar ham o‘rin oladi.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, ta’lim-tarbiya tizimida insonlar mehnati va faoliyatining ma’lum bir sohasi bilan shug‘ullanuvchi o‘quvchilarga taalluqli axloqiy normalar, talablar mavjudki, ular ahloq **kasb (professional) axloqi** deyiladi. Jamiyatdagi odob-ahloq kasb axloqi bilan munosabatda bo‘lib, umumiylik va xususiy munosabatlarga ajratiladi. Umuminsoniy ahloq nazariyasining koidalari, tamoyillari va tushunchalari, afzalliklari va kamchiliklari oydinlashtiradi va rivojlantiradi. Kasb ahloqi barcha soha kishilari uchun xos bo‘lib, o‘qituvchi, xakim (vrach), tijoratchi, huquqshunos, artist, rahbar xodimlar uchun inson —kasb ahloqini, o‘zaro muomala munosabatlarini tartibga soluvchi ahloqiy normalarga asoslanadi. Jamiyatning, davlatning xam ijtimoiy soxa vakillarga ishonchi yuqori bo‘ladi. SHuning uchun xam o‘qituvchi, vrach, raxbar xodimning ahloqiy fazilatlari shu kasbning vakillari ekanligini ko‘rsatuvchi muhim belgilardan hisoblanadi. Muallimlik ana shunday kasblardan yuksagi, namunasi bo‘lgani uchun o‘qituvchi odobi axloqining boshka turlaridan farq qiladi, bu — pedagogik faoliyatning axloqiy xarakteri va o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chikadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonuni -T.: “O‘zbekiston”, 2020 yil 23 sentabr.

2. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. - T.: “O‘zbekiston”, 2017 y., - 592 b

3. Beauchamp, Tom L. 1991 Philosophical Ethics: An Introduction to Moral Philosophy, 2nd Ed. New York: McGraw Hill: 171.

4. Flew, Antony. 1979. «Consequentialism». In A Dictionary of Philosophy (2nd Ed.). New York: St Martins: 73.

5. [dic.academic.ru/dic.nsf/enc_philosophy/2171/DEONTOLOGIYA Deontologiya] // Filosofskiy ensiklopedicheskiy slovar. / Gl. redaksiya: L. F. Ilichyov, P. N. Fedoseev, S. M. Kovalyov, V. G. Panov. — M.: Sovetskaya ensiklopediya, 1983.

6. Maksimov L. V. De ontologiya // No vaya filosofskaya ensiklopediya: v 4 t. / I n-t filosofii RAN; Nats. obщestv.-nauch. fond; Preds. nauchno-red. soveta V. S. Styopin. — M.: Mыsl, 2000—2001. — ISBN 5-244-00961-3. 2-e izd., ispr. i dopol. — M.: Mыsl, 2010. — ISBN 978-5- 244-01115-9

7. Muslimov N.A., Urazova M.B. Proektivnaya deyatelnost buduщego uchitelya. Ucheb.posobie. – T.: GrandPaper, 2011. – 92 s

8. Mikeshina L. A. «Deontologiya, ili nauka o morali» / / Novaya filosofskaya ensiklopediya: v 4 t. / In-t filosofii RAN; Nats. obщestv.- nauch. fond; Preds. nauchno-red. soveta V. S. Styopin. — M.: Mыsl, 2000— 2001. — ISBN 5-244-00961-3. 2-e izd., ispr. i dopol. — M.: Mыsl, 2010. — ISBN 978-5-244-01115-9

9. M.Ochilov, N.Ochilova. Oliy maktab pedagogikasi. Darslik. -T., «Aloqachi», 2008, 304 bet


# HOJI MUINNING TARBIYAGA OID QARASHLARI


**R.I.Temirov**

**BuxDU “Pedagogika nazariyasi va tarixi” magistratura mutaxassisligi 1-bosqich magistranti**

**Ilmiy rahbar: p.f.n,dotsent B.J.Umarov**



**Annotatsiya:** Ushbu maqolada jadidchilik harakati namoyondalaridan biri, ma’rifatparvar ajdodimiz Hoji Muinning tarbiyaga oid qarashlari haqida fikr va mulohazalar yuritilgan.



**Kalit so’zlar:** Rahnamoi savod, Mehriy, vazoifi xonadoriy, mehnatkashlar tovushi, taraqqiyparvar.


Ay qalam, haqni yozarda o’lg’il,
Maslaking yo’lida qurbon bo’lg’il.
Bu zamonda kim erur haqqoniy,
Shubhasiz to’kilur oning qoni.

*“Zarafshon” gazetasi, 1923- yil 25-yanvar.*

XX asr boshlari Turkiston jadidchilik harakati ma'rifatparvar ziyolilari qatorida Samarqand adabiy muhitining iste'dodli va zabardast vakillaridan biri Hoji Muin Shukrullo o'g'lining ham o'z o'rni bor. Hoji Muin 1883-yil 19-martda Samarqand shahrining Ruhobod mavzeyida tug'ilgan. Yetti yoshida onasidan, o'n ikki yoshida otasidan yetim qolgan va bobosi qo'lida tarbiya topgan. Dastlab, eski maktabda savod chiqargan. Shundan keyin madrasada o'z davrining taniqli ziyolilaridan biri Sayidahmad Vasliydan arab tili qonun qoidalarini o'rgangan.

Fors, turk, azarbayjon tillarida erkin so'zlasha olish va yozish salohiyatiga ega bo'lgan. Rus tilini, Yevropa madaniyatini mustaqil o'zlashtirgan.

1901- yildan esa o'qituvchilik faoliyati boshlanadi. Behbudiy, Shakuriylar ta'sirida fikri o'zgarib, 1903-yili o'z mahallasida maktab ochgan. Ushbu maktab uchun 1908 - yili "Rahnamoi savod" nomi bilan alifbo nashr ettirgan. 1913- yili Behbudiyning "Samarqand" gazetasida va "Oyina" jurnalida ishlay boshlaydi. Ijodkor va tashkilotchi sifatida Behbudiyning rag'bat va hurmatini qozonadi.[1]

"Mehriy" taxallusi bilan ijod qilgan Hoji Muin butun umrini millat ravnaqi va ozodligi, xalqning ma'rifati yo'liga bag'ishlagan. Yoshligidan she'riyatga ixlosmand bo'lgan va nazmda ijod qilgan Hoji Muin , keyinchalik matbuotda o'zining publitsistit maqolalari bilan yo'lchi yulduz singari xalqni ma'rifatga chorladi. Barcha davrlarda ham jamiyat tarqqiyotining eng muhim omillari bo'lib hisoblangan ta'lim va tarbiyaga oid qarashlarini o'z asarlarida aks ettirgan.

Hoji Muin "Hurriyat" gazetasining 1917-yil 22-sentabr sonida Abdurauf Fitratning "Oila yohud vazoifi xonadoriy" asari haqida shunday yozadi:|…Kitobda: xotun olmoqning sha'riy tariqasi, er va xotunning vazifalari va bolalarining badaniy, ahloqiy va fikriy tarbiyasi, yetim va xizmatkorlarning huquqi oyat va hadis ila mufassal suratda bayon etilmishdur….Xulosa: bir islom oilasining ma'sud va baxtiyorligi uchun har nimaki lozim bo'lsa, barchasi ushbu kitobda mubindur [2,71bet].

Hoji Muin ijodida insondagi to'g'rilik ulug'lanadi, haq yo'ldan o'g'ishmay ildam borishdek chorlovlar yangrab turadi. Hoji Muin qalamiga mansub "Ay qalam!" she'ri zamirida o'sha davr ijtimoiy va siyosiy muhiti , poraxo'rlik, tuhmatchilik kabi illatlar, muxtasar aytganda ma'rifat rivoji uchun qo'yilgan to'siqlardan aslo cho'chimay haqiqatni yoritishga undash aks ettirilgan.

Hoji Muin 1918-yil 11-iyunda "Mehnatkashlar tovushi" gazetasini yo'lga qo'ydi.Ushbu gazetada chop etilgan "Yoshlarimiz va qizlar tarbiyasi", "Oila tarbiyasi", "Bolalar bog'chasi", "Yoshlar! Yurtning umidi yolg'iz sizgadur" maqolalari bilan millat taraqqiyotini ta'minlovchi yurtning asl egalari hisoblanadigan yoshlar tarbiyasini dolzarb masala sifatida olib chiqdi. Hoji Muin har bir taraqqiy etgan millatning eng avvalo oilasi tarbiya topishi kerakligi, farzandlarga to'g'ri ta'lim va tarbiya berish, ushbu jarayonda yigit va qizga ajratish eng mudhish xatolardan biri ekanligi haqida "Oila tarbiyasi" maqolasida yozgan.

"Olamda taraqqiy etgan hech bir millat yo'qdirki, uning oilasi tarbiyasiz qolg'on bo'lsin. Yoki hech bir oila yo'qdirki, uning afrodi tarbiya ko'rmayincha chin baxt-saodat bilan umr kechirmakda bo'lsin. …biz turkistonliklar ham o'n besh yil bo'ladirki, bu dunyoda o'zgalardek taraqqiy va taoliy etmak orzusi bilan yangi maktablar ocha boshladik. Yolg'iz erkak bolalarimizni tarbiya etarg'a kirishdik, ammo qizlarimizning tarbiyasiga hozircha hech bir ahamiyat bermadik. …lekin hozirdan bilmagimiz va amin bo'lmog'imiz kerakdirkim, bizlar to erkak va qiz bolalarimizni birgalikda tarbiya etmaguncha…chin baxt va saodatga, taraqqiy va tamaddung'a yetolmasmiz"[2,84].

Hoji Muinning "Mehnatkashlar tovushi" gazetasining 1919-yil 3-noyabrdagi sonida "Bolalar bog'chasi " nomli maqolasi chop etilgan.Maqolada bolalar bog'chasi qanday maskan ekanligi, uning maqsadi nimadan iboratligi va bola tarbiyasida nechog'lik muhum ahamiyat kasb etishi haqida batafsil va xalqchil tarzda yoritilgan.

"Bolalar bog'chasi shundoq bir binodirki, anda o'quv yoshiga yetmagan 4-6 yashar bolalarni yig'ib asraydilar.Tarbiyachilar bolalarni har qismi oddiy o'yinlar bilan o'ynatalar, qog'oz, loy va cho'bdan har narsaning suratini va namunasini yasatalar. Qalin qog'ozdan kesilgan yoxud cho'bdan yasolg'on harflarni bolalarning qo'llarig'a berib, o'yin yo'li bilan harflarni tanitalar.Bolalarni birga o'ynatib, birga o'turub, birga turg'azub jamoat bilan ishlamak, jamoat bo'lib tirikchilik qilmoqg'a odatlantiradilar. Bolalarning tez och qolishini e'tiborga olib, bolalar tabiatiga muvofiq yengil-yengil yemaklar yeguzalar. Bolalarni pokizalikka odat qildiralar.Bolalarga qisqa-qisqa she'rlar o'rgatib, musiqiy havosi bilan o'qitub, ruhlarini tarbiya qilalar."[2,100-101]

Hoji Muin dramaturglik faoliyatini boshlashda Mahmudxo'ja Behbudiyning "Padarkush" asari sabab bo'lganligini o'z kundaliklarida yozib qoldirgan. Dastlab, 1914- yilda Nusratulla Qudratulla o'g'li bilan birgalikda "To'y" pyesasini, shundan keyin 1916-yilda "Ko'knori", "Mazluma xotin" sahna asarlarini yozgan. Ushbu sahna asarlarida xalq orasida urfga aylangan yomon odatlar, tarbiyasizlik oqibatlari ko'rsatib berilgan.

O’z davrining jadid ma’rifatparvarlari singari Hoji Muin ham yangi usul maktablarida bolalarga faqatgina ta’limiy emas balki ularni tarbiyaviy jihatdan ham rivojlantirishni o’z oldiga maqsad qilib qo’ydi. Hoji Muin bolalar uchun tarbiyaviy ahamiyatga ega bo’lgan bir qancha she’rlarni turkiydan forsiyga tarjima qilib “Guldastai adabiyot” she’riy to’plamini tuzgan.

Xulosa o’rnida aytish joizki, mohir dramaturg, o’tkir qalamli publitsist, shoir va tarjimon Hoji Muin ijodini o'rganish, shaxs tarbiyasiga doir qarashlarini chuqur tahlil qila olish va bugungi zamon ta’lim va tarbiya amaliyotida qo’llash, bugungi kun didaktlarining pedagogik faoliyatida dasturul amal bo’lib xizmat qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI**

1. B.Qosimov, “Hoji Muin haqida yetti maqola”.X.Davron kutubxonasi.ziyonet.uz To’plovchi va nashrga tayyorlovchilar: B.Do’stqorayev, N.Namozova;Tanlangan asarlar//Xoji Muin; to’ldirilgan 2- nashr- T.:Ma’naviyat,2010
2. Library.ziyonet.uz

## “QOBUSNOMA” ASARIDA BOLALARDA ODOB-AXLOQ TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNI KASB-HUNARGA YO’NALTIRISH MASALALARI.

**M.Y.Umurova Buxoro davlat universiteti Pedagogika kafedrasi o’qituvchisi**
***m.y.umurova@buxdu.uz***

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Kaykovusning “Qobusnoma” asarida bolalarga tarbiya berishning o’ziga xos xususiyatlari, odob-axloq tushunchalarini kamol toptirish va ularni kasb-hunar ta’limiga yo’naltirish masalalari keng yoritilgan. Kaykovusning asarda keltirilgan hikmatli so’zlari, pand-nasihatlari, pedagogik qarashlari bayon etilgan.

**Kalit so’zlar:** Mehnat, tasavvuf, tariqat, bola tarbiyasi, kasb-hunar, hurmat, davlat boshqaruvi, sharq pedagogikasi, tarix, ma’naviy hayot.

Mehnatsevarlik insonning butun hayoti va faoliyatida amalga oshadigan jarayondir. Halol mehnat kishi hayotining mazmunini tashkil etadi. Halol mehnat bilan tirikchilik qilish va yashash inson hayotining oily bezagidir. Shu bois donolar “Mehnat kishilik jamiyatining eng zarur shartidir” deb bejiz aytmaganlar. Mehnat inson hayotining birinchi va asosiy shartidir. Mehnat jarayoni uch jihatni, ya’ni insonning maqsadga muvofiq faoliyatini yoki mehnatning o‘zini, mehnat predmetini va inson mazkur predmetga ta’sir ko‘rsatadigan ishlab chiqarish qurollarini o‘z ichiga oladi. Mehnat insonni tarbiyalovchi, irodasini toblovchi buyuk ne’matdir. Boshqacha aytganda, axloqiy qadriyatlarning boshqa barcha shakllari va ular takomili ham bevosita mehnat orqali ro‘yobga chiqadi. Tasavvuf va tariqat ahlining buyuk namoyandasi Bahouddin Naqshband hazratlarining “Dil ba yoru dast ba kor” (diling Allohda, qo‘ling ishda bo‘lsin) degan hikmati insoniyat tafakkurining o‘lmas tamoyillaridan biri bo‘lib qolaveradi. “Yaratgan Rabbim rizqimizni ham beradi”, - deb biron-bir foydali mehnat qilmay, faqat toat-ibodat bilan mag‘rur yurishni emas, balki odam Alloh taoloni diliga jo qilib, baholi qudrat mehnati bilan rizqu-ro‘z topib yashashi zarurligini uqtiradi. Ul zoti sharif ayni qoidaga avvalo o‘zlari amal qilganlar. Ilmni, valiylikni emas, balki halol tirikchilik manbai sifatida kimxobga naqsh solish kasbini tanlab, shu orqali oila tebratganlar. Bu kasb ul zotga otadan “ota kasb” sifatida meros o‘tgan edi. Hattoki, o‘zlariga xizmatkor ham saqlamaganlar. Shuningdek, ul zot talabalarni madrasaga qabul qilish paytida yoshlardan: “Biron kasbing bormi?”, - deb albatta so‘rar ekanlar. Kasbi-kori, hunari yo‘q bolalarni o‘qishga qabul qilmaganlar. Buning sababini Naqshband hazratlari: “Agar kishi hunarli bo‘lsa, u kishi bilimini haqiqatga bag‘ishlaydi, o‘z mehnati bilan kun kechiradi. Bordi-yu, kasbi bo‘lmasa, bilimini tirikchilikka sarf etadi, halol mehnatni unutadi”, - deya izohlaydilar. Donishmandning bu o‘giti Payg‘ambarimizning “Sizlarning yaxshirog‘ingiz dunyosini deb oxiratini, oxiratini deb dunyosini tark etmagan, odamlarga og‘irligi tushmaydigan kishidir”, - degan hadislariga to‘la mos keladi.

Qadimdan ota-onalarimiz bola tarbiyasida mehnatga o’rgatishga, kasb-hunarga qiziqtirishda alohida e’tibor berganlar. Farzandlarini layoqati, qobiliyatiga qarab tarbiyalaganlar. Shu o’rinda har bir ota-ona farzandning qaysi kasb egasi bo’lishiga jiddiy e’tibor berish. “Inson kasb-kori uning husni” deyishadi. Dehqonchilik, bog’dorchilik, tikuvchilik, naqqoshlik, ganch-o’ymakorlik, duradgorlik, zardo’zlik kabi kasblar bir necha asrlardan buyon xalqimiz mehnat faoliyatidan keng o’rin olgan. “Kasb muayyan bilim va mahorat talab etadigan mehnat faoliyati turidir. Unga umumiy yoki maxsus ma’lumot hamda amaliy tajriba yo’li bilan erishiladi.

Kaykovus o’z tabaqasi farzandlarining mehnatiga qobiliyatsiz ekanligini, mehnatsiz na ilm, na ma’rifatga erishishi mumkinligini o’zining hayotiy tajribasi orqali tushundi va o’g’li Gilonshoxni mehnat qilishiga, hunar o’rgatishga chaqirdi. Kaykovus yoshlarda har-xil kasb egasi bo’lishini, xilma-xil hunar

egallashni tavsiya qiladi, ya'ni u xalqqa hunar va kasbni harbiy kishiga harbiy ilmlarni so'vga suzishni, ot minishni, chavgon urishni, kamon tanlashni o'rganishni tavsiya qiladi. "Hunarni o'z vaqtida o'rganursanki, agar bir soatni bekor o'tkazmasang, agar ul vaqtda dono kishi hozir bo'lmasa, nodondin o'rgangil, chunki huhardni nodondan yaxshiroq o'rgansa bo'lur. Bu shul jihatdinki har vaqtda ko'ngil ko'zi va aql nazari bilan nodonga boqsang, uning nopisandida ishlarini ko'rib undan parxez qilursan". Kaykovus o'zining yaxshi fazilatlar va hunar sababli bolang qadr va martabasi borligini bilib, yanada avvalgi kishini haqiqiy hunarmand deb biladi.

U jamiyat taraqqiyotida ilm bilan birga kasb-hunarning ham zarurligini ta'kidlaydi: "Agar kishi har qancha oliy nasab va asl bo'lsa-yu, ammo hunari bo'lmasa, u haloyiqning izzat va hurmatidan noumid bo'lur. Ulug'lik aql va bilim biladur, nasl-nasab bila emas. Otni senga ota va onang qo'ymishlar, sen unga g'urra bo'lmag'il ... Ammo sen hunar bila bir nomga ega bo'lg'il" . deydi u.

Shuning uchun asarda turli kasb egalari ulug'lanadi. Kaykovus kasb-hunar o'rganishni bilim olish bilan qo'shib olib borishni tavsiya qiladi. Fanni amaliyot bilan o'zviy aloqada deb qaraydi. Kaykovusning bu qarashlari o'sha davrning ilg'or qarashlaridan sanaladi. Asarda munajjimlik, yer o'lchash, musiqa tibbiyot sohasidagi kasb egalarining faoliyati ilmiy nuqtai nazardanyoritiladi. Ayniqsa tibbiyot ilmga oid qarashlari bo'lganligidan dalolat beradi. Uning turli kasb- hunar vakillari haqidagi fikrlari amaliyotga tadbiq etishga o'ta muhimligi bilan diqqatga sazovar. Masalan: "Dabirlik va kotiblik zikrida" bobida yozma nutqni yaxshi egallash, chiroyli yozish va mashq qilishni maslahat beradi. U xat yozishda sajhga rioya etish, har bir so'zni yoqimli, tushunarli, qisqa yozish, zukko va sezgir bo'lishni ta'kidlaydi. Xattotlikning ulug' hunar ekanligi, ammo bu hunarda hech qachon soxtalik, pastkashlik qilmaslikni, sir saqlashni tavsiya etadi va bu borada ibratli hikoyatlar keltiradi. U kotiblikning shartlari haqida gapirib, har doim podshoh ( rahbar, boshliq ) huzurida hozir bo'lishi har bir qilinadigan ishni yaxshi anglab olish, kerakligini aytadi. Har bir ishni tekshirib, kuzatib turish, biror ishni yoddan chiqarmaslik, xabarsiz qolmaslikni o'qtiradi. Har daqiqa ish bilan mashg'ul bo'lish, barcha hisob kitob ishlarini vaqtida bajarish kotibning vazifasi deb biladi u. "Podshohning sirini aytmagil va har bir ishdan podshohni ogoh qilgil" – deydi. Xattotlikning ulug' hunar ekanligini o'qtirib, lekin bu hunarda hech qachon soxtalik, pastkashlik qilmaslikni, sir saqlay bilishni, yolg'on xabar yetkazmaslikni maslahat beradi.

Unig kasb hunarga oid "Dehqonchilik va bozor peshalari bayoni" zikrida nomli 43 bobi ham diqqatga sazovor. U avvalo dehqonchilik ilmini egallash mazkur ishda yerni tarbiya qilish, tezkor va g'ayratli bo'lishni ta'kidlaydi. Boshqa hunarlar kabi bunda ham rostgo'y bo'lish, baxillikdan qochish kabi xislatlarga ega bo'lishga undaydi. Ayniqsa uning bozor bilan bog'liq kasb-hunar kishilarga bergan o'gitlari qiziqarli. Masalan: "Bozor xalqi bila bozori bo'lgil. Toli va tarozini rost qilgil. O'z aqchang haqida ikki dil va ikki hamyon bo'lmagil. Sheriklaringga hiyonat qilmagil, har peshakim qilsang unga hiyla qilmagil va hamisha hamma ishingni birdek qilgil. Agar moldor bo'lsang, muhtojga qarz bermoqni g'animat bilgil" – deb to'g'ri ta'kidlaydi. Bu pandlar ham hukmdorga, ham oddiy fuqaroga barobar zarur hisoblanadi. Bu bilan u yoshlarda mehnatsevarlikni, mehnatkash insonga hurmat tuyg'usini tarbiyalaydi. Jismoniy mehnat bilan ham aqliy mehnat kabilar bilan shug'ullanish lozimligini bayon etadi. Kaykovus "Vazirlikning shart va rasmlari zikrida" nomli 40 bobda vazirlarning ishi, faoliyati, ular amal qilishi kerak bo'lgan axloq- odob, hulq – atvor qoidalari haqida gapirib o'tadi. "Ey fazand agar vazirlik mansabiga yetsang, turli hisobot yo'llarini, muomila tarkibini yaxshi o'rganib olgin, podshohga (davlat boshlig'i) hamma vaqt to'g'ri yo'llarni bayon qilgil, insoflik bo'lgil" deb o'qtiradi. U vazifasidan foydalanib, barcha molni uyiga tashimaslikni, arzimas narsalarga nazar solmaslikni, mol yig'ishni hohlasa vayron mamlakatlarni obod qilib daromad topishini aytadi. "Bilgilki, jahonni lashkar bila, lashkarni zar bila, zarni obodonlik bila, obodonlikni aql- insof bila qo'lga kirgussa bo'lur. Demak, aql – insofdan g'ofil bo'lmagil" – deydi. Yolg'on farmon chiqarmaslikni, o'z so'zini ulug' tutushni, o'z farmoniga xilof ish qilmaslikni ta'kidlaydi.

"Sipoxsoralik shartlari va odatlari zakrida" nomli 41- bobda "Ey farzand, agar sipoxsolar bo'lsang, lashkaringga exson ko'rgazgil ham o'z tarafingdan ham podshoh tomonidan ularga yaxshilik rasmini tutgil. Hamisha haybatlik bo'lgil va urush qilmoq tarikan bilgil" – deb bayon etadi. U o'z fikrini urushda bir qadam ham orqaga chekinmaslikni, doim olg'a bosish, oldinga harakat qilish kerak deb biladi. Qo'shin boshlig'i har doim lashkarga xush so'z, xush muomilada bo'lishni suv, nonni birgalikda baham ko'rishni maslahat beradi.

Kaykovus 42- bobda podshohlik (davlat boshlig'i) haqida gapirar ekan "ey farzand, agar podshoh bo'lsang, porso (xudojo'y, yomon ishlardan saqlanuvchi) bo'lgil va ko'zingni qo'lingni haloyiqning ayol va atrofidan (xotin bolachaqalari) yiroq tutgil. Pok va imonli bo'lgilki, bu poklikdur", deydi. Davlat va o'zining shaxsiy ishlarini ham aql yuzasidan bamaslahat o'ylab sabr – toqat bilan, natija va oqibatini ko'z oldiga keltirib amalgam oshirishni aytadi. Hamisha rostgo'y kam gapiruvchi bo'lishni talab qiladi.

“Hamisha lutf va qaramni odat qilgil, lekin siyosatlik bo’lgil”- deb o’qtiradi. Uning fikricha, kimgaki ish buyursa ya’ni vazifa tayinlovchi shu vazifaga munosib kishini tayinlashi kerak. Agar ish bilmagan kishiga rahbarlik qilishni topshirsa, u ish bilmasligidan o’z manfaatini o’ylash harahatiga tushadi.

Podshohdagi olti hislatni u alohida ta’kidlaydi haybat, adil, saxovat, muxofazat, muloyimlik, rostgo’ylik podshoh bo’lsang bu ishlarga ehtiyot bo’lgil va olam podshoxlarning holidan shundog’ xabardor bo’lib turgilki ularning nafas olganlaridan ham xatto g’ofil bo’lmagil undan so’ng o’z viloyating va lashkar holidin ham ogoh bo’lgil deb tushuntiradi.

Kaykovus o’z asarida hayotiy va amaliy masalalarni keng ochib beradi. Uning kundalik turmushdagi xulq- odob qoidalariga oid fikrlari asarning “Mazax” (hazil) qilmoq, shart – ranj (shaxmat) va nard o’ynamoq zikrida, “Shikorga” (ov) chiqmoq zikrida, “Chavgon o’ynamoq zikrida” shuningdek ovqatlanish, dam olish, hammomga borish, mehmondorchlik, sharob ichishga bag’ishlangan boblarida bayon qilingan bo’lib, ular hozirgi paytda ham ahamiyatini yo’qotmagan. Bunday xulq- odob qoidalari inson kamolotini ko’rsatuvchi sevgi namoyon bo’ladi. Alloma bu masalalarni o’z turmushida ko’rgan, uchratgan, boshidan kechirgan va shular asosida jam qilgan. Bu hayotiy muammolarni Kaykovus hikoyalar, maqolalar, donishmandlarning hikmatli so’zlari vositasida isbotlaydi. Shuning uchun ham “Qobusnoma” IX asr Sharq pedagogikasi tarixida g’oyat qimmatli asarlar qatoriga kiradi.

Kaykovus “Sharob ichmak” nomli II bobga sharob (aroq, mast qiluvchi ichimlik) ichishning qoidasi, chegarasi va adog’i haqida so’z yuritadi. “Ey farzand, bilgilki senga sharob ich deb aytmasman, ammo ichma deb ham aytmasman, negaki yosh yigitlar qari kishining so’zi bilan yigitlik vaqtining ishlarini tark etmaslar. Kaykovus yoshlarga sharobni iloji boricha ichmaslikni maslahat beradi. Bu bilan ham haq taoloning, ham ota-onaning, ham xalqning xushnudlikni qozonasan” deb o’qtiradi. Lekin majlislarda do’stlaring senga sharob ichirmasdan qo’ymaydi. Bunday xollarda sharob ichishning rasmini yodingdan chiqarmagil deydi. Sharobni haddan ziyod ichmaslikni, taom yegandan so’ng agar tashna bo’lsa uch martagacha iste’mol qilishni, lekin asr nomozidan so’ng icha boshlashni o’qtiradi. “Chunki mast bo’lganingni hech kim ko’rmaydi va hech kim uyaltirmaydi” deydi. “Sharobxo’rlikdan ikki narsa hosil bo’ladi: yoki be’morlik, yoki devonalik. Nahor paytidagi ichishning zarari bexad ekanligini aytadi va juma kuni ichmaslikni odat qil, bundan sening nafsing, tomirlaring, ko’zing, aqliy ruhiy tanang osoyish topar” deb maslahat beradi. Mehmondo’stlik xalqimiz tarixida ming yillardan beri o’rin olib kelayotgan an’analardan biri. Ahloq va nafosat manbai hisoblangan. Mehmondo’stlikda do’stlik, o’rtoqlik, odamgarchilik, insonparvarlik, poklik kabi odob qoidalari buloq bo’lib qaynaydi. Mehmondo’stlik o’zbek xalqining oliy fazilati, mehmon kelganda o’zlari kambag’al bo’lsa ham mehmon oldiga choy damlab, uyda bor masalliqdan biror taom tayyorlash o’zbek xalqining odati bo’lgan. Mezbon oilasidagi kamchiliklar, yetishmovchiliklar to’g’risida og’iz ochmagan, o’zini xushchaqchaq, o’zini dilkash ko’rsatgan. Mana shu mehmondo’stlik odobi haqida “Qobusnoma” ga quyidagi fikrlarni uchratamiz.

“Ey farzand bilginki, har xil begona odamlarni mehmon qilmagil, nedinkim har kun mehmon olsang, unga loyiq ishlarni ko’ngil murodiga qila olmago’ydir ” deydi. Har oyda bir marta mehmon chaqirishni va har chaqirganda qiladigan harajatni bir marta qilib to’la-to’kis, bekamu-ko’st dasturxon tuzatishni buyuradi. Odamlar kelganda barcha uy a’zolari bilan uni istiqbolga qilmaslikni, haddan ziyod kulmaslik va o’ta darajada jiddiy qiyofaga siyosat bilan turmaslikni maslahat beradi. “Agar o’zing mehmon bo’lsang kun och va to’q bo’lib ham bormagil, tez yurib borma, uning uyida o’zingga munosib joyda o’tir, uy egasiga hizmat buyurmagil, haddan ziyod sharob ichmagil ”- deb o’qtiradi.

Kaykovus kundalik so’zlashuvda uchrab turadigan hazil qilmoq, shatranj va nard o’yinlari haqida ham o’z tushunchalarini bayon etadi. “Ey farzand, bilgilkim, ko’p kishilar deb durkim mazax fassodning muqaddimasidur. Mazah, ya’ni xonaki kishiga dahl qilmoqdin xazar qilgil” deydi.u mastlikda va mastlarga hazil qilishni rad etadi. Mazax qilishni ayb den bilmaydi. Lekin o’zingdan kichkinalarga va pastlarga ya’ni o’zing tengilarga hazil qil, toki ular javob bersalar ayb bo’lmagay deydi. Hazilning chegarasidan o’tib ketmagil toki urush kelib chiqmasin. Agar urushib qolsang, u miqdor janjallashmagilki, yarashishiga o’rin qolsa urush qilmoq yosh bolalar va xotinlarning ishidur deb uqtiradi. Shatranj va nard o’ynamoqni omad qilib olmaslikni o’ynaganda ham garov bog’lamaslikni qimorboz kishi bilan o’ynamaslikni targ’ib qiladi. Bu boshlashini aytadi. “Mastlar va turklar bilan hargiz garov bog’lamagil va janjal orttirmagil”. U kishi sevgi, muhabbat haqida gapirar ekan, bu yo’lda yanglishmaslikni, latif ta’b bo’lishni manzur ko’radi. “Ey farzand, to kishining ta’bi latif bo’lmagincha oshiq bo’lmagusidir, nedinkim ishq beshak ta’bi latiflikdan paydo bo’lur. Shuning uchunkim, latif ta’bdin latiflik to’g’ulur, g’aliz tabli va yalqov kishi hech vaqt oshiq bo’lmas” deb oshiqlarcha xos his – tuyg’ularni ifodalaydi. U ishq yo’lida ihtiyot bo’lishga undaydi. O’zingni saqlagil oshiqlikdan parxez qil deydi.

Olti narsa kishi yuzining su'ratini o'zgartiradi. Bular: "tez kelgan shodlik, bexosdan kelgan g'am, uyquv, mastlik va qarilikdir. U uyquni yomon odamlar qatoriga kiritadi, badanni sust va tabiatni (kayfiyatni) vayron qiladi" deydi. Kaykovus bir sutkaning ya'ni, 24 soatning 8 soatini ibodatga 8 soatini ishrat va ruhni tozalamoqqa 8 soatini shu 16 soat davomida qiynalgan a'zolariga orom bermoqqa bag'ishlashni talab qiladi. Lekin bunga hamma har xil yondashadi. Masalan; xoxillar yarmini uyqu, yarmini o'zga ishlar bilan o'tkazadi. Koxinlar (dangasa yalqov) esa ikki hissasida uxlab, hissasida o'zga ishlar bilan shug'ullanadi. Oqillar esa bir hissasida uxlab, ikki hissasini bedor o'tkazadi. Ammo uyqu ham behikmat yaratilmadi, rohat va osoyish uchun yaratildi uxlamaslikdan ham bemorlik kelib chiqadi. Shuning uchun vaqtini bilib yo oqshom yoki kunduzgi uyqu olish kerak deb o'qtiradi.

Qadim turonda ma'naviy hayot azal- azaldan iqtisodiy turmush bilan o'zviy bog'lanib kelgan. Chunonchi "Tadbirkorlik turmushning yarmidir", "Farzandga odob hunar o'rgatmoqlik me'ros", "Og'ilga barcha san'at hunarlarni o'rgatish bilan mol dunyo yig'iladi" kabi naqllar xalqimizda mavjud. Ajdodlarimiz qonida shunday fazilatlar bo'lganligi uchun ham Turonning ijtimoiy iqtisodiy va ma'naviy ahvoli boshqa davlatlarga nisbatan yuqori bo'lgan. Shu bois yurtni- yurtga, ulusni- ulusga, qavmni- qavmga ham manaviy, ham moddiy jihatdan birlashtirgan Buyuk ipak yo'li aynan shu zamindan o'tgan. "Iqtisod deb yozadi A.Avloniy pul va mol kabi ne'matlarning qadrini bilmoqqa aytilur. Mol qadrini biluvchi kishilar urinsiz yerga bir tiyin sarf qilmas, urni kelganda so'mni ayamas: Iqsodga qilgan kishilar hamma vaqt tinch va rohatda yasharlar, arilar qish kunlarida yemak uchun bol yiqqanidek, boshlariga keladurgan qora kunlarini o'ylab oq gul tig'urlar" deydi. Mol dunyo yig'ishni hatto Ollohu taolo ham man etmagan. "Ey mo'minlar mollaringizni o'rtalaringizga nohaq yo'llar birlan emangiz, balki o'zaro rozilik birlan bo'lgan savdo sotiq orqali mol dunyo kasb etingiz" deydi u.

Kaykovus ham o'z farzandiga "O'zingni mol jam etmak din g'ofil tutmagil va lekin har narsani etmak tilasang jaxd qilmagil toki halollik bila jam bo'lsin va xamisha senga boqiy hamda yoqimli bo'sin" deb o'qtiradi.

Allohu taolo isrofgarchilikni rad etadi. Yenglar, ichinglar, lekin isrofgarchilikka yo'l qo'ymanglar deb buyuradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.**

1. Vamberi X. Buxoro yoxud Movarounaxr tarixi. Toshkent. G'.Gulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti. 1990 yil
2. Ziyoyev G. Yuz bir hadis. Toshkent "Mehnat" 1999 yil
3. A.Zunnunov. O'rta Osiyoda pedagogik fikr taraqqiyotidan lavhalar. Toshkent "Fan" 1995 yil
4. Umum Ismoil-Al Buxoriy Xadis. Toshkent Qomuslar bosh tahririyati. 1-2 kitoblar. 1996 yil
5. Milliy qadriyatlar va tarbiya. Ilmiy to'plam. Qarshi 1996 yil.
6. U.Mahkamov. Axloq-odob saboqlari. Toshkent "Fan" 1994 yil
7. Alisher Navoiy. Hayratul abror. Toshkent. G'.g'ulom nomidagi adabiyot va san'ati nashriyoti 1974 yil.
8. Kaykovus. "Qobusnoma". Toshkent "Meros" nashriyoti 1992 yil 174 bet.

## ЎСМИРЛАРДАГИ ЕНГГА ОЛИШ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ АСОСИЙ СТРАТЕГИЯЛАРИ

**Ж.Ш.Остонов**
**Бухоро давлат университети психология кафедраси ўқитувчиси**

Жамият аъзолари ўзларининг маълум доирадаги психологик имкониятлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсалар, бу уларнинг ҳаётда учрайдиган турли қийинчиликликларни осонлик билан енга олишга, ўз имкониятларидан янада унумли фойдалана олишга, ўзлари ҳақида янада чуқур, ижобий ва ўзига хос тасаввурларнинг шаклланишига имконият яратади.

Олиб борилган таҳлилларга биноан шуни тушунишимиз мумкинки, копинг хулқ-атвор ҳаётий қийин вазиятларда (ёки стрессда) шахснинг англанган стратегия ҳаракатлари орқали субъект аниқ ижтимоий хулқ-атворга таяниб адекват ҳал қилади. Бу англанган фел-атвор актив ўзгаришга йўналган бўлиб, вазиятни бошқариб туришни имкони бўлмаса уни тубдан ўзгартиради, яъни ёки назорат остида ушлаб туради, ёки унга кўникади. Бундай ёндашувда копинг стратегиялари англанган ижтимоий фел-атворнинг алоҳида элементи сифатида қаралади ва унинг ёрдамида инсон ҳаётий қийин вазиятни бартараф эта олади. Копинг хулқ-атвор доирасидаги

кўпчилик мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур жараённинг жадаллашиши айнан ўсмирлик ва ўспиринлик даврларига тўғри келар экан.

Буларнинг барчаси бизга ўсмирлик давридаги копинг стратегияларини ривожланишини борасидаги саволларимизни анчайин деталларга ажратиб у шахс шаклланиши босқичидаги аҳамиятли жараён эканлигини кўрсатиб ўтади.

Барчасидан аввал шуни белгилаб олишимиз лозимки, ўсмирлардаги копинг стратегиялари худди катталарники сингари асосан, хулқ-атвор, эмоционал ва когнитив тарзда намоён бўлади. (шахснинг интеллектуал сферасида ҳеч қандай ўзгаришлар кўзга ташланмайди бироқ, копингнинг ҳимоявий стратегияларида катталарники ва болаларникида тафовутлар мавжуд).

В.В.Лебединскийнинг таъкидлашича, болалар ва ўсмирлар учун ёш нормаси 12 ёшдан ҳисобланиб, бу босқич ҳаётий "қаршиликка" эмоционал сезгирлик палласи ҳисобланади. Болалар ва ўсмирлар асосан стресс билан курашда эмоционал усулни танлайдилар, шахснинг эмоционал хусусиятларининг ўткирлашуви эса унинг характер хусусиятларига боғлиқ. "Болалар ҳаётий ёқимсиз вазиаятларда эмоция ёрдамида: қайғуда ("йиғлайман"), ғазабланганимда ("хавотирланаман, бақираман") ёки аффектда бутунлай ("ақлдан озаман") буларнинг барчаси болалар учун оддий ҳолат" ҳисобланади.

И.М.Николский ва Р.М.Грановскийларнинг "Болалардаги психологик ҳимоя" китобида ёзилишича, "... эмоционал копинг стратегиялари турли вазият кўринишларидаги ноадекват вазиятларда юзага келади, қайғуришдан ғазабга олиб келувчи протест, қаҳр ёки қайд қилинган оптимизм қийин вазиятни бартараф этишдаги ишонч хисобланади. Баъзида қайғуриш ўрнини ўз-ўзини айблаш ҳисси эгаллайди, ўзидан норозилик кучайиб кетади, баъзида эса аксинча, барча жадал эмоционал реакциялар бутунлай рад қилиниб барча жавобгарлик ўзидан соқит қилинганда ва кимгадир юклаганда пассив йўналишда иштирок этади. (бу ерда проекция ҳимоя типи юзага кела бошлайди) ".

Хулқ-атвор стратегияларининг юзага келиши ўз фаолиятини ўзгартириши орқали ёки унинг шаклини ўзгартириш орқали юзага келади. Масалан, травмаловчи вазият доирасидан чиққанда (ёлғиз, осойишта) ёки жадаллик турини психикдан физикка алмаштириш (спорт, айланиш). Яна бир гуруҳ ўсмирлар ўртасида кенг тарқалган усуллардан бири - қийинчиликдан қочиб дўстлари ва тенгдошлари билан мулоқотда бўлиш ҳисобланади. Ўсмирлар фаол тарзда ўз йўналишларини далда қидиришга ўзгартира оладилар (уларни эшитувчи ва тушунувчиларга).

Эрта ўсмирлик даврида инфантил стратегия самарадор ёрдам беради, "тирноғини тишлаш", "ақлдан озиш" ва ҳ.к. Катта ўсмирларда эса, "сиғинаман" ва "қучоқлайман, ғижимлайман, текислайман" кўринишида намоён бўлади. Буларнинг барчаси ёш босқичи билан боғлиқ ўсмирликка мансуб ҳавас бўлиб, унинг асосида эркалаш, майинлик каби физик контактга доир эҳтиёж ётади. "Сиғиниш" бу - худога мурожаат қилиш орқали ҳар нарсага қодир ижодкордан чуқур англанган тарзда унинг марҳамати ва ҳимоясига эга бўлиш функцияси саналади.

Биографик-тавсифланувчи ёндашув фойдаланувчиси Х.Томе ёшларннинг (12-22 ёш оралиғи) конфликт ва мураккабликларга реакция формалари ёрдамида тизимлар категориясини ишлаб чиққан. Мазкур факторлар ичидаги етакчи фактор "мувафаққият" фактори бўлиб, "қарши ҳаракат, оппозиция", "вазият талабига мослашиш ва теварак-атроф эҳтиёжи" ҳамда ижтимоий алоқалардан қўллаб-қувватлашни қидириш кабилардир.

Ўсмирлик ёшида кам учрайдиган реакциялар ҳам аниқланган бўлиб, улар "айблаш" ўзига ёки атроф-муҳитга йўналган, шунингдек, "психосоматик реакция", "кўнгилчанлик" ва "ички масофавийлик" сингарилар. Муаллиф ўз ҳуқуқидан фойдаланиб шуни қайд қиладики, ушбу факторлар "реакциялар иерархиясига" бўйсунган ҳолда ижтимоий-иқтисодий, тарихий, тиббий ва бошқа вазиятларда ўз ифодасини топади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Maslow A. Self-actualizing and Beyond – In: Challenges of Humanitsic Psychology. – NY.: 1967. – P. 524.;
2. Додонов Б.И. Эмоции как ценноць. Москва. Наука, 1978. – 360 с.
3. Олимов Л.Я. ва бошқалар. Умумий психодиагностика. Ўқув қўлланма. Бухоро. 2020. – Б. 201-306.

# ЎСМИРЛАРДАГИ КОПИНГ ХУЛҚ-АТВОР ВА УНИНГ ШАХС МУВАФАҚҚИЯТИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Ж.Ш.Остонов**
**Бухоро давлат университети психология кафедраси ўқитувчиси**
**Қурбонова З.И.**
**Бухоро давлат университети Мактабгача таълим кафедраси магистранти**

Кундалик турмуш тарзида динамиклик, мураккаблик ва қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиб, шунинг учун инсон доимий равишда турли кўринишдаги қийинчилик ва қаршиликни енгиб ўтиши, вазиятга мослашиши, мураккабликка энг яхши йўлни топиши лозим. Бунда инсон ўзига керакли барча ресурслардан унумли фойдаланиши, бу эса у ўзида вазиятга мослашаётганини ва кўпроқ ёки камроқ муҳофазани ҳис қилишига олиб келади. Психологик копинг хулқ-атвор инсоннинг мураккаблашган қийин вазият талабига кўникишидан иборат. Енга олиш ўзида динамик когнитивликни, ҳамда шахс хулқ-атвори кучини намоён этиб, ташқи ёки ички факторларни бошқаришга йўналиб, унда таҳдидли баҳо юзага келади.

Психологияда копинг хулқ-атвор тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган бўлиб, инглиз тилидан таржима қилинганда “сope, то сope” – енга олиш, бартараф қилиш деган маъноларни англатади. Ушбу термини биринчи бўлиб Л.Мерфи 1962 йил болаларда инқироз даврида муаммони қандай қилиб енгишни тадқиқ қилиш жараёнида фойдаланган. А.Маслау эса бу термини фанга киритган. Умуман олганда копинг хулқ-атвор индивиднинг ҳаётий муаммоларни ечишга тайёргарлиги билан характерланади.

У ўзида муаммоларни енга олиш имкониятларидан, воситаларидан фойдаланишни намоён этади, бу эса стрессли хулқ-атворни бартараф этиш билан тавсифланади.

Кўпчилик хорижлик мутахассисларнинг фикрига таяниб шуни айтишимиз мумкинки, копинг хулқ-атворнинг турли-туман стратегия ва стиллари мавжуд бўлиб, инсонлар улардан ҳаётий мураккаб вазиятларга дуч келганларидагина фойдаланадилар. Копинг хулқ-атворнинг ранг-баранг ва жуда кўплаб классификациялари мавжуд бўлиб, уни бир неча тадқиқот йўналишларига, стилларига кўра таҳлил қилинади. Улардан бир нечаларини кўриб чиқамиз. Копинг стилларини тадқиқ этган етакчи мутахассисларидан бири Р.С.Лазаруснинг фикрича, копинг стратегияларининг иккита глобал типи мавжуд (срессни бартараф этиш усули) – муаммога мўлжал олмоқ, субъектив мўлжал олмоқ.

**Муаммога мўлжал олувчи тип**, қийин вазиятни рационал ҳал қилишга йўналган бўлиб, уларнинг хулқ-атворида ҳолатни мустақил таҳлил қилишга, бошқалардан ёрдам олишга, қўшимча манбалардан маълумот излашга нисбатан мойиллик кузатилувчи типдир.

**Субъектив мўлжал олувчи тип** эса, стрессни енгишда вазиятни эмоционал ҳал қиладилар, уларда аниқ ишни бажаришга, муаммо ҳақида ўйлашга мутлақо хоҳиш истаклари йўқ, улар ўзларининг қайғуларини салбий эмоция воситалари билан компенсация қилиб алкогол, уйқу, овқат воситасида чиқарадилар. Улар ўзларининг эмоционал балансларини тиклашда пассив стратегиялардан жадалроқ фойдаланадилар, агар инсонда мавжуд масала юзасидан ҳеч қандай билими бўлмаса ёки реал имкониятларидан фойдалана олмаса стрессор босими пасаяди.

Р. Лазарус ва С. Фолкман копингнинг махсус адаптив хулқ-атворни бешта асосий вазифаларини бўлиб чиққан: 1) негатив ҳолатга нисбатан таъсирни минималлаштириш ва активлик, фаолият имкониятларни юксалтириш, 2) ҳаётий вазиятларга қайғуриш, 3) “Мен” образини ижобий, позитив қўллаб-қувватлаш ва ўз кучига ишонтириш 4) эмоционал тенгликни қўллаб-қувватлаш 5) бошқа одамлар билан етарлича ўзаро яқин муносабатларни ўрнатиш ва сақлаш. Ушбу муаллифлар, ҳаётий муаммоларни назорат қилиш усули когнитив конструкт роли билан боғланганини қайд этадилар. Шунингдек, муаллифларнинг таъкидлашича, индивидда ички ва ташқи мақсадли талабларни бошқаришда когнитив ва ахлоқий кучлари доимий равишда ўзгариб туради ва бу орқали у ўзида юқори баҳоланган ресурслардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу эса қуйидагиларни англатади: такрорланмас вазияни талаб қилади, улар индивидни синаб кўришга ундайди, вазият талабидан индивид ресурслари юксалади, улар вазият тақозоси билан когнитив ва ахлоқий қиёслашга киришадилар. Баъзи муаллифлар буни аниқлашда фақатгина ўзларининг синовлари ҳақида айтишларича, айнан шундай берк вазиятларда инсон имкониятлари ошар экан. Бу кучланиш баъзида омадли бўлиши мумкин, баъзида кутилган натижани бермаслиги мумкин. Ҳаётий негатив вазиятларни бартараф этишда ўз олдига турли

вазифаларни қўяди, ёки муаммони енгиб чиқади, ёки унинг салбий давомини камайтиришади, ёки бу мураккабликдан қочишади, ёки шунчаки у мавжудлигига қайғурадилар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


4. Maslow A. Motivation and Personality. Harper and Row. (Rev. edn, 1970); http://facultyweb.cortland.yedu/andersmd/MASLOW/HOMEPAGE.HTML
5. Maslow A. Self-actualizing and Beyond – In: Challenges of Humanitsic Psychology. – NY.: 1967. – P. 524.;
6. Додонов Б.И. Эмоции как ценноць. Москва. Наука, 1978. – 360 с.
7. Олимов Л.Я. ва бошқалар. Умумий психодиагностика. Ўқув қўлланма. Бухоро. 2020. – Б. 201-306.


## МАТЕМАТИК УСУЛЛАР ОРҚАЛИ ПСИХОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИ СТАТИСТИК ИЗОҲЛАШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ


**Ш.Ш.Рустамов**

**БухДУ Психология кафедраси ўқитувчиси**



**Аннотация:** Ушбу мақолада психологик маълумотларни SPSS дастури асосида қайта ишлашнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари ҳақида сўз боради**.**


Ақлий ва ижодий меҳнатини автоматлаштириш ва турли хил тадқиқотларни ўтказишда компьютерларнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш бошқа соҳалар каби психология олдида турган муаммолардан бирига айланганлигига бир неча ўн йил бўлди. Психодиагностик, ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларни қайта ишлаш, хулоса чиқариш бошқа тадқиқотлардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун кишиларнинг психологиясини, уларнинг турли хусусиятларни ўрганишда компьютерлардан фойдаланиш ҳам ўзига хос йўл, йўналишга ва талабга эга.

Психодиагностика соҳасидаги таниқли олим А.Анастази - "Компьютерлар ўзининг маълумотларни юқори тезликда таҳлил ва қайта ишлаш имкониятлари билан тест ўтказишнинг айтарли барча босқичларини, тестни яратишдан бошлаб то уни қўллаш, бирламчи натижаларни қайд қилиш, ҳисоблаш ва интерпретация қилишгача ўзгартирди"-деб кўрсатган эди.

Маълумки, замонавий психодиагностикада компьютерлар қўзғатувчи материални (тест, анкета, саволнома ва ҳ.к.) кўрсатиш (тақдим қилиш), натижаларни йиғиш, сақлаш, уларни математик қайта ишлаш, математик ва график усулларда таҳлил қилиш мақсадида қўлланилади.

Психодиагностика, айниқса замонавий психодиагностика олинган экспериментал материалларни умумлаштириш ва кўп томонли, мураккаб математик статистика методлари ѐрдамида қайта ҳисоблашга асосланган. Бундай мураккаб ва сермашаққат ишларни амалга ошириш учун махсус компьютер дастурлари, мажмуалар ишлаб чиқилган. Бу тизимлар олинган экспериментал материалларни тез, аниқ қайта ишлаш, улардан иложи борича кўп маълумот олиш ва олинган натижаларини аниқ, кўргазмали ва ишлатишга қулай ҳолга келтириш имконини беришга мўлжалланган.

Кейинги йилларда экспериментал натижаларни қайта ишлаш учун бир қанча махсус статистик пакетлар яратилган. Улар орасида кенг тарқалган BMDP, SAS, SPSS, шунингдек социологик ва психологик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш учун қўлланиладиган — OSIRIS пакетларини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, эксперимент ўтказиш ва уларнинг натижаларни қайта ишлаш учун SuperCalc, Lotus 1-2-3, QuadraPro, Microsoft Office таркибига кирувчи дастурлардан фойдаланиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда, шу жумладан АҚШда психолог талабаларни ҳисоблаш техникаси ва дастурлаштириш асосларига ўқитиш XX асрнинг 60 йилларида бошланган. Ҳозирги вақтда компьютерлар университетларнинг психология факултети битирувчилари учун оддий ва зарурий воситага айланган. Улар дастурлаштириш тиллари, дастурий таъминот яратишнинг замонавий технологиясини биладилар ва турли амалий пакетлар, шу жумладан математик статистика, билан ишлаш кўникмаларга эгалар.

Мамлакатимиздаги психологлар тайѐрловчи олий ўқув юртларида психологик маълумотларни қайта ишлашда компьютер дастурларидан фойдаланиш билан боғлиқ ўқув предметларининг ўқув режаларига киритилиши бу борада катта қадам бўлди. Бўлажак мутахассислар турли экспериментал натижаларни қайта ишлашда Microsoft Office таркибига кирувчи дастурлардан (масалан Excel) ва махсус дастурлардан фойдаланиш кўникма в малакаларига эга бўлишлари лозим. Шундай махсус дастурлардан бири SPSS дастуридир.

Шуни таъкидлаш жоизки, психологик маълумотларни қайта ишлашда компьютер дастурларидан, шу жумладан SPSS дастуридан фойдаланиш бўйича ўзбек тилида материаллар мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу Диссертациямизда SPSS дастуридан фойдаланишга доир маълумотларни имконият доираси кўриб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда психодиагностикада компьютерларнинг қўлланилиши асосан алоҳида методикаларнинг компьютерлаштирилган вариантларини яратиш тариқасида олиб борилмоқда. Аммо шунинг ўзида ҳам амалий психодиагностика учун ижобий самара кузатилмоқда.

Биринчидан, диагностик натижаларни тез олиш клиник текшириш ва маслаҳат бериш каби соҳаларда жуда зарур бўлиб қолди.

Иккинчидан, психолог текширилувчига кўрсатма бериш, вазифани кўрсатиш, жавобларнинг тўғрилигини текшириш, эксперимент баѐнини олиб бориш ва жавобларни қайта ишлаш амаллардан холос бўлади ва ўз олдига қўйган вазифани ечишга бутун кучини сафарбар қилиш имкониятига эга бўлди.

Учинчидан "қўлда", анъанавий усулда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, жавобларни бехато қайд қилиш ва натижаларни тўғри қайта ишлаш катта аҳамиятга эга. Масалан, MMPI натижаларини қайта ишлашда 20% гача хатога йўл қуйиш мумкин эди.

Тўртинчидан, компьютерли экспериментда маълумотларни қайта ишлаш қисқа муддатлар ичида кўп текширилувчиларда параллел тест ўтказиш йўли билан оммавий психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш имконини беради. Юқорида санаб ўтилганлар ҳисобидан психодиагностик методикаларни компьютерлаштириш психодиагностик экспериментнинг сифатини ошириш ва уларга сарф қилинадиган харажатларни камайтиришга ижобий таъсир қилади. Кўриб чиққанимиздек, олиб борилган ишларнинг аксарияти мавжуд психодиагностик методикаларни компьютерлаштириш, психологик экспериментни автоматлаштиришга бағишланган.

**Адабиётлар:**


1. Айвазян С. А. Прикладная статистика. Классификация и снижение размерности. М., 1989.
2. Анастази А., Урбина С. Психологическое тестирование. 7-е изд. - СПб.: Питер, 2003. - 688 с.
3. Арестова О.Н. Влияние компьютеризации эксперимента на валидность психодиагностических методик. // Психологический журнал. т.11. № 6. -1990. -с.86-93.
4. Главатских М.М. SPSS и Statistica: современные статистические анализы в психологических исследованиях. — Ижевск: ERGO, 2009. — 88 с.


# ЎСМИРЛАРДА СУИЦИДИАЛ ХАВФ ШАКЛЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ


**Н.Р.Ахмадов**

**БухДУ психология мутахассислиги 2-босқич магистранти**

**Н.С.Рахимова**

**Когон шаҳар халқ таълими бўлими методист психологи**



**Аннотация:** Ушбу мақолада шахслараро муносабатларда ўсмирлар пазитсияси, ҳамда уларда кечадиган турли хил психологик ва физиологик ҳолатлар, ўсмирларда кечадиган девиант хулқ атворлар айниқса суитсидал ҳолатларнини аниқлаш ва олдини олиш ҳақида ёритилган.



**Калит сўзлар:** сотсиал гуруҳ, девиант хулқ- атвор, ўсмирлик ёши, “Идеал Мен”, “Ахлоқий Мен” ва “Ҳақиқий Мен”, ҳиссий стресс, алкоголизм, аффектив ва патокарактерологик реакциялар, нейропсик ва психосоматик касалликлар, депрессия, психоген сабаблар


Дунёда ҳар томонлама етук, билимли ўсмирларни улғайтиришга доир илмий изланишларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Шу ўринда ўсмирларнинг келажакда мустақил, маъсулиятли, иродали, рақобатбардош ва етук шахс бўлиб шаклланишига бўлган эҳтиёж ортмоқда. Шу боис ўсмирлар хулқига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва тегишли илмий тавсиялар беришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эса, нафақат ўсмирларга балки оилага психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришни тақазо этмоқда.

Умуман суицидал хулқ-атвор ва суицидал хавф омиллари бир қатор мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан тадқиқ қилиниб келинмоқда. Ушбу масалаларга бағишланган илмий мушохадалар: А.Г. Амбрумова (1978, 1980, 1983 ва ҳ.); В.Ф. Войцех (2000, 2004,2007); Е.М. Вроно (1983, 1986, 1989, 1998); Э. Дюркгейм (1897); М. Фарбер (1968); Ю.Г. Касперович (2001, 2004); К. Меннингер (1938); В.А. Тихоненко (1978, 1980,1992); З. Фрейд (1910); Э. Шнейдман ( 1976); А.В. Боевой (2004); Д.И. Шустов (2004); Р.В. Бисалиев (2005); Н.В. Верешагина (2005); А.Р. Коршунова (2005); А.С. Калашникова (2008) ва б., ўзбек олимларидан Э.Ғозиев, В.Каримова, Н.Сафаев, З.Нишанова, Ғ.Шоумаров, Б.Умаров, Р.Самаров, Э.Усмонов, Е.Агзамоваларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

ўсмирларда суицидал хулқ мотивациясини коррекциялаш хусусиятига эга бўлган ижтимоий-психологик тренинг дастури ишлаб чиқилди. Ўсмирдаги суицидал хулқни коррекциялашга қаратилган психологик тренинглар мажмуаси Л.А.Петровскаянинг қуйидаги тамойиллари асосида ташкил қилинди:

а) “шу ерда ва ҳозир” – гуруҳда ҳар бир аниқ вақтда, айни дамда бўлган ҳолатларни муҳокама қилиш, умумий ва мавҳум ҳолатлардан қочиш;

б) воқеаларнинг “Мен” томонидан айтилиши – умумий мушоҳадалар, яъни, “бизнинг фикримизча”, “мен шундай деб ўйлайман” каби жумлаларни қўллаш;

в) ҳиссиётларга урғу бериш – ўзгаларнинг ҳаракатларини баҳоламасдан, ўсмиран нима ҳис қилинганини айтиб ўтиш;

г) гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро ҳамкорликда фаол иштирок этиши ва ташаббус кўрсата билиши учун барча имкониятларни яратиш;

д) самимий мулоқот жараёнидаги барча ҳолатларни сир сақлаш ва ташқарига олиб чиқмаслик.

К.Рудестам ва М.Вачковлар томонидан суицидал хулқ профилактикаси бўйича тақдим этилган психотренинг кўрсатмаларидан фойдаланилди:

1. Респондентларга суицидал хулқ мотивациясини бартараф этилиши бўйича психологик кўрсатмалар дастури ишлаб чиқилди.

2. Гуруҳ иштирокчилари янги малакаларни ўзлаштириш билан бир қаторда шахслараро муносабатда турли мулоқот услубларини ўрганиб оладилар.

3. Гуруҳий тажриба шахслараро муаммоларни ҳал қилишга ва ўзгалар билан дўстона муносабатда бўлишга ўргатади.

**Ўз жонига қасд қилишнинг белгилари:**

Ўз жонига қасд қилишдан олдин алоҳида ҳиссий ҳолат пайдо бўлади, бу изолятсия ҳисси (ҳеч ким мени тушунмайди, мен ҳеч кимни қизиқтирмайман), ночорлик, умидсизлик ва ўз аҳамиятсизлигим (уят, қобилиятсизлик ҳисси, ўзини ўзи пастга тушириш). Ушбу тажрибалар тўплами беморни ечим излашга ундайди. Вазият ҳал этилмайдиган бўлиб кўриниши сабабли, бемор учун ягона нарса - ўз жонига қасд қилиш - бу охирги йўлдир. Қоидага кўра, ўз жонига қасд қилиш огоҳлантиришсиз содир бўлмайди. Ўз жонига қасд қилишга уринган ўспиринларнинг аксарияти деярли ҳар доим ўзларининг ниятлари ҳақида огоҳлантирадилар: улар гапириш ёки иш қилиш, умидсизликка тушиб қолиш ва ўлим ҳақида ўйлаш ҳақида огоҳлантириш сифатида хизмат қиладиган нарсаларни қилишади. Фақатгина озчилик ўз ҳаётлари билан бўлишиш режалари билан бўлишмайди. Дўстлардан бири ҳар доим янгиланади. Ҳақиқий ўз жонига қасд қилишдан олдин тайёргарлик даври келади. Одатда бу даврнинг давомийлиги бир неча кунни ташкил қилади, кўпинча беморлар бир неча йил давомида ўз жонига қасд қилиш ниятида қолишади. Бу вақтда, беморлар ҳозирги вазиятни ўйлайдилар, ўз жонига қасд қилишга қарор қилган воқеаларни таҳлил қиладилар ва ўз жонига қасд қилишнинг мумкин бўлган оқибатлари ҳақида ўйлайдилар. Беморлар ҳаётдан чиқиш йўлини танлайдилар, йўл, вақт ва жойни аниқлайдилар, ҳаракатлар кетма-кетлигини режалаштиришади. Ўз жонига қасд қилишни режалаштирган беморлар қарзларни тарқатишади, уйларини тозалайдилар, ҳужжатларни тартиблаштирадилар, васиятнома ёзадилар, душманлардан кечирим сўрашади, дўстлариникига ташриф буюрадилар ва бошқаларга қимматбаҳо нарсалар беришади. Беморлар кўпинча ўз жонига қасд қилиш ёзувларини қолдирадилар, унда ўз жонига қасд қилиш сабабларини тушунтирадилар, кечирим сўрашади ёки бировни вафот этганликда айблашади. Ўз жонига қасд қилишдан олдин, кўплаб беморлар ювинишади, сийишади ва нопоклик қилишади ва тоза кийим кийишади. Баъзилар жасадни ўз вақтида аниқлаш учун шароит яратадилар - дўстларига квартиранинг калитини беришади, маълум бир вақтда киришни сўрашади, ва бошқаларни ўз жонига қасд қилишнинг ўзига хос белгиси сифатида қаралиши мумкин.

**Ўз жонига қасд килишнинг олдини олишда ўсмирларда фаолият юритаётган психологларга алоҳида маслаҳатлар:**

Ўсмирлардаги стресс ҳолатларини бартараф этиш йўлларини излаш психологдан алоҳида билим, малака ва масьулият талаб қилади.бу психолог касбий компитентлигининг сифати ҳисобланади.

Шу боисдан ўсмир ўз муаммоларини сизга айтишга қарор қилган бўлса ва сиз мавжуд вазиятдан даҳшатга тушганингизда ҳам, уни ўзингиздан итарманг.Ёдингизда тутинг, ўз жонига қасд килишга мойил бўлганлар камдан кам ҳолатда малакали мутахассисларга мурожаат этишади.

Агарда ушбу ўсмирда ўз жонига қасд килишга мойиллик сезсангиз, ички туйғуларингизга ишонинг. Огоҳлантирувчи белгиларни рад этманг.

Кафолатини бера олмайдиган ваъдалар берманг ва қуйидаги ҳолатларга алоҳида эьтиборингизни қаратинг:

1. Унга ёрдам бермоқчи эканингизни айтинг, мабодо, ўсмирнинг хавфсизлигига таъсир этувчи сабабларни кўрсангиз, вазиятни сир сақлашга ҳожат йўқлигини тушунтиринг.
2. Ўзингизни хотиржам тутинг, нимани гапиришингиздан қатьий назар ўсмирнинг фаолиятини ва ўзига хос бўлган хулқ-атворини танкид қилманг.
3. Самимий гапиринг. Хавф канчалик жиддийлигини тушунишга ҳаракат килинг. Билиб қўйинг, ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикрлар доим ҳам ўзини ўлдиришга олиб келавермайди. Аслида, ўсмир ўзини қийнаётган муаммо ҳакида айтиб, анча енгил тортиши мумкин.
4. Ўсмир ўз муаммолари ҳақида мурожаат қилса, албатга, унга кўмак бера оладиган одам борлигига ишонтиришга ҳаракат қилинг.
5. Қарорларни (мисол учун, бизга ҳозир энг кераклиги тўйиб ухлаб олиш, эрталаб эса ўзингни анча яхши ҳис этасан) каби соддалаштирманг.

Кучли руҳий изтиробларни бошидан кечираётган ўсмирга унинг учун аҳамиятли бўлган инсонлар томонидан ўз вақтида кўрсатилган психологик ёрдам 90 фоиз ҳолатда вазиятнинг ижобий томонга ўзгаришига олиб келишини яна бир бор эслатинг.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Авдеев В.В. Психологические основы повышения эффективности деятельности работников ОВД в экстремальных ситуациях. – М, 1988. – 146 с.
2. Белякова И. Ю. Опросник суидцидального риска // Практикум по психодиагностике. Прикладная психодиагностика. — М., 1992. С. 21-25;
3. Платонов Ю.П. Социальная психология поведения. - СПб.: Питер, 2006. - 464 с.

# ПРОБЛЕМЫ ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ В ХАДИСАХ ИМАМА ИСМАИЛА АЛЬ-БУХАРИ

**О.А.Сатторова**

**Студент 2 курса БухГУ**

В статье подчеркивается важность Аль-Джам ас-Сахих имама Бухари в воспитании детей.

**Основные понятия:** хадисы, мухаддисы, воспитание детей, знания, человеческие качества, национальный дух.

В нашей стране воспитанию подрастающего поколения уделяется особое внимание. Прилагаются усилия для создания необходимых условий для мальчиков и девочек, чтобы они получали современное образование и росли с высокой духовностью. Шавкат Мирзиёев выступил на конференции в Ташкенте 15 июня на тему «Обеспечение социальной стабильности, сохранение чистоты нашей священной религии - необходимость часа». «Другой важный вопрос, о котором мы всегда думаем, - это нравственность наших молодых людей, их поведение, одним словом, их мировоззрение», - сказал он. Времена меняются быстро. Кто больше всех чувствует эти изменения, тот и закрывает их. Пусть молодежь отвечает требованиям своего времени. Но при этом не забывай о себе. Пусть призыв о том, кто мы есть и какие мы великие люди, всегда находит отклик в их сердцах и мотивирует их оставаться верными себе. Как нам этого добиться? Образование, воспитание только за счет воспитания », - сказал Президент Ш.Мирзиёев.

Воспитание детей всегда было одной из самых важных и актуальных проблем общества. Конечно, мы рады, что в последнее время наш уважаемый Президент уделяет большое внимание повышению морального духа молодежи. Мы думаем, что его пять инициатив - это еще один акцент на системе образования. Если вы посмотрите на каждую из инициатив, мы увидим, что в ее основе лежат важные вопросы, такие как повышение морального духа молодых людей, создание для них возможностей. Эти инициативы нашего Президента - еще один объект внимания на государственном уровне к молодежи.

Мы можем видеть в ряде его хадисов, что султан хадисов Имам Бухари уделял большое внимание процессу обучения ребенка, в том числе тому факту, что он читал аль-Джам ас-Сахих в одном из своих аутентичных произведений, А. Ряд хадисов, таких как «Обнимая ребенка», «Мужчина не оскорбляет своих родителей», показывают, что воспитание ребенка, его роль в семье и обществе и его превращение в разностороннего человека раскрывают вещи, которые служат его воспитанию в национальном духе. Мы можем ясно видеть в хадисах «Проявив милость к ребенку, целуя и обнимая его», что женщина готова на все ради своего ребенка. Говоря о защите от адский огонь, мы видим безграничную любовь матери к своему ребенку. «Мужчина не оскорбляет своих родителей. В хадисах говорится, что оскорбление ребенка своими родителями, а не его собственными, равнозначно оскорблению, которое он наносит своим собственным родителям. В хадисах «Достоинство изучения и преподавания науки» наука считается быть прекрасным средством образования, а наука имеет огромное значение в воспитании всех разносторонних людей. Доставить ее - добродетель. Неслучайно имам Бухари был прославлен всеми людьми и удостоен звания султана науки хадисов.Он сказал, что его хадисы поучительны и поучительны, можно сказать.

Немногое можно сказать об имаме Бухари, который нашел свое место и статус среди молодого поколения благодаря своим просветительским работам, которые могут научить каждого его образу жизни. Мы ограничимся одной ссылкой, чтобы представить себе величие его работы. в течение 16 лет в одиночку работал над книгой «Аль-Джамеас Сахих» («Надежная коллекция»). Включенные в нее 7 397 хадисов были отобраны из 600 000 хадисов. Благодаря своему интеллекту и неустанному труду он много путешествовал по дальним странам. Ему были присвоены титулы. «Имам хадисов» и «Султан хадисов». В 19 веке было сформировано и успешно функционировало множество школ хадисов. Его вклад в развитие молодых людей служил воспитанию их в духовном и национальном духе. Абу Абдулла Мухаммад ибн Исмаил ибн Ибрагим аль-Бухари родился в деревне Хартанг недалеко от Самарканда.

Его отец, Исмаил Бухари, был мухаддисом и иногда занимался бизнесом. Но он был очень честным и набожным человеком. Его современники. нашла его в своем доме. Его мать также была набожной женщиной с набожным сердцем и молитвенной рукой. Говорят, что она была ранена и ослаблена слезами Мухаммеда. Авраам обращался к нему, говоря: «О мать, в обмен на твою молитвы, Аллах ответил благословением встречи с вашим сыном!" Испуганная мать получила известие от сына, и глаза Мухаммеда загорелись. Так вырос Бухари. С раннего возраста он интересовался наукой хадисов.

С десяти лет он начал ускорять своих учителей своим интеллектом и способностью запоминать, он выучил наизусть тысячи хадисов с шестнадцати лет, и он смог доказать их «Сахих» один за другим »из более чем тысячи заслуживающих доверия ученые написали хадисы". Он, несомненно, был эффективным создателем науки хадисов, и он ставил образование на первое место в жизни человека и подчеркивал, что его развитие должно начинаться в детстве. Мы можем узнать это из ряда хадисов этого человека. Теперь мы пытаемся пролить свет на хадисы Пророка (мир ему и благословение Аллаха) в его книге «Аль-Джамеас-Сахих», «Достоинства обучения и преподавания знания: Посланник Аллаха (мир и благословение Аллаха)». Да благословит его Аллах и приветствует) сказал: Сказано, что наука подобна проливному ливню, так же как правильный путь подобен проводнику. Некоторые земли чистые, плодородные и поглощают дождь, но по-разному. Они выращивают растения и зелень, и часть земли сухая и твердая, она не впитывает воду, и ею пользуются слуги Бога. Это можно сравнить следующим образом: человек глубоко познает знание Аллаха (Ислам), глубоко понимает его и заинтересован в этом, и он сам следует руководству, посланному Аллахом. Он учится и учит других. Другой человек изучает науку и учит людей. Но он делает это сам. не буду. Третий человек высокомерен и не учит себя и не учит других.

Первый из них - верующий, второй - нечестивый, а третий - неверующий. Отсюда видно, что уровень воспитания человека зависит от его действий. Мы можем сказать, что человек, который стремится к бесцельному в жизни и не учит этому других, не изучая этого сам, - это человек, который не знает, почему он пришел в этот мир без цели в жизни. Такого человека можно назвать человеком, который живет, чтобы есть, а не есть, чтобы жить. Мы называем этих людей безоговорочно неверующими. Нечестивый человек учится и передает знания другим, но о человеке, который не практикует их, можно сказать, что он получил образование, но не воспитан. Когда человек кого-то учит чему-то, он должен быть в состоянии показать это в своих действиях и подать пример, чтобы его уважение возрастало и на него смотрели всем сердцем. С другой стороны, верующий - это человек, который может учиться и передавать знания, которым нас научили и обучили другим, и который может служить примером для всех детей.

Что касается «Хадисов сновидений о знании и мудрости», в них говорится, что человек не должен искать знания от колыбели до могилы и терять свою человечность, то есть он не должен ревновать ни к чему, кроме двух вещей. Если Аллах дает одному богатому человеку и тратит его на путь Истины, и если Аллах дает знание и мудрость другому человеку, тогда он учит тех, кто знает, как достичь наивысшего статуса и правления".

На протяжении всей жизни человек должен смотреть на других только с похотью, стараться держаться подальше от злых умыслов и плохих мыслей, чтобы у такого человека было светлое будущее. Такие люди живут завистью, а не презрением к науке.

Можно сказать, что такие люди разносторонние люди, которые могут быть примером для всех, словом, нравственности.

Короче говоря, стремиться быть хорошим человеком на протяжении всей жизни, оставлять хороший след в себе, не прекращать поиски знаний, пытаться быть примером для всех, проводить свою жизнь осмысленно, пытаться украсить себя хорошие качества должны делать. Только тогда такой человек может иметь место в обществе, его духовность формируется, он воспитывается в национальном духе, формируются его человеческие качества, он воспитывается как разносторонний человек.

Важно обучать и развивать эти качества и манеры с раннего возраста. Только тогда мы сможем подготовить продвинутых учителей во всех областях. По мере продвижения повествования о том, что ребенок есть с самого начала, мы можем ясно видеть, что интерес Имама аль-Бухари к науке с юности и большое внимание, уделяемое воспитанию в его семье, были факторами в развитии Бухари такого образованного человека. Его работы по обучению и воспитанию покорили сердца всех, от мала до велика, и на протяжении многих лет его работы были средством формирования хорошего характера, хорошего поведения и воспитания в национальном духе.

Мы видим в хадисах вышеупомянутого хадиса «Достоинство изучения и обучения знанию», что есть три типа знающих людей, и что эти три категории людей могут быть представлены в одном хадисе в широком диапазоне. Наука ведет человека к совершенству, а формирование его в гармонии с образованием служит правильному использованию науки и ее возвышению. Одним словом, в жизни общества очень важно воспитать верующего как человека. В то время как хадисы продвигают дружеские отношения, права родителей, доброту, честность, чистоту, справедливость и беспристрастность, Бухари призывал человечество быть таким и пытался распространять хадисы среди широкой публики.

Вот почему Международный фонд Имама аль-Бухари была создана (4 ноября 1998г; председатель Зохидулло Мунавваров) с целью глубокого изучения и широкого распространения богатого духовного наследия Бухари. Основная задача Фонда - подготовка академических изданий Корана и переводов Бухари Аль-Джам ас-Сахих, изучение научного наследия великих исламских ученых, проведение конференций по религиозным и философским темам и просвещение. подрастающее поколение в духе верности нашим национальным традициям. Ташкентский исламский институт носит имя Бухари. Несомненно, он великий мыслитель, и как бы мы ни описывали его и его произведения, в двух словах можно сказать, что он оставил неизгладимый след в истории своей жизнью и творчеством.

**Рекомендации:**

1.Хадис (Аль-джоме'ас-сахих). Том 1-2.-Т: «Национальная энциклопедия Узбекистана», 1997 г.
2.Имам аль-Бухари, Т., 1998;
3.Уватов Ю., Имам аль-Бухари Т., 1996;
4.Имам аль-Бухари-султан мухаддисов {Подготовил Усмонходжи Темурхан оглы, Бахтиёр Набихон угли. Т., 1998
5.Душан Файзи Зарафшанийят, Имам аль Бухари, Т., 1998;

## O`ZBEK MUSIQA FOL`KLORIDA BUXORO BOLALAR FOL`KLOR QO'SHIQLARINI IJRO ETISH USLUBLARI .

**T.I.Rajabov**
**BuxDU Musiqa ta'limi kafedrasi dotsenti, p.f.f.d(PhD )**

**Аннотация:** Maqolada umumiy o`rta ta`lim maktablari musiqa darslarida o`tiladigan xalq qo`shiqlari, ularrni ijro uslublaridan foydalanish va bu qo`shiqlar orqali bolalarni ona vatani, uning xalq qo`shiqlariga bo`lgan mexrini uyg`otish va ularni ijro ulublari.

**Kalit so`zlar**,kuy,qo`shiq,ijro xalq ijodi, bolalar fol`klori ijrosi, maxaliy uslub, ta`lim tarbiy, taxlil.

**Abstract.** The article gives the results of the analysis of the textbooks on music for secondary schools,based on the analysis, the state of teacing of folk songs at scol is studied.
**Key concepts.** General education, folk music, folk songs.
**Резюме.** В статъе даны резулътаты анализа учебников по музыке для средних общеобразователъных школ, на основе анализа изучено состояние обучения фолъклорных песен в школе.
**Основные понятия:** общее среднее образавание, музикальное образование, национоальная музыка, фольклорныие песни.

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardan boshlab ijtimoiy xayotning barcha soxalarida bo`lgani kabi madaniy soxada xam ijobiy o`zgarishlar sodir bo`lib, shaxs madaniyatini shakilantirish, turmush darajasini yuksaltirish va kishilarda ma'naviy tafakkurni shakllantirish davlat siyosati darajasiga ko`tarildi. Buning boisi boy milliy-madaniy merosni qayta tiklash, jamiyat madaniy hayotini rivojlantirish xamda yoshlarni ma'naviy-axloqiy jixatdan kamolga etkazishda uning axamiyatlaridan samarali foydalanish yo`lida keng ko`lamli ishlar amalga oshirildi.

O`zbek milliy musiqa san'ati xam o`zida xalq ruxiyatini to`laqonli aks ettirishi, unga xos bo`lgan turmush tarzi, xayotiy maqsad - intilishlar, o`y-kechinmalar va ruxiy xolatini ifodalay olishi kabi imkoniyatlarga egaligi bilan ijtimoiy tarbiyani tashkil etishning samarali vositalaridan biri sanaladi. Kasb-xunar kolleji o`quvchilar "Ma'naviyat kunlari" da musiqiy asarlardan namunalar tinglash jarayonida quyidagi ma'lumot va bilimlarga ega bo`ladilar:

1. Milliy, mumtoz, fol`klor qo`shiqlari musiqiy asarlarining mualliflari, ularning xayoti va ijodlari to`g`risida ma'lumotlarni bilib oladilar.

2. O`zbek milliy musiqiy asarlarning boshqa xalqlar musiqasidan farqli jidatlaridan xabardor bo`ladilar.

3. Ijrochilarning maxoratlaridan baxramand bo`lish bilan birga ijro uslubining o`ziga xos xususiyatlari, ijrochining yutuq va kamchiliklarini baholay oladilar.

4. O`zbek mumtoz musiqiy asarlaridan namunalar ijro eta olish va ular to`g`risida kelajakda shaxsga ma'lumot berish imkoniyatiga ega bo`ladilar.

Milliy g`oya va mafkura o`z mazmunida ma'naviy va madaniy me'rosimiz,milliy qadriyatlarimizni mujassam etadi. Madaniy va ma'naviy meros avlod-ajdodlarimiz tomonidan yaratilib bizgacha yetib kelgan bebaho xazinadir. Unda yosh avlod tarbiyasida foydalanish, shu orqali ularni ona vatanga, xalqimiz tarixi, tili, madaniyati, urf-odat va an'analariga muhabasbat ruhida tarbiyalash tizimi oldidagi o`z dolzarbligini yo`qotmaydigan vazifalardandir.O`zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning.Bizning havas qilsa arziydigan buyuk tariximiz bor.Va havas qilsa arziydigan ulug` ajdodlarimiz bor.Havas qilsa arziydigan beqiyoz boyliklarimiz bor. Va men ishonaman, nasib etsa, havas qilsa arziydigan buyuk kelajagimiz, buyuk adabiyotimiz va san'atimiz ham albatta bo'ladi.

Hozirgi biz yashayotgan davr tezkor ilmiy-texnika inqilobi asri, xalq ijodida ham o'z aksini topmoqda. O'zbek xalq musiqa ijodi ham fol`klorning boshqa turlari singari badiy va g'oyaviy, mazmunan sodda, ixcham va mukammal juda ko'p tarixiy faktlarga ega bo'lgan san'at turidir, chunki xalq musiqa ijodi professional musiqaning asosidir. O`zbek xalq musiqa merosi xazinasida kattalar bilan kichik yoshdagi bolalar ma'naviy dunyosini o`zida uyg`unlashtirgan bollalar folklor musiqa asarlari, bolalar qo`shiqlari ham muhim o`rin tutadi. Bunday qo`shiqlar o`zida bolalar hayoti, ruhiyati, bolalarga xos turli o`yinlar, aytishuvlar, hayvonot va o`simliklar tabiat hodisalari bilan bog`liq holatlarni o`ziga xos ifoda etishi bilan ajralib turadi. Bolalar qo`shiqlari ham xalq musiqasining ommaviy turlari singari badiiy va g`oyaviy mazmunga ega bo`lib, matni sodda, nihoyatda ixcham, o`yin-raqsbop xarakterga egaligi bilan o`ziga xoslik kasb etadi.

Umumta'lim maktablarining boshlang`ich sinflarida bolalar tafakkuriga xos, ko`proq o`yin bilan bog`liq bolalar folklor qo`shiqlarini, kuy va yengil aytimlarni o`rgatish musiqa ta'limining milliy asosini shakllantirishda muhim rol o`ynaydi. Demak, musiqa darslarida xalqimizning milliy musiqa merosi tarkibidagi bolalar folklor qo`shiqlaridan maqsadga muvofiq holda foydalanish, ularni ijro etish uslublarini e'tiborga olgan holda tadbiq etish har bir musiqa o`qituvchisidan o`ziga xos pedagogik yondoshuv, bilim va mahoratni talab qiladi.

Biz bilamizki, O'zbekiston Respublikasi beshta maxalliy uslublarga bo'lingan bo'lib bular: Buxoro-Samarqand, Qashqadaryo-Surxondaryo,Farg'ona-Toshkent, Xorazm va Qoraqalpoq uslublaridir. Bu vohalar urf odatlari, an'analari, to'y marosimlari, qo'shiqlari va ijro uslublari bilan bir - biridan farq qiladi.

Bunga misol Buxoro bolalar fol`klor qo'shiqlari o'zining o'ynoqi va sho'xchan xazil lapar aytishuvlari, raqslar,jumboqlar, chistonlar(nima u?) bilan boshqa vohalardan farq qilib, asosan ikki tilda ijro etiladi(ham o'zbek ham tojik).

Buxoro bolalar fol`klor qo'shiqlariga misol:

1. Qo'shiq ''Bobojon''
2. Qo'shiq ''axu-axu''
3. Xalq o'yini ''Zanjira boftem''
4. Xazil qo'shiq ''Chi guym shudas''
5. Qo'shiq ''Buzg'ola''
6. Xalq o'yini ''Sandurchayi quticha''
7. Qo'shiq ''Voy poyam''
8. Qo'shiq lapar ''Solinav Muborak''
9. Qo'shiq aytishuv ''Dupar gazit''
10. Qo'shiq sanama ''Uchturbachamon''.

**''Bobajon '' qo'shig'i**

Bolalar uzoqdan boboni ko'rib qoladilar. Unga yaqinlashadilar, salom beradilar va undan ertak aytib berishni iltimos qiladilar. Bobo ko'nmaydi, zo'rg'a uni ertak aytib berishga ko'ndiradilar.

## Jizir - jizir jaz mexurem




Poda - poda go`sfand omad,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Cho`pon bobo go`sfand kushand,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Yakta go`sfand satta shavad,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Satta go`sfand hazor shavad,
Jizir - jizir jaz mexurem. ( 3 marta )

Hazor go`sfand poda shavad,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Nonu - gandum bisyor boshad,
Jizir - jizir jaz mexurem.

Mahalloho obod shavad,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Xalqomo badavlat shavad,
Jizir - jizir jaz mexurem. ( 3 marta )

To`yu - tamoshoho shavad,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Tinju - salomati shavad,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Hamma da murodash rasad,
Jizir - jizir jaz mexurem.
Cho`pon bobom sog` boshan,
Jizir - jizir jaz mexurem. ( 3 marta )

N-t:

Bobo bobo peshtar bet,
Damo yaktet ushug gued

Bobo-bobo bobochaye
Falak-falak zomichae.
Nukra-nukra namakdone
Tillo –tillo suzandone.
N-t:
Bobo bobo peshtar bet,
Damo yaktet ushug gued
Kashvak- kashvaki surxane
Da poyga – poyga moname
Salli-Sali simobine
Da buxcha-buxcha moname.
N-t:
Bobo bobo peshtar bet,
Damo yaktet ushug gued
Hamma ‘‘ Bobojon ertak aytib bering’’.

Shu tariqa o’yin va qo’shiqlar ijro etilib, bir-biriga ulanib ketadi.

Maktab boshlang`ich sinf o`quvchilarini xalq musiqasi va shu o`rinda bolalar folklor namunalari bilan zarur ehtiyojni qondiradigan darajada tanishtirib borish eng birinchi navbatda musiqa o`qituvchilaridan o`z kasbiga fidoiylikini, xalq musiqa ijodiyotiga chuqur muhabbat va yuqori darajadagi kasbiy mahoratni talab qiladi. Dars jarayoniga bolalar fol`klor qo`shiqlarini samarali tadbiq etish o`z o`rnida bir qator vazifalarni ijobiy hal etishni taqazo etishni ham ta’kidlash o`rinlidir.

Xullas, bolalar fol`klor qo`shiqlari orqali o`quvchi-yoshlarni musiqiy madaniyatini, ma’naviy va badiiy estetik tarbiyalashning pedagogik va metodik tizimini yaratish, bugungi kungacha to`plangan mavjud tajribalarni o`rganish, turli viloyatlarda faoliyat yuritayotgan fol`klor-etnografik ansambillar faoliyatini o`rganish, ular repertuaridagi bolalar fol`kloriga tegishli namunalarni to`plash, umumlashtirish va ta’lim jarayoniga tadbiq etish orqali musiqiy ta’limning milliy asoslarini mustahkamlashga erishish mumkin.

Adabiyotlar

1 SH.M.Mirziyoyevning maruzasidan ’’O’zbekiston adabiyoti va san’ati’’ gazetasining 2017 yil 4 avgustda32 (4431)-sonida chop etilgan.
2 Safarov O. O’zbek bolalar folklori.T:’’O’qituvchi’’ 1985yil.
3. D.Rajabov va T.Rajabov “Xalq qo’shig’i va musiqa ijrochiligi” Toshkent “Navro’z” nashriyoti 2018 yil.
4. Rajabov.T.I. “Xalq qo`shiqlarining bolalar tarbiyasidagi o`rni”. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў, ilmiy metodik jurnal №6.Некис-2019.
5.Ражабов.Т.И.EDUCATIONAL IMPORTANCE OF FOLK SONGS IN PRIMARY EDUCATION //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 1. – №. 01. – С. 72-79.
6. *Ражабов.Т.И.* УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕС -КИХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ОБУЧЕНИЯ БУХАРСКИМ ДЕТСКИМ ФОЛЬКЛОРНЫМ ПЕСНЯМ В СРЕДНЕЙ ОБЩЕОБРАЗОВА ТЕЛЬНОЙ ШКОЛЕ. // ***Наука***, техника и образование. №2.(77), 2021. С.84-87.
7. Rajabov **T.I** Uzluksiz talimda fol`klor qo’shiqlarini ijro etishning o’ziga xos uslublari. «Scientific Progress» Scientific Journal ISSN:2181-1601. Volume:1, ISSUE:5. 581-585 betlar.

# ТАРБИЯСИ ОҒИР ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

**А.И.Султонов**
**Қарши давлат университети**
**Педагогика кафедраси катта ўқитувчиси**

**Аннотация:** Мақолада тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш жараёнида оиладаги олиб бориладиган маънавий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти каби муаммолар таҳлили баён этилган.
**Аннотация:** В статье излагается роль и значение духовного воспитания в семье в процессе формирования национальной идеи учащихся с трудным воспитанием.
Annotation: The article is analyzes the problems such as the role and importance of spiritual education in the family in the process of forming the national idea of students with special needs.

Маънавият инсон руҳиятининг асосий моҳиятини ифодаловчи, унинг фаолиятига ижобий мазмун ва йўналиш берувчи субъектив омилдир. Фан техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги даврда юксак маънавиятли кишиларни тарбиялаш жамиятимиз олдида

турган энг асосий ва долзарб вазифалардан биридир. Инсон маънавиятини юксакликка олиб чиқишда оила илк замин ҳисобланади. Жамият ривожланиб, маънавий омилларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти ортгани сари оиладаги тарбияга эътибор ҳам кучая боради. Бу борада оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларда ота-она ва жамият олдидаги, бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. "Юртимизда ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади, шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятда тутган ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан туриб, халқ мафкурасини ярата олмаймиз[1]" -деган эди биринчи Президентимиз И.А.Каримов.

Оила инсоният томонидан яратилган муҳим ва муқаддас ижтимоий институтдир. Дарҳақиқат оила, айниқса ўзбек оиласи асрлар оша ёш авлодни тарбиялашда, комил инсонни вояга етказишда муқаддас маскан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ҳар бир инсонда Ватан тушунчаси илк бор тетапоя бўлиб ўсиб келаётган ёш гўдакнинг онги, руҳи ва қалбига кириб боради, бутун умри, ҳаётий фаолияти давомида яна ҳам сайқалланиб, мазмунан мужассамлашади. Бу жараён оиладаги соғлом муҳитда, ота-боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри, ака-ука, опа-сингилларнинг меҳр-оқибати орқали амалга ошиб боради. Шахс маънавияти, дунёқараши, тафаккури, эътиқоди, иймони аввало оилада шаклланади. Хитойлик мутафаккир Конфуций оилани кичик бир давлатга таққослагани бежиз эмас. Қадимги юнон файласуфлари ҳам оиланинг жамият бирлиги ва осойишталигини сақлашда ва етук авлодни тарбиялашдаги ўрнини юқори баҳолаган. Буюк энциклопедист олим Аристотель оилани бахт-саодат уйи сифатида таърифлайди. Жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни камол топтириш энг аввало оила замирида амалга оширилади. Юксак ахлоқийлик, инсоний фазилатлар, ватанпарварлик, Ватан билан ғурурланиш ва унга муҳаббат, унинг бахт-саодати, равнақи учун масъулиятни тарбиялаш, бузғунчи ғояларга, ёмон одоб-ахлоққа қарши нафрат руҳи даставвал оилада куртак отади.

Оилада шаклланган одоб-ахлоқ, хулқ-атвор кейинчалик маҳаллада, меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида ривожланиб шахснинг онги ва қалбига сингиб боради. Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия ишлари ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Ўзбек оилаларида баркамол авлодни тарбиялашга бениҳоя катта эътибор қаратилган. Унда асрлар давомида шаклланиб келган миллий анъаналар, ота-оналар ва болаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳурмати, қариндошларнинг бир-бирига ёрдам қўлини чўзиши, оилавий покизалик талабларини сақланиши каби урф-одатлар ўсиб келаётган ёш авлод маънавияти ва ахлоқи учун негизга айланади, маиший-маданий турмушнинг асосий тушунчалари ва қоидалари халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари ва расм-русумлари мустаҳкам қўрғондагидек сақланиб қолади ва авлоддан авлодга етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурдилар ва мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этиши, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг шароит яратилганлиги,шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланиши. ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунчалик кучли бўлади". деган фикрлари ёшларимизни маънавиятини ривожланишига улкан шарт-шароитларни яратди. Бугунги кунда ушбу яратилган имкониятлардан фойдаланиб соғлом, ақлли, билимли, ташаббускор, фидоий ёшларни оила муҳитида тарбиялаш ҳам долзарб вазифага айланди.

Фикримизча барча амалга ошириладиган ишларни мақсад ва вазифалари аввалдан аниқланиб, бажариладиган ишлар белгилаб олинади. Ана шу мақсадга кўра оилада маънавий тарбиянинг ёритилиши, таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунимиз янгича тафаккур, маънавият мезони билан юз очаётган бир даврда ёш авлоднинг тарбиясини, маънавий баркамоллигини, тушунчасини бош масала деб қабул қилиш вазифасини қўяди. Шунинг учун "Халқимизнинг келажаги,-деб ёзади Ислом Каримов – энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиши эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавиятлилик ва маърифатлилик

---

[1] Каримов. И.А. Миллий истиқлол ғояси – халқимизнинг ишончи ва эътиқоди. Т.: "Ўқитувчи" 2004

халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди[1]". Ушбу фикрларидан келиб чиқиб, маънавий тарбия ишни аниқ мақсадга йўналтириш, унинг вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарурати бош мақсад ва вазифа қилиб қўйилади. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун оиладаги маънавий тарбияни шакллантиришнинг омилларини назарий ва амалий томонларини фикрлашни тақозо этади. Оилада соғлом муҳитни барпо қилишда маънавий тарбиянинг ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур бўлади. Бунда оиладаги ота-она ўрни беқиёсдир. Оилада ота-она обрўси миллий ғururни тарбиялашнинг асосидир. Баркамол авлоднинг дунёқараши, миллий мафкураси ва тафаккури ҳам оила шароитида шакллана боради. Ватан, миллат туйғуси, миллий ғурур боланинг оилага, энг яқин кишилари – ота-она, бобо-буви, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатидан, туғилиб ўсган қадрдон уйи ва яқин кишилари билан мулоқоти давомида қарор топади. Шунинг учун ҳам миллий ғояларимиз ва мафкурамизни ёшлар онги ва қалбига сингдириб боришда оиладаги соғлом маънавий-тарбиявий муҳитни аҳамияти каттадир.

Кўплаб оилаларнинг бола тарбиясидаги эришган тажрибалари таҳсинга сазовор. Шунга доир мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, ўсиб келаётган ўғил-қизлар ўз ота-оналаридан ўзлаштирган дунёқарашни ўз замонасиники билан уйғунлаштириб, ўз дунёқарашига айлантирадилар ва ҳаётий фаолиятни белгилаб оладилар. Бугунги кунда ўзбек оиласидаги маънавий муҳит фарзанд тарбиясидаги бош бўғинга айланиб бормоқда. Ана шу муҳитда тарбияланаётган ёш авлодни келажагимиз учун энг устувор вазифа деб тушунишликни тақазо этади. Ҳар томонлама етук авлодни ана шу руҳда тарбиялаш мақсад ва вазифа қилиб белгиланмоғи зарурдир.

Ушбу маънавий тарбиявий ишлар мазмун моҳиятини очиб беришда, уни тўлақонли ёритишда, таҳлил қилишда қуйидаги тамойилларга таяниш мақсадга мувофиқдир:

1. Оилада соғлом муҳитни таркиб топтириш.
2. Оилада миллий қадриятларга ва унинг ахлоқий кўринишларига таяниш.
3. Оиланинг таркибий тузилишида унинг тўлиқлиги ва муносабатларнинг ахлоқий асосларига эътибор бериш,
4. Оилада маънавий тарбияни йўлга қўйилганлиги ва унинг омилларини, фарзандлар маънавий дунёсини шакллантиришда ота-онанинг масъулиятини ошириш.
5. Оилада маънавий муҳитни шакллантиришда санъат ва маданиятнинг ўрнига эътибор бериш.
6. Ҳар бир оиланинг ўзига хос қадриятлар тизимини таркиб топтиришга ва уларнинг фарзандлар тарбиясига таъсирини ошириш.

Юқоридаги тамойилларга амал қилиш оиладаги маънавий тарбияни шакллантиришда, оила аъзолари маънавий дунёсини бойитишда, фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Оиладаги маънавий муҳит баркамол авлод тарбиясида ўз ўрнини топади ва фарзандлар тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Каримов. И.А. Миллий истиқлол ғояси – халқимизнинг ишончи ва эътиқоди. Т.: "Ўқитувчи" 2004
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: "Ўзбекистон" 1996
3. Фитрат А. "Оила ёки оила бошқариш тартиблари". Т.: "Маънавият" 1998


## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПСИХОЛОГИК КОНСУЛЬТАЦИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ


**З.Ж.АХМЕДОВА**

**Бухоро давлат университети психология кафедраси ўқитувчиси**

**Ф.Қаҳрамонов**

**Бухоро давлат университети Психология таълим йўналиши талабаси**


Инсон маънавиятини шакллантиришнинг энг мақбул маскани оиладир. Оила қайси миллатга мансуб бўлса, ўша халқнинг маънавиятини ўзида мужассамлаштириб, бир неча асрлик тарихга эга бўлган анъаналарни, маънавиятни авлоддан-авлодга етказади. Зеро, шахс маънавияти, унинг

[1] Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: "Ўзбекистон" 1996

дунёқараши, эътиқоди, ҳаётий тамойиллари, идеаллари, қадриятлари, кўникмалар мажмуи, асосан, оилада шаклланади. Қолаверса, шахс маънавияти оилавий мухит орқали авлоддан авлодга ўтадиган ҳаётий тажрибалар асосида шаклланади ҳамда алоҳида инсон шахсини инсониятнинг маданий ва тарихий тараққиёти билан боғлаб туради. Шу маънода, оила маънавият қўрғони ҳисобланиб, оила қайси миллатга тааллуқли бўлса, ўша миллатнинг маънавиятини ўзида акс эттиради. Оила омилининг илмий, фалсафий, педагогик, этнопсихологик тавсифи мамлакат-нинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланишини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Баркамол инсонни шакллантиришда оила ижтимоий институт сифатида бажарадиган ва-зифаларни бошқа бирон бир тузилма бажара олмайди. Шунинг учун, маънавий, ижтимоий-психологик жиҳатдан инсон учун оила биринчидан, яхши хулқ намуналарини топиб, уларни ўзлаштиришда ўзига хос ўрин тутади; иккинчидан, ёнатрофдагилар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида мулоқотга кириш йўлларини топиш учун имкон яратади; учинчидан, фарзандларни мустақил ҳаётга тайёрлашда турли мазмундаги ахборотларни жамлаб, ҳаёт тажрибаларини ўргатиш ўчоғи сифатида хизмат қилади.

Психологиянинг кўплаб соҳалари, масалан ижтимоий психология, оила психологияси, ёш даврлари психологиясининг асосий тадқиқот объекти оила бўлиб, улар оилавий қадриятларнинг таркиб топиши, оиладаги шахслараро муносабатлар шаклланишига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар, уларнинг оила мустаҳкамлигидаги тутган ўрни, ҳар бир ёш босқичида инсонга хос психологик хусусиятлар ва буларни оилавий ҳаёт шаклланишида ҳисобга олиш масалалари билан шуғулланиб келади.

Консультация ўзида касбга йўналтиришни ҳам, педагогик ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги кадрлар тайёрлашни ҳам, раҳбар ходимлар малакасини ошириш жараёнини ҳам ифодалаши мумкин. Лекин бизнингча, ҳозирги кунда психологик консультация ўзининг оила-вий ва шахсий муаммолари туфайли психологга мурожаат қилишга мажбур бўлаётган ин-сонларга нисбатан кўпроқ қўлланилмоқда. Бу соҳа ўз навбатида турли йўналишларни қамраб олган бўлиб, улар сирасига қуйидагилар киради:

- турмуш қуриш, умр йўлдоши танлаш борасида консультация бериш;
- эр-хотинлик муносабатлари юзасидан консультация ўтказиш;
- ёшларнинг янги ҳаёт тарзига мослашиш жараёнида психологик ёрдам бериш;
- оилавий ҳаётдаги турли хилдаги инқирозли даврларда психологик ёрдам бериш;
- ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва қайнона-қайнота, келин-куёв ва яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатлар юзасидан консультация ўтказиш;
- таркибида ногирон, имконияти чекланган аъзолар мавжуд бўлган оилаларга психологик консультация бериш.

Психологик консультация асосан шахслараро муносабатлар билан боғлиқ турли кўринишдаги психологик муаммоларга эга инсонлар қийинчилигини бартараф этишга йўналтирилган фаолият бўлиб, бунда таъсир кўрсатишнинг асосий усули сифатида маълум бир шаклда ташкил этилган суҳбат танланади. Психологик консультация энг аввало мижознинг бошқалар билан бўладиган шахслараро муносабатларини тубдан қайта ташкил этишига йў-налтирилган бўлади.

Бугунги кунда ҳаммада ҳам ҳаётий психологик билимларнинг етишмаслиги, қолаверса, урбанизация натижасида кузатиладиган бегоналашиш ҳолатларининг кенгайиши инсонларнинг малакали психологик хизматга бўлган эҳтиёжларини ўсишига сабаб бўлмоқда. Психологик консультациянинг бир қатор тамойиллари мавжуд бўлиб, психолог мутахассиснинг уларга риоя қилиши соҳага нисбатан одамларда ижобий, ишончга асосланган муносабатнинг шаклланишига сабаб бўлади. Шулардан биринчиси мижозга нисбатан хайрхоҳлик руҳидаги муносабат. Психологик ёрдам илинжида келган мижозга танқидий муносабатда бўлиш, ундаги ҳимоя механизмининг ишлай бошлашига, оқибатда мижоз ва консультант ўртасида психологик тўсиқлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Иккинчи тамойил – бу мижознинг шахсий қадриятлари ва меъёрларига йўналганлик тамойили. Психологик консультация жараёнида консультант умумижтимоий қонун-қоидалар, меъёрларга эмас, балки мижознинг ўз ҳаётий меъёрлари, қадриятларидан келиб чиққан ҳамда мижоз “Мен”ини ҳурмат қилган ҳолда иш олиб бориши мақсадга мувофиқ. Агар консультант мижозни тарбиялашга ҳаракат қила бошласа, мижоз беихтиёр суҳбатни очиқ ва самимий давом эттиришга қаршилик кўрсатиши, “менинг оилавий вазиятим бошқалар-никидан фарқ қилади”, “мен бошқача оилавий шароитда ўсганман”, “сиз мени тушунмаяпсиз” тарзида психолог фикрига

эътирозлар билдира бошлаши мумкин. Бу эса муаммонинг асл сабабини аниқлашга қаратилган консультатив суҳбатнинг мақсадига мутлақо зид ҳисобланади.

Инсонларнинг консультант хизматига мурожаат қилиш даражасининг ўсишига яна бир сабаб бўлиб ҳисобланувчи кейинги тамойил бу мутахассис томонидан махфийликнинг таъминланганлигидир. Чунки, инсон шахси ва ҳаётидаги камчилик, нуқсонлар, шахсига оид сирлар махфийлигининг таъминланганлиги ижтимоий-психологик комформлиликни таъминлайди. Р. Жорж ва Т. Кристиани [6] махфийликнинг икки даражасини фарқлайди. Би-ринчи даража мижоз ҳақидаги маълумотлардан касбий фаолиятда фойдаланишда маълум чегараларга амал қилишда намоён бўлади. Зеро, ҳар бир консультант мижоз ҳақидаги маълумотлардан фақатгина касб нуқтаи назардан, шахсини ошкор қилмасдан фойдаланишлари зарур. Консуьтантнинг бундай маълумотларни бошқа мақсадларда тарқатишга ҳаққи йўқ ва уларнинг ихтиёрсиз равишда тарқалиб кетмаслик чораларини кўриши лозим. Бундай ҳолларда мижоз ҳақидаги маълумотлардан унинг рухсати олинган тақдирда эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муаммоларни ечишда фойдаланиш мумкин.

Психологик консультациянинг яна бир асосий тамойили мижозни ўз муаммолари, шахслараро муносабатлар ва ўз ҳаётидаги қийинчиликларга турли нуқтаи назардан қарашга ўргатишдир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, психологик консультацияда асосий эътибор шахс омилига қаратилиши лозим. Лекин бу мижозга “фақат ўзини ўйлаш, эгоизм, эгоцен-тризмни тарғиб этиш керак” дегани эмас.

Мутахассисларнинг соҳага оид ғарб адабиётларидан тўғридан-тўғри, менталитетга мослаштиришларсиз фойдаланишлари ёки нотўғри тал-қин этишлари натижасида ушбу ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун эса психолог консультантдан ўз соҳаси бўйича миллий менталитетга йўғрилган катта билим ва тажриба, кенг дунёқараш, профессионализм талаб этилади. Кўпинча мижоз муаммоларининг асосий сабабчиси ўзи эканлигини англамайди ва шунинг учун хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини мақсадга мувофиқ тарзда назорат қилолмайди. Инсонга бундай ҳолларда таъсир кўрсатиш асосий шакли мижознинг бошқа кишиларга ва улар билан муомала-муносабатига нисбатан шаклланган установка, англанган ва англанмаган йўл-йўриқлари, майллар, стереотипларини ўзгартириш тарзида ифодалангани маъқул. Суҳбат давомида мижоз вазият, муаммоларини кенг қамровда баҳолаш имкониятига эга бўлиши лозим, акс ҳолда унинг ўзини қийнаётган масалалар бўйича адекват қарор қабул қила олиши қийин бўлади.

Психологга мурожаат қилаётган шахс кўпинча психология тўғрисида ҳар доим ҳам тўлиқ ва тўғри тасаввурга эга бўлавермайди ҳамда ўзига қандай ёрдам кераклигини, у қай шаклда берилиши лозимлигини тушунмайди. Баъзан, турмуш ўртоғи билан муносабатлар-да муаммоли вазиятларга тез-тез дуч келганлиги натижасида консультацияга мурожаат қилган мижоз мурожаатнинг асл сабабини ўзи ҳам англамаган бўлади, шахсий манфаатлар билан оилавий манфаатларни уйғунлаштира олмайди ва уларни рўёбга чиқаришда тўсиқларга учрайди. Бу каби мижозлар малакали консультант ёрдамига эҳтиёж сезади лекин, ай-нан қандай ёрдам керак эканлигини изоҳлаб бера олмайди. Шунинг учун ҳам биринчи уч-рашувда муаммонинг асл сабабаби нимада эканлигига ойдинлик киритиб олиш зарур.

Консультант амал қилиши лозим бўлган тамойиллардан яна бири бу маслаҳат беришдаги эҳтиёткорлик тамойили. Оилавий психологик консультация бўйича таниқли олимлардан Ю.Е. Алешина бу масалага жуда жиддий муносабатда бўлиб, маслаҳат беришни умуман ман этади. Ва бунга “бошқаларга кафолатлаган маслаҳат бериш мумкин эмас, чунки ҳар бир кишининг ҳаёти ўзига хос ва такрорланмас” [3] дея изоҳ беради. Консультация жараё-нида маслаҳат мижозни қўллаб қувватлаш, ҳамдардлик билдириш, мижоз онгида маънавий қарашларни фаоллаштириш мақсадларида берилиши мумкин ва у танқидий ифодага эга бўлмаслиги керак. Акс ҳолда мижоз ўзини ҳаётий вазиятларда компетентсиз деб ҳисоблай бошлайди ва бу унинг қатъий қарорга келишига халақит қилади.Оилавий муносабатлар юзасидан консультатив хизмат кўрсатишда консультация объектининг жинс, ёш хусусиятлари, миллий мансублиги каби жиҳатлар ҳисобга олиниши ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Оилага психологик ёрдам кўрсатишда санаб ўтилган жиҳатлар, тамойилларга мутахассис томонидан алоҳида эътибор қаратилиши ва амал қилиниши инсонларда соҳага бўлган онгли муносабатни шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида, соғлом жамият ривожи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, 2008.

2. Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзи. 1997 йил 5 декабрь.
3. Алешина Ю. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. М.: Класс, 2004.
4. Кочюнас Р. Основы психологического консультирования. М.: "Академический проект", 1999
5. American Psychological Association. Ethical principles of Psychologists // American Psychologist, 1990.
6. George R. L., Cristiani T. S. Counseling: Theory and Practice, 3rd Ed. Englewood Cliffs. N. J.: Prentice Hall, 1990.
7.Қодирова Д.М. Оилада вояга етмаган бололарнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлвнтириш. Психологияни ўқитишда замонавий инновацион ёндашув. Психологлар фаолиятини ташкил этишда илғор технологиялар. 2020й 215-218
8.Ахмедова З.Ж. Психической здоровье ребёнка и психологическая служба. "Психология XXI столетия" Том 2. Ярославл, 2019 С.39-42

## BUXORO XALQ RESPUBLIKASINING PEDAGOGIK XODIMLAR TAYYORLASH SOHASIDAGI ISLOHOTLARI

**M.M.Aslonov**
**Buxoro davlat universiteti "Pedagogika nazariyasiva va tarixi" mutaxassisligi magistranti**
*Tel:+998(91)4486338 mansurovich1981@gmail.com*

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada Buxoro Xalq Sovet Respublikasida xalq maorifi uchun kadrlar tayyorlash katta ahamiyatga ega ekanligi haqida fikr yuritilib, amirlik zamonida mavjud boʻlgan eskicha taʼlim tizimini tubdan isloh qilish, aholini yoppasiga savodli qilish masalasi, Muallif davriy nashrlarning materiallari asosida tanqidiy usul va qiyosiy tahlil orqali BXSR da 1920-1924 yillarda taʼlimning rivojlanish darajasini taʼkidlagan.
**Kalit soʻzlar**: Buxoro Xalq Respublikasi**,** madaniyat, xalq maorifi, taʼlim-tarbiya, oʻqituvchi, maorif noziri, Buxoro maorif uyi,

Oʻzbek milliy davlatchiligi tarixida 1920-1924 yillarda yashagan Buxoro Xalq Respublikasining oʻziga xos oʻrni bor. BXSR hukumati tashkil topgan dastlabki kunlardanoq taʼlim-tarbiya masalalariga jiddiy eʼtibor qaratdi. Respublikaning birinchi xalq maorifi noziri boʻlgan qori Yoʻldosh Poʻlatov (1890-1965, 1921-1922 yillar) 1920-yilning noyabr oyi 3-dekadasidayoq "Maktablar haqida umumiy qoida"larni ishlab chiqdi. Mazkur tarixiy hujjatda aholini yoppasiga savodxon qilish, barcha bolalarni tekin boshlangʻich oʻrta maktablarga jalb qilish oʻqish hamda oʻqitish ishlarini maʼnaviy tamoyillar mezonida yoʻlga qoʻyish qayd qilingandi. "Taʼlim-tarbiyada bolalarni soʻkmoq, urmoq, jazo bermoq bitirilib, oʻgit-nasihat tanbeh, oʻrnak koʻrsatish (ibrat namuna) usullari qoʻllaniladi: taʼlim axloqiy, faniy, siyosiy (mafkuraviy) ravishda boʻlib, har bir sinfdagi oʻquvchilar soni 30-35 kishi qilib belgilanadi"-deb yozilgandi "qoidalar"da.

Maktablar ochish masalaning birinchi jihati boʻlsa, ikkinchidan bolalarga ta'lim va tarbiya beradigan pedagogik xodimlar tayyorlash masalasi kun tartibidagi eng dolzarb masala edi.

Oʻqituvchi va murabbiylar muammosini hal qilish maqsadida maorif nozirlari boʻlib ishlashgan Qori Yoʻldosh Poʻlatov va A.Fitratlar Turkiston ASSR, ichki Rusiya (Rossiyaning Boshqirdiston va Tatariston Respublikalaridan) Kavkazdan (Ozarbyjon) muallim va muallimalarni Buxoroda ishlash uchun taklif etilgan. Pedagog xodimlar taklif etish jarayoni respublikaning 3-4- yillarida (1923-1924-yillar) ham davom etgan. Maorif noziri Q.Yoʻldosh Poʻlatov "Yoʻl xotiralari" nomli esdaliklarida 1923-yilning fevral oyida Moskva va Peterburg shaharlariga keta turib Kazalinskda tatarlashgan oʻzbek muallimalari bilan suhbat qilganligi va ularni Buxoroda ishlash uchun taklif etganligini yozadi.

Respublikada faoliyat olib boradigan 60 dan ortiq boshlangʻich va oʻrta umumtaʼlim maktablari, hamda 2 ta xotin-qizlar maktabini, 3 oylik savodsizlikni tugatish kurslarini muallim va muallimalar bilan taʼminlash imkoniyatlarini mamlkakatning ichidan qidirish kerak edi. Avvalo, amirlik davrida madrasalarda mudarrislik qilgan shaxslarni yangi usul maktablariga jalb qilish tajribasi qoʻllanildi. Lekin bu yetarli emas edi. 1920-yil oxirlarida maorif nozirligi muallimlar tayyorlash dorilmualliminini ochish taraddudini koʻra boshladi. Tokim, dorulmuallimin ochilib ishga tushgunga qadar oʻquvchilarga 3 oylik yozgi taʼtil berilib, savodi va saviyasi bir qadar darajada boʻlgan shaxslardan murabbiylar tayyorlangan.

1921-1922 oʻquv yilidan boshlab Buxoro shahrida birinchi dorulmuallimin (oʻqituvchilar bili yurti) ochilgan. Dorulmualliminda oʻqish muddati 2 yillik boʻlib, "ahzori" -sirtqi boʻlim ham mavjud edi.

Dorulmuallimin tayyorlov bo‘limiga qabul qilinadigan o‘quvchi-talabalar yoshi 15 dan kam, 22 yoshdan katta bo‘lmasligi shart qilib qo‘yilgan. “Dorulmualliminning ochilishi ilm va maorif yo‘lida birinchi odimdir. Buxoroning istiqboli va saodati uchun dorulmualliminning yashamog‘i lozimdur. Bunga hukumat ahamiyat berib, buning yashamog‘ini ta’min etish kerakdur”, -deb yoziladi “Buxoro axbori” gazetasida. Dorulmualliminda tahsil olish uchun BXSRning 10 ta viloyatidan yoshlar to‘plangan.

1921-1922 o‘quv yilida Yangi Chorjo‘y shahrida ikkinchi dorulmuallimin ham ish boshlaydi. “Yangi Chorjo‘yda sobiq amir hukumati tarafidan soling‘on “Nikolay” gimnaziyasi (Rossiya podshosi Nikolay II nomi bilan atalg‘on) o‘quv yurti binosida o‘tgan sana (1921-yil) dorulmuallimin ish boshlag‘on edi. Bunga maorif nazorati tomonidan “Fayzullo Xo‘ja” ismi berilib, ochilish marosimida hukumat boshliqlari qatnashdi”, -deyiladi xabarlarda.

Imtihonlar BXSR viloyatlarida odatda 15-iyundan keyin qabul qilingan. Xat-savod kurslarida may oyining birinchi o‘n kunligida imtihon olinib, kurslarni bitirganlarga guvohnoma berilgan. BXSR maktablaridagi imtihonlar bilan bog‘liq ma’lumotlarni tahlil qilish orqali shunday xulosaga kelish mumkinki, umumta’lim maktablarida sinfdan-sinfga o‘tkazish payti hamda dorulmualliminlarda bitirish imtihonlarini topshira olmaganlar qayta o‘qish uchun yuborilgan. Imtihonlarda ishtirok qilish uchun ota-onalar ham taklif qilingan. Imtihonlardan muvaffaqiyatli, yuqori baho bilan o‘tgan o‘quvchi va talabalar taqdirlangan.

O‘quv muassasalarini pedagog mutaxassislar bilan ta’minlash muammosi hamda turli kategoriyadagi o‘qituvchilarning moddiy ahvoli, ularning saviyasi zamon talablariga javob berishi darajasi bilan bog‘liq muammolar mavjud bo‘lgan. Bunday kamchiliklar, avvalo, o‘qituvchilar dars berayotgan binolar talabga mutlaqo javob bermasligi, ularni tegishli ko‘rgazmali qurollar, o‘quv asboblari bilan ta’minlanmaganligi, maktab va maorif muassasalari ayrim sobiq amir davri amaldorlarining uylarida joylashganligi, ya’ni torligi, ikkinchidan, o‘qituvchilarga to‘lanadigan maoshlarning oz miqdordaligi bilan bog‘liqdir.

O‘quv dargohlariga qo‘shni respublikalardan (Tatariston, Boshqirdiston, Turkiston ASSR) pedagog muallimlar ishlash uchun taklif qilingan. Biroq BXSR maorif tizimida faoliyat ko‘rsatgan ushbu vakillar noqulay tabiiy sharoit, moddiy ahvolning og‘irligi, maoshlarning o‘z vaqtida olmaslik, ayniqsa, respublikaning chekka viloyatlarida ularga nisbatan shaxsiy himoyaning yo‘qligi kabi sabablar tufayli o‘z vatanlariga qaytib ketishgan.

BXSR uchun mutaxassislarni tayyorlash uchun BKP Markaziy Qo‘mitasi va BXSR hukumati Ta’lim Nazirati oldida Moskvada Buxoro maorif uyini ochish zarurligi to‘g‘risida masala ko‘tarishdi.

Bu masalada Buxoro respublikasidagi vaziyatni yaxshi bilgan RKP (b) Markaziy Qo‘mitasining kotibi V.V.Kuybishev muhim rol o‘ynadi. Uning tashabbusi bilan RKP (b) Markaziy Qo‘mitasi Moskvada BNSR idorasida Buxoro respublikasi mehnatkash xalqining farzandlari uchun maktab tashkil etish to‘g‘risida farmon qabul qildi. 1923-yil 23-martda BXSR Xalq Nazirlari Kengashi Moskvada Buxoro maorif uyini tashkil etish to‘g‘risida qaror qabul qildi.

Yuqoridagi ma’lumotdan ko‘rinib turibdiki, o‘sha davrda madaniy-ma’rifiy muassasalarga, yangi korxonalarga, hatto viloyat va shaharlarga ham ayrim taniqli shaxslar hamda hukumat rahbarlarining nomini berish rasmi-odat bo‘lgan. Jumladan, Chorjo‘y dorulmualliminiga Fayzulla Xo‘jaev nomi berilgan bo‘lsa, 1922-yilda Buxoroda ochilgan birinchi xalq muzeyiga qori Yo‘ldosh Po‘latov nomi berilgan. qarshi viloyati va qarshi shahri esa jadid munavvarlarining yo‘lboshchisi Mahmudxo‘ja Behbudiy (1875-1919 yillar) nomi bilan atalgan. Dorulmuallimlarni bitirgan birinchi qaldirg‘och o‘qituvchilar ta’lim muassasalarida faol ish boshlaydilar. Ularga o‘z kasbiy mahoratlarini doimo oshirib borishlari, muallimlik sirlarini chuqurroq egallashlariga qiziqtirish uchun maosh to‘lashni kategoriya va daraja me’yorlari belgilanadi. “qoidalar”da: “Maktab xodimlariga 3 kategoriya 5 daraja orasinda moyana berulur, ya’ni 6 ming so‘mdan 8 ming so‘mga qadar.

Ma’lumki, Buxoro Respublikasidagi salkam besh millionli aholining yarmidan ortig‘i xotin-qizlar edi. Xotin-qizlar orasida savodsizlik darajasi kuchli bo‘lib, jamiyatdagi qoloqlik va qashshoqlikni bartaraf etish ularni savodxon bo‘lishiga ko‘p jihatdan bog‘liq edi. Hukumat: “Xotin-qizlarimizni ilm va maorif nurlari bilan nurlantirmak va ularni haqiqiy murabbiya etmak uchun tirishmak eng muhim vazifadur!”-deb hisoblardi.

Xotin-qizlar orasidan muallimalar tayyorlash uchun Buxoroda va Karkida 6 oylik maxsus kurslar tashkil etilgan. Bu kurslarni bitirgan ayol o‘qituvchilar respublikadagi 2-3 ta xotin-qizlar maktabida dars berishgan.

Buxoro Xalq Respublikasi hukumati 1923-yilda o‘z poytaxtida dorilfunun (universitet) ochish maqsadida xalqqa yordam so‘rab murojaat qilgan. Hatto, Fayzulla Xo‘jaev oltin dastali qilichini dorilfunun ochish uchun “iona va xayriya fondiga” topshirgan. Biroq dorilfununni ochish o‘sha davrda

katta mablag‘ni (150 mln.li oltin so‘mni) talab qilardi. To‘plangan xayriya jamg‘armalari 50 mln. oltin so‘mdan oshmagan.

Buxoro Xalq Respublikasining pedagogik xodimlar tayyorlash sohasidagi istiqbolli rejalari O‘rta Osiyoda o‘tkazilgan milliy davlat chegaralanishi tufayli ora yo‘lda qolib ketdi. Ammo bu sohadagi o‘sha davr tarixiy tajribasi izsiz ketmadi. Bugingi kunda umumiy o‘rta ta’lim maktablarida har bir sinfdagi o‘quvchilar soni, kategoriya va razryadlar bilan o‘qituvchilarga maosh to‘lash kabilar XX asr 20-yillari tarixiy tajribasining zamonaviy shakllari desak xato qilmaymiz.

**Adabiyotlar**

1. Nuridinov T. K. Dom prosvesheniya Buxarskoy Narodnoy Sovetskoy Respubliki v Moskve (ocherk istorii) // Nauchniy rezultat. Sotsialnie i gumanitarnie issledovaniya. – T. 5, № 3, 2019. S. 46-50

2.S.I.Inoyatov, K.F.Abdullaev. Материалы V Всероссийской научно-практической конференции, 30 октября 2018 г. БУХАРСКИЙ ДОМ ПРОСВЕЩЕНИЯ КАК ОСНОВА РАЗВИТИЯ ОБРАЗОВАНИЯ И КУЛТУРЫ В БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ И УЗБЕКИСТАН.

3.Hayitov Sh., Badriddinov S. Tatar ziyolilari Buxoroda //Jamiyat va boshqaruv.2007. № 3.-B.125-126..

4.Hayitov Sh., Badriddinov S., Rahmonov K. Buxoro Xalq Sovet Respublikasi: iqtisodiyot, ijtimoiy siyosat, madaniy hayot. -Buxoro: Buxoro, 2005.

5.O‘zbekiston Respublikasi Markaziy davlat arxivi (O‘zR MDA) 56-fond, 1-ro‘yxat, 28-ish, 13-varaq

6.“Fayzulla Xo‘ja” Dorulmuallimini //Buxoro axbori. 113-son. 1922-yil 30-oktyabr; Chorjo‘yda “Fayzulla Xo‘ja” Dorulmuallimining rasmiy ochilishi //Buxoro axbori. 116-son. 1922-yil 10-dekabr.

7. Buxoro axbori (Eski Buxoro) gazetasi. 1920-1923 yillar.

8. Ozod Buxoro (Yangi Buxoro) gazetasi. 1923-1930 yillar.

## БОРЬБА КУРАШ В КАК СРЕДСТВО НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ

**К.К.Кобилжонов**

**Преподаватель кафедры теории и практики физической культуры БухГУ**

Борьба кураш является одним из эффективных средств физического развития подростков-юношей, потому что занятия борьбой кураш формируют у спортсмена силу, ловкость, выносливость, быструю и правильную ответную реакцию на динамические раздражители, уменье ориентироваться в действиях противника, разгадывать его замыслы. Кроме того, эти занятия положительно влияют на физическое состояние и здоровье спортсмена: улучшают работу органов дыхания, кровообращения, активизируют обмен веществ, укрепляют нервную систему, способствуют гармоническому развитию тела.

Борьба кураш, при правильной организации занятий, является одним из средств нравственного воспитания подрастающего поколения. У курашистов формируются дисциплинированность, выдержка, уменье владеть собой в любой ситуации, сила воли, смелость, чувство долга, коллективизм. Кроме того, борьба кураш является для спортсмена своеобразным преддверием к олимпийским видам борьбы.

Климат Узбекистана позволяет заниматься борьбой кураш круглый год на открытом воздухе. Все указанные выше достоинства борьбы кураш позволяют включить ее в арсенал средств физического воспитания подростков и юношей в семье. На протяжении многих веков эта борьба использовалась узбекским народом как средство физического воспитания детей. Это добрая традиция сохранилась и развивается в наши дни. В Узбекистане накоплен определенный опыт семейного обучения подростков и юношей борьбе кураш. Не случайно в нашей республике есть династии курашистов. Борцовская честь семьи передается из поколения в поколение, как эстафета мужества и доблести. В Узбекистане, особенно в сельских местностях, многие родители используют национальную борьбу кураш как средство физического и нравственного воспитания детей.

Рассмотрим процесс обучения борьбе кураш в многодетных семьях. И здесь сразу возникают перед родителями вопросы: Когда проводить занятия? Какова их продолжительность?

Первый вопрос решается родителями в соответствии с общим режимом семьи и индивидуальным режимом каждого ребенка и занятия борьбой кураш должны разумно вписываться в этот режим. Наиболее удобно заниматься обучением борьбе кураш в воскресенье в первой половине, а в рабочие дни - во второй половине дня. В воскресенье и родители и дети свободны, поэтому этот день - наиболее плодотворный для спортивных занятий.

Занятия по борьбе кураш целесообразно проводить три раза в неделю: во вторник, пятницу и воскресенье. Этот распорядок можно изменить, но при любых вариантах необходимо, чтобы интервал между занятиями был в один - два дня. Продолжительность каждого занятия 1-2 часа, что зависит от возраста и физического состояния детей. Обучение борьбе кураш обычно сопровождается постепенным нарастанием силовых и динамических нагрузок.

Обучать детей борьбе кураш можно с 12-14 лет. Возраст этот переходный и характеризуется бурным и неравномерным развитием. Так, рост мышечных волокон отстает от роста трубчатых костей, однако быстрый рост костей сочетается с еще незавершившимся процессом окостенения. Поэтому при неблагоприятных условиях у подростков может искривиться позвоночник. В подростковом возрасте иногда наблюдаются нарушения ритма сердцебиения, перебои в работе сердца, потому что нервный аппарат сердца еще не справляется со своими функциями.

Все это надо учитывать, приобщая подростка к занятиям борьбой, и без заключения врачей о состоянии здоровья подростка нельзя приступать к занятиям борьбой.

При обучении подростков борьбе кураш в семье постепенно увеличивается время на тренировки, что связано с усложнением приемов и физических усилий.

Принцип постепенности лежит в основе ге только физической, но и психологической подготовки юных курашистов. Следует на первых порах проводить состязания в кругу семьи, а затем постепенно выводить юных борцов па более ответственные арены - школьные, городские (или сельские), районные и т. д. При обучении курашу в семье психологическая подготовка юных борцов должна включать также и тренировку в преодолении препятствий и неблагоприятных обстоятельств. И эта тренировка должна проводиться по принципу постепенного -нарастания трудностей, которые в условиях семьи надо создавать специально.

Разъясним это положение. Как известно, в борцовских состязаниях встречаются неприятные неожиданности: отсутствие места для разминки, неблагоприятные метеорологические условия, неудобное место схватки, неожиданная замена противника, ошибка в счете очков (баллов), травмы личные или противника и т. д. Перечислить все помехи, препятствия, неблагоприятные ситуации невозможно, но важно помнить, что в схватках и состязаниях они не только возможны, но и неизбежны. Именно поэтому к преодолению их надо готовить юных спортсменов постепенно и заранее.

Например, в семье Юсуповых глава семьи Турсун, обучая сыновей курашу, устраивал домашние состязания. Каждый из его участников знал, кто будет его противником. И вдруг отец перед самой схваткой менял партнеров в парах. Сыновья и не понимали, зачем это понадобилось отцу. Но Турсун Юсупов знал, что в состязаниях бывают такие неожиданности и к ним надо заранее готовить.

Тренировочные схватки он иногда проводил в ветреную или дождливую погоду, на не удобных для борьбы площадках. И эти специально создаваемые трудности психологически подготавливали сыновей к правильному восприятию трудностей и неожиданностей и к их преодолению. Разумеется, трудные и неожиданные ситуации надо вводить постепенно на тех этапах обучения, на которых юные спортсмены уже овладели основами техники и тактики кураша.

Здесь требуется разумное сочетание тренировочных занятий с всесторонней физической подготовкой. Некоторые родители считают, что подготовить курашиста в семье можно только путем обучения правилам и приемам борьбы кураш в сочетании с тренировками. Это мнение глубоко ошибочно. Настоящим борцом можно стать только тогда, когда человек всесторонне физически развит, вынослив, ловок, силен.

